А.ИСЛОМОВ, Э.ЭГАМОВ

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

А. ИСЛОМОВ, Э. ЭГАМОВ

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этган

307521
к
аск
307521
сойиз

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
2003

65.02
И 37

Тақризчилар: **Ш.Ш. Шодмонов**, иқтисод фанлари доктори, профессор
Т. Т. Жумақулов, иқтисод фанлари доктори, профессор

Муҳаррир: **К. Бўронов**

ISBN 5-640-01808-9

И $\frac{0605010404 - 61}{М 351 (04) 2002}$ 2003

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти, 2003 й.

КИРИШ

Иқтисодий таълимотлар тарихи иқтисодий фанлар тизимида алоҳида ўрин тутади. У иқтисодий назарияни тўлдириб, мустақил фан сифатида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда, уларнинг иқтисодий билим, малакасини оширишда катта роль ўйнайди.

Иқтисодий таълимотлар тарихи иқтисодий жараёнларга бўлган иқтисодий қарашлар эволюцияси, иқтисодий ғоя ва назарияларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Иқтисодий таълимотларнинг вужудга келиши ва ривожланиши таҳлили ёзув ихтиро этилган қулдорлик давридан бошлаб ижтимоий тараққиётнинг барча тарихий жараёнларини, барча тарихий даврларни ўз ичига олади.

Иқтисодий таълимотлар билан жамият иқтисодиёти бевосита боғлиқ. Жамиятнинг ривожланишида унинг роли жуда катта. Иқтисодий таълимотлар иқтисодиётда содир бўладиган жараёнларни пассив акс эттирмайди, балки уларга муайян таъсир кўрсатиш йўли билан ижтимоий ривожланишнинг тезлашишига ёки секинлашишига олиб келади. Ҳаммага маълумки, кўпчилик концепциялар (масалан, янги классик ёки кейнсчилик) давлатларнинг иқтисодий дастурлари асоси ҳисобланиб келинди.

Иқтисодий таълимотлар тарихий ривожланиш жараёнига мувофиқ тарзда ўрганилади. Шу билан бирга иқтисодий таълимотлар тарихи замонавийликка йўналтирилган. Бу кўриб чиқилаётган муаммоларнинг ҳозирги кундаги долзарблиги билан ифодаланади. Ўтган давр иқтисодий таълимотлари таҳлили эҳтиёжларни тўла қондира олмайди, қолаверса бундай таҳлиллар фақат тарихий жараёнларни ўрганиш учун амалга оширилмайди. Албатта, бугунги кунниинг долзарб муаммоларини тўла ҳал этишда ўтган давр иқтисодчиларидан тайёр жавоб топиш қийин, аммо ўтган донишмандларнинг фикр-мулоҳазалари ҳозирда ва кела-

жак тўғрисида тўғри хулоса чиқариш ва янги ғояларни яратиш учун имкон беради. Зеро тарихий тажриба шуниси билан ҳам қимматлидир. Тарихий ўтмишни билиш ҳозирги давр ибтидосини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Иқтисодий таълимотлар тарихи бўйича мазкур қўлланмада иқтисодий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ўрта аср давридаги иқтисодий фикрлар, айниқса Шарқ мусулмон дунёсидаги иқтисодий фикрлар кўпроқ кўриб чиқилди. Шунингдек, қўлланмада классик иқтисодий мактаб ва Ғарбий Европа иқтисодий фикрлари таҳлили кенг ўрин олди.

Ўрганилаётган мавзуларнинг моҳиятини яхшироқ тушуниш ва олган билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ҳар бир матндан кейин таянч сўз ва иборалар, қўлланма охирида эса тест саволлари берилди.

1-мавзу
ҚАДИМГИ ДУНЁДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

1.1. ҚАДИМГИ ШАРҚДАГИ ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАР

Кишилик жамиятининг дастлабки даврларидан бошлаб хўжалик юритиш тўғрисида у ёки бу кўринишдаги иқтисодий фикрлар амал қилиб келган. Лекин ўша пайтдаги иқтисодий фикрлар тўғрисидаги маълумотлар бизнинг даврримизга етиб келмаган. Чунки уларни авлодлардан авлодларга, асрлардан асрларга олиб ўтувчи восита — ёзув бўлмаган. Демак, иқтисодий фикрларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ёзув билан бевосита боғлиқ. Ёзув қачон пайдо бўлган? Ёзув бундан олти минг йил аввал, милоддан тўрт минг йил олдин ўша даврнинг маданият ўчоғи ҳисобланган Месопотамияда кашф қилинди. Қадимги грек тарихчилари ҳозирги Ироқдаги Дажла ва Фурот дарёларининг оралиғидаги жойларни "Месопотамия" деб атаган. Бу грекча сўз бўлиб, "икки дарё оралиғи" маъносини билдиради. Дажла ва Фурот дарёлари ҳозирги Туркия чегарасидан бошланиб шарқ томон оқиб Форс кўрфазига қуйилади. Бу икки дарё атрофидаги жойларнинг тупроғи унумдор, суви кўп бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жуда қўл келарди. Айни замонда икки дарё водийсининг жанубий қисмидаги асосий маҳаллий халқ сумерлар бўлиб, энг дастлабки ёзувни ўшалар яратган. Дастлабки ёзув кашф қилингандан кейин Миср ва Қадимги Шарқдаги халқлар ҳаёти тарих саҳифаларига муҳрлана борди. Демак, ўша даврдан, яъни Қадимги Дунё — қулдорлик давридан эътиборан дастлабки иқтисодий фикрлар шакллана бошлади.

Кўҳна Вавилония иқтисодий фикрлари

Қадимги Шарқда анча ривожланган давлатлардан бири Вавилония бўлган. Унда хусусий мулкчилик ва товар-пул

муносабатлари нисбатан тез ривожлана бошлади. Жамиятдаги кишилар борган сари кўпроқ товар айирбошлашга жалб қилинарди. Уларнинг баъзилари судхўрлар тўрига илиниб, хонавайрон бўлди ва қулларга айланди. Тўла ҳуқуқли бўлмаган (қарам) кишилар анча кўпайиб борди. Ҳарбийлар ва солиқ тўловчилардан ажралиб қолишга олиб келувчи бундай жараён давлатни заифлаштирган. Жамиятдаги эркин кишиларни судхўрлардан ҳимоя қилиш мақсадида (уларнинг мулкини ҳимоя қилиш, савдо, ижара ва бошқа шартларини қонуний равишда расмийлаштириш) хусусий, ҳуқуқий муносабатларни давлат томонидан тартибга солиш зарурати кучайди. Давлат бу вазифаларни қонунчилик йўли билан ҳал қилишга уринган. Бу борада иқтисодий фикрлар нуқтаи назаридан Эшнунн подшоҳи қонунлари (м.о. XX аср.) ва Хаммурапи қонунлари (м.о. XVIII аср) анча диққатга сазовор.

Эшнунн қонунлари матни асосий маҳсулотларга қатъий баҳо ўрнатишдан бошланади: "1 гур (ўлчов бирлиги, баъзи маълумотларда 300, баъзиларда эса — 252,6 л. тенг) арпа (сотилиши керак) 1 сикль (8,4г) кумушга ... 3 ка (1 ка 0,84 л. тенг) биринчи сортли ёғ (сотилиши керак) 1 сикль кумушга. 1 сут (5 л., баъзи маълумотларда — 8,4 л.) ва 2 ка кунжут ёғи (сотилиши керак) 1 сикль кумушга ..." ва ҳоказо. Биринчи параграфда арпа, ёғ, тери, туз, мис ва бошқаларнинг кумушдаги нархи ўрнатилган (маҳсулотлар шундай миқдорда олиниши керакки, уларнинг қиймати 1 сиклга тенг бўлсин); иккинчи параграфда ҳар хил турдаги ёғнинг арпадаги нархи кўрсатилган. Демак, асосий умумэквивалент арпа бўлган. Бунинг устига ушбу эквивалентлар ўртасида қатъий мувофиқлик ўрнатилган. Биринчи навбатда арпанинг кумушда ифодаланган нархининг кўрсатилиши тасодифий эмас. Қатъий нархнинг ўрнатилиши қонун тузувчиларга ёлланма ва ижара ҳақи даражасини, жарима миқдорини, фоиз нормасини, тарбия учун тўлов ва бошқаларни аниқлаш имконини беради. Йиллик фоиз нормаси кумушда 20 % ва донда 33 1/3 % ташкил этган. Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, Қадимги Мисрда ҳатто кейинги даврларда (м.о. X-VIII асрлар) судхўрлик фоиз нормаси тез-тез 100 %гача кўтари-

либ турган. Эски Вавилониядаги унча кўп бўлмаган фоиз нормаси давлатнинг нафақат мамлакат хўжалиги ҳаётига аралашувидан далолат беради, балки товар-пул муносабатларининг анча ривожланганлигини ҳам акс эттиради. Қадимги Миср иқтисодиёти Яқин Шарқдагига нисбатан анча натурал бўлган. Демак, подшо қонунлари товар-пул муносабатларининг ривожланишида ижобий роль ўйнаган.

Қадимги Вавилонияда Хаммурапи (м.о. 1792-1750 й.) подшолик қилган даврда тайёрланган қонунлар тўплами анча обрў қозонган.У нафақат бир қатор қадимги ҳуқуқ нормаларини қайта ишлаб чиққан, балки милоддан аввалги XVIII асрга қадар Қадимги Месопотамияда таркиб топган социал-иқтисодий муносабатларни ҳам тартибга солишга ҳаракат қилган.

Қонун матни кириш қисми, ҳозирги таснифлаш бўйича 282 моддани ўз ичига олган асосий қисм ва хулосадан иборат. Унда хўжалик ҳаётига оид иқтисодий фикрлар ҳам акс эттирилган. Шу нарса диққатга сазоворки, бир гуруҳ моддаларда Вавилон фуқароларининг мулкини ҳимоя қилиш, ижара, судхўрлик ва ишга ёллаш масалалари кўриб чиқилган.

Қонундаги асосий нарса Вавилон фуқароларининг мулкини ҳимоя қилиш ёки шундай шароит яратишдан иборатки, унда "кучлилар кучсизларни суриб чиқармасинлар". Бунда асосий эътибор сарой, ибодатхона мулкини ҳамда вавилонлик фуқаролар ва давлат хизматчиларининг, биринчи навбатда ҳарбийларнинг мулкини ҳимоя қилишга қаратилган. Хаммурапи қонунларида уларнинг улуши (ерлари) сотилиши ман этилади. "Сипоҳ ёки даромад тўловчига тегишли бўлган дала, уй, боғ,— дейилади қонунда,— кумушга сотилиши мумкин эмас". Бундан ташқари, қонунда ўз мамлакати ташқарисида қул сифатида сотиб олинган вавилонлик фуқаролар ўз ватанига қайтгач, эркинликка эришиши зикр этилган.

Қонунда судхўрлар зўравонлигига қарши қаратилган моддалар ҳам мавжуд. Ҳосил кам бўлган пайтларда қарзларни тўлаш муддатини бир йилга чўзишга рухсат берилган (қўшимча фоиз тўловисиз). Хаммурапи қонунларида

судхўрлар ўз ҳолича, қарздорларнинг рухсатисиз қарз эвазига уларнинг ҳосилини тортиб олиши ман этилган. Улар қатъий равишда пулдаги (20%) ва натурал шаклдаги (33 1/3 %) фоиз нормасини аниқ белгилаб берган.

Хаммурапи кодексида тутқунларга нисбатан ёмон муносабатда бўлгани учун судхўрларни ҳатто жазолаш (шу жумладан, қонуний йўл билан ҳам) кўзда тутилган. Судхўрликнинг кенг ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан бири қарздорлик учун қуллик муҳлатининг уч йил билан чекланишидир (тўртинчи йили унга эркинлик берилиши лозим бўлган). Бироқ судхўрликка қарши қонунчиликда изчиллик бўлмаган. Хусусан, қарздорни озод этишда уни ишлаб чиқариш ёки яшаш воситалари билан таъминлаш назарда тутилмаган. Ҳеч қандай воситаси бўлмагач, озод этилган қарздор яна қайта судхўрга мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Хаммурапи қонунларида ёлланма муносабатларни тартибга солишга катта эътибор берилган. Унинг жуда кўп турдаги шакллари кўриб чиқилган бўлиб, ҳатто ёлланма меҳнат учун тўлов миқдори ҳам аниқ қилиб кўрсатиб берилган.

Асосий мақсад ишлаб чиқаришни, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, меҳнатсиз даромад топишга қарши курашиш бўлган. Умуман, хусусий мулкчилик, шу жумладан ерга бўлган хусусий мулкчилик тан олинган. Бировнинг хусусий мулкига кўз олайтирган, унга зарар етказганлар иқтисодий жиҳатдан жазоланган.

Шундай қилиб, эски Вавилон подшолиги қонунларида давлат тартиблашининг ва аҳоли иқтисодий фаолиятини назорат қилишнинг турли шакллари кўзда тутилган. Улар реал иқтисодий жараёнларга, товар-пул муносабатларининг ривожланишига, фуқаролар мулкини ҳимоя қилишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди. Шу билан бирга бу қонунлар Осиёдаги бошқа мамлакатларда иқтисодий фикрларнинг ривожланишида катта роль ўйнади.

"Авесто"даги иқтисодий фикрлар

Энг мўътабар, қадимги қўлёзмамиз "Авесто"нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. "Авесто" айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Қадимги Марказий Осиё халқлари (аждодларимиз) миллоддан анча илгари ривож топган. Буни дунёдаги энг қадимий динлардан бири — Зардуштийлик динининг муқаддас китоби ҳисобланган "Авесто" ҳам исботлайди. Тарихий маълумотларда "Авесто" китобининг муаллифи Зардушт (м. о. 589-512 й.) бўлганлиги қайд этилади. У Марказий Осиё ҳудудида фаолият кўрсатган илоҳиятчи, файласуф, шоир ва табиатшунос олим бўлган.

"Авесто" бошидан охиригача ер юзида адолат қарор топиши учун кишиларнинг рангидан, тилидаги ва урф-одатларидаги фарқларидан қатъи назар уларнинг рўшнолиҳаёти учун курашувчи жасур, ҳалол, пок инсонларни шакллантириш ва тарбиялаш ғояси билан суғорилган. Унда халқларнинг қадимги даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятлари ўз аксини топган. "Авесто"да Ер думалоқ шаклда яратилганлиги, унинг атрофи океанлар билан ўралганлиги ҳақида ёзилган. Унда 16 мамлакатнинг номи кўрсатилган бўлиб, улардан тўққизтаси (масалан, Суғдиёна, Марғиёна, Нисоя, Гургон, Варана ва бошқалар) Марказий Осиё ҳудудида жойлашган.

"Авесто" шаклланиши даврида кишилик жамияти янада ривожлана борди. Кўчманчиликка асосланган Марказий Осиёда эски турмуш тарзи ўрнини ўтроқ яшаш эгаллай бошлади, суғориладиган деҳқончилик, чорвачилик, ҳунар-

мандчилик борган сари тараққий этди. Янги-янги шаҳарлар, обод қишлоқларнинг пайдо бўлиши ўтроқ яшаш турмуш тарзининг афзалликларини кўрсата борди. Ана шу турмуш тарзининг одамларга бениҳоя кулфатлар келтираётган кўчманчиликка асосланган турмуш тарзига нисбатан афзалликларини кўрсатиб беришда "Авесто"нинг аҳамияти каттадир.

"Авесто"да "... ерга яхши, соғлом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ..." деб, халқ хўжалиги соҳасида деҳқончиликнинг муҳим аҳамият касб этиши кўрсатиб берилади. "Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан, кимки ерга уруғ қадабдики, у одамийликка иймон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир", дейилади унда. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, уни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савобли ишлардан ҳисобланган. Асарда озиқ-овқат тайёрлаш, уй ҳайвонларини ва чорва молларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилган.

"Авесто"да ер, сув, ҳавони булғаш, ифлослантириш оғир гуноҳ ҳисобланади. Бундай ибратли тасдиқлаш бугунги авлодларни ҳам табиатга, атроф-муҳитга асло ваҳшиёна муносабатда бўлмасликка чорлайди.

Китобда ижтимоий-иқтисодий муаммолар акс эттирилган ҳолда шундай дейилади: "Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади... Ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади". Бу ерда биз соғлом авлод тўғрисида, иқтисодий ва маданий, маънавий юксалиш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида фикр юритилганлигини кўрамиз. Ўша даврда айтилган бундай фикрлар, аждодларимиз Қадимги Дунё маданиятида юқори ютуқларга эришганлигидан далолат беради.

Бу ноёб китобда патриархал уруғ жамоаси ҳақида, унинг тугатилиши даврида иқтисодий тенгсизлик, синфий табақаланиш ҳақида қимматли маълумотлар берилади. Демак, "Авесто" милоддан аввалги IX-VII асрлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий ҳаёти ҳақида ғоят муҳим маълумотлар берувчи бебаҳо обида, халқимизнинг меросий бойлигидир.

"Артхашастра" таълимоти

Қадимги Ҳиндистон хўжалиги, ижтимоий тузуми ва иқтисодий фикрларини ўрганишнинг асосий манбаи бўлиб "Артхашастра" асари (м.о. IV аср охири) ҳисобланади. Уни подшо Чандрагуптининг маслаҳатчиси Каутилья ёзган деб тахмин қилинади. Бу нодир асар 15 китобдан иборат бўлиб, "артха" сўзи — фойда, моддий манфаат, "шастра" — илм, илмий асар маъносини билдиради.

Биринчи китобда подшонинг турмуш тарзи тўғрисида кўрсатмалар берилган, иккинчиси турли давлат идораларининг раҳбарлари фаолиятига бағишланган, учинчи ва тўртинчисида суд ва жиноятчиларни жазолаш масалалари кўриб чиқилган, сўнгра ташқи сиёсат усуллари, махфий хизмат, армияни ташкил қилиш ва шу кабилар тўғрисида сўз юритилади.

"Артхашастра"нинг энг бошидаёқ подшо тўртта "илм-ни" билиши зарурлиги тўғрисида фикр юритилади. Унинг биттаси иқтисодиёт ҳисобланади. "Иқтисодиёт" деҳқончилик, чорвачилик ва савдо сифатида кўриб чиқилади. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги, энг аввало, деҳқончилик асосий соҳа ҳисобланган. "Артхашастра"да айтилишича, давлат янги минтақаларни ташкил этиш ва одамларни у ерларга ўрнаштириш ишларини амалга ошириши керак. Янги кўчиб келганларга ер солиқ тўлаш шарти билан шахсий фойдаланишга берилган. Деҳқон, ҳунарманд меҳнати ва савдо фаолияти давлат учун бойлик яратади. Шунинг учун давлатнинг сиёсати ерни эмас, балки одамларни ҳимоя қилиши керак. "Давлатнинг кучи, — дейилади асарда,— одамлардан ташкил топган. Одам яшамайдиган ер эса, наслсиз сигирга ўхшайди — ундан на сут соғиб олиб бўлади".

"Артхашастра"да давлатнинг манфаатини кўзлаган ҳолда, хўжаликни яхши ташкил қилишга алоҳида эътибор берилади. Ким ўз ерини ишлатмаса ёки ёмон ишласа унинг ерини тортиб олиш ва яхши ишлайдиган хўжайинларга бериш тавсия этилади.

Давлат бозор баҳосини тартибга солиб туришнинг чора-тадбирларини кўриб чиқиши лозим. Баҳонинг мавсумга

қараб тебраниб туришини бартараф этиш учун, давлатнинг керак пайтда муомалага чиқарадиган товар захираси бўлиши керак. Бу билан товарлар баҳоси барқарорлигини таъминлашга эришилади.

"Артхашастра"да ирригация ишларини яхшилаш ҳам назарда тутилган. "Суғориш системаларини қуриш, — дейилади унда,— ҳосилнинг манбаи ҳисобланади..." Суғориш системасига етказилган ҳар қандай зарар учун оғир жазо, ҳатто ўлимга маҳкум этиш тавсия этилади.

"Артхашастра"да давлатнинг молия муаммоларини ечишга катта аҳамият берилади. Давлатнинг даромадлари давлат хўжаликлари фойдасидан, ҳар турли солиқ ва бож тўловларидан ташкил топган. Харажатлар қисмига келсак, давлат саноатни, савдони ривожлантиришга, жамоа ишларига маблағ ажратиб келган. Давлат хўжалиги ва солиқ тизими билан боғлиқ бўлган молия идораларининг тўғри ишлаши учун, "Артхашастра"да айтилишича, даромад ва харажатларнинг қатъий ҳисоб-китоб ҳужжатлари олиб борилиши зарур. Подшо хазинани ўғирловчи амалдорларни йўқ қилиши керак. "Артхашастра" хазина мулкини ўғирлашнинг 40 хил усулини кўрсатиб беради ва айёр амалдорнинг ҳийласини билишдан кўра, осмондаги қушнинг йўлини аниқлаш осонлигини қайд қилиб ўтади. "Сувда сузиб юрган балиқ, ўша сувдан ичаяптими, йўқми — билиб бўлмаганидек, ишга биркитилган амалдор мулкни ўзлаштираяптими, йўқми — аниқлаб бўлмайди", дейилади асарда. Шу боисдан суиистеъмол қилишнинг ҳар хил усулларини ўрганиб олмасидан аввал амалдорларни тез-тез ўзгартириб туриш тавсия этилади.

Иқтисодий сиёсат соҳасида "Артхашастра", подшони ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга, нарх-навони тартиблашга, давлат бюджети актив балансини сақлашга — "даромадларни кўпайтириш ва харажатларни камайтиришга" даъват этади. Қадимги Ҳиндистоннинг бу машҳур ёзма ёдгорлигида нафақат ижтимоий ривожланишнинг анча юқори даражаси, балки Қадимги Ҳиндистон иқтисодий фикрларининг характерли белгилари ҳам кўрсатиб берилди.

Қадимги Хитой иқтисодий ғоялари

Қадимги Хитой мутафаккирлари ичида Конфуций (м.о. 551-479 й.) алоҳида ўрин тутади. Конфуцийнинг фикрлари унинг шогирдлари ёзиб қолдирган "Лунь Юй" ("Суҳбат ва мулоҳазалар") тўпламида акс эттирилган. Унинг фикрича, меҳнат ҳам кишиларнинг, ҳам давлатнинг бойлигини кўпайтиради. Конфуций "буюк жамоа мулки" (деҳқонлар жамоаси мулки) ва хусусий эгалик (қулдорлар мулки)ни фарқлайди, иккинчисини кўпроқ қўллайди. Бу ерда у хусусий мулкни хўжалик юритишда устун қўяди. Конфуций ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат фарқини кўрсатиб, ақлий меҳнат билан "юқори" табақали кишилар, жисмоний меҳнат билан эса, асосий қисми қуллардан иборат бўлган "оддий" кишилар шуғулланади, деб қайд қилиб ўтади.

Конфуций таълимотига кўра, билимдон ҳукмдор — у "халқнинг отаси", "тўғри амал қилишнинг" ва бойликни анча текис тақсимлашнинг кафолати. Унинг тасдиқлашича, Худо ва табиат томонидан жамият тоифаларга ажратилган, аммо шу билан бирга у ҳар бир одамни маънавий юксалишга даъват этган, катталарга бўлган ҳурмат қоидалари тўғрисида, фарзандлик бурчи тўғрисида, акаукалар ўртасидаги дўстлик тўғрисида қимматли фикрларни илгари сурган. Конфуций таълимотидан шу нарсани кўриш мумкинки, агар тартибга солинган патриархал муносабатларда усталик билан хўжалик юритилса, "халқда ҳамма нарса муҳайё бўлади".

Хитойда милоддан олдинги IV-III асрларда муаллифлар биргалигида ёзилган асар — "Гуань-цзи" ғоялари кенг тарқалган. Бу асарда илгари сурилган баъзи масалалар, гарчи улар зиддиятли бўлса-да, бугунги кунда ҳам диққатга сазовор. Масалан, асарда олтин ва марварид алоҳида бойлик сифатида қаралмайди; бундай бойлик деб, энг аввало, моддий неъматлар (товар) эътироф этилади. Асарда кўрсатилишича, бир томондан, "олтин давлат ресурсларини ҳисоблаш ўлчови ҳисобланади", иккинчи томондан, у "халқ оммаси учун муомала воситаси бўлиб хизмат қилади". Асарда барқарор иқтисодий ривожланишнинг зарурлиги тўғрисида аниқ фикр юритилади ва қаерда нонинг

нархи тартибга солиб турилса, ўша ерда тинчлик, осойишталик бўлади, деб қайд этилади. Иқтисодиётни тартибга солиб туриш учун асар муаллифлари давлатнинг дон захираларини ташкил этишни, ер эгаларига имтиёзли кредит беришни, темир ва тузга бўлган тўғри солиқларни эгри солиқлар билан алмаштиришни, яъни улардан фойдаланиб ишлаб чиқариладиган товарларга бўлган солиқни кенгайтиришни тавсия этадилар. "Гуань-цзи" муаллифлари "давлатни бой, халқни мамнун" ҳолда кўришни хоҳлаганлар. Асарда ер ва сувларни давлат ихтиёрига ўтказиш, улардан даромад олиш йўлида фойдаланиш, баҳоларни тартибга солиш каби ҳозирги кунда ҳам эътиборга молик иқтисодий ғоялар илгари сурилган.

1.2. АНТИК ДУНЁДАГИ ИҚТИСОДИЙ ФИКРЛАР

Қадимги Греция: Ксенофонт ва Платон иқтисодий қарашлари

Иқтисодий фикрлар қадимги Грецияда яна ҳам ривожлантирилди. Ксенофонт, Платон, Аристотель асарларида иқтисодий муаммолар махсус тадқиқот объектига айланди. Буни Сократнинг шогирди, Платоннинг замондоши Ксенофонт (м.о. 430-355 й.) асарларида яққол кўриш мумкин. Унинг кўп сонли асарлари ичида "Даромадлар тўғрисида" ва "Экономикос" (хўжалик тўғрисида таълим) махсус иқтисодий асарлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ксенофонт "Даромадлар тўғрисида" асарида Афина давлатининг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиб, уни яхшилашнинг уч йўлини тавсия этади:

1)хорижий кишилардан олинадиган солиқни кўпайтириш, уларнинг Афинага келишини рағбатлантириш;

2)кумуш қазиб олишни кенгайтириш;

3)қуллар савдосини ташкил этиш.

"Экономикос" асарида ҳамда Ксенофонтнинг алоҳида мулоҳазаларида қулдорлик хўжалиги иқтисодиётига тавсифнома берилади.

Ксенофонт қишлоқ хўжалигини халқ хўжалигининг энг асосий тармоғи деб ҳисоблаган. "Қишлоқ хўжалиги ривожланса, — деб ёзади у, — бошқа фаолият турлари ҳам

ривожланади. Агар деҳқончилик ривожи пасайса, у ҳолда унинг билан бирга сув ва қуруқликдаги барча бошқа саноат фаолияти тармоқлари ҳам барбод бўлади".

Ксенофонт иқтисодий фикрлар тарихига биринчилардан бўлиб меҳнат тақсимотини таҳлил қилган олим сифатида кириб келди. У ўзининг "Киропедия" асарида шундай ёзади: "Кичкина шаҳарларда битта устанинг ўзи ётоқ жой, эшик, плуг, стол ясайди, кўпинча ўша одамнинг ўзи уй ҳам қуради... Албатта, бундай ҳар хил ҳунар билан шуғулланувчи одам ҳаммасини бир хилда яхши тайёрлаши мумкин эмас. Аксинча, йирик шаҳарларда ҳар бир буюмга кўпчиликнинг эҳтиёж сезиши туфайли ҳар бир устага ўзини боқиш учун битта ҳунар етарли. Кўп жойларда ўша ҳунарнинг ҳатто бир қисми ҳам кифоя: масалан, бир уста эркакларнинг оёқ-кийимини тикади, бошқаси эса — хотинларнинг. Баъзида эса одам фақат пойафзал учун ярим маҳсулот тайёрлаб, бошқаси — чарм кесиб, учинчи бири бичиб бериб, тўртинчиси эса — уларнинг ҳаммасини бирлаштириб тикиб ҳаёт кечириш учун ҳақ топади. Ўз-ўзидан маълумки, ким муайян чекланган иш тури билан шуғулланса, ўша уни энг яхши қилиб бажаришга қодир".

Ҳар қандай товарнинг икки ёқлама хусусиятини, яъни унинг фойдалилигини ва алмашув қобилиятини биринчилардан бўлиб тушунган ҳам Ксенофонт ҳисобланади. Бундан ташқари, натурал-хўжалик концепцияси тарафдори ва шунга кўра судхўрликка қарши бўлганига қарамай, у пулнинг зарурлиги ва фойдалилигини тан олган ва унга хос бўлган муомала воситаси ва жамғариш воситаси функцияларини кўрсатиб берган.

Натурал-хўжалик концепцияси грек мутафаккири Платоннинг (м.о. 427-347 й.) иқтисодий қарашлари учун ҳам характерли бўлган. Бу унинг "Давлат" ва "Қонунлар" асарларида ўз аксини топган. Биринчисида идеал давлат тузуми лойиҳаси шакллантирилган бўлса, иккинчисида реал ҳақиқатга анча яқин давлат тасвирланган. Платон "Давлат" асарида идеал ижтимоий тузум назариясини яратиб, иқтисодий таълимотлар тарихига катта ҳисса қўшди. Мазкур асарда ижтимоий манфаатларни ҳимоя қилишда оқсуякларнинг ролига юқори баҳо берилади, негаки файласуфларни ўз таркибига киритувчи бу тоифа бошқа бир

тоифа — ҳарбийлар (армия) билан бирга, давлатнинг бошқарув аппаратини ташкил этгач, олимнинг фикрига кўра, бутун жамиятни бошқаради. Бунда файласуфлар ҳам, ҳарбийлар ҳам ҳеч қандай мулкка эгалик қилмайдилар (давлат манфаатлари йўлида чалғиб кетмаслик учун); уларнинг моддий таъминотини текисчилик принципи асосида давлат ўз зиммасига олади. Барча хўжалик ишлари, шу жумладан мулкка эгалик қилиш, уни тасарруф этиш идеал давлатдаги учинчи тоифа ҳисобланган ер эгалари, савдогарлар ва ҳунармандлар зиммасига юкланади. Эркин фуқаролар мулки сифатида бўлган қуллар "Давлат" муаллифи томонидан ҳеч бир тоифага киритилмади.

"Қонунлар" асарида Платон бошқа бир лойиҳани тавсия этади ва унда давлат таъминотида бўлган, яъни юқори тоифали "фуқароларнинг" моддий таъминоти тўғрисидаги олдин илгари сурилган ғоялар ривожлантирилган. Бу ерда файласуф текисчилик принципидаги жамият тузилишининг айрим социал-иқтисодий элементларининг тавсифини бошқалардан олдин кўра билган. Хусусан, барча фуқаролар, Платон фикрича, идеал давлатда (қуръа бўйича) уй-жой, ер олишлари мумкин. Бунинг устига ер фақат унга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи билан (яъни тўла бўлмаган мулк ҳуқуқи) берилган бўлса ҳам, уни олган киши кейинчалик болаларининг бирига айнан шу шарт билан мерос қолдириш имкониятига эга бўлган. Фуқаролар умумий мулкининг қиммати тўрт мартадан кўп фарқ қилмаслиги керак.

Платоннинг ҳар иккала лойиҳасида ўхшашлик мавжуд: давлатни бошқарув аппарати (биринчи лойиҳада) ва фуқаролар (иккинчи лойиҳада) олтин ва кумушга эга бўлишлари ва судхўрлик билан шуғулланишлари мумкин эмас. У худди Ксенофонтга ўхшаб, деҳқончиликни иқтисодиётдаги асосий тармоқ деб ҳисоблади, ҳунармандчилик ва савдони жамиятда унча эътиборли бўлмаган машғулотлар турига киритди.

Антик иқтисодий фикрлар тарихида Платон биринчилардан бўлиб баҳонинг асоси ва даражаси тўғрисидаги саволни ўртага ташлади. Унинг фикрича, баҳо давлат ҳокимияти томондан тартибга солиниб турилиши керак, бундан ташқари, асос қилиб шундай баҳо олиниши керакки, у ўртача фойда олишни таъминласин.

Аристотелнинг иқтисодий қарашлари

Антик дунёдаги иқтисодий қарашларнинг йирик намояндаларидан бири Аристотель (м. о. 384-322 й.) ҳисобланади. Ўз мамлакатида шаклланган натурал-хўжалик муносабатларини ҳимоя қилган бу қадимги грек мутафаккири бошқа замондошларига қараганда иқтисодий муаммоларга чуқурроқ кириб боришга муваффақ бўлган. Унинг иқтисодий масалалар бўйича фикр юритган асосий асарлари "Никомахов этикаси" ва "Сиёсат" ҳисобланади. Бу ерда Аристотель, худди Платонга ўхшаб, идеал давлат лойиҳасини илгари суради. Аристотель лойиҳасининг ўзига хослиги шундан иборатки, унда хўжалик ва кишилар фаолиятининг барча турлари (хоҳ у эркин фуқаролар бажарадиган бошқарув-назорат функцияси бўлсин, ёки ер эгалари, чорвадор, ҳунармандлар, савдогарлар бўлсин) ҳар бир тоифа яшаш воситаларидан фойдаланиши ва бойлик топиши нуқтаи назаридан таҳлил қилинади. Шу ерда Аристотель бойлик топиш ва эҳтиёжларни қондириш усуллари тўғрисида фикр юритиб, иқтисодиёт (экономика) ва хрематистика тушунчалари фарқини ажратиб кўрсатиб беради.

Экономика, Аристотель тушунчаси бўйича — бу, энг аввало, деҳқончиликдаги кишиларнинг ҳамда ҳунармандчилик ва майда савдо билан банд бўлганларнинг асосий ва шарафли фаолиятидир. Унинг мақсади — инсоннинг энг муҳим эҳтиёжларини қондириш ҳисобланади ва шунинг учун унга давлат ғамхўрлик қилиши керак.

Хрематистика — бу йирик савдо йўли билан бойлик орттириш маҳоратидир. Аристотелнинг қайд қилиб ўтишича, бундай бойлик орттириш мақсадига эришишнинг чеки бўлмайди. Бундай мақсад — бойлик ва пул топишдир. (Шу боисдан унинг чегараси йўқ). Экономикадан фарқли равишда, хрематистика зарур ҳисобланмайди ва табиат қонунларига зид деб кўрсатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Аристотелнинг хитоб қилишича, "экономика мақтовга сазовор", хрематистика эса — "танбеҳга".

Қадимги грек мутафаккирининг экономика ва хрематистикага бўлган бундай муносабати унинг натурал-хўжалик тарафдори бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди.

307521

Аристотель ўзининг экономика ва хрематистика концепцияси доирасида қулдорлик давлати тузилишини идеаллаштириб, хўжалик ҳаётининг энг муҳим элементларини сунъий равишда "соддалаштирди". Масалан, Аристотель фикрича, "ҳақиқатан ҳам нарсалар шу қадар турли-туманки, уларни тенглаштириб (таққослаб) бўлмайди". Шунга кўра хулоса қилинади: "5 қўндоқ = 1 уйга", чунки уларни таққослаш фақат пул туфайли амалга оширилиши мумкин. "Кундалик ҳаётда"ги анча қулай товар сифатидаги пулнинг ўзи эса, олимнинг фикрича, стихияли равишда эмас, балки одамлар ўртасидаги келишув натижасида келиб чиққан ва уни (пулни) "истеъмолга яроқсиз" қилиб қўйиш "бизнинг ихтиёримизда".

Аристотелнинг экономика ва хрематистика концепцияси "камчилигига" айирбошлашнинг икки ёқлама тавсифини ҳам киритиш мумкин. Бу ерда гап шундан иборатки, бир жойда айирбошлашга эҳтиёжни қондиришда асосий акт сифатида қаралади ва товарнинг истеъмол қийматини иқтисодиёт соҳасининг категорияси сифатида талқин қилиш имконини беради, иккинчи бир жойда — аксинча, айирбошлашга бойлик орттириш сифатида қаралади ва товарнинг алмашув қийматини хрематистика соҳасининг категорияси дейишга асос бўла олади.

Ниҳоят, шу концепция нуқтаи назаридан Аристотель савдо шакллари эволюцияси босқичларини ва пул муомаласини бир ёқлама таҳлил қилиб, ўзининг йирик савдога ва ссуда операциясига салбий муносабатда эканлигини намоён этди. Хусусан, тўғридан-тўғри товар айирбошлаш ва пул воситаси орқали товар айирбошлаш каби савдонинг дастлабки шаклларини у экономика соҳасига киритади, савдо капиталининг ҳаракатини эса, яъни товар айирбошлаш жараёнида дастлабки авансланган пулнинг кўпайишини хрематистика соҳасига киритади. Худди шунга ўхшаш, Аристотель пул муомаласи шаклини тадқиқ этиб, пулнинг қиймат ўлчови ва муомала воситасини акс эттиришини — экономика соҳасига, пулнинг фойдани кўпайтириш воситаси сифатида ишлатилишини эса хрематистика соҳасига киритади.

Қадимги Римдаги иқтисодий қарашлар

Римнинг йирик сиёсий арбоби ва ёзувчиси Марк Порций Катон (м.о. 234-149 й.) ўзининг "Деҳқончилик тўғрисида" асарида қишлоқ хўжалигини халқ хўжалигидаги асосий тармоқ деб ҳисоблайди. Катон деҳқончиликни ташкил этишнинг энг қулай усулини қўллашга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишни ташкил этишга катта эътибор берди. У фақат ортиқча маҳсулотни сотиш, хўжаликда ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган нарсаларни эса сотиб олиш зарурлиги тўғрисида фикр юритди. Энг фойдали маҳсулот деб олиф ёғини ҳисоблаган. Катон савдогарлар ва судхўрлар фаолиятига салбий муносабатда бўлган.

Катон товар қийматидан ортиқчасини фойда деб билган ва қийматни тўла равишда ишлаб чиқариш харажатларига киритган. Масалан, унингча, барча "қиймат ўзагини" материал сарфлари, уста ва ёрдамчиларга тўланадиган ҳақ ташкил этади.

Атоқли Рим адиби ва олим Марк Теренций Варрон (м.о. 116-27 й.) халқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачиликни асосий тармоқ ҳисоблади. У "Қишлоқ хўжалиги тўғрисида" деган асарида ўзининг иқтисодий қарашларини баён этди. У чорвачиликка катта эътибор бериб, бозор шароитида уни энг фойдали тармоқ деб билди. Бундай хулоса қилишнинг асосий сабаби шундаки, ўша даврда Италияда дон арзон бўлган, чунки у чет ўлкалардан анча кўп миқдорда олиб келинар эди, чорвачилик даромади эса юқори бўлган. Шу билан бирга Варрон ҳар бир хўжаликнинг ўзини ўзи таъминлаши тарафдори бўлган, бозор учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга эса унча эътибор бермаган. Бундан иқтисодий тараққиётда бозорнинг ролини Варрон яхши тушунмаганини кўриш мумкин.

Рим ёзувчиси Юний Модерат Колумелла (м.1-аср.) "Қишлоқ хўжалиги тўғрисида" деган китобида инқироз ва колонатнинг (йирик ер эгалари билан бевосита ишлаб чиқарувчилар — колонлар ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари шакли) ривожланиши давридаги Рим қишлоқ хўжалигига тавсиф беради. Унинг фикрича, қуллар ерни яхши ишлатмайдилар, ердан юқори ҳосил олиш

учун қайғурмайдилар. Колумелла уруғни сепишдан бошлаб то ҳосилни йиғиб олишгача бўлган даврда қуллар исрофгарчилик қилишини, яхши ишламаслигини, ўғрилик қилишини ва пировард натижада донни қабул қилишда унинг миқдорини ҳисоб дафтарида нотўғри кўрсатишини айтиб берди. У қуллар меҳнатидан кўра эркин майда ишлаб чиқарувчилар меҳнатининг афзаллигини исботлаб берди. Қулларнинг имкон борича ерни ишламасликка интилишини кўрган Колумелла, бундай ерларни эркин колонларга бўлиб бериш, майда товар ишлаб чиқаришга ўтиш зарурлиги тўғрисида фикр юритади. Бундай фикр Колумелланинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларини нисбатан тўғри тушунганлигидан далолат беради.

Республика давридаги Қадимги Римнинг жиддий иқтисодий муаммоларидан бири ерга бўлган мулкчиликнинг оқсуяк патрицийлар қўлида тўплануви ва италиялик кўпчилик деҳқонларнинг ердан маҳрум бўлиши ҳисобланади. Хонавайрон бўлган майда деҳқонларни ака-ука Тиберий (м.о. 163-132 й.) ва Гай (м.о. 153-121 й.) Гракхлар ҳимоя қилиб чиқишди. Патрицийларнинг ер мулкини чеклаш ва аграр масалаларини ечиш мақсадида Тиберий Гракх (м.о. 133 й.) қонун қабул қилишни таклиф қилиб чиқди. Бу қонунга мувофиқ римлик фуқароларга давлатнинг ҳайдаладиган еридан 500 югер (125 гектар)гача ижарага олиш рухсат этилган. Бундан ташқари, бир оила 1000 югердан ошиқ ерга эгалик қилиши ман этилган. Барча ортиқча ерлар давлат ихтиёрида бўлган ва ерга муҳтожларга авлодларига қолдириш ва унча кўп бўлмаган солиқ тўлаш шарти билан 30 югердан бўлиб берилган.

Тиберий Гракхнинг аграр лойиҳаси қисман амалга оширилди ва натижада ўн минглаб деҳқонлар ер олишга муваффақ бўлдилар. Тиберий Гракх атайлаб ўлдирилгандан кейин унинг ишини укаси Гай Гракх давом эттирди. Деҳқонларга ер бериш қайтадан бошланди ҳамда шаҳарлик камбағалларга давлат хазинасидан паст баҳода дон сотиш тўғрисида қонун қабул қилинди. Гракхларнинг ислоҳоти майда деҳқон ер эгалиги мавқеини кучайтириш ва аҳоли камбағаллашувининг олдини олишга қаратилган эди. Ислоҳот анча муваффақиятли бўлди ва ҳатто Гай Гракх ўли-

мидан кейин ҳам консерваторлар муҳтожларни ер билан таъминлаш тўғрисидаги қонунни бекор қила олмадилар.

Марк Туллий Цицерон (м.о.106-43 й.) — таниқли давлат арбоби ва машҳур нотиқ. У яшаган даврда давлат анча марказлашган бўлиб, савдо-сотиқ ривожланди, судхўрлик бойлик манбаига айланди. Қадимги Греция иқтисодий фикрларидан фарқли равишда, Цицерон йирик савдони қўллаб-қувватлади, майда савдони эса менсимади. Цицероннинг судхўрликка бўлган муносабати зиддиятли бўлган. Бир жойда судхўрликни маъқулласа, иккинчи бир жойда уни қоралайди. Цицероннинг савдо ва судхўрликка бўлган қарашларида Қадимги Рим иқтисодиётидаги натурал ва товар хўжалиги ўртасидаги зиддият ўз аксини топган.

Цицерон хусусий мулкчилик, йирик ер эгалиги ва мустамлакаларда эксплуатацияни кучайтириш тарафдори бўлган. Анча самарали иш тури деб деҳқончиликни ҳисоблаган. У бозорни товар билан таъминлашда муҳим роль ўйнаган.

Таянч сўз ва иборалар:

—Месопотамия;
—Эшнунн қонунлари;
—натурал-хўжалик муносабатлари;
—"Артхашастра";
—меҳнат тақсимоти;
—"идеал давлат";
—хрематистика.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Аристотель. Соч. в 4-х. т. М.: Мысль, 1975-83.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Шарқ, 1998.

Артхашастра, или Наука политики. М-Л.: Издательство АН СССР, 1959.

Всемирная История Экономической Мысли. М.: Мысль, 1987. 1 т.

Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: Фан, 1997.

Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М.: "ДЕЛО", "ВИТА-ПРЕСС", 1996.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС", 1997.

Ядгаров Я.С. История экономических учений. М.: ИНФРА-М, 1999.

Хрестоматия по истории Древнего Востока. В 2-х ч. М.: Высшая школа, 1980.

2-мавзу
ЎРТА АСР ДАВРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР

2.1. АРАБ МАМЛАКАТЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАР

Арабистонда феодал муносабатларига ўтиш ва ягона давлат ташкил этиш ислом динининг пайдо бўлиши билан бирга юз берди. Умумараб давлатининг бошлиғи Муҳаммад пайғамбар ҳам диний, ҳам маданий ишларни амалга оширди. Бу жараён кейинчалик мусулмон давлатларининг сиёсий ва иқтисодий қарашларига катта таъсир кўрсатди.

Қуръони каримдаги иқтисодий кўрсатмалар

Ислом динининг муқаддас китоби — Қуръони каримда иқтисодий тафаккур ва кўрсатмалар муайян даражада ўз аксини топган.

Қуръони каримда деҳқон, ҳунармандлар меҳнати, умуман ҳалол меҳнат улуғланади, барча бойлик шу асосда пайдо бўлиши уқтирилади. Бу муқаддас китобда савдога катта аҳамият берилади, судхўрлик (судхўрлик фоизи) қораланади, мулкнинг муқаддаслиги, бировнинг мулкига хиёнат ва ҳатто ҳасад қилиш катта гуноҳ деб кўрсатилади. Исломда жамиятнинг тенгсизлиги тақдири азалдан деб тан олинади, аммо ҳалоллик ва тўғриликка буюрилади ва ёлғон ишлатиш, ўғрилик ва меҳнатсиз даромад топиш ман қилинади. Қуръони каримда қарз олиш ва бериш, меросни тақсимлаш, етим-есирларга мурувват, хайр-эҳсон қилиш, ўзаро ёрдам бериш ҳақидаги ғоялар ҳамда солиқ турлари ва миқдори тўғрисидаги тушунчалар катта аҳамият касб этади. Ояти карима ва ҳадиси шарифларда турли касбларни эгаллаш, айниқса деҳқончилик, қўйчивонлик билан шуғулланиш, меҳнат қилиш зарурлиги марҳамат қилинган.

Ислом ақидасида исрофгарчиликка қарши кураш Қуръони каримдаги "Енглар, ичинглар, ҳадя қилинглар, аммо исроф қилманглар", деган оят асосида олиб борилади (бу ҳозирги даврда энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади). "Дарё бўйида таҳорат қилсаларингиз ҳам сувни исроф қилманглар" каби қоидалар айнан ҳозирги замон иқтисодиёти ва экологияси учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Ибн Холдуннинг иқтисодий қарашлари

Иқтисодий фикрларнинг ривожланишида араб мутафаккири Ибн Холдуннинг (1332-1405) ҳиссаси бениҳоя катта. У Тунисда зодагонлар оиласида туғилган. Унинг асосий асари "Китоб-ул-ибар" ("Ибратли мисоллар китоби"— 1370 й.)

Ибн Холдун ижтимоий ривожланишнинг умумий қонуниятларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, тарихий жараён асосини кишилик жамиятининг ривожланиши ташкил этади. Дастлаб одамлар ёввойи ҳолатда бўлган. Кейинчалик кишилик жамияти табиат дунёсидан ажралиб чиққач, ўз ривожланишида икки босқични — "ибтидоий" ва "цивилизация"босқичларини босиб ўтади. Уларнинг бири иккинчисидан "одамлар яшаш воситаларини қандай топа олиши" билан ажралиб туради. Биринчи босқичда одамлар асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган бўлсалар, иккинчи босқичда, олимнинг фикрича, уларга ҳунармандчилик, савдо, илм ва санъат қўшилади. Иқтисодиётнинг барча тармоқларининг муваффақиятли ривожланиши халқ бойлигини бир неча бор кўпайтириш ҳар бир кишининг мўл-кўлликка эришиш имконини беради. Аммо ортиқча моддий бойлик ишлаб чиқариш имкониятини берувчи цивилизацияга ўтиш, олимнинг таъкидлашича, умумий, ижтимоий ва мулкий тенглик келиб чиққанини, жамиятнинг табақаларга бўлиниши зарурлиги тугаганини билдирмайди.

Ибн Холдуннинг кўрсатиб беришича, фуқароларни ҳаётий зарур буюмлар ва зеб-зийнат буюмлари билан ёки унинг атамаси бўйича "зарур" ва "зарур бўлмаган" буюмлар билан таъминлаш, энг аввало, шаҳар аҳолисининг зич-

2.2. ЎРТА ОСИЁДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАР

Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг ташкил топиши, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан алоқаларнинг кучайиши уларда фан ва маданиятнинг янада ривожланишига катта туртки бўлди. Ўрта Осиё X-XIV асрларда Шарқда илғор ижтимоий тафаккурлар ривожланган бир марказга айланди. Бу даврда дунёга машҳур бўлган Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқа кўплаб олим ва шоирлар, давлат арбоблари етишиб чиқди. Уларнинг асарларида иқтисодий фикрлар ҳам ўз аксини топган. Биз уларни қуйида кўриб чиқамиз.

А.Форобийнинг иқтисодий фикрлари

Ўрта аср даврида илғор иқтисодий фикрларни илгари сурган буюк мутафаккирлардан бири — Абу Носир Форобийдир (870-950). Аристотелнинг издоши, унинг асарларини таҳлил қилган "иккинчи муаллим" ҳисобланган Форобий кўп қиррали олим бўлиб, ўз билимини ошириш йўлида тинмай меҳнат қилган, қайси юртда машҳур олим борлигини эшитиши билан суҳбатлашиб, ундан сабоқ олиш учун йўлга чиққан. У 70 дан кўп тилни билган.

Форобий бир асарни бир марта ўқиб тушунолмаса, уни қайта-қайта ўқирди. Аристотелнинг "Жон ҳақида" асарининг Форобий ўқиган нусхаси топилган бўлиб, китоб четига унинг томонидан "Мен бу китобни юз марта ўқидим", бошқа бир китобда эса "Бу китобни қирқ марта ўқидим, лекин яна ўқишим керак", деб ёзилган. Форобий Аристотель асарларини ўқиб ўрганиш билан бирга, уларга шарҳлар ҳам ёзган. Буюк аллома Ибн Сино Аристотелнинг "Метафизика" асарини Форобий ёзган шарҳлар ёрдами билангина тўлиқ тушундим, деб ёзган.

Форобий илм излаб жаҳон кезган. Шундай пайтларда унинг ҳаётида қуйидаги қизиқ бир воқеа содир бўлган. Ўрта асрда Шарқнинг машҳур шаҳарларидан бири — Дамашқ ҳокими ҳафтада бир кун олимларни йиғиб суҳбат ўтказар экан. Шунда у сарой дарвозасини очиб кўяр, истаган киши у ерга кириб, йиғилганлар суҳбатидан баҳраманд бўларкан. Шундай кунларнинг бирида у ерга бориб қолган Фо-

лигига боғлиқ. Шаҳар аҳолисининг зичлиги унинг ривожланган ёки ривожланмаганлигининг рамзий белгиси ҳисобланган. Шунинг учун, агар шаҳар ривожланган бўлса, унда "зарур" ва "зарур бўлмаган" буюмлар етарли бўлади; бунда биринчисининг баҳоси (деҳқончиликда шаҳарликлар ҳам иштирок этганлиги туфайли) пасайиб боради, иккинчисининг эса (зеб-зийнат буюмларига талабнинг кескин ўсиши сабабли) баҳоси ошиб боради. Ва аксинча, шаҳар аҳолисининг камлиги натижасида унинг ривожланмай қолиши барча моддий бойликларнинг етишмаслигини ва қимматчиликни келтириб чиқаради. Шу билан бирга, мутафаккирнинг таъкидлашича, солиқ қанча паст бўлса, ҳар қандай шаҳарнинг, бир бутун жамиятнинг равнақи шунча яхши бўлади. У бозор баҳоси шаклланишининг бир қанча қонуниятларини таърифлаб, солиқлар ва ҳар хил йиғимлар товар қийматининг ошишига олиб келувчи омил ҳисобланади, деб кўрсатиб берди. Ибн Холдун бозорнинг рағбатлантирувчи ролини билган: бозор механизми ишлаб чиқарувчиларни меҳнат унумдорлигини оширишга ва маҳсулот сифатини яхшилашга мажбур этади, деб ҳисоблаган.

Ибн Холдун пулни хўжалик ҳаётининг муҳим элементи деб ҳисоблади ва пул ролини худо томонидан яратилган металлар ичида — олтин ва кумуш бажаришини маъқуллади. Унинг фикрича, пул "барча сотиб олинадиган" буюмлардаги инсон меҳнатининг миқдорий мазмунини акс эттиради. У "меҳнатнинг қийматини", яъни иш ҳақини тавсифлаб, унинг миқдори, биринчидан, "киши меҳнати миқдорига", иккинчидан, "бошқа меҳнатлар ичида унинг тутган ўрнига" ва учинчидан, "одамларнинг унга (меҳнатга) бўлган эҳтиёжига" боғлиқ, деб тасдиқлади.

Ибн Холдун ижтимоий ҳаёт асосини меҳнат фаолияти ташкил этади, дейди. Унинг ёзишича, "жамиятнинг аҳволи, унинг бойлиги ва равнақи фақат меҳнатга ва кишиларнинг бойликни ўзлаштиришга бўлган иштиёқига боғлиқ. Агар одамлар яшаш воситалари тўғрисида қайғурмасалар ва уларга эгалик қилиш учун меҳнат қилмасалар, унда бозорда олди-сотди бўлмайди ва одамлар озиқ-овқат қидириб бошқа мамлакатларга чиқиб кетадилар".

робий олимлар билан суҳбат қуриб ўтирган ҳокимнинг саройига кириб қолади. Ҳоким уни ҳам ўтиришга таклиф этади. Шунда Форобий: "Қаерга ўтирай, ўзимга лойиқ жойгами ёки бўш жойгами", деб сўрайди. "Ўзингга лойиқ жойга ўтирақол", дейди ҳоким. Шунда Форобий тўппа-тўғри ҳокимнинг ёнига бориб ўтиради. У бундан жаҳли чиқиб бошқаларга сирли бўлган тилда соқчига: "Бу турк одобсизлик қилди, уни ахлоқсизлиги учун кетаётганда жазоланглар", дейди. Шунда Форобий: "Мен ҳеч қандай гуноҳ қилганим йўқ-ку, нима учун мени жазолашга буюрасиз?" деб сўрайди. Бу саволни эшитиб ҳайрон бўлган ҳоким: "Бу тилни ҳеч ким билмайди-ку, сен қаердан ва кимдан ўргангансан?" дейди. "Мен кўп тилларни ўрганганман", жавоб беради Форобий. Шу вақт ўтирган олимларнинг бири бир масалани ўртага ташлайди. Йиғилганлар ўртасида қизғин мунозара бошланиб кетади. Ҳеч ким бу масалага тўғри жавоб бера олмайди. Шунда Форобий уни ҳар томонлама тушунтириб беради. Шунда ҳоким Форобийдан: "Сен "иккинчи муаллим" эмасмисан?" деб сўрайди. Форобий тасдиқловчи ишора қилади.

"Иккинчи муаллим" бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган моддий эҳтиёжлар тўғрисида таълимот яратди. Унинг фикрича, одамларнинг эҳтиёжи жамият шаклланишининг асосий сабабидир. "Табиатан ҳар бир одам шундай яралганки, у яшаши ва камол топиши учун кўп нарсаларга эҳтиёж сезади. Уларни у бир ўзи топа олмайди ва уларга эришиш учун кишилар жамоасига муҳтож бўладики, унинг ҳар бири у эҳтиёж сезаётган нарсалардан бирон-бирини беради. Бунда ҳар бир одам бошқаларга нисбатан худди шундай ҳолатда бўлади". Жамият шаклланиши учун моддий эҳтиёжларнинг аҳамияти тўғрисидаги бундай тушунча ўша даврдаги илғор фикрлардан ҳисобланади. Шу билан бирга олим моддий бойлик яратишдаги меҳнат ва меҳнат қуролларининг ролини, ҳар хил ҳунар турларини уқтириб ўтгач, қулликка кескин қарши чиқди.

Форобий Платонга ўхшаб идеал тузум тўғрисида фикр юритди. У келажак ҳақида ўйлаб, бахтга эришишнинг зарур ва бирламчи шартини ташкил этувчи ўзаро ёрдам ва дўстлик туфайли бўладиган шаҳарни идеал шаҳар деб ҳисоблаган; ер юзида барча халқларнинг ўзаро ёрдами асо-

сида бир бутун ягона жамият қуриш мумкинлиги тўғрисида, маҳсулотларни адолатли тақсимлаш ҳақида фикрлар билдирган. Аммо Форобий мазкур ўзаро ёрдамнинг иқтисодий асоси — меҳнат маҳсулотларини айирбошлашнинг зарурлигини кўрсатиб бера олмади. Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, Форобий иқтисодий масалаларни иккинчи ўринга суриб қўйди. Бу айниқса унинг давлат тўғрисидаги талқинида кўринади, унда адолат ўрнатиш, оммани маърифатли қилиш унинг асосий функцияларидан деб эътироф этилади.

Ибн Синонинг иқтисодий қарашлари

Буюк аждодларимиздан бири, дунёга машҳур мутафаккир Ибн Синонинг (980-1037) 280 дан кўп асарлари мавжуд бўлиб, улар тиббиёт, математика, астрономия, кимё, фалсафа, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларга бағишланган.

Ибн Синонинг инсон эҳтиёжлари тўғрисидаги, меҳнат ва унинг моддий ишлаб чиқаришдаги роли тўғрисидаги фикрлари диққатга сазовор. Унинг фикрича, "ҳайвон табиат неъматларига қаноат қилади, инсонга эса табиат неъматлари камлик қилади, у озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жойга эҳтиёж сезади. Ҳайвонлар табиат неъматларини ўзлаштиради, инсон эса ўз меҳнати билан ўзига озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой яратади. Шу мақсадда инсон деҳқончилик билан шуғулланиши керак. Ҳайвонлар гарчи пода бўлиб яшасалар ҳам, ёлғиз яшай оладилар, одамлар эса якка ҳолда ўзлари учун барча яшаш воситаларини топа олмайдилар. Шунинг учун одамлар мулоқот ва ўзаро ёрдамга муҳтож бўладилар".

Ибн Сино феодал жамиятнинг асосий муаммоларини тадқиқ қилади. У жамиятнинг амал қилишининг асоси ҳунармандчилик деб ҳисоблади. "Одамнинг ўз қувватини сақлашга ва озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи,— деб ёзади Ибн Сино,— ҳаммани ҳунар ўрганишга ундайди."

Ибн Сино нафақат оила доирасидаги, балки шаҳар ва ҳатто давлат миқёсидаги даромад ва харажатлар баланси тўғрисида ҳам фикр юритади. Унинг фикрича, давлат табиий офат ёки уруш бўлиш эҳтимолини ҳисобга олиб,

унга маблағ ажратган ҳолда даромад ва харажатлар балансига эришиши зарур.

Ибн Сино идеал давлат тўғрисида фикр юритиб, уни қуйидагича тавсифлаб беради:

1)ҳамма ўз фойдасини кўзлаб меҳнат қилиши керак;

2)бу давлатда барча моддий бойликлар шундай баробар тақсимланиши керакки, унда жуда катта бойлик ва ашаддий камбағаллик бўлмасин;

3)барча кишилар ҳалол меҳнат билан шуғулланиши ва ҳалол савдо қилиши сабабли уришадиган одамлар бўлмайди ва урушлар тугатилади, давлатлар ўртасидаги сиёсий баҳслар эса тинч йўл билан ечилади;

4)идеал давлатда одамларда ҳамма нарса муҳайё бўлади ва шунинг учун улар бир-бирига қарама-қарши бўлмайдилар, қувноқ ашула ва мусиқани яхши кўрадилар, узоқ вақт қаримайдилар.

Ибн Синонинг идеал давлат тўғрисидаги қарашлари Платоннинг "Қонун"ларида, Аристотелнинг "Афина сиёсатчилари"да, Форобийнинг "Саховатли шаҳар аҳолисининг қарашлари тўғрисида трактат"ида айтилган фикрларга кўп жиҳатдан ўхшаб кетади.

Юсуф Хос Ҳожибнинг иқтисодий фикрлари

XI асрда яшаб ижод этган буюк шоир ва мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний ҳам иқтисодий фикрларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. У жамиятнинг ривожланишида меҳнатнинг ролини қайд қилиб ўтар экан, шундай дейди: "Одамга фойдаси тегмаган одам — мурда, эссиз ўтган умр эмас, эссиз сарфланган меҳнат". Юсуф Хос Ҳожиб меҳнатга тавсиф бериш билан чекланмасдан, балки меҳнат тақсимотининг аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратди. У деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик соҳаларида яратиладиган моддий бойликларнинг хусусиятларини кўрсатиб беради. Жумладан, айнан деҳқон меҳнати одамларни боқади ва кийинтиради, чорвадор эса ейиш, кийиш ва миниш учун фойдаланадиган отларни, туяларни ва бошқа ҳайвонларни кўпайтиради, ҳунармандлар турмуш учун керак бўлган буюмларни яратадилар, деб қайд

қилиб ўтади. Олимларнинг меҳнатига юқори баҳо берилади.

Юсуф Хос Ҳожиб пулнинг қиймат ўлчови, муомала воситаси, жамғариш воситаси функцияларини айтиб ўтади. Унинг фикрига кўра, давлатнинг қудрати нафақат армияда, балки хазина маблағларида ҳамдир. Лекин давлат қимматбаҳо буюмларни жамғариш билан қизиқиб кетмаслиги, давлат маблағларининг бир қисмини халқ манфаатлари йўлида сарфлаши лозим. Юсуф Хос Ҳожибнинг бу фикрлари тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари

Амир Темур (1336-1405) иқтисодиётни бошқаришда ўзига хос мактаб яратди. Соҳибқирон давлатида девони бузург (бош вазир)дан ташқари, ҳар бир вилоятда Девон дейилувчи бошқарма бўлган. У давлатнинг буткул ишларини: солиқ йиғиш, тартиб сақлашни, ижтимоий бинолар — бозорлар, ҳаммомлар, йўллар, сув иншоотлари тармоқларини назорат қилиб турган. Унинг ходимлари вақти-вақти билан текшириш ва тафтиш ишларини олиб борган. Айниқса, тошу тарози тўғрилиги, одил баҳо текшириб турилган, қаллоб ва товламачилар қаттиқ жазоланган.

Мамлакатда кўрилган бундай ва шу каби бошқа чоратадбирлар, биринчи навбатда, раиятнинг қашшоқликка, мамлакатнинг эса оғир аҳволга тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган. Негаки, Амир Темур "Раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳларнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади. Сипоҳларнинг тарқоқлиги эса, ўз навбатида, салтанатнинг кучсизланишига олиб боради. Фатҳ этилган ерлик фуқаро азалдан бериб келинган хирож миқдоридан рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар. Хирожни экиндан олинган ҳосилга ва ернинг унумдорлигига қараб йиғсинлар. Фатҳ этилган ҳар бир мамлакатнинг мол-мулкини, буюмларини талон-торождан сақласинлар. Ўша мамлакатдан тушган ўлжа молларни ҳисоб-китоб қилсинлар", деб кўрсатиб берган.

Мамлакатда деҳқончиликка катта эътибор берилган бўлиб, ерга эгалик қилиш қуйидаги кўринишда бўлган:

1. Суюрғол ерлар. Катта ҳажмдаги бу ерлар давлат томонидан ажратиб берилиб, бир авлоддан иккинчисига ўтган. Суюрғол эгаси солиқдан озод қилинган. Бундай ер эгалари деҳқонларни ишлатиб, ер солиғи — хирож олганлар.

2 Тархон ерлар. Бу ерлар хусусий мулк бўлиб, улар одамларга бирон-бир хизмати учун берилган.

3. Ушр ерлар. Сайид ва хўжаларга мансуб ерлардир. Бундан олинган ҳосилнинг ўндан бири давлатга берилган.

4. Вақф ерлар. Масжид, мадраса, хонақоҳ, қабристон ва шу сингари жойларга доир ерлардир. Вақфда ер, сув, бозор, қул, пуллар ва бошқалар мол-мулки билан инъом этилади.

5. Аскарларга, уларнинг раҳбарларига бериладиган ерлар.

Кимда-ким бирон саҳрони обод қилса ёки қориз (ер ости сувларини тортиб чиқариш учун қурилган иншоот) қурса, бирон боғ кўкартирса ёхуд бирорта хароб бўлиб ётган жойни обод қилса, биринчи йили ундан солиқ олинмаган. Иккинчи йили раият ўз розилиги билан бергани олинган. Учинчи йил хирож йиғилган. Мазкур муаммога бундай ёндашув ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ижобий роль ўйнаган.

Амир Темур барча шаҳар ва қишлоқларда лангархона (йўловчилар қўниб ўтадиган, камбағал етим-есирларга овқат бериладиган жой), ғарибхоналарни қуришни, касаллар учун шифохоналар бунёд этишни ва уларда ишлаш учун табиблар тайинлашни лозим деб билган ва уларни амалга ошириш учун кўп ишларни қилган.

Амир Темур Англия ва Франция қиролларига мурожаат этиб, халқаро савдо алоқаларини ривожлантиришга ҳаракат қилган. Машриқдан мағрибгача бўлган савдо-сотиқ ишларини кучайтириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратиб берилган. Масалан, бир кунлик карвон йўлида барча нарса муҳайё этилган (карвонсаройда доимо от, ем-хашак, озиқ-овқат, сув бўлган, сардобалар қурилган), қароқчилар қаттиқ жазоланган. Шу нарсага алоҳида эътибор бериш керакки, четдан олиб келинган

товарлар устига 10 фоиз нарх қўшиб сотиш мумкин бўлган. Бу, ҳозирги давр тили билан айтганда, биринчидан, чет эл товарларига бўлган талабни кучайтирса, иккинчидан, аҳолининг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имконини беради.

Амир Темурнинг иқтисодий фикрлари "Темур тузуклари"да баён этилган бўлиб, қуйида биз кўриб чиқмоқчи бўлган ғоялар мазкур асар асосида келтирилди. ("Темур тузуклари". Тошкент,1991).

Унда ўша даврдаги давлатнинг 12 ижтимоий тоифадан иборат бўлганлиги кўрсатилган:

1. Саййидлар, уламо, машойих, фозил кишилар (дин аҳллари).
2. Ақлли, донишманд одамлар.
3. Художўй кишилар.
4. Нўёнлар (туман бошлиғи), амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбийлар.
5. Сипоҳ ва раият (солиқ тўловчи халқ).
6. Ақлли, тажрибали энг ишончли кишилар.
7. Вазирлар, саркотиблар.
8. Ҳакимлар (файласуфлар, донишманд алломалар), табиблар, мунажжимлар, муҳандислар (инженерлар).
9. Тафсир ва ҳадис олимлари.
10. Аҳли ҳунар ва санъатчилар.
11. Касбу ҳунар эгалари.
12. Савдогар ва сайёҳлар.

Давлат тақдирини эса подшо, хазина, аскар ҳал қилади, дейилган. Қўшин аъзоларининг маоши тўғрисида аниқ маълумотлар келтирилган. Масалан, оддий сипоҳ ўзи минган от баҳосига тенг миқдорда маош олиши, баҳодирлар икки от баҳосидан тўрт от баҳосигача маош олиши, ўнбоши ўз қарамоғидаги аскарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки марта ортиқ маош олиши тайинланган.

А.Темур даврида солиқ ва жарималарни йиғиш ва харж (сарф) қилишга алоҳида эътибор берилган. "Хирожни йиғиш вақтида,—деб уқтирилади "Темур тузуклари"да, — икки вазир тайинлансин. Бири тўпланган молни ёзиб, раият аҳволини текшириб турсин, бож олувчилар фуқарога зулм қилиб, уларнинг аҳволига хароблик етказма-

синлар. Вилоятларда йиғилган барча мол-ашёни кирим дафтарига ёзишлари лозим. Иккинчи вазир эса, чиқим дафтарига ёзиб, йиғилган моллардан сипоҳ маошига тақсим қилсинлар". Демак, кўриниб турибдики, ҳозирги давр тили билан айтилганда, ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилиши талаб этилган. Хирож одатда суғориладиган ерларда жами ҳосилнинг учдан бири (33 фоиз), лалмикор ерларда тўртдан бирига (25 фоиз) тенг бўлган миқдорда тўпланган. Бу рақамлар унинг ҳозирги даврдаги даромад солиғи атрофида бўлганлигини кўрсатиб турибди.

А.Темур ўқимишли, олим одамларнинг меҳнатига юқори баҳо берган. "... Саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди, — дейилади "Тузуклар"да, — чунки бу инсонлар мамлакат ривожида устундирлар". А.Темур Шом (ҳозирги Сурия) юртини қўлга олганда (1401 й.) таниқли олим Ибн Холдун (1332-1406) асирга тушиб қолади, соҳибқирон унинг олимлигини билгач, у билан суҳбатлашиб, иззат-икром билан уни қўйиб юборади.

Деҳқонлар, касб-ҳунар эгалари, савдогарларга ўз ишларини юритиш учун уруғ, асбоб, сармоя бериб, шароит яратишга эътибор берилган. Айниқса, ташландиқ, қўриқ ерларни очиш, қориз ўтказиш рағбатлантирилган. Бундай ишлар билан шуғулланганлар уч йилгача солиқдан озод этилган (бу тажрибадан фойдаланилса арзийди).

А. Навоийнинг иқтисодий ғоялари

Буюк мутафаккир Алишер Навоий (1441-1501) ижодида иқтисодий ғоялар муҳим ўрин эгаллайди. Унда асосан тижорат, савдо муаммолари анча мукаммал ёритилган. Навоий асарларида савдо фаолияти маъқулланади, аммо товламачи ва чайқовчилик қаттиқ танқид қилинади. У меҳнатнинг инсон ва жамиятдаги ўрнига, дўстликка юксак баҳо берган.

Алишер Навоий ўз даврининг сиёсий ва иқтисодий аҳволини яхшилаш, мамлакатнинг иқтисодий қудратини барқарорлаштириш учун кишиларда ватанпарварлик туйғусини уйғотиш зарурлиғини яхши тушунган.

Навоийнинг дастлабки ижтимоий-иқтисодий фикрлари шаклланган асари "Ҳилолия" ҳисобланади. У шахс-

нинг тарихдаги ролига катта эътибор бериб, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи мамлакат ҳукмдорининг ақл-идроки ва қобилиятига боғлиқ деб уқтиради. Агар мамлакат ҳукмдори фанларни, айниқса иқтисодиёт, тарих, фалсафа ва сиёсий фанларни мукаммал билса, ўзи бошқараётган мамлакат обод ва бадавлат бўлади, агар акси бўлса, мамлакат қашшоқ ва хароб бўлади, дейди Навоий. Кейинчалик жамиятнинг ривожланишида иқтисодчиларнинг ва давлат арбобларининг роли катта эканлигини инглиз олими Ж.М.Кейнс ҳам қайд қилиб ўтади.

Навоий мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига алоҳида эътибор берди. Унинг фикрича, ирригация иншоотларини кенгайтириш — деҳқончиликни ривожлантиришга олиб келувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу боис у жуда кўп канал ва ариқлар қаздирди. Асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ерни кенгайтиришга, унинг унумдорлигини оширишга катта эътибор берилди.

Навоий, бойликни икки йўл билан топиш мумкин, дейди. Биринчи йўл — бу ўз меҳнати билан бойлик тўплаш, йиғиш ва ўзига тўқ яшаш. Бундай бойликни у қўллаб-қувватлаган. Навоий олинган бойликни уч қисмга бўлиб, яъни биринчи қисмини кетган харажатларга, иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларига, учинчи қисмини эса аҳолининг ижтимоий манфаатларига сарфлашни тавсия этган. Навоий кўпгина мадраса, шифохона, ҳаммом, кўприк ва бошқаларни ўз ҳисобидан қурдирган. Бойлик топишнинг иккинчи йўли — бу ўғирлик, тамагирлик ва зўрлик ҳисобига бойлик орттиришдир. Навоий бундай бойлик орттиришга кескин қарши чиқди, қоралади.

Навоий ўзининг "Маҳбуб-ул-қулуб" (1500 й.) асарида мамлакатдаги ижтимоий гуруҳларнинг жамиятда тутган ўрнини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, деҳқонлар, ҳунармандлар ва чет эл билан алоқаси бор савдогарлар жамиятда моддий бойлик яратишда ва мамлакатнинг бойлигини кўпайтиришда муҳим ўрин тутади. Навоий деҳқон ва унинг ишлаб чиқаришдаги роли тўғрисида қуйидаги фикрларни билдиради: "Дон сочувчи деҳқон ерни ёриш билан ризқ йўлини очувчидир". Шу билан

бирга у деҳқон меҳнатини улуғлаб, унинг моддий бойлик яратишдаги хатти-ҳаракатини қуйидагича тасвирлаб берди:

"Ҳар не қилсалар ҳаракат,
Халққа ҳам етар овқат ҳам баракат".

Навоий ижтимоий ҳаётга одамларнинг биргаликдаги фаолияти сифатида қарайди. Унинг фикрига кўра, киши якка ҳолда ҳеч нарса ишлаб чиқара олмайди. У бирон нарсани ишлаб чиқариш учун бошқа ишлаб чиқарувчилар билан муносабатда бўлиши керак. Масалан, деҳқонга меҳнат қуроллари зарур бўлса, ҳунармандларга нон керак, деҳқонга ҳам, чорвадорга ҳам ҳунармандчилик ва атторлик маҳсулотлари зарур. Деҳқон меҳнатининг маҳсулини новвой, унфуруш, қўшчи ва ўроқчи, машшоқ ва бошқалар орзиқиб кутади. Шу билан бирга деҳқон ҳам ҳунармандининг, чорвадорнинг ва бошқаларнинг меҳнат маҳсулотига муҳтож. Уларсиз у ҳеч нарса ишлаб чиқара олмайди. Навоий фикрича, деҳқон меҳнати билан ўз эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулот миқдоридан кўра кўпроқ ишлаб чиқариб, жамият ва унинг ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган қисмини ҳам моддий неъматлар билан таъминлайди. Унинг мана шу фикри физиократларнинг қўшимча маҳсулот фақат қишлоқ хўжалигида яратилади, деган фикрига мос тушади. Навоий қишлоқ хўжалигининг ривожланиши мамлакат қудратини оширишда катта аҳамият касб этади, деган илғор фикрни илгари суради. Бу фикр ўша давр, яъни феодализм ривожланган, унинг негизини деҳқончилик ташкил қилган бир даврда тўғри фикр бўлиб қолмасдан, балки тарихий ҳақиқат ҳамдир.

Навоий халқаро савдо соҳасида фаолият юритувчиларга нисбатан ижобий муносабатда бўлсада, мамлакат ичкарисида иш юритаётган савдогарлар, яъни олиб сотарларга нисбатан салбий муносабатда бўлган. Унинг фикрича, олиб сотарлар "ўзига фойда ва бошқаларга қаҳат истовчи ... арзон олиб қиммат сотиш", яъни халқни зарари ҳисобига фойда кўрувчилардир.

Навоий интеллектуал меҳнатни, яъни олимлар ва бошқа шу кабиларнинг меҳнатини жамият учун зарур деб

кўрсатиб берди ва уларни ўз масъулият ва бурчларини сезишга чақирди.

2.3. ҒАРБИЙ ЕВРОПАДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҒОЯЛАР

Ф.Аквинскийнинг иқтисодий қарашлари

Рим империяси емирилгандан кейин, Ғарбий Европада жуда кўп феодал давлатлар вужудга келди. Уларда ўша даврдаги католик черков қоидалари устунлик қиларди. Барча илмий фикрларда диний чеклашлар мавжуд эди. Шунинг учун иқтисодий масалалар бўйича ўрта аср муаллифларининг талқинлари диний-этник шаклда ифода этилган.

Ғарбий Европадаги анча кўзга кўринган иқтисодий фикрлар муаллифи деб, одатда италиялик монах Фома Аквинский (Аквинат) (1225-1274) тан олинади. У, IV асрнинг охири — V асрнинг бошида иқтисодий муаммоларга диний-этник ёндашувнинг номуқобил догматик принципларини киритган, дастлабки канонизм мактаби асосчиларидан бири ҳисобланган, Августин Блаженнийга (Авлиё Августин) (353-430) мухолифлик қилди ва унинг ғояларини ижодий давом эттирди. V-XI асрлар давомида бу принциплар ўзгармасдан қолди.

Аквинатнинг иқтисодий қарашлари билан танишиб чиқишдан олдин дастлабки ва кейинги канонизмнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Ўрта асрнинг дастлабки даврида ҳукмронлик қилган дастлабки канонистлар ғояси савдо фойдасини ва судхўрлик фоизини қатъий қоралади ва уларни нотўғри айирбошлаш ва бировнинг меҳнатини ўзлаштириш натижаси сифатида тавсифлаб гуноҳ деб ҳисоблади. Фақат "одил нарх" ўрнатилган шароитдагина эквивалентли ва пропорционал айирбошлаш бўлиши мумкинлиги уқтирилди. Шунингдек, черков қонунлари муаллифлари, антик дунё қарашларига хос бўлган жисмоний меҳнатга нисбатан нафратли муносабатларга, кўпчилик аҳолининг зарар кўриши ҳисобига айрим шахсларнинг бойлик орттириш ҳуқуқига қарши чиқдилар. Йирик савдо, ссуда операциялари, ғуноҳли иш сифатида, умуман ман этилган.

Аммо жамиятнинг табақалашуви кучайган, шаҳарларнинг сони ва иқтисодий қудрати ошган, унда деҳқончилик билан бирга ҳунармандчилик, савдо ва судхўрлик ривожлана бошлаган, яъни товар-пул муносабатлари жамият ва давлат тақдири учун муҳим аҳамиятга айланган Ўрта асрнинг охирги даврига келиб, кейинги канонистлар иқтисодий муаммо ва ижтимоий тенгсизлик сабабларини тушунтирувчи "далиллар" доирасини анча кенгайтирдилар. Бу ерда шу нарса назарда тутиладики, дастлабки канонистлар асослаган методологик база, энг аввало, авторитарли исботлаш (диний китоб ва черков назариячилари асарларидан далил (изоҳ) келтириш воситаси орқали) ёки иқтисодий категорияларни ахлоқий-этник асосда тавсифлаш (шу жумладан "одил нарх" тўғрисидаги қоида ҳам) бўлган. Бу принципларга кейинги канонистлар изоҳлаш, аниқлаш, қўшимча қилиш йўли билан ўрганилаётган конкрет хўжалик ҳодисаларининг ва иқтисодий категорияларнинг аввалги тадқиқот маъносини ўзгартириш ва ҳатто қарама-қарши маъно келтириб чиқариш имконини берувчи яна иккиёқлама баҳолаш принципини қўшди. Аквинат ундан фойдаланган ҳолда бойлик, қиймат (қиммат), пул, савдо фойдаси, судхўрлик фоизи сингари бошқа иқтисодий категорияларни тадқиқ қилди. Уларни қуйидаги тартибда кўриб чиқамиз.

Августин давридан бошлаб канонистлар томонидан бойлик моддий неъматлар йиғиндиси сифатида, яъни натурал шаклда қаралган. Агар бойлик унга сарфланган меҳнат билан эмас, балки бошқа воситалар ёрдамида яратилган бўлса, гуноҳ деб тан олинган. Бу қатъий қоидага мувофиқ ноинсофлик билан олтин ва кумушнинг кўпайтирилиши (жамғарилиши) жамиятнинг ахлоқий ва бошқа нормаларига зид ҳисобланган. Аммо Аквинат фикри бўйича, "одил нархлар" хусусий мулкни кўпайтириш ва "ўртача" бойлик яратишда инкор этиб бўлмайдиган манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу, унингча, гуноҳ ҳисобланмайди.

Қадимги Дунёда ва ўрта асрда айирбошлаш тадқиқотчилар томонидан пропорционал ва эквивалент қоидасига асосланган, одамларнинг хоҳиши туфайли бўладиган акт сифатида қабул қилинган. Бу принципни инкор этмаган

ҳолда, ноэквивалент бўлиб туюлган айирбошлаш, субъектив жараён сифатида, томонларга тенг фойда келтириши мумкинлигини Аквинат кўрсатиб берди. Бошқача айтганда, қачонки буюм "бир одамнинг фойдаси бошқа одамнинг зарар кўриши ҳисобидан келиб тушса", ўшандагина айирбошлаш шарти бузилган бўлади.

"Одил нарх" — бу категория канонистлар таълимотида "қиймат" (қиммат), "бозор баҳоси" ўрнида ишлатилган. У муайян феодал оқсуяклар ҳудудларида ўрнатилган ва биркитиб қўйилган. Дастлабки канонистлар унинг даражасини товар ишлаб чиқариш жараёнидаги меҳнат ва моддий сарфларга боғлаб тушунтирганлар. Аммо Аквинат "одил нарх"га бўлган сарфли ёндашув тушунчасини етарли эмас, деб ҳисоблади. Унинг фикрича, шу билан бирга, сотувчи ўз мавқеига қараб буюмни "ўз нархидан кўра қимматроқ сотиши мумкин".

Аквинат пул (монета)ни Қадимги Дунё ва дастлабки канонизм муаллифларига ўхшаш талқин қилади. Унинг таъкидлашича, пул "савдода ... ишончли ўлчов бирлигига" эга бўлиш учун кишиларнинг хоҳиши туфайли келиб чиққан. Олим монетанинг "ички қимматга" эга эканлигини тан олсада, давлат монета қимматини унинг "ички қимматига" нисбатан бир оз ўзгартиришга ҳақли деб ҳисоблади. Бу ерда Аквинат ўзининг икки ёқламалик принципига содиқлигини яна бир бор кўрсатди, яъни бир томондан, монеталарни бузиш ташқи савдода пулнинг қадрқиммати йўқотилишига олиб келишини тан олган, иккинчи томондан эса — пулнинг "номинал қимматини" давлатнинг ўз хоҳиши бўйича ўрнатиш ҳуқуқига ишонган. Аристотелдан кейин Аквинат "пул пулни келтириб чиқармайди", деб таъкидлаб ўтган.

Савдо фойдаси ва судхўрлик фоизи канонистлар томонидан қораланган ва гуноҳ деб ҳисобланган. Аквинат ҳам уларни шартли равишда "айблади". Негаки, унинг фикрича, савдо фойдаси ва ссуда фоизи, агар савдогар ва судхўр ахлоқ-одоб доирасида иш юритган бўлсалар, мувофиқ равишда улар томонидан ўзлаштирилиши керак. Бошқача айтганда, мазкур турдаги даромад савдо ва ссуда операциясидаги меҳнат, транспорт ва бошқа харажатлар ва ҳатто хатар (риск) учун тўланадиган ҳақ бўлмоғи керак.

Таянч сўз ва иборалар:

—зарурий буюмлар;
—"зарур бўлмаган буюмлар";
—эҳтиёжлар;
—"идеал шаҳар";
—"идеал давлат";
—раият, меҳнат хусусиятлари.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т.: "Ўзбекистон", 1996.

Всемирная История Экономической Мысли. 1 т. М.: Мысль, 1987.

Жид Ш., Рист Ш. История экономических учений. М.: Экономика, 1995.

Костюк В.Н. История экономических учений. М.: Центр, 1998.

Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар. Т.: Шарқ, 1999.

Игнотенко А.А. Ибн Хальдун. М.: Мысль, 1980.

Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: Фан, 1997.

Темур тузуклари. Т.: 1991.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС", 1997.

Юсупов Ю.К. Становление и развитие экономической науки. Т.: АО "Учқун", 1999.

Ядгаров Я.С. История экономических учений. М.: ИНФРА-М, 1999.

3-мавзу

МЕРКАНТИЛИЗМ

3.1. МЕРКАНТИЛИЗМ БИРИНЧИ ИҚТИСОДИЙ ТАФАККУРЛАР МАКТАБИ ЭКАНЛИГИ

Натурал-хўжалик муносабатларининг бозор иқтисодий муносабатлари томонидан сиқиб чиқарилиши XVI асрдан XVIII асргача бўлган тарихий даврни ўз ичига олади. Бу давр иқтисодий адабиётда, одатда, меркантилизм даври деб аталади. Меркантилизм (итальянча "мерканте" сўзидан келиб чиққан — савдогар маъносини англатади), бу бозор (капиталистик) иқтисодиётига бўлган биринчи илмий қарашлар тизимидир.

Меркантилизмнинг предмети ва услуби

Меркантилизм, энг аввало, давлатнинг иқтисодий сиёсатини ифода этган, унинг амалий фаолияти учун тавсиялар ишлаб чиққан. Меркантилистлар тадқиқотининг мақсади реаллик сифатидаги иқтисодиётни таҳлил қилиш эмас, балки ҳукуматга амалий маслаҳатлар беришдир. Шунинг учун улар давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини қўллаб-қувватладилар, юқори солиқ ставкасини ва давлат харажатларини ҳимоя қилдилар.

Меркантилистларнинг илмий дунёқараш принциплари қуйидагилар билан характерланади: ҳар қандай олтин ва қимматбаҳо нарсаларга бойлик сифатида қараш; мамлакатга олтин ва кумушнинг оқиб келишини таъминлаш мақсадида ташқи савдони тартиблаш; арзон хом ашёни импорт қилиш йўли билан саноатни рағбатлантириш; импорт қилинадиган саноат товарларига протекционистик тарифларни белгилаш; экспортни, айниқса тайёр маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш; иш ҳақининг паст даражасини ушлаб туриш учун аҳолининг ўсиши. Миллий

фаровонликнинг зарурий шарти сифатидаги актив савдо баланси доктринаси, шак-шубҳасиз, меркантилизмнинг асоси ҳисобланади.

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, узоқ йиллар давомида бойликнинг, халқ фаровонлигининг асоси меҳнат, ер, деҳқончилик ва чорвачилик, ҳунармандчилик деб келинар эди (уни биз юқорида кўриб чиқдик). Лекин XV асрга келиб вазият кескин ўзгарди. Аввало, натурал-хўжалик тузумининг емирилиши, товар-пул муносабатларининг ўсиши, фан ва маданиятнинг юксалиши, айниқса, янги ерларнинг очилиши, буюк географик кашфиётлар, мустамлакачилик тузумининг пайдо бўлиши, биринчи навбатда, савдонинг тез ривожланишига туртки бўлди. Ноэквивалент савдо туфайли метрополиялар мустамлакалар ҳисобига беқиёс бойиди. Мана шу даврга келиб жамиятнинг бойишида савдонинг ролини асослаб беришга уринган меркантилизм қарашларида ноэластик талаб ва экспортнинг импортдан кўп бўлишининг мақсадга мувофиқлиги, капитал экспортини рағбатлантириш ва жамият ишларини қўллаб-қувватлаш тушунчалари устунлик қилган, шунингдек "қўшнингни қуритсанг" гўёки миллат бой бўлади каби нотўғри сиёсат илгари сурилган.

Демак, меркантилизм бозор иқтисодий муносабатларининг вужудга келиш давридаги биринчи иқтисодий тафаккурлар мактаби сифатида бир қатор назарий-методологик хусусиятларга эга. Уларнинг моҳияти шунга келиб тақалди, яъни меркантилистлар:

—тадқиқот предмети (иқтисодий таҳлил) сифатида муомала соҳасини текширишни афзал кўрдилар, бунинг устига ишлаб чиқариш соҳасидан ажралган ҳолда;

— тадқиқот усули сифатида асосан иқтисодий ҳодисаларнинг тасодифий юзаки ташқи кўринишини ифода этишга олиб келувчи ва иқтисодиётнинг барча соҳаларини системали тарзда таҳлил қилиш имкониятини истисно этувчи эмпиризм (назариядан кўра амалий фаолиятга кўпроқ мойил бўлиш) дан фойдаландилар;

—пулнинг пайдо бўлишини одамларнинг сунъий ихтироси натижаси деб ҳисобладилар, пулнинг ўзини эса бойлик билан бир нарса деб қарадилар;

—пул қиймати (қиммати) нинг келиб чиқишини олтин ва кумуш пулларнинг "табиий хусусияти" ва мамлакатдаги уларнинг миқдори билан боғлаб талқин қилдилар;

— меҳнат таклифининг ошишини юқори иш ҳақи билан эмас, балки паст иш ҳақи зарурлиги билан боғлаб кўрсатдилар;

—иқтисодий ўсишни давлатнинг ташқи савдони тартиблаши ва савдо балансида ижобий сальдога эришиш туфайли мамлакат пул бойлигининг кўпайиши натижаси сифатида қарадилар.

Шу билан бирга, меркантилистик мактабнинг бу ва бошқа қоидалари иқтисодий адабиётда анъанавий равишда унинг ривожланишидаги икки босқич — дастлабки ва ривожланган босқичларини ҳисобга олган ҳолда тавсифланади. Бундай босқичларга бўлиниш дастлабки ва кейинги меркантилистларнинг актив савдо балансига эришиш йўлларини ҳар хил тушунганлиги сабабли келиб чиқади.

Дастлабки ва кейинги меркантилизмнинг ўзига хослиги

Дастлабки меркантилизм, монетар тизимининг ўрнатилиши билан боғлиқ бўлган монетаризм, буюк географик кашфиётлардан олдин пайдо бўлди ва XVI асрнинг ўрталаригача фаол амал қилиб келди. Унинг асосий вакиллари У.Стаффорд (Англия), Г.Скаруффи (Италия) ва бошқалар ҳисобланади. Дастлабки меркантилизм "пул баланси" сиёсатини олиб борган. Бу сиёсат пул муомаласини, ташқи савдони қаттиқ тартиблаб туришни таъминловчи маъмурий йўл билан мамлакатнинг пул бойлигини кўпайтиришга қаратилган (мамлакат пули қанча кўп бўлса, у шунча бой ҳисобланган). Дастлабки меркантилизм олтин ва кумушни бойликнинг мутлақ шакли деб қаради ва уни четдан олиб келиш йўлини қидирди. Ташқи савдода ижобий сальдога эришиш учун дастлабки меркантилистлар қуйидаги омилларни:

—экспорт қилинадиган товарларга максимум юқори баҳо ўрнатишни;

—товарлар импортини ҳар томонлама чеклашни;

—мамлакатдан олтин ва кумушнинг оқиб чиқиб кетишига йўл қўймасликни мақсадга мувофиқ ҳисобладилар.

Дастлабки меркантилизм даврида ҳукумат хорижий савдогарларнинг пулларини маҳаллий пулга алмаштириш ва кўпроқ товар сотиб олишга қизиқтириш мақсадида атайлаб чақаларни бузиб, уларнинг қимматини пасайтириш билан шуғулланган. Кейинчалик товар-пул муносабатларининг ривожланиши, ташқи савдонинг кенгайиши меркантилистларнинг бойлик муаммосига бўлган қарашларини ўзгартиришга мажбур этди.

Кейинги меркантилизм XVI асрнинг иккинчи ярмидан XVIII асргача бўлган даврни ўз ичига олади. (Унинг асосий вакилларидан бири инглиз Томас Мен ҳисобланади). Бу даврга келиб миллий саноат ва савдо ривожланишининг давлат томонидан рағбатлантирилиши сабабли мамлакатлар ўртасида савдо алоқалари кенг ва мунтазам ривожлана бошлади. Дастлабки меркантилистларнинг "пул баланси" ўрнига кейинги меркантилистларнинг "савдо баланси" назарияси келиб чиқди. "Савдо баланси" назарияси (ёки етук меркантилизм) Англияда кенг тарқала бошлади. Мазкур концепция вакиллари дастлабки меркантилистларни мамлакатдан ташқарига пул чиқаришни ман этгани, импортни ҳаддан ташқари чеклагани учун танқид қилди. Уларнинг фикрича, ҳукуматнинг ташқи иқтисодий сиёсатдаги асосий вазифаси — мамлакатда имкони борича кўпроқ пул маблағларини жамғариш эмас, балки актив савдо балансига эришишдир (экспортнинг импортдан устун бўлиши). Экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ — мамлакат бойлигининг ўсишидир. Демак, реал бойлик — бу "ўлик пуллар" йиғиндиси эмас, балки янги пулларни, яъни пул капиталини вужудга келтирувчи пуллардир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, кейинги меркантилизм вакиллари актив савдо балансига эришиш учун бир қатор тавсияларни, яъни:

—ташқи бозорларни нисбатан арзон товарлар сотиш йўли билан эгаллаш ҳамда бир мамлакат товарини олиб бошқаларига уни қимматига сотиш;

—мамлакатда актив савдо балансини сақлаб турган ҳолда товарлар импортига рухсат этиш (зеб-зийнат буюмларидан ташқари);

—қулай савдо ишларини амалга ошириш учун олтин ва кумушни четга чиқариш, мамлакатда уларнинг массасини кўпайтириш ва актив савдо балансини сақлаб туриш учун воситачилик қилишни илгари сурдилар.

Кейинги меркантилистлар пулнинг товарли моҳиятини тан олсада, унинг қимматини илгаригидек олтин ва кумушнинг табиий хусусиятидан деб қарадилар. Аммо айнан улар металлистик назариядан пулнинг миқдорий назариясига ва монометаллизм тизимига ўтишга сабаб бўлган. Агар дастлабки меркантилистлар пулнинг жамғариш функциясини асосий деб билган бўлсалар, кейинги етук меркантилистлар — муомала функциясини асосий ҳисобладилар. Кейинги меркантилистларнинг ишончига кўра, пулнинг қиммати унинг миқдорига нисбатан тескари боғлиқликда, товарлар баҳоси даражаси эса пул миқдорига тўғри мутаносибликда бўлади. Улар, пул таклифининг кўпайиши унга бўлган талабни оширгач, савдони рағбатлантиради деб бир томонлама ҳисобладилар.

Энди биз кейинги ривожланган (етук) меркантилизмнинг атоқли вакилларининг асосий ғояларини қисқача кўриб чиқамиз.

Англияда етук меркантилизм Томас Мен (1571-1641) асарларида ифода этилган. Мануфактура тизимининг классик вакили Т.Мен шу билан бирга ўз даврининг йирик коммерсанти, Ост-Индия компанияси директорларидан бири бўлган. Компанияни четга монета чиқаргани учун танқид қилувчилардан унинг манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида Т.Мен 1621 йилда "Англиянинг Ост-Индия билан бўлган савдоси тўғрисида мулоҳаза" китобини чоп эттирди. Монетаристлар концепциясига савдо балансини назариясини қарши қўйди. Т.Мен 1630 йилда "Англиянинг ташқи савдодаги бойлиги ёки бойликни тартибга солиш сифатидаги ташқи савдо балансини" асарини ёзди. Унда муаллиф пул муомаласини қаттиқ тартибга солишнинг зарарли эканлигини, четга монеталарнинг эркин чиқарилиши кераклигини, унингсиз ташқи савдони нормал ривожлантириб бўлмаслигини қайд қилиб ўтади. Унингча: "Ҳар йили хорижликлардан харид қилган суммадан кўра уларга кўпроқ сотиш" қоидасини таъминлаш асосий ҳисобланади. Фақат актив савдо балансини ёрдами-

да, унинг фикрига кўра, мамлакат ихтиёрида қоладиган ва унинг бойлигини орттирадиган пулни четдан жалб қилиш мумкин.

Ж. Локк "бойлик" тўғрисида Т. Мен билан деярли ҳамоҳанг фикр юритган. Унингча, бойлик деганда фақат олтин ва кумуш миқдорининг кўплиги эмас, балки унинг бошқа мамлакатларга нисбатан кўп бўлиши кўзда тутилиши керак.

Р. Кантильон, худди Ж. Локк каби, ўзининг "Савдо табиати тўғрисида очерк" (1775) китобида "қўшни мамлакатларга қараганда муомалада кўп пули бўлган ҳар қандай давлат, уларга нисбатан устунликка эга", деб қайд қилиб ўтган.

Францияда меркантилизмнинг асосий вакили машҳур "Сиёсий иқтисод трактати" (1615) асарининг муаллифи Антуан Монкретьен (1576-1621) бўлиб, у савдогарларни анча фойдали тоифа, деб ҳисоблади, савдони касб-ҳунарнинг бош мақсади сифатида тавсифлади. А.Монкретьен пул бойлигини кўпайтириш йўлларини қидирди, ўз таклифларини қирол Людовик XIII га тавсия этди. Унинг асарларида давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашуви жамғарманинг, мамлакат хўжалигини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг асосий омили сифатида қаралади. А.Монкретьен мануфактурани ривожлантиришни, ҳунармандчилик мактабларини ташкил этишни, маҳсулотлар сифатини яхшилашни ва мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар савдосини кенгайтириш билан Франция бозоридан хорижий савдогарларни сиқиб чиқаришни таклиф қилди. Хорижий савдогарларни у мамлакат бойлигини сўриб олувчи насосга таққослайди. А.Монкретьен дастури Франция ташқи савдосини кенгайтиришни кўзда тутади. У нисбатан монетаризм ғоясини, шунингдек савдо баланси концепциясини акс эттиради.

Меркантилизмнинг тарихий аҳамияти

Меркантилизм, унинг вакиллари ижодий меросидаги ҳам ижобий, ҳам салбий унсурлар нуқтаи назаридан, иқтисодий таълимотлар тарихида ўчмас из қолдирди.

Биринчидан, меркантилистлар концепцияси деярли бутунлай муомала соҳасидаги хўжалик ҳаёти амалиётига қаратилган. Шундай бўлсада, бу уларга кўплаб иқтисодий категорияларни илмий оборотга киритиш, савдо соҳаси, ссуда операциялари ва пул муомаласининг муҳим қонуниятларини аниқлаб бериш имконини берди. Лекин уларнинг иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига бўлган таъсири доимо айнан бир хил бўлган эмас.

Масалан, мамлакатнинг ўз саноати ва савдосини ривожлантириши учун пул муҳим восита эканлигини тўғри тушунтириб берган ҳолда меркантилистлар миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишга эътибор бермадилар. Бундан ташқари, улар учун ишсизлик муаммоси ҳам муҳим ҳисобланмаган; "ихтиёрий ишсизлик"нинг асосий сабаби ишламаслик хоҳишини келтириб чиқарувчи "ялқовлик" ёки "ахлоқий бузуқлик" ҳисобланган.

Иккинчидан, меркантилизм бозор муносабатлари шаклланишининг ва Европада анча ривожланган мамлакатлар — Англия ва Францияда унинг ўрнини олган классик сиёсий иқтисоднинг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқарди.

Хусусан, Францияда XVII асрда молия вазири Жан Батист Кольбер анча фаол протекционизм сиёсатини олиб борган даврда саноатнинг қудратли мануфактура тармоғи яратилди. Аммо бир вақтнинг ўзида мамлакат ташқарисига дон чиқаришни ман этиш ва бошқа мамлакатлардан уни эркин олиб келиш йўли билан фермер хўжаликларининг шаклланишига тўсқинлик қилинди. Ўша даврдаги Франция ички бозори, унинг азалий рақиби — Англияга нисбатан "торлиги" оқибатда айнан шу вазиятга боғлаб тушунтирилди. Натижада француз меркантилизми кольбертизм деб атала бошлади, классик сиёсий иқтисод доирасидаги ўзига хос француз мактаби эса физиократизм таълимоти деб юритилди.

Англияда эса меркантилизм, иқтисодий тарихдан маълумки, Францияга нисбатан анча "унумли" бўлди. XVII асрдаги савдо ва саноат соҳасидаги бу мамлакатнинг протекционизм сиёсатидаги асосий ютуқлари, одатда Ост-Индия компанияси раҳбарларидан бири — Томас Мен

номи билан боғлаб тушунтирилади. Шу нарса ҳам маълумки, айнан Англияда меркантилизм билан бўлган ғоявий кураш натижасида энг муҳим назарий хулосалар ишлаб чиқилди ва улар А.Смит, Д.Рикардо, Т.Мальтус, Ж.С.Милл ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топди. Бундан ташқари, Англия XIX асрда анча кучли ривожланган мамлакат сифатида энг муҳим антимеркантилистик чора-тадбирларни, жумладан ички ва ташқи савдода тўла эркинлик сиёсатини амалга ошира бошлади.

Таянч сўз ва иборалар:

—меркантилизм;
—дастлабки меркантилизм;
—кейинги меркантилизм;
—"пул баланси";
—"савдо баланси".

Тавсия этиладиган адабиётлар

Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. М.: "Дело-Лтд" , 1994.

Всемирная История Экономической Мысли. I т. М.: Мысль, 1987.

Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: Фан, 1997.

Костюк В.Н. История экономических учений. М.: Центр, 1998.

Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М.: "ДЕЛО", "ВИТА-ПРЕСС", 1996.

Меркантилизм (Под ред. И.С.Плотникова). М.: ОГИЗ-Соцэкгиз, 1935.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС", 1997.

Юсупов Ю.Б. Становление и развитие экономической науки. Т.: АО "Учкун", 1999.

Ядгаров Я.С. История экономических учений. М.: ИНФРА-М, 1999.

4-мавзу

КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Меркантилизмнинг емирилиши ва классик сиёсий иқтисод мактабининг пайдо бўлиши (Англияда) XVII асрга тўғри келади. XVI асрнинг ўрталарида бошланган мануфактура даври XVII асрга келиб саноатнинг айрим тармоқларининг ривожланишига олиб келди. Айни пайтда қишлоқ хўжалигида ҳам капитализм ривожлана бошлади. Буюк Британия дунёда иқтисодиёти энг ривожланган мамлакатга айланди. XVIII асрга келиб бу ерда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари фақат савдода эмас, балки саноат ва қишлоқ хўжалигида ҳам ғалаба қозонди. Бу жараён мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётига йўл очиб берди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига имконият, тадбиркорлар ташаббусига эркинлик беришга ҳаракат қилган капиталистик тузумнинг афзалликларини назарий жиҳатдан асослаб берадиган иқтисодий таълимотлар тақозо этила бошлади.

Демак, бу даврга келиб иқтисодий таълимотларни ривожлантириш учун, яъни иқтисодиётни объектив таҳлил қилиш учун қулай шароит яратилди. Мана шу шароитда яшаб ижод қилган У. Петти, А. Смит, Д. Рикардо, Ф.Кенэ ва классик сиёсий иқтисод мактабининг бошқа вакиллари иқтисодиётни илмий нуқтаи назардан тадқиқ қилдилар. Ҳақиқатан ҳам мазкур давр янги классик сиёсий иқтисод мактабининг бошланганини билдиради. Унинг классик деб аталишининг асосий сабаби, энг аввало, шундан иборатки, унинг кўплаб назарий ва методологик қоидалари чинакам илмий бўлиб, улар замонавий иқтисодий назария асосини ташкил этади. Айнан классик сиёсий иқтисод вакиллари туфайли иқтисодий назария илмий фан мақомига эга бўлди. Англияда классик сиёсий иқтисод

мактабининг дастлабки вакили У.Петти бўлса, Франция-да — П. Буагильбер, Ф. Кенэ, А. Тюрго ҳисобланади. Кейинчалик бу мактаб таълимоти А. Смит, Д. Риқардо, Ж.Б. Сэй, Т. Мальтус томонидан ривожлантирилди ва Ж.С. Милл, К. Маркс томонидан якунланди. Уларни биз кейинги мавзуларда кўриб чиқамиз.

4.1.У.ПЕТТИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ

Уильям Петти (1623-1687) — Англия классик сиёсий иқтисодининг асосчисидир. К.Маркс сўзи билан айтганда, У.Петти "Сиёсий иқтисоднинг отаси... буюк тадқиқотчи - иқтисодчи". У.Петти ҳар томонлама юксак билимли одам бўлган. У Англиянинг жанубидаги Ромси шаҳрида ҳунарманд-маточи оиласида туғилди. Ўн тўрт ёшида ота касбини эгаллашдан воз кечган У.Петти уйдан чиқиб кетади ва кемада ёлланма шогирд бўлиб хизмат қилади. Орадан бир йил ўтгач, тақдир тақозоси билан оёғи лат еган У.Петти Франция ҳудудидаги бир қирғоқда қолдириб кетилади. Бу нотаниш чет ўлкаларда лотин тилини билганлиги туфайли у Кан коллежига қабул қилинди ва тингловчи сифатида моддий жиҳатдан таъминланди. Коллеж унга француз ва грек тилларини, математика, астрономияни ўрганишга имконият яратиб берди. 1640 йили коллежни битириб, У. Петти Лондонга қайтиб келди. Кейинчалик Оксфорд университетида тиббиёт соҳасида таҳсил олди.

1650 йили 27 ёшида У.Петти физика бўйича докторлик даражасини олди, Англия коллежларининг бирида профессор бўлиб ишлади.

У.Петти иқтисодий муаммоларга бағишланган "Солиқлар ва йиғимлар тўғрисида трактат" (1662), "Донишмандларга сўз" (1665), "Ирландиянинг сиёсий анатомияси" (1672), "Сиёсий арифметика" (1683) ва бошқа асарларни ёзди. У.Петти дастлаб ўз асарларида меркантилистларнинг ижобий савдо баланси ғоясини ва саноатни рағбатлантириш мақсадида давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини қўллаб-қувватлади. Аммо У.Петти аста-секин тадқиқот объектини ўзгартирди ва асосий эътиборни савдо муаммосидан ишлаб чиқариш муаммосига қаратди. Унинг

қайд қилишича, бойлик ишлаб чиқаришда яратилади, муомала соҳасида эса у фақат тақсимланади.

Бойлик ва пул назариялари

Меркантилистлардан фарқли равишда, У. Петти фикри бўйича, нафақат қимматли металл ва тошлар ҳамда пул бойлик ҳисобланади, балки мамлакатнинг ери, уйлар, кемалар, товарлар ва ҳатто уй жиҳозлари ҳам бойликни ташкил этади. Бу масала бўйича ўз фикрини ривожлантириб, бизнинг даврда кенг тарқалган "Меҳнат — бойликнинг отаси, ер эса — унинг онаси" деган иборани ишлатди.

Мамлакат бойлигини кўпайтириш учун У.Петти қамоқ жазоси ўрнига пул жаримасини жорий этиш зарурлигини, пул тўлашга "қурби етмаган ўғриларни" эса "қулликка" маҳкум этишни, ишлашга мажбур қилишни тавсия этади. Бу меркантилистларга қарама-қарши тарзда, бойлик, энг аввало, меҳнат билан яратилишини билдиради, яъни хўжалик ҳаётидаги пулнинг "асосий" ролини инкор этади.

У. Петти бу фикрни ривожлантириб, четга пул чиқаришни тақиқлаш бемаъни нарса эканлигини кўрсатиб ўтади. Давлатнинг бундай хатти-ҳаракати, унинг фикрича, мамлакатга четдан товар келтиришни ман этиш билан бир нарсадир. У.Петти бу фикрлари билан ўзини пулнинг миқдорий назарияси тарафдори эканлигини кўрсатди ва муомала учун зарур бўлган пул миқдори тўғрисидаги қонуниятни тушунганлигини намойиш этди. Аммо шу билан бирга унинг иқтисодиётдаги пулнинг ролини юзаки тушунганлиги аниқ кўринади. Бир томондан, пулнинг миқдорий назарияси ҳақиқатан ҳам "пул ўз-ўзидан бойлик мазмунини англатмаслигини" кўрсатди, иккинчи томондан эса — У. Петти ва ундан кейинги бошқа классик иқтисодий назария муаллифлари, М. Блауг сўзи билан айтганда, у (пулнинг миқдорий назарияси) асосий эътиборни пулнинг муомала воситаси сифатидаги ролига қаратган ҳолда, товар ва пул бозорлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни келтириб чиқарувчи пулнинг қимматни сақлаш воситаси сифатидаги функциясини инкор этди.

Шунинг учун меркантилизмга нисбатан тўғри танқидлари билан бирга, У. Петтининг бу борада нотўғри тушунчалари ҳам бўлган. Масалан, у савдо ва савдо капиталининг миллий бойлик яратишдаги иштирокини инкор этди ва ҳатто савдогарлар сонини анча камайтиришни қаттиқ туриб маъқуллади. У. Петти савдогарларни давлатнинг "қонини" тақсимлаш билан шуғулланувчи "ўйинчилар"га ўхшатади. У "қон" деганда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини назарда тутади.

Қиймат назарияси

У.Петтининг меркантилистлар ғоясига бўлган салбий қараши нафақат бойликнинг моҳиятини ва уни кўпайтириш йўлларини таҳлил қилишда, балки товарлар қийматининг яратилиш табиатини ва бозорда уларнинг қиммати даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлашда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бу борадаги тадқиқотлари кейинчалик уни қийматнинг меҳнат назарияси биринчи муаллифи деб тан олинишига сабаб бўлди. Умуман олганда, қийматнинг меҳнат назарияси классик иқтисодий мактабнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

У. Петти назарияларининг бирида айтилишича, товар қиймати кумуш қазиб олувчи меҳнати билан яратилади ва унинг "табиий баҳоси" ҳисобланади; кумуш қийматига тенглаштирилган товарлар қиймати эса уларнинг "ҳақиқий бозор баҳоси" ҳисобланади. Иккинчи бир жойда қайд қилинишича, товар қиймати меҳнат ва ер иштирокида яратилади. Яъни У. Петтининг ўзи айтганидек, "Кеманинг ёки камзул (сюртук)нинг қиймати қандайдир ер миқдори ва қандайдир меҳнат миқдори қийматига тенг, чунки ҳар иккаласи — кема ҳам, камзул ҳам — ер ва инсон меҳнати билан яратилади". Бундан кўриниб турибдики, У. Петтида товар баҳоси асосида сарфли механизм ётади.

Даромадлар назарияси

Ишчиларнинг, пул капитали ва ер эгаларининг даромадлари тўғрисида У. Петти айтиб ўтган қоидалар кейинчалик классик иқтисод мактаби вакилларининг назарий

изланишлари учун асос бўлиб хизмат қилди. У.Петти ишчининг даромади сифатидаги иш ҳақини меҳнатнинг баҳоси деб ҳисоблади ва унинг даражасини ишчининг яшаши учун зарур бўлган воситалар минимуми билан ифодалади. У.Петти ҳар бир ишчи "яшаш, меҳнат қилиш ва кўпайиши учун" керакли нарсани олса бас, деган хулосага келди. Буни у назарий жиҳатдан исботлаб бермоқчи бўлди: агар ишчига кўрсатилган минимумдан икки баравар кўп ҳақ тўланса, у чоғда ишчи икки марта камроқ ишлайди, бу эса жамият учун шунча миқдордаги меҳнат бой берилганини билдиради. У.Петтининг иш ҳақи тўғрисидаги мазкур қоидаси "классик мактаб"нинг кўпчилик вакиллари назарий тадқиқотларининг асосини ташкил этди. Масалан, У.Петтидан кейин, Д.Рикардо ва Т.Мальтус иш ҳақини ишчи меҳнатининг баҳоси сифатида тавсифлаб, уни ишчи ва унинг оиласининг яшаши учун зарур бўлган воситалар минимуми билан боғлаб тушунтирганлар.

У.Петти деҳқончиликда яратилган маҳсулот қиймати билан уни ишлаб чиқаришга кетган харажатлар ўртасидаги фарқни рента деб атаган. Унинг фикрича, рента қишлоқ хўжалигида тупроқ унумдорлигининг ҳар хиллигидан ва ер участкасининг бозорга узоқ-яқин жойлашишидан келиб чиқади. Бундан биз У.Петтининг биринчилардан бўлиб дифференциал рента тушунчасини илгари сурганлигини кўрамиз.

У.Петти ер баҳоси муаммосини жуда қизиқ ва ноёб тарзда ҳал этишга уринган. Лекин у бу муаммони тўғри еча олмади. Унинг фикрича, ерни сотиб олувчи ҳар йили рента олиш ҳуқуқини қўлга киритувчи шахсдир. Шунинг учун ернинг баҳоси бир йиллик муайян миқдордаги рентага тенг бўлиши керак. Аммо у бу миқдорни илмий жиҳатдан аниқлаб бера олмади, яъни ернинг баҳосини келтириб чиқариш учун бир йиллик рентани кўпайтириш мумкин бўлган сонни топа олмади. Бу масалани ечиш учун У.Петти рентани 21 йилга кўпайтиришни тавсия этади. Негаки, унинг тасдиқлашича, фақат уч авлод вакиллари: бува (50 ёш), ўғил (28 ёш) ва невара (7 ёш) — биргаликда 21 йил яшашлари мумкин. Шунинг учун муайян ер участкасининг қийматини ташкил этувчи бир йиллик рен-

та суммаси ўша уч авлод кишиларининг биргаликда яшаш йилига тенг бўлиши керак. Шу сабабли ернинг қиймати ҳам тахминан шунча миқдордаги бир йиллик рента суммасига тенг.

Шу билан бирга унинг ер баҳосини аниқлашдан келиб чиқадиган ссуда капитали билан ердан олинадиган йиллик рента ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ғояси иқтисодий фикрларнинг ривожланишида ижобий роль ўйнади. Буни кейинчалик К.Маркс қайд қилиб ўтади. Маълум маънода худди шундай фикр Й.Шумпетрнинг иқтисодий қарашларида ҳам учрайди. Унингча, бирорта капиталист ер участкасини ушбу участкадан олиниши мумкин бўлган рентага тенг фоиз келтириши мумкин бўлган пул суммасидан юқори ҳам, паст ҳам баҳолаши мумкин эмас. Биронта ер эгаси ўз участкасини ундан олинадиган рентага тенг фоиз келтирувчи пул суммасидан камига сотмайди. Аммо у ўша суммадан кўпини ҳам ололмайди, негаки бундай суммани тўлашга рози бўлган капиталистга бирданига жуда кўп ер участкалари таклиф қилинади.

У.Петти биринчилардан бўлиб рақамларни, ҳисобкитобларни, статистик маълумотларни ва статистик таҳлил услубларини (иқтисодий статистикани у "Сиёсий арифметика" деб атаган) кенг қўллади. Унинг асарларида миллий бойлик ва миллий даромад статистикасига, аҳоли сонини ва унинг тузилишини ҳисоблашга, меҳнат ресурсларининг қимматини аниқлашга катта эътибор берилади. Унда ўз даври учун анча аниқ бўлган мамлакат миллий бойлигининг ҳисоблари мавжуд эди. Бу ерда У.Петти бойлик таркибига ишчи кучини ҳам киритган. У жамиятнинг ҳар хил ихтисосликка бўлган эҳтиёжини, жумладан зарур бўлган тиббиёт ходимларининг сонини ҳисоблаб чиқди. Ушбу ҳисоблар туфайли У.Петти ҳар хил ихтисослик бўйича иккита Англия университетида нечта талаба таълим олиши кераклигини аниқлаб берди. Унинг томонидан бойликнинг асосий кўриниши пул деган ғоя ҳам инкор этилди. У.Петтининг ҳисоби бўйича Англияда пул миқдори унинг жами бойлигининг 3 фоизидан ортмайди. Ҳақиқатда миллий бойликнинг асоси — бу мол-мулк (ер, уй, транспорт воситалари, чорва ва бошқалар).

4.2. П.БУАГИЛЬБЕРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ

Франция классик иқтисодий мактабининг асосчиси Пьер Буагильбер (1646-1714) ҳисобланади. У Англия классик иқтисодий мактабининг асосчиси У.Петти каби профессионал иқтисодчи-олим бўлган эмас. П.Буагильбер ҳулди отасига ўхшаб ҳуқуқшуносликдан таълим олди. 31 ёшида Нормандияда судьялик лавозимини эгаллади. У бу лавозимда 25 йил мобайнида, яъни деярли умрининг охиригача ишлади, фақат ўлимидан икки ой олдин бу лавозимни катта ўғлига топшириб кетди.

Синчков ақл, жамиятдаги юқори ижтимоий мавқе П.Буагильберда мамлакатнинг иқтисодий муаммоларини билишга, XVII асрнинг охири — XVIII асрнинг бошидаги Франция вилоятларидаги аҳоли турмуш даражасининг пастлиги сабабларини аниқлашга қизиқиш уйготди. У ўзининг биринчи ислоҳотлар тўғрисидаги мулоҳазаларини (меркантилистларга қарши) 50 ёшида ёзган "Франциядаги вазиятнинг муфассал тавсифи, унинг фаровонлигининг пасайиши сабаблари ва қайта тикланишнинг оддий усуллари..." асарида эълон қилди. П.Буагильбер бу асарида меркантилизм иқтисодий сиёсатини қаттиқ танқид қилди. Бу сиёсатнинг бошида ўша даврдаги Людовик XIV қироллигида молия вазири лавозимини эгаллаб турган Жан Батист Кольбер турар эди. У Франция товарлари экспортини рағбатлантиришни, Францияга келадиган импорт товарларни эса чекланшни, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига юқори солиқ белгиланшни қонунлаштирган. Бу саноат ишлаб чиқаришига ҳамда бир бутун миллий иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатди.

Иқтисодиётдаги салбий ҳолатларни бартараф этиш йўлларини аниқлаш П.Буагильбернинг кейинги, XVIII асрнинг бошида чоп этилган асарларининг ҳам асосий вазифаси ҳисобланади. Уларда П.Буагильбер меркантилизмни танқид қилишни давом эттирди, ислоҳотлар зарурлигини асослаб берди, иқтисодий ўсишнинг ва давлат бойлигининг асоси деб билган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш муаммоларига алоҳида эътибор қаратди. Бундай ёндашув Франция иқтисодий қараш-ларида XVIII асрнинг ярмигача сақланиб қолди. Чунки ўша

даврда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг социал-иқтисодий ривожланишдаги ҳал қилувчи ролини тарғибот қилувчи физиократизм анча кучайган эди.

1707 йили П.Буагильбернинг "Францияни қоралаш" асари чоп этилди. Унда Франциянинг камбағаллик ҳолати кўрсатилди, меркантилистик сиёсат қораланди. Иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш тўғрисида янги ғоялар илгари сурилди. Бироқ улар ўзи ишонган ва умид қилган ҳукумат вазирлари томонидан ҳам эътиборга олинмади, қўллаб-қувватланмади.

Иқтисодий фикрларнинг ривожланишида ва Францияда бозор муносабатларининг шаклланишида П.Буагильбернинг ҳиссаси катта бўлди. Айнан унинг асарлари меркантилистик ғояларнинг батамом обрўсизланиши ва француз классик иқтисодий мактабининг шаклланиши учун назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди. У, Петтига ўхшаб, мамлакатнинг бойлиги пул миқдоридан иборат эмас, балки барча фойдали нарса ва неъматлардан ташкил топади, деган концепцияни илгари сурди.

Назарий қоидаларнинг ўзига хослиги

П. Буагильбернинг муҳим ютуғи — У. Петтига ўхшаб қийматнинг меҳнат назариясини "асослаб" берганлигидир. Бунда у бозорда товарлар ўртасидаги алмашув нисбатлари механизмини сарфланган меҳнат миқдори ёки иш вақтини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилади. Бу концепция, номукаммал бўлишига қарамасдан (унинг асосида сарфли принцип ётади), ўз даври учун, албатта, прогрессив ҳисобланади, негаки меркантилистларнинг баҳонинг шаклланишида пулнинг табиий роли тўғрисидаги концепциясидан кескин фарқ қилади.

П. Буагильбер меркантилизмни кўп жиҳатдан тўғри танқид қилиш билан бирга, пулнинг иқтисодиётдаги ролини менсимаган ҳолда, мамлакатнинг иқтисодий ўсишида қишлоқ хўжалиги ролини мутлақлаштирди, бойликни кўпайтиришдаги саноат ва савдонинг аҳамиятини инкор этди. Классик иқтисодий назария вакиллари ичида у пулни бекор қилиш мумкин ва зарур деб ҳисоблаган ягона иқтисодчи ҳисобланади, унингча, пул товарлар-

нинг "ҳақиқий қийматлари" бўйича айирбошланишини бузади.

Биринчи француз классигининг фикри бўйича иқтисодиётдаги асосий соҳа савдо эмас, балки ишлаб чиқариш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги ҳисобланади. П.Буагильбер ўз асарларида иқтисодиётнинг "табиий" қонунлари тўғрисида қайд қилиб ўтади. Давлат юқори солиқларни жорий этиш ёки протекционизм сиёсатини қўллаш билан уларга халақит бермаслигини тавсия этади.

4.3. ФИЗИОКРАТЛАР

Физиократлар (грек. — табиат ҳукмронлиги) — бу XVIII асрдаги француз иқтисодчилари, классик сиёсий иқтисод вакилларидир. Физиократлар мактаби Франция да феодализмдан капитализмга ўтиш даврида вужудга келди. Бу тасодифий ҳол эмас эди. Ўша даврда Франция да мануфактура анча ривожланган бўлсада, аммо мамлакат ҳали ҳам аграр ҳолатда эди. Аҳолининг асосий қисми қишлоқларда яшар, миллий бойликнинг 2/3 қисми шу соҳада юзага келтирилар эди. Қишлоқ хўжалиги аҳволини яхшилаш тадбирлари физиократлар тадқиқотларининг асосини ташкил этади. Улар қишлоқ хўжалигини иқтисодиётнинг ягона унумли соҳаси деб ҳисобладилар. Уларнинг фикрича, бойлик фақат қишлоқ хўжалигида яратилади, саноат ва савдода эса у қайта ишланади ва қайта тақсимланади, холос. Шунга кўра физиократлар тадқиқотни муомала соҳасидан ишлаб чиқариш соҳасига олиб ўтдилар ва бу билан капиталистик тизимнинг кейинги таҳлили учун асос яратдилар.

Ф. Кенэ — физиократлар таълимотларининг асосчиси

Франсуа Кенэ (1694-1774) — физиократлар мактабининг асосчисидир. Ф.Кенэ ҳар томонлама билимли олим бўлиб, Версаль яқинида камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. У ёшлигидан тиббиётга қизиқди ва бу соҳада таълим олди. Кейинчалик тиббиёт амалиёти унга шуҳрат келтирди. 1752 йилда Қирол Людовик XV саройида табиблик

қилди. Тиббиёт ва биологияга оид кўпгина асарлар яратди. Ф.Кенэ иқтисодиёт муаммолари билан олтмиш ёшидан бошлаб бевосита шуғуллана бошлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ф.Кенэнинг иқтисодий ғоялари қирол саройида — Версалда юзага келди. У умрининг охиригача ўша ерда яшади ва ижод қилди. Ф. Кенэнинг "Фермерлар", "Дон", "Аҳоли", "Солиқлар" номли дастлабки иқтисодий мақолалари Дидро ва Д.Аламбер томонидан чоп этилган "Қомус" да эълон қилинди. 1758 йилда унинг асосий асари — "Иқтисодий жадвал" дунёга келди. Ф.Кенэ нафақат физиократизм мактаби асосини яратди, балки унинг назарий ва сиёсий дастурини ҳам шакллантирди. Унинг физиократик ғояларини кейинчалик А.Тюрго ва бошқа бир қатор француз иқтисодчилари давом эттирдилар ва тарғибот қилдилар. Шундай қилиб, ҳақиқий физиократлар мактаби ёки ўша давр тили билан айтганда "иқтисодчилар мактаби" таркиб топди. Унинг энг ривожланган даври XVIII асрнинг 60-70 йилларига тўғри келади.

Ўрганиш методи

Ф.Кенэнинг иқтисодий тадқиқоти методологик маслаги (платформаси)ни у ишлаб чиққан табиий тартиб тўғрисидаги концепция ташкил этади. Унингча, мазкур концепциянинг ҳуқуқий асоси давлатнинг хусусий мулкни, шахсий манфаатларни муҳофаза қилувчи ва такрор ишлаб чиқаришни ва моддий бойликларни тўғри тақсимлашни таъминловчи қонунлари ҳисобланади. Ф.Кенэнинг ёзишича, табиий тартибнинг моҳияти шундаки, бир одамнинг шахсий манфаати бошқаларнинг умумий манфаатидан ажралган бўлиши мумкин эмас. Бу эса эркинлик ҳукмронлик қилган шароитда бўлади. Ана шунда дунё ўз-ўзидан ҳаракатланади. Шу билан бирга Ф.Кенэ огоҳлантириб ўтади: "Юқори ҳокимият" оқсуяклардан ёки йирик ер эгалари вакилларидан ташкил топиши мумкин эмас; улар бирга қўшилиб қонуннинг ўзидан анча кучли ҳокимият ташкил этиши, миллатни қул қилиши, адолатсизликни келтириб чиқариши, йиртқичларча зулм ўтказиши ва ўтакетган бебошликни келтириб чиқариши мумкин". У, юқори

давлат ҳокимияти табиий тартиб қонунларини яхши биладиган, ўқимишли бир шахс қўлида бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган.

Соф маҳсулот тўғрисидаги таълимот

Ф. Кенэнинг назарий меросида унинг соф маҳсулот (ҳозир уни миллий даромад деб аташади) тўғрисидаги таълимоти муҳим ўрин эгаллайди. Унинг фикрига кўра, соф маҳсулотнинг манбаи ер ва унга сарфланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган кишиларнинг меҳнати ҳисобланади. Демак, бойликнинг (соф маҳсулот) кўпайиши ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган "ер инъомидир". Шу боисдан давлат саноатни эмас, балки қишлоқ хўжалигини рағбатлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиши керак. Ф. Кенэ "Деҳқонлар камбағал бўлса қироллик камбағал бўлади, қироллик камбағал бўлса қирол камбағал бўлади" деб, ҳукуматни ишонтиришга ҳаракат қилган. Савдо ва саноат бойлик яратмайди, негаки савдогар ва ҳунармандлар қишлоқ хўжалигида яратилган бойликни фақат бир жойдан иккинчи бир жойга етказиш ва ўзгартириш билан шуғулланади. Шунинг учун савдо ва саноат "унумсиз" ҳисобланади. У ердаги товарнинг ўсган қиймати фақатгина савдо ва саноат харажатларини қоплаш воситаларини ўз ичига олади, соф маҳсулот эса бунда кўпаймайди. Кейинчалик А. Смит физиократларнинг саноатнинг "унумсизлиги" тўғрисидаги ғоясига қарши чиқади ва саноатда ҳам бойлик яратилишини кўрсатиб беради.

Ф. Кенэ меркантилистларнинг, бойлик савдода яратилади, деган тезисини танқид қилди. Унинг тасдиқлашича, муомалада товарларнинг айирбошланиши эквивалентли бўлади, яъни тенг қийматли товарлар айирбошланади. Демак, айирбошлашда қийматнинг ҳеч қандай ўсиши содир бўлмайди. Ф. Кенэ пулни фойдаси йўқ бойлик ҳисоблаган, унга фақат савдодаги воситачи сифатида қараган. Шунга мувофиқ, унингча, давлатнинг бойиши пул капиталининг ўсишига эмас, балки қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожланишига боғлиқ бўлади.

Синфлар назарияси

Ф. Кенэ ўзи ишлаб чиққан унумлилик қоидасига асосланган ҳолда жамиятни уч синфга ажратиб кўрсатиб беради: унумли синф, унумсиз синф, мулкдорлар синфи. Унумли синф — бунга қишлоқ хўжалигида иш билан банд бўлган барча кишилар, деҳқон ва фермерлар ҳам киради. Улар соф маҳсулот яратадилар. "Унумсиз" синф — булар ҳунармандлар, ишчилар, савдогарлар, хизматкорлар, амалдорлар, яъни деҳқончиликдан бошқа соҳада иш билан банд бўлган кишилар. Улар фақат ўзларини таъминлайдилар, ўз истеъмолига қанчалик маҳсулот керак бўлса, шунчалик маҳсулот яратадилар. Улар жамият учун фойдали, аммо ўзининг ҳам, жамиятнинг ҳам бойлигини кўпайтирмайди, шу маънода унумсиздир. Мулкдорлар синфи ер эгалари, унга қирол ва руҳонийлар ҳам киради. Мулкдорлар синфи соф фойдани олишга ҳақли, негаки улар ўз пайтида ерларни ўзлаштирган, ернинг унумдорлигини оширган. Мулкдорлар томонидан олинадиган даромад — бу уларнинг олдин қилган харажатлари учун инъом. Албатта, жамиятнинг синфларга бундай бўлиниши нотўғридир. А.Смит физиократларнинг бу борадаги қараши тўғрисида кинояли равишда шундай дейди: агар уларнинг мантиғига амал қилсак, унда фақат икки фарзанд кўрадиган ҳар қандай никоҳни унумсиз деб тан олиш керак бўлади.

Капитал назарияси

Иқтисодий фикрлар тарихида капитал тўғрисидаги биринчи чуқур назарий тушунчани Ф. Кенэ илгари сурди. Меркантилистлар капитални пул билан бир нарса деб ҳисоблаган бўлсалар, Ф. Кенэ фикрига кўра "пул унумсиз бойлик бўлиб, у ҳеч нарса ишлаб чиқармайди". Унинг атамаси бўйича қишлоқ хўжалиги қуроллари, қурилишлари, моллари, ҳайвонлари ва деҳқончиликда бир неча ишлаб чиқариш циклларида фойдаланиладиган барча нарсалар "дастлабки авансларр" дейилади (ҳозирги замон атамаси бўйича — асосий капитал). Бир ишлаб чиқариш циклида ишлатиладиган уруғлик, ем-хашак, ишчиларнинг меҳнат ҳақи ва бошқаларни у "ҳар йиллик авансларр"га

киритди (ҳозирги замон атамаси бўйича — айланма капитал). Аммо Ф. Кенэнинг хизмати фақат капиталнинг ишлаб чиқаришдаги ролига қараб уни асосий ва айланма капиталларга бўлишдангина иборат эмас. Ундан ташқари, у айланма капитал билан бирга асосий капитал ҳам ҳаракатда бўлишини ишонарли қилиб исботлаб берди.

Такрор ишлаб чиқариш назарияси

Иқтисодий таълимотларнинг ривожланишида Ф.Кенэнинг машҳур "Иқтисодий жадвал" асари жуда катта роль ўйнади. Бу асарда ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни биринчи марта макроиқтисодий даражада таҳлил қилинди. Ф.Кенэ жамиятдаги учта социал гуруҳ — синфлар ўртасида маҳсулот ва пулнинг айирбошланиш жараёнини кўрсатиб берди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил этишда баҳоларнинг ўзгармаслиги асос қилиб олинади. (Бунда алмашув эквивалентлик тамойили асосида рўй бераяпти, деб фараз қилинади). Бу жараён ташқи бозор таъсирисиз, яъни фақат ички бозор шароитида юз бераяпти, деб қаралади.

"Жадвал"даги такрор ишлаб чиқаришнинг бошланғич нуқтаси яратилган бир йиллик маҳсулот ҳисобланади. Ф. Кенэ статистик ҳисоб-китобларга асосланган ҳолда Франция деҳқончилигидаги ялпи маҳсулот қийматини 5 млрд. ливрга (ливр — ўша пайтдаги Франция пул бирлиги) баҳолади (озиқ-овқат 4 млрд. ливрни, хом ашё 1 млрд. ливрни ташкил этади). Бу маҳсулотдан ташқари фермерлар ўтган йилги ҳосилни сотишдан олган 2 млрд. ливрга эга. Бу пулни улар мулкдорларга ижара ҳақи сифатида ер учун тўлайдилар. Унумсиз ёки "ҳосилсиз" синф 2 млрд. ливрлик саноат маҳсулотига эга. Жами ижтимоий маҳсулот, Ф.Кенэ ҳисоби бўйича, 7 млрд. ливрни ташкил этади. Мулкдорлар (ер эгалари) ҳосилни йиғиштириб олгандан кейин фермерлардан 2 млрд. ливр ижара ҳақи олганлар.

Бу ерда барча яратилган маҳсулот сотилиши ва айланиш жараёни қандай амалга ошади? "Иқтисодий жадвал"нинг шартларига кўра бу жараён беш актдан иборат бўлиб, унинг ҳар бирида 1 млрд. ливрга тенг маҳсулот сотилиши амалга оширилади.

1. Мулкдорлар "унумли синф" дан 1 млрд. ливрлик озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб оладилар. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 1/5 қисми сотилади. Маҳсулотнинг бу қисми муомала соҳасидан истеъмол соҳасига (ер эгаларига) ўтади.

2. Мулкдорлар "унумсиз синф"дан 1 млрд. ливрлик саноат маҳсулотларини сотиб оладилар. "Унумсиз синф" шу билан ўз маҳсулотининг ярмини сотади.

3. "Унумсиз синф" мулкдорлардан олган пулига "унумли синф"дан истеъмол буюмларини сотиб олади. Шу билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг яна 1/5 қисми сотилади.

4. "Унумли синф" "унумсиз синф"дан олган 1 млрд. ливрга унинг ўзидан ("унумсиз синф"дан) шунча пулга ишлаб чиқариш қуролларини олади (улар асосий капиталнинг ейилган, ишдан чиққан қисмини қайта тиклашга ишлатилади). Бунинг натижасида саноат маҳсулотларининг иккинчи ярми сотилади.

5. Айланиш жараёнининг бешинчи, якунловчи актида "унумсиз синф" "унумли синф"дан 1 млрд. ливрлик қишлоқ хўжалиги хом ашёсини харид қилади.

Пировардида жами ижтимоий маҳсулотнинг бутун айланиш жараёни натижасида синфлар ўртасида 3 млрд. ливрлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва 2 млрд. ливрлик саноат буюмлари сотилади. "Унумли синф" ихтиёрида қолган 2 млрд. ливрлик маҳсулот барча синфлар ўртасидаги умумий айланишда қатнашмайди, у фақат ўз синфи доирасида айланади (жадвалда бундай айланиш берилмаган). Бу маҳсулот қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнида сарфланган уруғлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнини қоплайди. "Унумли синф" томонидан сотиб олинган саноат товарлари асосий капиталнинг эскирган қисмини қоплаш учун ишлатилади. Нақд пул (2 млрд.) муомала (айланиш) натижасида "унумли синф" қўлига келиб тушади, аммо кейинги муддат учун ижара ҳақи тўлаш натижасида бу пул яна ер эгалари ихтиёрига ўтади. Шундай қилиб, янги ишлаб чиқариш циклини бошлаш учун, яъни олдинги ҳажмдаги ишлаб чиқаришни, оддий такрор ишлаб чиқаришни давом эттириш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

"Иқтисодий жадвал"да такрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилиш асосида олинган муҳим илмий хулоса шундаки, унда айрим олди-сотди актлари қараб чиқилмайди, балки жуда кўп бундай якка муомала актлари синфлар ўртасидаги муомалага мужассамлаштирилади. Ана шу синфлар ўртасидаги муомала Ф. Кенэ тадқиқотининг предмети ҳисобланади. Айниқса, унинг муомалани такрор ишлаб чиқариш жараёнининг атиги бир шакли сифатида, пул муомаласини эса капиталнинг фақат айланиш моменти сифатида кўрсатиб бериш учун қилган ҳаракати самарали бўлди.

Аммо Ф.Кенэнинг такрор ишлаб чиқариш тўғрисидаги таълимотида бир қатор камчиликлар мавжуд. "Иқтисодий жадвал"даги синфлар тушунчасида изчиллик, илмийлик етишмайди. Саноатчиларни ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум этган ҳолда (улар ўз маҳсулотларининг ҳаммасини сотиб юборади), Ф. Кенэ уларни ишлаб чиқариш жараёнини қайтадан бошлаш имкониятидан маҳрум этади. Маҳсулотни сотишда марказий ўринга ер эгаларининг ўтиб қолиши нотўғри бўлган. "Иқтисодий жадвал"да ижтимоий маҳсулотнинг жойлашиши ҳам тўлиқ очиб берилмаган. Аммо ундаги камчиликлар мазкур асарнинг қимматини туширмайди. Унда иқтисодий фикрлар тарихида биринчи марта миллий иқтисодиёт макроиқтисодий даражада таҳлил қилинди ва ундаги ғоялар бўлажак иқтисодий моделларнинг куртаги бўлиб қолди.

4.4. А. ТЮРГОНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ

Ф.Кенэнинг ғоялари Анн Робер Жак Тюрго (1727-1781 й.) томонидан давом эттирилди ва ривожлантирилди. А.Тюрго Парижда дворянлар оиласида туғилди. Оилавий анъанага кўра у диний таълим олишга мажбур бўлди. Лекин Сорбоннанинг теология (диний) факультетини тугатгач, бу соҳада ишлашдан бош тортди. 1751 йилдан Париж парламентининг чиновниги, 1761-74 йилларда Лиможда (Лимузен провинцияси — вилояти маркази) интендант (губернатор) лавозимида ишлади. Бу узоқ вилоятда марказий ҳокимият вакили сифатида у хўжалик ишларини, жумладан солиқ олиш тизимини назорат қилиб турди.

Айнан Лиможда яшаб турган даврда А.Тюрго ўзининг "Бойликнинг яратилиши ва тақсимланиши тўғрисида мулоҳазалар" (1766) номли асосий иқтисодий асарини, тугалланмасдан қолган "Қиммат ва пул" (1769) китобини ва бошқа асарларни ёзди. Улардаги фикрлар, умуман физиократик қарашларга ҳамда бозор иқтисодий муносабатлари тамойилларига, энг аввало, эркин рақобат ва эркин савдо тамойилларига асосланган.

1774 йили қирол Людовик XVI А. Тюргони молия бош назоратчиси лавозимига (молия вазири лавозими билан тенг) тайинлади. Бу лавозимда икки йилга яқин ишлаган А. Тюрго, давлат харажатларини камайтиришга эриша олмаган бўлсада, лекин мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама эркинлаштириш учун имконият яратиб берувчи бир қатор фармон ва қонун лойиҳаларини амалга оширишга муваффақ бўлди. Аммо унинг ҳар бир ислоҳотга оид янгиликлари парламентда ўзининг монопол мавқеини сақлаб қолишга интилган амалдорлар — чиновниклар томонидан қаттиқ қаршиликка дуч келди. Шунинг учун у бошлаган ислоҳотлар кўп вақт амал қилмади. 1776 йили А. Тюрго истеъфога чиққач, улар бекор қилинди.

А.Тюрго вазир сифатида амалга оширган асосий ислоҳотлар: мамлакат ичкарисида доннинг эркин савдоси ташкил этилиши; қиролликка эркин дон олиб келиш ва ундан бож тўловларисиз эркин дон олиб чиқиш; натурал ер мажбуриятининг пулли ер солиғи (ўлпон) билан алмаштирилиши; саноат соҳасида тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи ҳунармандчилик цехлари ва гильдияларининг (йирик савдогарлар ва ҳунармандлар бирлашмаси) бекор қилиниши ва бошқалар ҳисобланади.

Иш ҳақи назарияси

Худди физиократларга ўхшаб, А.Тюргонинг тасдиқлашича, деҳқон барча ишларда биринчи ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади; у ўз ерида барча ҳунармандларнинг иш ҳақини яратади. Иш ҳақига нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарувчи ягона меҳнат — бу деҳқон меҳнатидир. У меркантилистларни танқид қилган ҳолда, миллатнинг бойлиги деб,

энг аввало, ерни ва ундан олинадиган "соф даромадни" ҳисоблади.

А.Тюрго иш ҳақини, Ф.Кенэ каби, яшаш воситалари минимумига боғлаб тушунтиради. Аммо А.Тюрго ундан фарқли равишда иш ҳақининг яшаш воситалари минимумига келиб тақалиш механизмини очиб бермоқчи бўлди. Иш ҳақини ишчининг ҳаёти учун зарур бўлган яшаш воситалари минимуми даражасига пасайтирувчи бундай механизм, унинг фикрича, меҳнатга бўлган талабнинг меҳнат таклифидан орқада қолиб кетиши, ишчилар ўртасидаги рақобатнинг ривожланмаганлиги ҳисобланади.

Синфлар назарияси

А.Тюрго Ф.Кенэга ўхшаб, жамиятни уч синфга ажратади: *унумли* синф (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд бўлган кишилар); *унумсиз* синф (саноат ва бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқларида ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган кишилар); *ер эгалари* синфи. Лекин биринчи иккита синфни "ишловчилар ёки иш билан банд бўлганлар" деб атайди. Уларнинг ҳар биридаги одамларни икки гуруҳга бўлиб кўрсатади, яъни аванс берувчи тадбиркорлар ёки капиталистлар ва иш ҳақи олувчи оддий ишчилар. Шу билан бирга, олимнинг тасдиқлашича, айнан унумсиз синф "иш ҳақи олувчи жамият аъзолари"ни ўз ичига олади.

Қиймат, пул ва фоиз назариялари

А.Тюрго қиймат, баҳо ва пулни таҳлил қилди. Унинг бу соҳадаги фикрлари ўзига хос характерга эга ва қийматнинг меҳнат назариясидан фарқ қилади. А.Тюрго товарнинг алмашув қиймати ва баҳоси сотувчи ва харидорлар истагининг интенсивлиги билан аниқланиши тўғрисидаги ғояни, яъни фойдалилик ғоясини илгари сурди. Кейинчалик бу ғоя замонавий баҳо назариясининг шаклланишида ижобий роль ўйнади.

А.Тюрго пулни ўз моҳиятига кўра товарлар дунёсидаги бир товар сифатида таърифлаб, айниқса "олтин ва кумушни, бошқа ҳар қандай материалга нисбатан монета

(танга) хизматини ўташга яроқли", деб ҳисоблади, негаки улар табиатан монета бўлиб яралган, унинг устига ҳар қандай келишув ва қонунлардан қатъи назар ҳамма учун умумий монета бўлиб қолади. Унинг фикрича, пул, яъни олтин ва кумушнинг баҳоси нафақат барча бошқа товарларга нисбатан ўзгариб туради, балки бир-бирига бўлган нисбати, кам ёки кўплигига қараб ҳам ўзгариб туради. А.Тюрго қоғоз пулларнинг миқдори яратилган товар ва хизматларнинг миқдорига мос келмаган шароитда бундай пуллардан фойдаланиш ноқулайликлари тўғрисидаги қоидани далиллар билан исботлаб берди.

А.Тюрго иқтисодиётда протекционизм сиёсатининг салбий томонини кўрсатиб берди. Унинг фикрича, "олиш ва сотишдаги умумий эркинлик, бир томондан, сотувчига ишлаб чиқаришни рағбатлантирувчи нархни, иккинчи томондан, харидорга энг яхши товарни энг паст баҳода сотиб олишни таъминлашнинг ягона воситасидир".

А.Тюрго ссуда (пул) фоизини тадқиқ қилар экан, қарзга олинган пулни ўсими билан қайтаришга жиноят сифатида қарайдиган насиҳатгўйлар бидъатларини қоралади. Унинг таъкидлашича, қарз берувчи қарз вақти давомида ушбу қарзга берган пули учун олиши мумкин бўлган даромадни йўқотади, қарз олувчи эса бу пулни самарали ишлатиб анча фойда кўриши мумкин. Кўриниб турибдики, қарз берувчи қарз олувчига озор етказаётгани йўқ, аксинча биринчисининг пулидан иккинчиси фойда кўраяпти. Ана шу фойда қарз олувчини фоиз тўлаш шарти билан қарз олишга ундовчи асосий куч ҳисобланади. У фоизни фойдадан тўлайди. Демак, А.Тюргонинг фикрига кўра, бундай "келишувдан" қарз берувчи ҳам, қарз олувчи ҳам манфаатдор. Жорий фоизга келсак, А.Тюрго бўйича, у бозорда капиталнинг кўп ёки камлигини кўрсатувчи термометр вазифасини ўтайди, хусусан фоизнинг паст бўлиши — бу капитал кўплиги натижасидир.

4.5. ФИЗИОКРАТИЗМНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ТАҚДИРИ

Иқтисодий таълимотлар тарихида физиократлар ўзига хос ўринни эгаллайди. А.Смит ўз вақтида "физиократизм

тизими қанчалик номукаммал бўлмасин, шу даврга ча чоп этилган иқтисодий ғоялар ичида ҳақиқатга энг яқини эди",— деб айтган. Бу таълимотнинг меркантилизмни инкор қилиши, меҳнат билан ер бойликнинг асоси эканлигини тан олиши, савдо-сотиқда божхона чеклашларини бекор қилишни таклиф этиши ниҳоятда муҳимдир. Физиократларнинг бойлик тўғрисидаги тезиси, айниқса «бойлик — бу жамият меҳнати билан ҳар йили яратилган истеъмол қийматлар йиғиндисидир», деган тезиси диққатга сазовор. Бу тезис А.Смит томонидан ҳам қабул қилинган.

Капитал ва унинг икки қисмга ажратиб кўрсатилиши (асосий ва айланма), такрор ишлаб чиқариш жараёнининг таҳлил этилиши, эркин соҳибкорлик тўғрисидаги ғоялар, жамиятнинг синфларга ажратилиши иқтисодий таълимотларнинг ривожида кейинги муҳим қадамдир.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун эркин бозор муносабатларига ўтиш ва деҳқончиликдан олинадиган солиқни камайтириш зарурлиги, ягона солиқ тизимига ўтиш кераклиги тўғрисидаги фикрлар ниҳоятда қимматлидир. Чунки соҳибкор ва тадбиркорлар 'шахсий манфаатдорлик бўлган шароитда ишлаб чиқаришни тез ривожлантиришга интиладилар. Ҳозирги замон тили билан айтганда, физиократлар соф бозор муносабатларининг унсурларини асосан тўғри ҳал этиб бердилар.

Халқ хўжалиги тармоқлари ўртасида муайян мутаносиблик бўлган шароитда такрор ишлаб чиқариш ва реализация жараёнининг узлуксиз давом этиши мумкинлиги аниқлаб берилди. Бу муаммони ҳал этишда физиократлар томонидан мамлакатдаги уч сектор ўртасидаги муносабатлар мисол қилиб олинган. Аммо амалда, айниқса ҳозирги даврда, бундай секторлар жуда кўп бўлиб, улар ўртасидаги алоқалар Нобель мукофоти соҳиби В. Леонтьевнинг "харажатлар — ишлаб чиқариш" балансида N та тармоқ учун ишлаб чиқилган. Ҳозирги даврда бундай баланс тармоқлараро баланс деб юритилади ва макроиқтисодий таҳлилда ва умуман иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этади. Ундаги ғоянинг куртаклари физиократлар асарларида яратилган бўлиб, у классик иқтисодий мактаб таълимоти занжирининг ажралмас қисми сифатида муҳим ўрин эгаллайди.

Шу билан бирга ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари нуқтаи назаридан физиократизм ғоялари ўз аҳамиятини тезда йўқотди ва ўткинчи характерга эга бўлди. Чунки жаҳон ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар нисбатан мукаммал ғояларнинг ишлаб чиқилиши зарурлигини тақозо этди ва бу амалда рўй берди. Айниқса, бойликни фақат деҳқончилик билан боғлаб тушунтирувчи физиократизм ғоялари саноат инқилоби натижасида юз берган ўзгаришлар туфайли тез унутилаёзди. Бу ҳолат иқтисодиёт осмонидаги ёрқин юлдузнинг сўнишини эслатади.

Таянч сўз ва иборалар:

— классик сиёсий иқтисод;
— "табиий баҳо";
— "бозор баҳоси";
— қиймат назарияси;
— "соф маҳсулот";
— "унумли, унумсиз синфлар";
— "дастлабки аванслар";
— "ҳар йиллик аванслар".

Тавсия этиладиган адабиётлар

Бартенев С.А. Экономические теории и школы. М.: "Бек", 1996.

Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. М.: "Дело Лтд", 1994.

Дроздов В.В. Франсуа Кенэ. М.: Экономика, 1988.

Жид Ш., Рист Ш. История экономических учений. М.: Экономика, 1995.

Иқтисодий таълимотлар тарихи Т.: "Фан", 1997.

Кенэ Ф. Избранные экономические произведения. М.: Соцэкгиз, 1960.

Костюк В.Н. История экономических учений. М.: Центр, 1998.

Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М.: "Дело", " Витапресс", 1996.

Маркс К., Энгельс Ф. Асарлар, 20-том.

Петти У. Избранные работы: "Трактат о налогах и сборах", "Слово мудрым", "Разное о деньгах". М.: "Ось-89" 1997.

Петти У. Трактат о налогах и сборах; Антология экономической классики. М.: Эконов, 1993. 1 т.

Петти У. Экономические и статистические работы. М.: Соцэкгиз, 1940.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС" , 1997.

Тюрго А.Р. Избранные экономические произведения. М.: Соцэкгиз, 1961.

Ядгаров Я.Я. История экономических учений. М.: "ИНФРА-М". 1999.

5-мавзу
КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Давлатни бадавийликнинг энг қуйи босқичидан фаровонликнинг энг юқори босқичига кўтариш учун фақатгина тинчлик, енгил солиқлар ва бошқарувдаги совуққонлик керак, қолганларнинг барчаси табиий ҳаракат туфайли бўлади.

А. СМИТ

5.1. А.СМИТ ВА УНИНГ "ОДАМЛАР БОЙЛИГИ..." АСАРИ

Шотландиялик буюк иқтисодчи Адам Смитнинг "Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот" асари замонавий иқтисодий фаннинг бошланиши ҳисобланади. А.Смит ўз давридаги иқтисодий билим ва концепцияларни умумлаштирди ва системага туширди. У хўжалик ҳаётининг асосий соҳаларини тавсифлаб берувчи бир бутун назария яратди.

Адам Смит (1723—1790) классик сиёсий иқтисоднинг атоқли намояндасидир. У Керколди шаҳрида божхона амалдори оиласида дунёга келди. Глазго ва Оксфорд университетларида таълим олди, адабиёт, тарих, фалсафа фанлари билан бирга физика, математикани ҳам ўрганди. А. Смит 1748 йилда Эдинбургда оммавий лекциялар ўқий бошлади, 1751 йилда Глазго университетининг профессори этиб тайинланди. Кейинчалик ижтимоий фанлар кафедрасини бошқарди. А. Смит 1759 йилда ўқиган лекциялари асосида этиканинг фалсафий муаммоларига бағишланган биринчи "Ахлоқий ҳиссиёт назарияси" китобини яратди.

1764 йили А. Смит ҳаётида кескин ўзгариш бўлди: у кафедрани тарк этди ва ўша даврда кўзга кўринган сиёсий арбоб — герцог Баклнйнг ўғли ёш лорднинг хорижга қиладиган саёҳатида унга ҳамроҳлик қилиш тўғрисидаги таклифини қабул қилди. Бу саёҳатдан А. Смит катта моддий

манфаатдорлик кўрар эди, яъни умрининг охиригача унга ҳар ойда 800 фунт стерлинг кафолатланган эди. Бу унинг профессорлик гонораридан анча кўп бўлган. Саёҳат чоғида у Швейцарияда Вальтер, Францияда физиократлар Ф. Кенэ, А. Тюрго, Д. Аламбер ва бошқа атоқли олимлар билан учрашди, уларнинг ишлари билан танишди. Бу учрашувлар А.Смитнинг дунёқараши шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

1766 йилда у ўз юртига қайтиб келди ва "Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот" номли асосий асарини ёзишга киришди. Бу асар 1776 йили чоп этилди. Мазкур асар тавсиялар тўплами эмас, балки муайян концепциялар системалаштирилган кўринишда берилган асардир. У жуда кўп мисол ва тарихий ўхшашликлар билан бойитилган.

А. Смитнинг бу асари беш қисмдан (китобдан) иборат бўлиб, биринчи қисмида қиймат ва қўшимча даромад муаммолари тадқиқ этилди, иккинчисида — капитал жамғарилиши ва унинг функционал шакллари, учинчисида — капитализм ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари кўрсатиб берилди, тўртинчисида — унинг меркантилизм ва физиократлар таълимотига бўлган муносабатлари акс эттирилди, бешинчи қисмида давлат молияси масалалари кўриб чиқилди. Бу асар А.Смит ҳаёт пайтидаёқ тўрт марта унинг ўлимидан кейин (1790) аср охиригача яна уч марта, қайта нашр этилди. У нафақат Англияда, балки чет элларда ҳам зўр қизиқиш уйғотди. А. Смитнинг бу буюк асари дунёдаги кейинги иқтисодий таълимотларнинг ривожланишига ва кўпчилик давлатларнинг иқтисодий сиёсатига ўзининг катта таъсирини кўрсатди.

А. Смит асарининг назарий қисми асосий ғояларини кўриб чиқамиз.

Бойликни кўпайтириш омиллари

А. Смит ўз китобида жамиятнинг иқтисодий ривожланишини ва унинг фаровонлигини оширишни марказий ўринга қўяди. Асарнинг бошида А. Смит "ҳар бир халқнинг йиллик меҳнати дастлабки жамғарма бўлиб, у халққа яшаш учун зарур бўлган барча нарсани беради", деб

қайд қилиб ўтади. Демак, бойликнинг манбаи — меҳнат. А. Смит бу фикрни ривожлантириб, меҳнат тақсимоти бойликни яратишда асосий омил ҳисобланади, деган хулосага келади. Чунки меҳнат тақсимоти асосида унинг унумдорлиги ошади. Муаллиф бу тезисни тўғноғич ишлаб чиқариш устахонаси мисоли ёрдамида асослаб беради. Устахонада ўн киши ишлайди. Улар ўртасида меҳнат шундай тақсимланган: бири симни тортади, иккинчиси уни тўғрилайди, учинчиси кесади, тўртинчиси учини ўткирлайди ва ҳ.к. Бир кунда бу ўн киши 48000 тўғноғич, яъни ҳар бир киши 4800 донадан тўғноғич ишлаб чиқаради. Агар улар бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаганларида, уларнинг ҳеч қайсиси бир кунда 20 дан кўп тўғноғич тайёрлай олмаган бўлар эди. Демак, ихтисослашув туфайли меҳнат унумдорлиги 240 баравардан кўпроқ ошган.

А.Смитнинг фикрига кўра меҳнат тақсимоти — бу миллий маҳсулот яратиш жараёнида одамлар ўртасида ҳамкорликни амалга оширишнинг жуда қулай шакли ҳисобланади. Ихтисослашув туфайли меҳнат жараёнини амалга оширишда кишиларнинг чаққонлиги ортади; улар вақтни тежайдилар, негаки доимо бир иш туридан бошқасига ўтишга ҳожат бўлмайди; улар ўз фаолиятларини такомиллаштириш, ихтиро қилиш учун катта имкониятларга эга бўладилар. Тараққиёт ва жамият фаровонлигининг ҳақиқий манбаи "табиат инъоми" эмас (физиократлар ҳисоблаганларидек), балки айнан меҳнат тақсимотидир. Шу билан бирга ихтисослашувни чуқурлаштириш имкониятлари чекланган бўлади, негаки биринчидан, агар яратилган қўшимча маҳсулот харид қилинмаса, ундаги меҳнатни янада тақсимлашга зарурат бўлмайди, иккинчидан, корхоналарнинг кўлами қанча кичик бўлса, меҳнат тақсимоти учун имкониятлар шунча кам бўлади (фойдаланаётган капитал миқдорига қараб).

Ушбу назариядан, миллий бойликнинг кўпайиши жамиятдаги айрим синфлар фаолияти натижаси эмас (меркантилистларда — савдогарлар, физиократларда — ер эгалари), балки меҳнат тақсимотида қатнашаётган барча кишилар фаолиятининг натижасидир, деган хулоса келиб чиқади. Бошқача сўз билан айтилганда, фойдалилик яратувчи ҳар қандай меҳнат унумли меҳнатдир. Аммо бу маса-

ла бўйича А.Смитда изчиллик бўлмаган. Биринчидан, у фақат моддий нарсаларни яратиш ва ўзгартириш билан боғлиқ бўлган меҳнатни унумли меҳнатга киритган. Бунга ўқитувчиларнинг, юристларнинг, ҳарбийларнинг, маъмуриятнинг, ёзувчиларнинг ва шу кабиларнинг кўрсатаётган хизматлари кирмайди. Иккинчидан, А.Смит иқтисодиётда қишлоқ хўжалиги соҳасининг устунлиги ғоясидан қутула олмаган. У ҳунармандлар ва савдогарлар меҳнатини ер эгалари меҳнатига нисбатан кам унумли бўлади, деб тасдиқлайди. Негаки ер эгаларига табиат "ёрдам" беради ва "деҳқончиликка қўйилган капитал ҳақиқий бойликка ва даромадга анча кўп қиймат қўшади". Бунда А. Смитнинг таъкидлашича, иқтисодиётнинг ривожланиб бориши билан саноат товарлари баҳоси пасайиб бориш тенденциясига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоси эса ўсиш тенденциясига эга. Шунинг учун, унинг фикрича, қишлоқ хўжалигига қўйилган капитал анча фойдали ҳисобланади.

Агар ўша даврда Англияда мануфактура саноати ривожлана бошлаганини ва ҳатто биринчи юқори унумли фабрикаларнинг пайдо бўлганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, А.Смитнинг бу хатосини тушуниш яна ҳам қийинлашади. Унинг унумли меҳнат концепциясида изчилликнинг йўқлиги ишлаб чиқариш жараёнидаги капитал ролини етарлича тушунмаганлиги натижасидир. У, хусусан, капиталдан келадиган даромад сифатидаги фоизни инкор этади, фойдани эса тадбиркорлик риски (таваккалчилиги) компенсацияси ва бошқарув учун тўлов сифатида кўрсатиб беради. А. Смитнинг физиократик бидъатлари жамият ўз ресурсларини, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигига, иккинчи навбатда, саноатга ва фақат, учинчи навбатда, савдога йўналтириши керак деган тасдиқлашида ўз ифодасини топади. Бундан А. Смит саноат тўнтаришининг дастлабки учқунларини ва келажакда йирик саноат ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи ролини кўра олмаган, деган хулоса келиб чиқади.

А. Смит бойликни кўпайтиришда пулнинг ролига алоҳида урғу бериб ўтади. Унинг тасдиқлашича,ўз-ўзидан ғайриихтиёрий тарзда бўладиган айирбошлаш натижасида пулнинг хўжаликда қўлланилиши келиб чиқади. Кўп ўтмай, одамлар натурал айирбошлашнинг ноқулайликларини сеза

бошлайдилар ва пул ролини бажарувчи товарлардан фойдаланишга ўтадилар. Кейин пул бирлигини яратишга давлат ҳокимияти жалб қилинди ва унинг ҳуқуқий ҳолати ўрнатилди. Жамият учун натурал айирбошлашдан кўра, пулли айирбошлаш фойдали бўлди. Шунинг учун пулли айирбошлашга ўтиш миллий бойликни кўпайтиришга имконият яратиб берди.

Капитални ташкил этиш жараёни ҳам ўз-ўзидан ғайриихтиёрий бўлади. Одамларнинг жамғармага бўлган табиий интилишлари, жамиятга ўз капиталини кўпайтириш имконини беради, негаки жамғарма инвестициянинг зарурий шарти ҳисобланади. Капиталнинг ўсиши — миллат бойлигини кўпайтиришнинг учинчи (меҳнат тақсимоти ва пулдан фойдаланиш билан бирга) асосий омилидир: капитал қанча кўп бўлса, ишчиларни боқиш ва уларни ихтисослаштириш имконияти шунча кўп бўлади. Бунинг устига капиталнинг ўсиши айрим вазиятларда бойликни кўпайтиришнинг ягона воситаси бўлиши мумкин. Шунинг учун А.Смит тежамкорликни қўллаб-қувватлайди. Унинг ёзишича, "ҳар бир исрофгар — жамият бойлигининг душмани, ҳар қандай тежамкор одам — жамиятга мурувват кўрсатувчидир".

Иқтисодий либерализм концепцияси

Жамиятдаги меҳнат тақсимоти одамларни бир-бирлари билан боғлаб турувчи ва уларга маҳсулот ва ресурсларни алмаштириш имконини берувчи механизмнинг бўлишини тақозо этади. Бундай механизм бозор ҳисобланади. Бозор тўғрисида А.Смит таълимотидаги асосий ғоя — бу иқтисодий либерализм ғояси, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини минималлаштириш ғояси, эркин рақобат асосида ташкил топадиган баҳо ёрдамида иқтисодиётнинг ўзини ўзи бошқариш ғоясидир. Унинг таълимотига кўра, бозор одамлар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг манфаатларини уйғунлаштиради. Бозор иқтисодиёти новвойни ширин нон ёпишга, боғбонни экологик тоза мева-сабзавот етиштиришга, савдогарларни бошқа минтақалардан арзон баҳога товарлар олиб келишга ундайди. Рақобат шароитида истеъмолчилар эҳтиёжини юқори даражада қондира ола-

диган ишлаб чиқарувчилар яшаб кета олади. Демак, кўпроқ фойда олиш иштиёқида бўлган тадбиркорларнинг эгоистик манфаатлари уларни жамиятнинг бошқа аъзолари манфаатларига хизмат қилишга мажбур этади.

Аммо А. Смит ҳар қандай эркин тадбиркорликка кўр-кўрона маҳлиё бўлган эмас. У хусусий корхоналар фойдасини таъминлаб берувчи икки шартнинг — шахсий манфаат ва рақобатнинг бўлишини кўрсатиб берди. Шу сабабли А. Смит акционерлик жамиятларига салбий муносабатда бўлган (бундан банклар, суғурта жамиятлари, каналларни қуриш ёки асраш, шаҳарларни сув билан таъминлаш корхоналари мустасно), чунки уларда шахсий манфаат йўқолади. У ҳар хил турдаги монополияларга, шу жумладан, айрим йирик компаниялар (масалан, Ост-Инд компанияси) учун амал қилаётган имтиёзларга ҳам кескин салбий муносабатда бўлган.

А. Смит иқтисодий механизмларнинг ўз-ўзидан (объектив) амал қилиб туришини доимо қайд қилиб ўтади. У физиократлардан кейин "олам ўз-ўзидан ҳаракатланади", деб такрорлаб ўтади. Аммо улардан фарқли ўлароқ, А. Смит тушунчаси бўйича, қачонки шахсий манфаатлар ижтимоий манфаатлардан устун турса, яъни қачонки жамият манфаатлари унинг аъзолари манфаатларининг йиғиндиси деб қаралса, шундагина бозор қонунлари иқтисодиётга кўпроқ таъсир кўрсатади.

Амал қилиб турган тартиб қандайдир бир буюк ташкилотчининг иши эмас, балки ўз манфаатлари йўлида иш юритаётган миллионлаб одамлар ҳаракати натижасидир. Масалан, А.Смит фикри бўйича, меҳнат тақсимоти бу барча кишиларнинг бир буюмни иккинчисига ўзаро айирбошлашга бўлган табиий интилишларининг намоён бўлишидир. А.Смитнинг асосий хизматларидан бири шундан иборатки, у биринчи бўлиб иқтисодиётга ўзининг ички қонуниятларига мувофиқ амал қилувчи, объектив, одамларнинг иродасига боғлиқ бўлмаган тизим сифатида қарайди.

Ҳар бир ривожланган мамлакатда жуда кучли, инкор этиб бўлмайдиган иқтисодий қонунлар амал қилади. Иқтисодий қонунлар амал қилишининг муқаррар шарти, А.Смит тушунчасига кўра, эркин рақобат ҳисобланади.

Унинг фикрича, фақат рақобат бозор иштирокчиларининг баҳо устидан ҳукмронлик қилишига йўл қўймаслиги мумкин. Сотувчилар қанча кўп бўлса, монополизм эҳтимоллиги шунча кам бўлади. Бу истеъмолчилар учун қўл келади, негаки "монополиялар маҳсулотлар тақчиллигини келтириб чиқарган ҳолда ўз маҳсулотларини табиий баҳодан анча юқори баҳода сотадилар ва ўз даромадларини кўпайтирадилар".

А. Смит китобининг асосий моҳиятини ҳукуматнинг ва бошқаларнинг эркин рақобатга аралашувини танқид қилиш ташкил этади. А.Смитнинг фикрича, иқтисодий ҳаётда ўзаро уйғун (гармоник) тартиб ҳукмронлик қилади: агар эркин рақобат чекланмаса, у дунёни такомиллашувга олиб келган бўлар эди. Бундай тасдиқлашда, А.Смит ўзгармас "табиий" иқтисодий қонунларнинг мавжудлигига асосланган. Ушбу қонунлар фақат ўзгармас деб тан олинган шароитда уларнинг муҳокамаси ҳам, одамларга фойда келтириш ёки келтирмаслиги ҳам ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, негаки биз уларни бекор қила олмаймиз. Бирдан-бир талаб қилинадиган нарса — бу уларнинг амал қилишига халақит берувчи сунъий тўсиқлардан жамиятни озод қилиш.

А. Смит иқтисодиётнинг давлат сектори самарасизлигини кўрсатиб ўтади. "Ҳар хил сабабларга кўра,— деб ёзади у, — ҳукумат доимо ва беистисно тарзда исрофгар. Энг аввало, у бировлар ишлаб топган пулни сарфлайди, ўзгалар пулини эса ҳамиша ўзингникидан кўра беҳуда сарфлайсан. Ундан ташқари, ҳукумат хусусий корхоналардан жуда узоқ туради ва уларнинг муваффақиятли ривожланиши учун зарур бўлган эътиборни уларга қарата олмайди". А. Смит давлатнинг фақат уч функциясини тан олади: мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, адолатли суд қилиш, жамият учун зарур бўлган ижтимоий корхона ва муассасаларни таъминлаш.

А. Смит меркантилистларнинг протекционизм сиёсатини танқид қилади. Унингча, четдан анча арзон баҳога олиб келиш мумкин бўлган товарни ўзида ишлаб чиқариш бемаъни нарсадир. "Ҳар қандай онгли оила бошлиғининг қоидаси шундан иборатки, сотиб олишдан кўра уйда тайёрлаш қимматга тушса, уни уйда тайёрламаслик... Ай-

рим оилалар учун оқилона ҳисобланган нарса, бир бутун давлат учун бемаъни ҳисобланмайди".

А. Смитнинг назарий қарашларидан турли давлатлар, энг аввало, Англия ҳукумати, кейинчалик эса кўпчилик Европа мамлакатлари ўзларининг иқтисодий сиёсатида фойдаландилар:

— ишчи кучи ҳаракатидаги чеклашларни бекор қилиш (меҳнат бозоридаги эркинликни ҳар хил турдаги феодал қолдиқлари чеклаб келган);

— эркин ер савдоси, ер участкаларини тақсимлашни тақиқловчи қонунларни бекор қилиш; давлат ихтиёрида қолган ерларни хусусий шахслар ўртасида тақсимлаш;

— давлатнинг саноат ва ички савдони бўйсундириш қолдиқларини йўқ қилиш;

— экспорт ва импортни чеклашни ман этиш;

— мустамлакаларда саноат ривожини тақиқлашни бекор қилиш.

"Кўринмас қўл"

Бозор иқтисодиёти бир марказдан туриб бошқарилмайди. Шундай бўлсада, у муайян тартиб ва қоидага амал қилади. Хўжалик фаолиятининг ҳар бир иштирокчиси ўз мақсадини кўзлаган ҳолда иш юритади. Бироқ бундай шароитда алоҳида кишиларнинг манфаатлари қандай уйғунлашади, барча жамият манфаатлари қандай рўёбга чиқади ва амалга оширилади? Биринчи бўлиб бу муаммони илмий даражага кўтарган А. Смит бўлди. У шундай ёзади: "Ҳар бир киши ўз капиталини кўпроқ қиймат келтирадиган тарзда ишлатишга ҳаракат қилади. Одатда у жамият фойдасига таъсир кўрсатишни назарда тутмайди ва унга анча таъсир кўрсатаётганини сезмайди. У фақат ўз манфаатини назарда тутади, фақат ўз фойдасини кўзлайди. Шундай бўлсада, бундай шароитда кўринмас қўл уни мақсад сари йўналтиради, гарчи бундай мақсад унинг режасига кирмаган бўлса ҳам.У атайлаб жамиятга хизмат қилгандан кўра, ўз манфаатларини кўзлаб иш юритган ҳолда унинг манфаатларига кўпроқ хизмат қилиб тураді". Мазкур қоида "кўринмас қўл" концепцияси номини олган.

А. Смит айтиб ўтган "кўринмас қўл" — бу бозор механизми. У бозорнинг ўз функциясини бажариб туришини таъминлайди. Бозор механизми, энг аввало, баҳо орқали иқтисодиётда "тартиб ўрнатади". Иқтисодий назарияда баҳога бозор хўжалигининг асосий ташкилий кучи сифатида қаралади. Баҳо талаб ва таклиф ўзгариши тўғрисида ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларга сигнал бериб туради, уларни бир-бирларининг манфаатларига мослашишга мажбур этади. Бозор механизмида рақобат муҳим роль ўйнайди. У ишлаб чиқарувчиларни ресурслардан самарали фойдаланишга ва харидорлар эҳтиёжини ҳисобга олишга мажбур этади, ресурсларнинг тармоқлар бўйича оқилона тақсимланишига имконият яратиб беради.

Демак, бозор механизми нормал ишлаб турган шароитда одам фақат бошқа кишиларга хизмат қилиш ва ўз меҳнати ҳамда меҳнат маҳсулотини айирбошлашга таклиф қилиш орқали ўзининг манфаатлари йўлида иш юритиши мумкин. Одамлар бир-бирларига ёрдам берадилар ва бир вақтнинг ўзида, гарчи уларнинг ҳар бири эгоист ва фақат ўз манфаатлари йўлида куйиб-пишаётган бўлса ҳам, жамиятнинг ривожланишига таъсир кўрсатадилар. Одамларнинг ўз моддий аҳволини яхшилашга бўлган табиий интилиши — бу шундай кучли омилки, агар унинг амал қилишига халақит берилмаса, унда у ўз-ўзидан жамиятни фаровонликка олиб келишга қодир, деб ҳисоблайди А. Смит. Шундай қилиб, А. Смит назариясига кўра, фойда кетидан қувиш ва рақобат бутун жамиятга наф келтиради. (Собиқ Иттифоқда узоқ йиллар давомида бу фикрга қарши курашиб келинган.)

Қиймат назарияси ва баҳонинг шаклланиши

А. Смит "сарфли" қиймат назариясига асос солди. У товарнинг фойдалилиги (истеъмол қиймати) билан алмашув қийматини бир-бирига қарши қўйди ва алмашув қийматининг шаклланишини таҳлил қилишда фойдалиликни инкор этди. Кейинчалик бу назариядан икки қарама-қарши йўналиш — иқтисодий либерализм ва социализм вакиллари ўзларининг принципларини асослаш учун фойдаландилар.

А.Смит бозор баҳосининг беқарорлигини талаб ва таклифдаги доимий ўзгаришларнинг натижасидир, деб кўрсатиб ўтади. Лекин бойликнинг "ҳақиқий" қиймати доимо ўзгариб туриши мумкин эмас. Шунинг учун А. Смит ўз олдига товарнинг "реал", "табиий" баҳосини, яъни унинг қийматини топиш вазифасини қўйди. Бунда у бир вақтнинг ўзида икки ҳар хил концепциядан фойдаланди. Биринчиси — товарнинг қиймати фақат унга сарфланган меҳнат билан аниқланади: қанча кўп меҳнат сарфланса, товар шунча қиммат бўлади (бу концепция Д. Рикардо ва К. Маркс иқтисодий таълимотларининг асосини ташкил этади). Аммо ушбу қоида, А. Смитнинг фикрича, фақат жамият тараққиётининг дастлабки босқичларида, "қолоқ жамиятларда" қўлланилади. Лекин цивилизациялашган жамиятда товар қийматини аниқлашда капитал ва ер ҳам ҳисобга олинади. Иккинчи концепция ана шундай пайдо бўлади, унга биноан товар қийматини яратишда барча ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал, ер) қатнашади. Шунга мувофиқ товар қиймати меҳнат сарфларидан, фойда ва ер рентасидан ташкил топади, яъни ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади. А.Смит ўз қарашларида бу иккала концепциядан фойдаланди (1-расм).



1-расм. Қийматнинг ташкил топиши тўғрисидаги А.Смитнинг икки концепцияси.

Ушбу расмда А. Смитнинг биринчи концепцияси "меҳнат" сўзи ёзилган яхлит стрелка кўринишида акс эттирилган. Бу қийматни яратишда меҳнат ягона манба эканлигини кўрсатади. Меҳнат билан яратилган даромад тақсимланиш жараёнида иш ҳақига, фойдага ва рентага бўлинади. А. Смитнинг иккинчи концепцияси асл маъноси "Капитал" ва "Ер" сўзлари ёзилган нуқтали чизиқ

(пунктирли) стрелка ёрдамида ифодаланган. Бу концепция маҳсулот ва даромадларни яратишда меҳнат билан бирга капитал ва ер ҳам иштирок этишини билдиради. Улар энди қийматнинг шаклланишида иштирок этувчи омил сифатида бўлади. Меҳнат иш ҳақи кўринишида даромад яратади, капитал фойда кўринишида даромад яратади, ер рента кўринишида даромад яратади.

А. Смитнинг иккинчи концепцияси оддий товар ишлаб чиқаришни ("қолоқ жамиятни") таҳлил қилишдан капиталистик товар ишлаб чиқаришни тадқиқ қилишга ўтиш билан боғлиқ. Айнан капиталистик товар ишлаб чиқаришда жонли меҳнат қийматнинг ягона манбаи бўла олмайди. Олдин меҳнат воситалари ишлаб чиқарувчига қарашли бўлган. Капитал жамғарилиши ва ернинг хусусий мулкка айланишидан олдинги жамиятда, деб ёзади А. Смит, меҳнат миқдорлари ўртасидаги нисбат маҳсулотларни айирбошлашнинг ягона асоси бўлиб келган. Барча меҳнат маҳсули ишлаб чиқарувчига қарашли бўлади ва сарфланган меҳнатнинг миқдори баҳонинг ягона ўлчови ҳисобланади.

Кейинчалик капитал жамғарилиб борган сари вазият ўзгариб боради. Товарнинг қиймати икки қисмга: бир қисми иш ҳақига, иккинчи қисми капитал фойдасига бўлинади. Капитал эгаси ёлланма меҳнатни ишлатади. Бунда яратилган барча маҳсулот ишлаб чиқарувчига қарашли бўлмайди. Унинг бир қисми капитал эгасига тегишли бўлади. Бундай шароитда муайян товарни ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат миқдори товарнинг қийматини аниқлашда бирдан-бир манба бўла олмайди.

А. Смитнинг фикрича, "табиий баҳо" (қиймат) — бу шундай баҳоки, унинг таркибий қисмлари меҳнат, капитал ва ер учун тўланадиган табиий нормаларга тахминан мос келади. Бу табиий нормалар минтақалар бўйича фарқ қилади ва улар ҳаёт даражасига, географик ва табиий шароитларга, ўртача харажатлар даражасига ва бошқаларга қараб ўрнатилади. Мазкур қоида Ф. Аквинскийнинг "Одил нарх" концепциясига ўхшаб кетади. Иккита ёндашувнинг фарқи шундаки, Ф. Аквинскийда "одил нарх" одамлар томонидан онгли равишда ўрнатилади, А. Смит фикрига кўра эса, "табиий баҳо"нинг шаклланиши — объектив бозор қонунларининг амал қилиши натижасидир.

Бозор баҳоси "табиий баҳо" атрофида тебраниб турадн, у бозор ҳолатига қараб ундан юқори ёки паст бўлиши мумкин. Ушбу тебраниш туфайли таклиф талабга мослашади. Агар талаб таклифдан кам бўлса, бозор баҳоси харажатлардан паст бўлган бўлади ва тадбиркорлар ишлаб чиқаришни қисқартиради. Ва аксинча, талабнинг ортиши баҳонинг ошишини ва таклифнинг кўпайишини рағбатлантиради. Натижада бозор баҳоси "табиий баҳо" даражасига интилади. Албатта, ахборотнинг етишмаслиги, табиий ва сунъий монополияларнинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолатлар бундан мустасно.

Меҳнат бозори ва пул

А.Смитнинг кўрсатиб беришича, таклифнинг талабга мослашуви нафақат товарлар бозорида, балки фаолиятнинг бошқа соҳаларида ҳам кузатилади. Масалан, аҳолининг ўсиши ишчи кучига бўлган талаб билан тартибга солиниб туради. Қуйи синфларда анъанавий равишда болаларнинг туғилиши кўп бўлади. Лекин ишчи кучига талаб ортмаса, албатта, иш ҳақи паст бўлади, уларнинг кўпи камбағалликдан ўлиб кетади. Иш ҳақининг анча юқори бўлиши эса, уларнинг кўпчилигининг яшаб кетишига олиб келади.

Худди шунга ўхшаб пулга бўлган талаб унинг таклифини тартибга солиб туради. Мамлакатда товар муомаласи учун металл пуллар қанчалик талаб қилинса, шунчалик мавжуд. Агар мамлакатда товарлар камайиб кетса, унда пул фойдасиз бўлиб қолади ва импорт товарларни сотиб олиш учун четга чиқарилади. Банклар ҳам ортиқча миқдорда банкнот билетларини чиқаришдан манфаатдор бўлмайди. Агар улар жуда кўп билетларни чиқарсалар, унда товарлар баҳоси ошиб кетади, билет эгалари эса уларни олтин ва кумушга алмаштириб бериш учун даъво қиладилар.

А. Смитнинг меркантилистларнинг пул концепциясини рад этишга бўлган кучли истаги уни бошқа жарга тортди. У, ҳар қандай бошқа товарга қараганда пулга бўлган заруpат камроқ бўлади, деб тасдиқлайди. Унингча, пул анча қиммат муомала харажатлари ҳисобланади. Шунинг учун,

иқтисодиёт пул миқдорига қанча кам муҳтож бўлса, жамият талафотлари шунча кам бўлади. Мамлакатда пул массасини кўпайтиришга қаратилган меркантилистлар сиёсати эса бемаънидир. А.Смитнинг пулнинг ролига етарлича аҳамият бермаслик қоидасини классик мактаб бўйича унинг издошлари ўзлаштириб олдилар ва ўз таълимотларида қўлладилар.

Тақсимот назарияси

А. Смитнинг тақсимот назарияси ишлаб чиқариш назариясига нисбатан унчалик ишонарли чиқмаган. Уни кейинчалик Д. Рикардо ва Ж.Б. Сэйлар тўлдирадилар. А.Смитнинг тақсимот модели заифлиги унинг қийматни тушунишдаги нуқсонлари, қишлоқ хўжалигига нисбатан физиократик бидъатлари, хизмат кўрсатиш соҳасига муносиб баҳо бермаслиги, капитал ва меҳнат эвазига даромаднинг шаклланиши тўғрисидаги хатоси (у фойда ва фоиз фарқини ажратмади, кейин унда иш ҳақи гоҳ яшаш воситалари минимуми қийматига келиб тақалади, гоҳ талаб ва таклиф билан тартибланиб туради) билан боғлиқ. А. Смитнинг тақсимот назарияси кўплаб социалистик ғоялар учун "манба" бўлиб хизмат қилди.

А. Смит назариясига кўра даромад уч қисмга: иш ҳақи, рента ва фойдага бўлинади. Жорий моддий сарфлар ҳам пировард натижада даромадга келиб тақалади. ("Смит догмаси" аталмиш нарса). Масалан, кўйлакнинг қиймати юқорида кўрсатилган даромад турларидан ташқари газламанинг қийматини ҳам ўз ичига олади. Лекин газлама конкрет ишлаб чиқарувчидан харид қилинган ва уни сотишдан тушган тушум ҳам даромадга ва хом ашё (ип) тўловларига бўлинади. Ипнинг қиймати эса ўз навбатида иш ҳақини, рентани ва фойдани ўз ичига олади. Пировард натижада ҳаммаси даромадга келиб тақалади, деб ҳисоблайди А. Смит.

У даромадлар манбаи мезонига мувофиқ уч синфни: ишчилар, ер эгалари ва капиталистлар синфини ажратиб кўрсатади. Бу синфлар вакилларининг даромадлари йиғиндиси жамиятнинг миллий даромадини ташкил этади. Демак, миллий даромад учта ишлаб чиқариш омили (меҳ-

нат, ер ва капитал) иштирокида яратилади. Даромаднинг бошқа турлари, яъни (хизмат кўрсатиш соҳасидан, давлат хизматидан келадиган даромадлар) — иккиламчи, миллий даромадни қайта тақсимлаш туфайли вужудга келади, яъни ишчилар, ер эгалари ва капиталистлар даромадидан тўланади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги табиий тартиб А. Смитни тўлиқ қониқтирган бўлсада у тақсимот соҳасини жуда яхши (идеал) ташкил этилган, деб ҳисобламайди. Унинг тасдиқлашича, "рента ва фойда иш ҳақини еб ташлайди ва юқори синфлар қуйи синфларга зуғум ўтказади". Капиталистлар ишчилар билан савдолашишда устунликка эга, негаки капиталистлар бир-икки йил ularсиз яшай оладилар, ишчилар эса доимий даромад олишга муҳтож. Меҳнат бозорида капиталистларнинг устунлик ҳолати натижасида меҳнат ҳақи нормаси ишчи оиласи учун зарур бўлган яшаш минимуми даражасига интилади. Мазкур қоида "иш ҳақи фонди" (ёки "иш ҳақининг темир қонуни") концепцияси номини олган. Бунда шу нарсани ҳисобга олиш зарурки, яъни А.Смит қайд қилиб ўтган "меҳнатнинг табиий баҳоси" нафақат жисмонан яшаб кетишини тақозо этади, балки нормал яшаш шарт-шароитларининг бўлишини (улар турли мамлакат ва даврларда ҳар хил бўлади) ҳам кўзда тутади.

А. Смит бўйича бойликни кўпайтиришга таъсир этувчи омиллар

А. Смитнинг бойликни кўпайтириш омиллари тўғрисидаги тасаввурини умумлашган тарзда 83-бетдаги 1-чизма кўринишида акс эттириш мумкин.

5.2. Д.РИКАРДОНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ

Давид Рикардо (1772-1823) классик иқтисодий мактабнинг атоқли вакилларидан биридир. У биржада йирик иш юритувчи яҳудий оиласида туғилган. 21 ёшида Д. Рикардо отаси билан алоқани узишга мажбур бўлди. Чунки отаси унинг христиан динидаги қиз билан бўладиган никоҳига қарши эди. Орадан беш йил ўтгач, Д. Рикар-

1-чизма



до биржада ўйнаб йирик бойлик орттирди. Аста-секин у биржадан узоқлашди ва ўз капиталини анча ишонарли бўлган қимматли қоғозларга ва ерга қўя бошлади. Ўша пайтда парламент аъзоси бўлган Д. Рикардо иқтисодий ва сиёсий эркинлик учун курашди. Унинг асосий асари "Сиёсий иқтисоднинг бошланиши ва солиқ олиш" (1817) тақсимотнинг асосий муаммоларига бағишланган. Д. Рикардо ишлаб чиқариш ва тақсимотни ифодалаб берувчи бир бутун назарий тизим яратишга ҳаракат қилган.

Қиймат назарияси

Д.Рикардо назариясида товар қиймати уни энг ёмон шароитда ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат миқдори билан ўлчанади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг қиймати уларни энг ёмон ерларда ишлаб чиқаришга кетган меҳнат сарфлари билан ўлчанади. Агар қиймат ушбу харажатлардан паст бўлса, унда ёмон шароитда ишловчилар ишлаб чиқаришни тўхтатган ва мазкур тармоқдан кетган бўлар эдилар. Бу ерда шу нарсага эътибор бериш керакки, Д. Рикардо қийматнинг мутлақ ифо-

дасини эмас, балки икки товарнинг нисбий қимматини назарда тутган. Агар А товар В товарга айирбошланса, унда айирбошлаш пропорцияси уларни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат сарфлари нисбатига асосланади.

Моддий сарфлар-чи, улар қандай бўлади? Д. Рикардо фикрича, капитал — бу мужассамлашган меҳнат, яъни капитални яратувчиларнинг олдинги меҳнати. Демак, товарнинг қиймати уни ёмон ишлаб чиқариш шароитида тайёрлашга кетган жонли меҳнат сарфлари билан ҳамда капитал ва хом ашёни ишлаб чиқариш учун кетган олдинги меҳнат сарфлари билан ўлчанади. Д. Рикардо таълимотига кўра, товар қийматини аниқлашда фақат уни ишлаб чиқаришга кетган меҳнат сарфларини эмас, балки унинг сифатини (малакали ва мураккаб меҳнатга кўп ҳақ тўланади), товарни бозорга олиб келишга кетган вақтни, асосий ва айланма капиталдан фойдаланиш хусусиятини ҳам ҳисобга олиш зарур. Эркин такрор ишлаб чиқарилмайдиган товарлар қиймати эса нафақат меҳнат сарфларига, балки ноёбликка ҳам боғлиқ бўлади.

Умуман олганда, Д.Рикардо томонидан ишлаб чиқилган қийматнинг меҳнат назарияси сарфли принципларга асосланган. Унинг бу назариясини биринчи бўлиб танқид қилган ўзининг дўсти Т.Мальтус ҳисобланади. У, биринчидан, шундай савол қўяди: агар қийматнинг меҳнат назариясини тўғри, деб фараз қилсак, унда меҳнатга ҳақ тўлаш қандай бўлади: қиймат бўйичами ёки қийматдан паст баҳо бўйичами? Агар баҳо қийматдан паст бўлса, унда эквивалентли айирбошлаш принципи бузилади (фойдалилиги ҳар хил, лекин бир хил қийматга эга бўлган товарлар айирбошланади) — бу классик назариянинг ва Д. Рикардонинг асосий принципи. Иккинчидан, Т.Мальтус қийматнинг меҳнат назарияси реал амалиёт билан мос тушмаслигини кўрсатиб беради: агар қийматнинг ягона манбаи ҳақиқатан ҳам меҳнат бўлса, унда меҳнат кўп сарфланадиган тармоқлардаги тадбиркорлар капитал кўп сарфланадиган тармоқлардаги тадбиркорларга нисбатан кўпроқ фойда олишлари керак. Амалиётда эса барча тармоқларда фойда нормаси деярли бир хил. Демак, Д. Рикардо назарияси хато, товар қиймати фақат меҳнат билан эмас, балки бошқа ишлаб чиқариш омиллари сарфлари билан ҳам

аниқланади, деб хулоса қилади Т.Мальтус. Д.Рикардо ўлимидан сал аввал, ўзининг қиймат фақат меҳнат сарфлари билан ўлчанади, деб тушунтиришга қилган ҳаракати нотўғри эканлигини тан олган.

Рента ва иш ҳақи назариялари

Д. Рикардо табиат ва капиталнинг қийматни кўпайтириш хусусиятини инкор этади. Масалан, унинг назариясида ер рентаси (ердан фойдалангани учун ижара ҳақи) бу табиат натижаси эмас, балки ижтимоий омилларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг баҳосига бўлган таъсири натижасидир. Одамлар, биринчи навбатда, энг унумдор ерларда ишлайдилар. Аммо аҳоли сонининг кўпайиб бориши ёмон ерларни ҳам ишлашга мажбур этади. Чунки яхши ерларда етиштирилган маҳсулотлар ўсиб бораётган аҳолининг эҳтиёжларини қондира олмайди.

Фараз қилайлик, унумдорлиги яхши муайян ер участкасида ишлашга 10 соат кетади ва бозорда маҳсулот баҳоси 10 пул бирлигига тенг. Аҳолининг ўсиши озиқ-овқат товарлари баҳосининг ошишига олиб келади. Бу эса ишлаб чиқарувчиларни ёмон ерларни ҳам ишлашга мажбур қилади. Бу ерлардан кўрсатилган миқдордаги ҳосилни олиш учун 10 соат эмас, балки 15 соат иш вақти кетади. Шунга мувофиқ маҳсулотнинг баҳоси ҳам 15 пул бирлигига ошади. Бозор баҳоси бу суммадан кам бўлмаслиги керак, акс ҳолда ёмон ер участкалари ишлатилмасдан қолиб кетади. Яхши участкада ишловчи фермерлар ишлаб чиқаришга 10 пул бирлигига тенг меҳнат сарфлайдилар, ўз маҳсулотларини эса 15 пул бирлигига сотадилар. Ўртадаги 5 бирлик фарқ ер эгасига тегади. Ана шу, Д. Рикардо назарияси бўйича, рента ҳисобланади. Унинг тасдиқлашича, кейинчалик аҳолининг янада ўсиши кишиларни янада ёмонроқ ерларни ишлашга мажбур этади, бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қийматининг ўсишига ва рентанинг кўпайишига олиб келади.

Шундай қилиб, ер рентаси миқдори тупроқ унумдорлигига ва участканинг бозорга узоқ-яқин жойлашишига боғлиқ бўлади. Бу қоида кейинчалик дифференциал рента концепцияси номини олади.

А.Смит таълимотига кўра иш ҳақи меҳнат унумдорлиги натижаси, рента эса — ер унумдорлиги натижасидир. Д.Рикардода иш ҳақи — меҳнат сарфлари натижаси, рента эса — камёблик ва ер участкаларининг ҳар хиллиги натижаси ҳисобланади. Рента қиймат яратмайди. Аксинча рента миқдори бозор баҳоси даражасига боғлиқ бўлади. "Рента тўлангани учун нон қиммат эмас, балки нон қиммат бўлгани учун рента тўланади... Агар, ҳатто, ер эгалари барча ренталардан воз кечганларида ҳам ноннинг баҳоси ҳеч камаймаган бўлар эди",— деб ёзади Д.Рикардо.

Аҳоли сони ошиб бориши билан миллий даромадда рента ҳиссасининг кўпайиб бориш тенденцияси амал қилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиб бориши ва миллий даромадда рента миқдорининг кўпайиб бориш тенденцияси Д.Рикардони жуда ташвишга солган. У бундан қутулишнинг йўли, худди Т.Мальтусга ўхшаб, туғилишни камайтириш деб билган. Д.Рикардо фикрича, ёмон ерларни ишламасликка имкон берувчи яна бир восита — мустамлакалардаги юқори унумдорли ерлардан фойдаланишдир. Учинчи восита — халқаро савдони ривожлантириш, аҳолиси зич бўлмаган мамлакатлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини олиб келиш. Ниҳоят, Д.Рикардо ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга имкон берувчи техника тараққиётига ишонч ҳосил қилган.

Д. Рикардо таълимотига кўра, меҳнатнинг қиймати ишчининг жисмоний жиҳатдан яшаш ва ўз авлодини кўпайтириш учун зарур бўлган ҳаётий воситалар қиймати билан аниқланади. Демак, реал иш ҳақи — доимий. Номинал иш ҳақи эса озиқ-овқат маҳсулотлари баҳоси ошиши сабабли кўпайиши мумкин. Агар меҳнат таклифи жуда ошиб кетса, унинг баҳоси қийматидан паст бўлади. Бундай вазиятда Т. Мальтуснинг аҳолининг нуфус қонуни амал қилади: аҳоли ўсиши камбағалликни кучайтиради, у ўз навбатида аҳолининг ўсишини секинлаштиради.

"Аср стагнацияси"

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, Д.Рикардо XVIII-XIX асрларда кузатилган фойда нормасининг пасайиш тенденциясини тушунтириб беришга ҳаракат

қилди. Унингча, жамият эволюцияси меҳнатга бўлган талабнинг кўпайишига олиб келади — бу эса аҳолининг ўсишини рағбатлантиради. Аҳолининг ўсиши ёмон ер участкаларини ишлашга мажбур этади ва шу билан бир вақтда озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосининг ошишини (демак, номинал иш ҳақининг ҳам) ва ер рентасининг кўпайишини келтириб чиқаради. Шунинг учун тадбиркорлар ер эгаси ва ёлланма ишчиларнинг даромаддаги ҳиссасини (гарчи бунда уларнинг реал иш ҳақи ошмаса ҳам) кўпайтириши керак. Шунга мувофиқ тадбиркорнинг даромаддаги улуши камаяди. Демак, фойда нормасининг пасайиш тенденцияси хўжалик ривожланишининг натижасидир, деган хулосага келади Д.Рикардо.

Бундай қонуният иқтисодий ўсишнинг объектив чегараларини келтириб чиқаради: фойда нормасининг пасайиб бориши билан бирга инвестицияга ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга бўлган қизиқиш камаяди. Иқтисодиёт эртами-кечми ўз ривожланишини тўхтатади. Бундай прогноз Т.Мальтуснинг тушкун қарашларига ўхшаб кетади. Д.Рикардо, "аср стагнацияси" тенденциясини энг зарур бўлган товарлар қийматини пасайтириш туфайли секинлаштириш мумкин, деб ҳисоблаган. Бунга (меҳнат сиғимини камайтирувчи ва шу сабабли маҳсулот баҳосини пасайтиришга имкон берувчи) техника тараққиёти ва чет мамлакатлардан эркин равишда дон олиб келиш йўли билан эришилади. Аммо унинг тасдиқлашича, техника тараққиёти ҳам, жаҳон савдоси ривожланиши ҳам тараққиётнинг умумий мантиғини буза олмайди.

Қиёсли устунлик назарияси

Д.Рикардо биринчилардан бўлиб айрим товарларни ишлаб чиқаришдагина эмас, балки мамлакатлар ўртасида ҳам халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашувнинг фойдалилигини исботлаб берди. Халқаро меҳнат тақсимотига асосланган ҳолда, у қиёсли устунлик назариясини яратди. Бу назариянинг асосий қоидаси шундан иборатки, ҳар бир мамлакат ўзининг муайян товарни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлари билан уни сотиб олишга кетадиган харажатлари ўртасидаги фарқни ҳисобга олган ҳолда

ташқи савдодан фойда кўради. Муайян товарни ишлаб чиқариш бир мамлакат учун бошқа мамлакатларга нисбатан қулайроқ бўлиши мумкин. Шу боисдан, қиёсли устунлик назариясига биноан, мамлакатлар харажатларни ҳисобга олган ҳолда у ёки бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши керак.

Д.Рикардо шундай мисол келтиради. Португалияда муайян миқдордаги винони тайёрлаш учун 80 кишилик меҳнат, газлама ишлаб чиқариш учун эса 90 кишилик меҳнат талаб қилинади (бир йилга). Англияда шу миқдордаги винони ишлаб чиқариш учун 120 кишилик меҳнат, газламани ишлаб чиқариш учун 100 кишилик меҳнат сарфлаш зарур. Бу шароитда Португалияга винони газламага айирбошлаш фойдали, гарчи олиб келинган газлама Португалиянинг ўзида Англияга нисбатан кам харажат эвазига ишлаб чиқарилиши мумкин бўлса ҳам. Гап шундаки, ресурсларни газлама ишлаб чиқаришдан Англияга нисбатан катта қиёсли устунликка эга бўлган вино тайёрлаш тармоғига ўтказиб, Португалия винони айирбошлаш йўли билан 80 кишилик меҳнат сарфлари ҳисобига, яъни 10 кишилик меҳнатни тежаш эвазига, газлама олиши мумкин. Бундай айирбошлаш Англия учун ҳам фойдали, негаки у ўз кучини газлама ишлаб чиқаришга сарфлаб, газламани сотиш йўли билан муайян миқдордаги винони 120 кишининг меҳнати ҳисобига эмас, балки фақат 100 кишилик меҳнат эвазига олиши мумкин (яъни 20 кишилик меҳнатни тежаш ҳисобига). Бу мисолдан шу нарса кўринадики, қиёсли устунлик мавжуд бўлса, ихтисослашув ва айирбошлаш иккала мамлакат учун ҳам фойдалидир. Бундан мамлакатлар ўртасида меҳнат тақсимоти ва ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви зарурлиги келиб чиқади.

5.3. Ж.Б.СЭЙНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ

Европадаги кўпчилик ривожланган мамлакатларда ва АҚШда бутун XIX аср давомида, яъни классик сиёсий иқтисоднинг маржинализм билан ўрин алмашиш даврига қадар, классик мактаб ғояларининг ва концепцияларининг кейинги ривожланишида А. Смит таълимоти асос бўлиб келди. Шу маънода Францияда А. Смит ғояларини

анча изчил ва ижодий давом эттирган Жан Батист Сэй (1767-1832) ҳисобланади. Ж.Б. Сэй ҳар хил машғулот турлари билан шуғулланди. У савдо идорасида назоратчи бўлиб ишлади, Франция армиясида хизмат қилди, нуфўзли журнал муҳаррири бўлди, давлат муассасаларида ишлади. Аммо унинг ҳаётидаги асосий иши — иқтисодий билим соҳасидаги тадқиқотидир. У ўзининг "Сиёсий иқтисод трактати" (1803) асарида А. Смит концепциясини системалаштиришга, уни кенг халқ оммаси учун тушунарли этиб беришга ҳаракат қилди.

Ж.Б. Сэй бу асарини қайта ишлаб янги нашрга тайёрлади. Лекин асарнинг иккинчи нашри анча чўзилди. Бунинг сабаби шундаки, "Трактат"даги иқтисодий либерализм тўғрисидаги ғоя, хусусан, давлатнинг иқтисодиётга ва хўжалик ҳаётини қайта қуришга аралашмаслиги тўғрисидаги ғоянинг амалга оширилиши ҳарбий-саноат бошқарувини ўша даврдаги Франция ҳукуматидаги реал ҳукмронликдан маҳрум қилган бўлар эди. Ж.Б.Сэй янги тузумни тан олмаган ҳолда, Трибунатнинг биринчи консули молиявий лойиҳасини иккинчи нашрга тайёрланаётган "Трактат"да тўғри деб тасдиқлашдан бош тортади. Биринчи консул нафақат "Трактат"ни нашр этишни ман этди, балки Ж.Б. Сэйни Трибунатдан чиқариб юборди.

Аммо тиниб-тинчимас Ж.Б. Сэй ўзининг хусусий ип йигириш фабрикасини очди ва кейинчалик, 1813 йили уни сотиб, топган пулига "Трактат"ни иккинчи нашрдан чиқариш учун Парижга қайтиб келди. Асар 1814 йили чоп этилади, сўнгра қисқа вақт ичида яна уч марта — 1817, 1819 ва 1826 йилларда қайта нашр этилди. Бу асар тез орада жуда кўп тилларга таржима қилинди.

Францияда Наполеон тузумининг емирилиши билан вужудга келган ўзгаришлар Ж.Б. Сэйнинг иқтисодчи-олим ва жамоат арбоби сифатидаги номини оқлади. У руҳланиб, сиёсий иқтисод бўйича ўз асарлари устида ишлашни давом эттирди, кўп лекциялар ўқиди ва уларда иқтисодий назария қоидаларини системалаштириш ва оммавийлаштириш маҳоратини намойиш этди. Ж.Б. Сэй асарларида иқтисодий фан соф назарий ва тавсифий фанга айланди. У иқтисодий назариядан сиёсатнинг, мафкуранинг ва статистиканинг ажралиб чиқишини маъқуллади.

"Бозор қонуни"

Ж.Б.Сэй А.Смитнинг эркин бозор, баҳонинг эркин шаклланиши, ички ва ташқи савдо эркинлиги, тадбиркорларнинг чекланмаган эркин рақобати ва протекционизмнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик принципларини қўллаб-қувватлади ва уларни кўкларга кўтарди. Агар бу принциплар қўлланилса, Ж.Б.Сэй башоратига кўра, ортиқча ишлаб чиқариш ҳам, ижтимоий маҳсулотни тўла истеъмол қилмаслик ҳам бўлмайди, яъни иқтисодий инқирозларнинг объектив зарурлиги келиб чиқмайди. У бу ғояни ривожлантириб, ўзининг "бозор қонуни"ни яратди.

Бу қонуннинг моҳиятига кўра, товарлар таклифи ўзи учун шахсий талабни яратади ёки бошқача сўз билан айтганда, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори автоматик равишда яратилган барча товарлар қийматига тенг даромадни келтириб чиқаради. Бу шу нарсани билдирадики, даромад эгасининг мақсади пул топиш эмас, балки ҳар хил моддий буюмларни сотиб олиш ҳисобланади, яъни олинган даромаднинг барчаси сарфланади. Бунда пул фақат воситачилик ролини ўйнайди, яъни у фақат янги товарларни сотиб олиш учун ишлатилади. Бозор орқали товарлар бир-бирларига ўзаро хизмат қилади. Шунинг учун, Ж.Б.Сэйнинг айтишича, товарларнинг умумий массаси талабнинг умумий миқдорига тенг бўлади, ўз товарини сотиб даромад олган ҳар бир киши ушбу даромадга мос равишда талабни келтириб чиқаради.

Демак, жамият миқёсида таклиф ва талаб мувозанатлашади, ортиқча ишлаб чиқариш бўлмайди. Ортиқча ишлаб чиқариш фақат айрим тармоқларда бошқа тармоқлардаги кам ишлаб чиқариш ҳисобига вужудга келади. Бошқача қилиб айтганда, кўп ишлаб чиқаришдан қўрқмаслик керак, фақат айрим товарларнинг ортиқча ишлаб чиқарилиш хавфи туғилиши мумкин. "Сэй қонуни" номини олган бу қоида классикларнинг макроиқтисодий назарияси асосини ташкил этди ва кейинчалик Ж.М.Кейнс томонидан инкор этилди. Ж.М. Кейнснинг тасдиқлашича, одамлар даромадларнинг барчасини истеъмолга сарфламайдилар, балки уларнинг бир қисмини жамғариб борадилар. Бу эса шунга

мувофиқ равишда ялпи талабни камайтиради, иш билан бандликни қисқартиради. Пировард натижада бундай ҳолат Сэй қонунининг нотўғри эканлигини келтириб чиқаради. Чунки бу қонунга мувофиқ истеъмолга сарфланиши керак бўлган даромаднинг бир қисми жамғармага ажратилади. Демак, ялпи таклиф билан у келтириб чиқарадиган ялпи талаб ўртасидаги мувозанат бузилади.

Аммо "Сэй қонуни"нинг муҳим томони шундан иборатки, иқтисодий либерализмнинг барча принципларига жамият томонидан риоя қилинса, ишлаб чиқариш (таклиф) ўзига мос равишда истеъмолни (талабни) келтириб чиқаради, яъни товар ва хизматларни ишлаб чиқариш А.Смитнинг "табиий тартиб" (пулнинг пассив ролига асосланган меҳнат натижаларини айирбошлаш) шароитида албатта шундай даромадларни келтириб чиқарадики, уларга бу товар ва хизматлар эркин реализация қилинади. Иқтисодий либерализм концепциясининг барча тарафдорлари томонидан "Сэй қонуни" шу кўринишда қабул қилинган ва бозорда баҳонинг эркин ташкил топиши хўжалик конъюнктурасидаги ўзгаришга дарҳол мослаша олади, иқтисодиётнинг ўзини-ўзи тартибга солиб туришини кафолатлайди, деб ҳисобланган.

Ҳақиқатан ҳам, агар пул фақат ҳисоб-китоб бирлиги ҳисобланган бартерли иқтисодиёт амал қилади десак, унда таклиф миқдори талаб миқдорига тенг бўлади, ортиқча ишлаб чиқариш бўлмайди. Бу Сэй қонунининг моҳиятини ташкил этади.

Қиймат ва ишлаб чиқариш омиллари назариялари

Классик иқтисодий мактаб вакиллари ичида Ж.Б. Сэйнинг қиймат назарияси ўзига хослиги билан ажралиб туради. А. Смит, Д. Рикардо, социалист-утопистлар, С. Сисмонди, К. Маркс ва бошқа бир қатор иқтисодчилар товар қийматининг ягона манбаи меҳнат деб ҳисоблаганлар. Ж.Б. Сэйда бу муаммога икки хил ёндашув мавжуд: у бир жойда, товар қиймати тадбиркорнинг капиталга, иш ҳақига ва ер рентасига бўлган харажатларидан ташкил топади, деган бўлса, иккинчи бир жойда, қиймат фой-

далилик билан аниқланади, дейди. Ж.Б. Сэй фойдалилик билан буюмнинг (товарнинг) қиммати ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқ қилиб кўрсатиб берди. "Қиммат — бу фойдалилик ўлчовидир", — деб ёзади Ж.Б. Сэй. Бу билан у товар қиймати нафақат меҳнат сарфлари билан, балки маҳсулотнинг фойдалилик даражаси билан ҳам ўлчаниши мумкинлигини айтиб берди. Лекин бу хусусда иқтисодий таълимотлар тарихи бўйича йирик мутахассис М. Блаугнинг ёзишича, "талабнинг тўйиниш даражасини изоҳлаб беришда фойдалиликнинг пасайиб бориши тушунчаси ишлатилмаган фойдалиликка асосланган қиммат концепциясини баҳонинг шаклланиш назарияси деб ҳисоблаш ноўрин".

Ж.Б. Сэй товар қийматининг яратилишида ишлаб чиқаришнинг уч омилига (меҳнат, капитал, ер) алоҳида эътибор берган. Унинг тасдиқлашича, бу омиллар товар қийматини яратишда бир хил иштирок этади, барча маҳсулотнинг умумий қиймати эса уч синф — ишчилар, капиталистлар ва ер эгалари даромадларидан ташкил топади. Ж.Б. Сэйнинг уч омил назариясига мувофиқ "меҳнат" омили ишчиларнинг даромади сифатида иш ҳақи яратади, "капитал" омили капиталистларнинг даромади сифатида фойда яратади, "ер" омили ер эгаларининг даромади сифатида рента яратади. Демак, бойлик яратишда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир омили қатнашади. (Смитда фақат унумли меҳнат бойлик яратади дейилади). Ж.Б. Сэй юқорида кўрсатилган омиллар (меҳнат, капитал, ер) ишчилар, капиталистлар ва ер эгаларининг даромадларини яратишда мустақилликка эга эканлигини қайд қилиб ўтади.

Демак, Ж.Б. Сэй назариясида тадбиркорларнинг чекланмаган эркин рақобати шароитида ишлаб чиқариш омилларини ва жамиятдаги синфларни эксплуатация қилиш инкор этилади. Унингча, ишлаб чиқаришда тадбиркорлар (улар ишлаб чиқаришни ташкил этадилар ва бошқарадилар), ер эгалари (товар ишлаб чиқариш учун табиий материалларни берадилар) ва ишчилар (тайёр маҳсулот яратадилар) ўзаро таъсирда бўладилар ва бир-бирларини тўлдириб борадилар. Ишлаб чиқариш жараёни қатнашчилари бир-бирларига қарши турмайдилар, балки, аксинча, бир-бирларини тўлдириб турадилар.

Ишлаб чиқариш омиллари томонидан яратилган ижтимоий маҳсулот қиймати ушбу омил эгаларига даромад сифатида тақсимланади, хусусан, тадбиркор даромади, Ж.Б. Сэйнинг аниқлаб беришича, бу унинг қобилияти, истеъдоди, фаолияти ва бошқаруви учун тўланадиган ҳақ. Унинг фикрича, капиталнинг ошиб бориши билан "қуйи синфларнинг" аҳволи яхшиланиб боради ва уларнинг кўпчилиги "юқори синф" сафини тўлдириб боради. Ж.Б. Сэй компенсация назариясига асос солди. Машиналар дастлаб ишчиларни ишлаб чиқаришдан сиқиб чиқаради, кейинчалик пировард натижада эса иш билан бандликни оширади ва маҳсулот ишлаб чиқаришни арзонлаштириш ҳисобига уларга катта фойда келтиради. Унинг ифода этишича, "ишлаб чиқаришдаги техник янгиликлардан бошқаларга нисбатан ишчилар синфи кўпроқ манфаатдор". Умуман, иқтисодий таълимотлар тарихида Ж.Б. Сэйнинг номи бозор иқтисодиёти шароитида синфлар манфаати уйғунлигига чексиз ишонган олим сифатида тилга олинади.

Ж.Б. Сэйнинг ўтмишдошлари "ҳақиқий" бойлик яратадиган иқтисодиёт тармоқларини (меркантилистлар ташқи савдони, физиократлар қишлоқ хўжалигини) ажратиб кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Ҳатто А. Смит хизмат кўрсатиш соҳасидаги меҳнатни унумсиз меҳнат, саноат ва савдодаги меҳнатни эса кам унумли меҳнат, қишлоқ хўжалигидаги меҳнатни юқори унумли меҳнат ҳисоблаган, негаки унга табиат "ёрдам" беради. Ж.Б. Сэй иқтисодиётнинг асосий соҳалари — саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва хизмат кўрсатиш ўртасидаги "тенглик"ни кўрсатиб берди. Унинг фикрига кўра, тўртта соҳанинг барчасида бойлик яратилади, чунки саноатда ҳам, қишлоқ хўжалигида ҳам, савдода ҳам, хизмат кўрсатишда ҳам фойдалилик ишлаб чиқарилади.

Ҳозирги замон ғарб иқтисодчилари ўтмишдошларидан, биринчи навбатда Ж.Б. Сэйдан, ишлаб чиқаришнинг ҳар хил, тенг ҳуқуқли омиллари миллий даромад яратади, деган тушунчани мерос қилиб олган. Бундай ёндашувнинг маъноси шундан иборатки, ҳар бир даромад олувчи айни чоғда, касби ва фаолият соҳасидан қатъи назар, уни яратувчи ҳисобланади.

5.4. Т.МАЛЬТУСНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ

Марксистик иқтисодий фанда "марксист" бўлмаган муаллифларни шарманда қилиш "анъанаси" бор эди. Эҳтимол энг ашаддий ва қаттиқ танқидга учраган инглиз олими Томас Роберт Мальтус ғоялари бўлса керак. Уни нималар деб аташмади: капитализм маддоҳи, одамларнинг душмани, ҳатто фашизм идеологи ҳам деб аташди. Энг ажабланарли жойи шундаки, Т.Мальтус нафақат турли тоифадаги социалистларнинг, балки уларнинг асосий мухолифатлари бўлган эркин бозор ва хусусий тадбиркорликнинг мутлақ устунликларига ишонган либералларнинг ҳам ғазабини қўзғатган. Нега Т.Мальтусни шунчалик ёмон кўришган? Пессимизми учун, аҳоли фаровонлигини анча ошириш мумкинлигига ишонмаганлиги учун. Ахир социалистлар ҳам, либераллар ҳам "бахтли келажак"ка ишонган. Биринчиси — хўжалик жараёнларини онгли равишда ижтимоий тартиблаш туфайли умумий фаровонликка эришишга умид қилган бўлсалар, иккинчиси — турмуш даражасини ошириш бозор механизмининг амал қилиши ва хусусий манфаатдорлик кучи билан таъминланишига ишонган. Унисига ҳам, бунисига ҳам пессимизм ёт бўлган.

Инглиз иқтисодчиси Томас Роберт Мальтус (1766-1834) дворян оиласида туғилган. Кембридж университетини тамомлагач, қишлоқ руҳонийси, 1807 йилдан эса сиёсий иқтисод профессори бўлди. Унинг асосий асарлари "Нуфус қонуни тўғрисида тажриба" (1798), "Ер рентасининг табиати ва ўсиши тўғрисида тадқиқот" (1815), "Сиёсий иқтисоднинг бошланиши" (1820) ҳисобланади.

"Нуфус қонуни"

Ер куррасидаги ресурсларнинг чекланганлиги ва аҳоли эҳтиёжларининг чексизлиги ёш инглиз руҳонийсини иқтисодиёт билан шуғулланишга даъват этади. У 32 ёшида ёзган "Нуфус қонуни тўғрисида тажриба" асарида бу мавзу бўйича бутун дунёда катта қизиқиш уйғотган, ҳозир ҳам унутилмаган мулоҳазаларини баён этган. Т.Мальтус ўз мулоҳазаларига статистик материалларни, катта ҳажмдаги фактларни асос қилиб олган. Уларни ўрганган ҳолда

Т.Мальтус, ўз тарихи тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлган барча халқлар ўзини ўзи такрор ҳосил қилишда шу қадар юқори қобилиятга эга бўлганки, агар бу ҳодиса яшаш воситаларининг етишмаслиги ёки бошқа сабаблар (касалликлар, урушлар ва б.) билан тўхтатиб турилмаса, балки одамларнинг сони жуда тез ва муттасил кўпайиб борган бўлар эди, деб исботлаб беришга уринган.

Т.Мальтуснинг ёзишича, унинг китоби нашрдан чиққан кунгача биронта мамлакат ўз ҳудудида аҳоли зичлиги жуда ошиб кетганидан ўзини етарли ҳажмда истеъмол моллари билан таъминлаш имкониятига эга бўлмаган. Иқтисодиёт, энг аввало, табиий муҳит имкониятлари билан аниқланувчи ўзининг ишлаб чиқариш имкониятлари доирасидан четга чиқишга қодир эмас.

Муаллифнинг хулоса қилишича, ўтмишда бўлган нарсалар келажакда ҳам қайтарилиши эҳтимол, аҳоли ўсиши ҳам, агар у онгли суратда чекланмаса, унда камбағаллик, урушлар, касалликлар ва бошқа ҳалокатли сабаблар билан тўхтатиб турилади. Т.Мальтус аҳолининг тез ўсиш суръатини пасайтириш мақсадида камбағалларнинг никоҳдан ўзларини тийишларини, кеч турмуш қуришларини таклиф қилади. Лекин унинг ўзи ҳам ўз тавсияларининг тўғрилигига унчалик ишонмаган.

Т.Мальтус ўз назариясини асослаб беришда тупроқ унумдорлигининг пасайиши концепциясидан фойдаланган. Агар битта ер участкасининг ўзига устма-уст меҳнат сарфланса, у худди шундай нисбатда ҳосилдорликнинг ўсишига олиб келмайди, чунки ҳосилдорлик фақат меҳнатга эмас, балки тупроқнинг табиий унумдорлигига ҳам боғлиқ бўлади. У бериши мумкин бўлган нарсадан ортиқчасини ундан олиб бўлмайди. Ҳисоблаб чиққач, Т.Мальтус хулоса қилади: инсоният қанча ҳаракат қилмасин, қишлоқ хўжалигидан у оладиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори фақат арифметик прогрессияда ўсиши (эслатиб ўтамиз, арифметик прогрессияда ўсиш 1,2,3,4,5.... кўринишда, яъни ҳар бир кейинги сон олдингисидан бир хил абсолют миқдорга ошиб боради), аҳолининг сони эса геометрик прогрессияда ўсиши мумкин (эслатиб ўтамиз, геометрик прогрессияда ўсиш 1,2,4,8,16,... кўринишда, яъни ҳар бир кейинги сон олдингисидан 2 баробар кўп бўлади).

Арифметик прогрессия геометрик прогрессияга нисбатан секин ошиб борганлиги сабабли Т.Мальтус ҳисобидан шу нарса келиб чиқади: агар ер курраси аҳолиси сонининг ўсиши чекланмайдиган бўлса, у чоғда одамлар даҳшатли очарчиликка дуч келадилар. Бу ерда Т.Мальтус инсоният манфаати нуқтаи назаридан ўлимнинг кўпайишига олиб келувчи барча омилларни — эпидемия, очарчилик қирғини, урушларни ижобий баҳолаш керак, деб хулоса қилади.

Бу назария барча иқтисодий таълимотлар ичида энг қайғули, энг маъюслиси ҳисобланади. Т.Мальтусдан кейинги даврдаги иқтисодчилар унинг хулоса ва прогнозлари асоссиз эканлигини исботлаб бердилар. Бунинг учун одамларга тупроқ унумдорлигини ошириш, Т.Мальтус тасаввур қила олмаган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш имконини яратиб берувчи фан-техника ютуқлари асос бўлди. Америка иқтисодчиси Ж.Л.Саймоннинг тасдиқлашича, инсоннинг ижодкорлиги ва унинг меваси — техник жараён ер куррасидаги аҳолининг ҳар қандай ўсишини компенсациялаши ва унинг юқори ҳаёт даражасини таъминлаши мумкин.

Ижтимоий сиёсатга муносабат

"Нуфус қонуни тўғрисида тажриба" асарининг ёзилишига У.Годвиннинг "Ижтимоий адолат тўғрисида" очерки сабаб бўлган. Унда даромадларнинг адолатсиз тақсимланиши — камбағалликнинг асосий сабабидир, деб кўрсатилган ва тақсимот механизмини такомиллаштириш таклиф этилган. Т.Мальтус эса ҳукумат ва бошқа жамият ташкилотлари томонидан ижтимоий сиёсатнинг олиб борилишига қатъий қарши бўлган. Унинг фикрича, камбағалларга бўлган хайрихоҳлик уларнинг аҳволини яхшилашга қодир эмас, балки фақат вазиятни кескинлаштиради. Аҳолининг қуйи табақаларига кўрсатиладиган молиявий ёрдам қисқа муддатли самара беради ва шу билан аҳолининг ўсишини рағбатлантиради. Аммо бу унга мувофиқ равишда озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайишига олиб келмайди. Демак, умуман олганда, жамият камбағаллашади. Т.Мальтуснинг фикрича, қашшоқликнинг асосий сабаби бошқарув

ёки нотекис тақсимотга боғлиқ эмас, балки у "табиий қонунлар ва инсон эҳтиросларн", табиатнинг хасислиги ва одамларнинг жуда тез кўпайиши билан боғлиқдир. Шу боисдан "халқ ўз азоб-уқубатлари учун, биринчи навбатда, ўзини айблаши керак". Унга ҳеч қандай инқилоб ва ижтимоий ислоҳотлар ёрдам бера олмайди. Шунинг учун аҳолининг ўсишини ва текинхўрликни рағбатлантирувчи ижтимоий ва хусусий хайрихоҳликдан воз кечиш зарур.

Ҳозирги замон иқтисодчилари Т.Мальтуснинг ижтимоий сиёсатнинг аҳамиятига берган баҳосига қўшилмайдилар. Меҳнатга яроқсиз ва кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш ҳозирги замон жамият иқтисодий сиёсатининг зарур қисмидир. Бундан ташқари, хайрия фаолияти ижтимоий ва сиёсий барқарорликни ушлаб туриш учун ҳам зарур: камбағалларнинг кўпайиши бундай барқарорликка хавф солиши мумкин. Бироқ бунда фаол ижтимоий сиёсатнинг салбий томонини ҳам ҳисобга олиш зарур: у муайян даражада меҳнатга ва тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқишни сусайтиради.

Мальтус ва ҳозирги замон

Т.Мальтус ўзининг "нуфус назарияси"ни тарихий материал ва фактлардан фойдаланган ҳолда асослаб беришга ҳаракат қилган. Аммо у унумдорликнинг пасайиши масаласи бўйича ўз далилларида жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятларини муттасил кенгайтириб борувчи техника тараққиётининг аҳамиятини инкор этди. Масалан, XIX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ аҳолиси деярли тўрт баробар кўпайди, лекин шу билан бирга жамият аъзоларининг ўртача даромадлари ҳам тўрт марта ўсди. Т.Мальтус аҳоли зич жойлашган мамлакатларга қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун табиий шароити яхши бўлган мамлакатлардан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келиш имконини берувчи транспорт воситаларининг тез ривожлана боришини кўра олмаган. Ниҳоят, инглиз олими ўлим даражасига эътибор бермаган (ўлим даражаси билан аҳолининг кўпайиш даражаси нисбатан бир хил) ва жамият фаровонлигининг ўсиши туғилишнинг камайишига олиб келишини ҳам ҳисобга олмаган.

Т.Мальтуснинг нуфус назарияси индустриал жамиятдан илгариги тараққиёт босқичлари учун тўғри келади, негаки унда ишлаб чиқаришдаги асосий ролни табиий ресурслар ўйнаган, техника тараққиёти эса тасодифий характерда бўлган. Саноат инқилоби инглиз олимининг аҳоли ўсиши ва фаровонлик даражасининг ошиши бирга мавжуд бўлмаслиги тўғрисидаги прогнозини йўққа чиқарди. Кишилар даромадларининг ошиб бориши аҳолининг ўсишини рағбатлантиради, деган мальтусча концепциядаги марказий ғоялардан бирининг ҳам нотўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берди. Ривожланган мамлакатларда фаровонликнинг ўсишига қарамай, туғилиш даражасининг пасайиши кузатилмоқда. Масалан, XX асрда АҚШ реал маҳсулотлари 12 марта кўпайди, аҳоли сони эса фақат 3 марта ўсди. Демак, товар ва хизматлар миқдори аҳоли сонидан кўра 4 марта кўп ошган.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг кўпайишига бўлган мойиллик юқори эмас. Нега шундай? Бунинг асосий сабабларидан бири шундан иборатки, ҳозирги даврда ёш болалар ўлими даражасининг пасайиши кўп болали бўлиш зарурлигини бекор қилади. Олдинги даврда ёш болалар ўлими кўп бўлганидан эҳтиёт шартдан уларнинг туғилиши кўп бўлган. Иккинчи асосий сабаби (Нобель мукофотининг соҳиби Г.Беккер фикрига асосан), кўпчилик зиёли аёллар уйда бола боқиб ўтиришдан кўра, муайян мансабдаги ижтимоий иш билан шуғулланишни афзал кўрадилар. Оила маълум маънода иккинчи ўринга сурилади. Туғилишнинг камайишига таъсир этувчи учинчи сабаб урбанизация — жамиятнинг ривожланишида шаҳарнинг аҳамияти ошиб бориши ҳисобланади. Шаҳар ҳаёт тарзи кўп болали оилаларнинг кўпайишини келтириб чиқармайди. Агар қишлоқда бола ёшлигидан ёрдамчи ҳисобланса, шаҳарда эса ўз тарбияси учун катта маблағ ва вақт сарфлашни талаб қилувчи истеъмолчи ҳисобланади.

Аммо, қанча ажабланарли бўлмасин, XX асрнинг охирига келиб индустриал ривожланиш ижтимоий пессимизмнинг келажаги йўқлигига барчада ишонч туйғусини уйғотган бир пайтда, Т. Мальтуснинг кўплаб ғоялари яна фаоллашди. Реал ҳаётдан олинган баъзи бир фактларни кўриб чиқамиз.

Қаерда ишлаб чиқариш, айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ёмон ташкил этилган бўлса, қаерда ҳосилдорлик паст, йиғиб олингани эса омборларнинг етишмаслигидан чириётган бўлса, ўша ерда Т.Мальтуснинг қайғули хулосалари ўз кучини сақлаб қолган. Буни бугунги кунда ҳам кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар халқлари ҳис этиб турибди. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, 83 % жаҳон истеъмоли 20 % аҳолига тўғри келади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар фаровонлиги даражасидаги фарқ кучайиб бормоқда. Етмишинчи йиллар бошида очарчиликдан қийналганлар 400 млн кишини ташкил этган бўлса, саксонинчи йиллари — 500 млн, 90-йиллари эса 700 млн кишидан кўпни ташкил этди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра ҳозир дунёда 1 млрд. 200 минг киши камбағал. Кам ривожланган мамлакатлар турмуш даражасини "жаҳон андозаси"га "кўтариш" учун ресурслардан фойдаланишни 40 баравар кўпайтиришга тўғри келади.

Таянч сўз ва иборалар:

— сарфли қиймат назарияси;
— "кўринмас қўл";
— иқтисодий либерализм;
— меҳнат тақсимоти;
— иш ҳақи;
— фойда;
— рента;
— "аср стагнацияси";
— "Сэй қонуни";
— ишлаб чиқаришнинг уч омили;
— "арифметик прогрессия";
— "геометрик прогрессия".

Тавсия этиладиган адабиётлар

Афанасьев В.С. Давид Рикардо. М.: Экономика, 1988.

Бартенев С.А. Экономические теории и школы. М.: "Бек", 1996.

Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. М.: "Дело Лтд", 1994.

Гэлбрейт Д.К. Экономические теории и цели общества.М.: Прогресс, 1979.

Жид Ш., Рист Ш. История экономических учений. М.: Экономика, 1995.

Иқтисодий таълимотлар тарихи Т.: "Фан", 1997.

Костюк В.Н. История экономических учений. М.: "Центр", 1998.

Липсиц И. Экономика без тайн. М.: "ДЕЛО–ВИТА-ПРЕСС", 1994.

Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М.: "ДЕЛО — ВИТА-ПРЕСС", 1996.

Рикардо Д. Сочинения. Т. 1. М.: Госполитиздат, 1955.

Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Соцэкгиз, 1962.

Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. (Антология экономической классики). М.: Эконов, 1993.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС" , 1997.

Ядгаров Я.С. История экономических учений. М.: "ИНФРА-М", 1999.

6-мавзу

КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ ЯКУНЛАНИШИ

6.1. Ж.С.МИЛЛНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ

Жон Стюарт Милл (1806-1873) классик сиёсий иқтисод мактабини якунловчилардан бири ҳисобланади. Унинг отаси Жеймс Милл иқтисодчи, Д. Рикардонинг яқин оғайниси бўлиб, ўғлининг тарбияси билан жиддий шуғулланган. Шунинг учун Миллга ўн ёшидаёқ жаҳон тарихини, грек ва лотин адабиётларини кўриб чиқишга тўғри келган. Ўн уч ёшида у бир вақтнинг ўзида фалсафа, сиёсий иқтисод ва бошқа фанларни ўрганишни давом эттирган ҳолда Рим тарихини ёзиб чиққан.

Ж.С. Милл ўзининг сиёсий иқтисод бўйича биринчи асари — "Тажриба"ни 23 ёшида, яъни 1829 йилда нашр эттирди. 1843 йили унга шуҳрат келтирган "Мантиқ тизими" номли фалсафий асари вужудга келди. Асосий асари бешта китобдан иборат "Сиёсий иқтисод асослари..." бўлиб, у 1848 йили чоп этилган. Ж.С. Милл бу асарида классик мактабнинг жуда кўп концепцияларини ривожлантирди ва умумлаштирди.

Баҳо ўзгаришининг талаб миқдорига бўлган таъсирини (ҳозир бу йўналиш талаб эластикаси назарияси дейилади), бозор мувозанатини ўрнатиш механизмини, кредит операцияларини, халқаро савдо муаммоларини, бозор иқтисодиётида давлатнинг ролини таҳлил қилиши Ж.С. Миллнинг асосий илмий хизматларидан ҳисобланади.

Ж.С. Милл методологияси

Ж.С. Милл сиёсий иқтисодни бойликнинг моҳиятини, уни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш қонунларини тадқиқ қилувчи фан сифатида таърифлайди. Шу билан бирга, унинг фикрича, тақсимот тарихий характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш қонунлари эса абадий ҳисобланади.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, иқтисодий фаннинг методологиясини такомиллаштириш Ж.С.Миллнинг асосий хизмати ҳисобланади. У назарий хулосалар фақат муайян шароитда тўғри бўлишидан келиб чиққан ҳолда, ҳар қандай назарий схеманинг нисбийлигини доимо таъкидлаган ва кўп омилли таҳлилнинг зарурлигини кўрсатиб берган. Тадқиқот методи Ж.С. Миллнинг тавсиясига кўра, икки асосий нарсага асосланади: 1) хулоса ва якун, одатда, фақат муайян шароитда тўғридир; 2) улар ҳар томонлама (универсаль) бўлиши мумкин эмас. Иқтисодий ҳаётда битта эмас, балки жуда кўп сабаблар амал қилади. Уларни англаш, асосини ажратиб олиш жуда қийин, лекин шундай бўлсада уларни қўшиш эмас, балки сабаб ва оқибатини бир-биридан ажрата билиш лозим.

Иқтисодий фанни ривожлантириш ва бойитиш — бу хулосаларни доимо алмаштириб туриш ҳамда схема қабул қилишда (расмий тан олинган) қўл келмаганларини улоқтириб ташлаш эмас, балки ўзгариб турувчи шароитларни ва ўзаро алоқаларни доимо ҳисоб-китоб қилиб туришдир. Бу турли концепция ва қарашларни, ёндашув ва тавсияларни таққослаш, билимларнинг мерос бўлиб қолишини таъминлашдир.

Ж.С. Милл сиёсий иқтисодни иқтисодий қонунлар тўғрисидаги фан сифатида тадқиқ этади. У рақобат қонунини, талаб ва таклиф қонунини, дифференциал рента қонунини, халқаро савдо қонунини ва бошқа бир қатор қонунларни ажратиб кўрсатиб берди. Сиёсий иқтисод тайёр қоида ёки тамойиллар йиғиндиси сифатида қаралиши мумкин эмас. Амалий қоидалар ва конкрет тавсиялар назарий қоида ва хулосаларга асосланган бўлиши керак. Улар шароит ва вазият ўзгариши билан ўзгартиб турилади.

Қиймат, баҳо ва пул

Ж.С. Милл фикри бўйича, бойлик алмашув қийматига эга бўлган неъматлардан ташкил топади. "Эвазига ҳеч нима олиб бўлмайдиган нарса, у қанчалик фойдали ёки зарур бўлмасин, бойлик ҳисобланмайди... Масалан, ҳаво инсон учун мутлақ зарур ҳисоблансада, бозорда ҳеч қан-

дай нархга эга эмас, негаки уни текинга олиш мумкин". Аммо неъматларнинг чекланганлиги ҳис қила бошланса, улар дарҳол алмашув қийматига эга бўлади. Товар қийматининг пулдаги ифодаси унинг баҳоси ҳисобланади.

Пулнинг қиймати унга сотиб олиниши мумкин бўлган товарлар миқдори билан ўлчанади. "Бошқа барча шароитлар бир хил бўлганда пулнинг қиймати пул миқдорига тескари мутаносибликда ўзгаради: пул миқдорининг ҳар қанақасига кўпайиши унинг қийматини пасайтиради, пулнинг ҳар қанақасига камайиши эса унинг қийматини бир хил мутаносибликда оширади... Бу — пулнинг махсус хусусияти". Қачонки пул механизми бузилса, фақат шундагина иқтисодиётда пулнинг аҳамияти сезила бошлайди.

Баҳо бевосита рақобат асосида ўрнатилади. Рақобат эса харидор арзон олишга, сотувчи эса қиммат сотишга интилиши сабабли келиб чиқади. Эркин рақобатда бозор баҳоси талаб ва таклиф даражасига қараб ўрнатилади. Аксинча, "монополист ўз ихтиёрича хоҳлаган юқори баҳони ўрнатиши мумкин, фақат у харидор сотиб олиши ёки хоҳлаши мумкин бўлган баҳодан юқори бўлмаса бас; аммо бунга у фақат таклифни камайтириш йўли билан эришиши мумкин".

Узоқ давр мобайнида товар баҳоси унинг ишлаб чиқариш харажатларидан паст бўлиши мумкин эмас, негаки ҳеч ким ўз зарарига ишлашни хоҳламайди. Шунинг учун талаб ва таклиф ўртасидаги барқарор мувозанат "қачонки буюмлар бир-бирига фақат уларнинг ишлаб чиқариш харажатларига мос равишда айирбошлангандагина ўрнатилади".

Капитал ва фойда

Ж.С. Милл жамғариш натижасида вужудга келадиган меҳнат маҳсулотлари захирасини капитал деб атаган. Ишлаб чиқариш фаолияти капитал миқдори билан чегараланади. Капиталнинг ҳар бир кўпайиши ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади. Унинг фикрича, инвестициянинг асоси сифатида капиталнинг ташкил топиши иш билан бандлик доирасини кенгайтириш имкониятини беради ва агар "бойларнинг унумсиз харажатлари" ҳисобга олинмаса, ишсизликка барҳам берилиши мумкин.

Аммо, Ж.С. Миллнинг таъкидлашича, капиталнинг ривожланишига бошқа чекланишлар хос. Уларнинг бири — капитал даромадларининг камайишидир. Уни Ж.С. Милл капиталнинг меъёрли унумдорлигининг пасайиши сабабли келиб чиқади, деб тушунтиради. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдорини кўпайтириш ушбу миқдор эквивалентига нисбатан кўпроқ меҳнат сарфлаш эвазигагина бўлиши мумкин. Бошқача бўлиши асло мумкин эмас.

Умуман фойда тўғрисидаги масалани тушунтириб беришда Ж.С. Милл Д. Рикардо қарашларига асосланади. Ўртача фойда нормасининг вужудга келиши шунга олиб келадики, яъни фойда ишлатилаётган капиталга мутаносиб бўлади, баҳо эса — харажатларга. "Сарф-харажатлар, яъни ишлаб чиқариш харажатлари бир хил бўлган жойда фойда ҳам бир хил бўлиши учун, нарсалар бир-бирига мутаносиб тарзда ишлаб чиқариш харажатлари бўйича айирбошланиши керак; ишлаб чиқариш харажатлари бир хил бўлган нарсалар бир хил қийматга эга бўлиши керак, шунинг учун фақатгина бир хил харажатлар бир хил даромад олиб келади".

Ж.С. Миллнинг ёзишича, рентага ўхшаган, махсус кўринишга эга бўлган фойда амал қилади. Гап амалда нисбатан устунликка эга бўлган ишлаб чиқарувчи ёки савдогар тўғрисида боради. Модомики, унинг рақобатчилари бундай устунликка эга эмас экан, унда "у маҳсулот қийматини аниқлаб берувчи ишлаб чиқариш харажатларига қараганда кам харажат сарфлаб, бозорга товар чиқариши мумкин. Бунда устунликка эга бўлган киши рента олувчига ўхшаб кетади".

Фойданинг вужудга келиш сабабини Ж.С. Милл худди А.Смит ва Д.Рикардога ўхшаб тушунтиради: "Фойда айирбошлаш натижасида эмас..., балки меҳнатнинг унумдорлик кучи натижасида вужудга келади... Агар мамлакатдаги барча меҳнаткашлар томонидан яратилган маҳсулот, иш ҳақи кўринишида меҳнаткашлар истеъмол қиладиган маҳсулотдан 20 фоиз кўп бўлса, унда баҳонинг қандай бўлишидан қатъи назар, фойда 20 фоизни ташкил этади".

Пул, кредит ва савдо инқирози назариялари

Пулнинг моҳиятини Ж.С. Милл пулнинг миқдорий назарияси ва фоиз назариясидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилади. У бу билан ўзини пулнинг миқдорий назарияси тарафдори эканлигини кўрсатади. Бу назарияга мувофиқ, пул миқдорининг кўпайиши ёки камайиши товарлар баҳосининг нисбий ўзгаришига таъсир кўрсатади. Аммо, унинг тасдиқлашича, агар пул захирада сақланаётган бўлса ёки унинг миқдорининг кўпайиши олди-сотди миқдорининг кўпайишига (ёки ялпи даромадга) мувофиқ келса, пул миқдорининг ҳар қандай кўпайиши баҳонинг ошишига олиб келмайди.

Фоиз нормаси ссуда фондига бўлган талаб ва унинг таклифи билан аниқланади. Ссудага бўлган талаб инвестицияга бўлган талабдан, давлат талабидан ва унумсиз истеъмол учун ер эгалари талабидан ташкил топади. Ссуда таклифи жамғармадан, банк билетларидан ва банк депозитларидан ташкил топади. Пулнинг миқдори ўзи фоиз нормасига таъсир кўрсатмайди, аммо пул миқдорининг ўзгариши, албатта, фоиз нормасининг ўзгаришига олиб келади.

Фойда нормасидан қатъи назар, ссуда фонди талаби ва таклифидаги ўзгаришлар сабабли фоиз нормаси ўзгартиб турилади.

Аммо мувозанат нуқтасида фоизнинг бозор нормаси капиталдан келадиган фойда нормасига тенглашиши керак. Шунинг учун пировард натижада фоиз нормаси реал таъсир этувчи кучлар билан аниқланади.

Ж.С. Милл фоиз ставкаси миқдорини мамлакатга олтиннинг кириб келиши ва ундан чиқишини бошқариб турувчи "Юм қонуни"нинг амал қилишига боғлаб тушунтиради. Унинг кўрсатиб беришича, мамлакатга олтиннинг кириб келиши, агар у баҳо ошишига олиб келсада, фоиз нормасини пасайтиради. Фоиз нормасининг пасайиши биланоқ қисқа муддатли капиталлар чет мамлакатларга оқиб ўтади, бу эса валюта курсини тенглаштиради. Шунга мувофиқ Марказий банк ҳисоб-китоб фоизини ошириб ва бу билан бозор фоизининг ўсишига ёрдам берган ҳолда, ўз захираларини ҳимоя қилиши мумкин. Фоиз нормасининг ўсиши хорижий капиталларни жалб қилади, ички

векселларга бўлган талаб ошади, уларни олтинга алмаштириш қулай бўлади ва валюта курсида тескари ўзгариш юз беради. Натижада унинг тенглиги келиб чиқади.

Ж.С. Миллнинг фикрича, инфляция фоиз нормасини оширади. Баҳонинг ошиши қарзнинг реал миқдорини пасайтиради ва шунинг учун дебиторларнинг фойдасига ва кредиторларнинг зарарига ишлайди.

Сўнгра Ж.С. Милл кредитнинг табиати ва унинг иқтисодиётдаги ролини тадқиқ қилишга ўтади. Бу ерда Ж.С. Милл ўзини А. Смит ва Д. Рикардо ғояларини оммавийлаштирувчи оддий истеъдод эгаси сифатида эмас, балки ўзига хос теран тадқиқотчи эканлигини намоён этади. У шундай ёзади: "Кредит мамлакатнинг ишлаб чиқариш ресурсларини кўпайтирмайди, лекин кредит туфайли улар ишлаб чиқариш фаолиятида анча тўлиқ ишлатилади". Айни чоғда унумли истеъмолда бўлмаган пул шаклидаги капитал кредит манбаи бўлиб хизмат қилади. Депозитли банклар фоиз тўлаш эвазига кредит берувчи асосий воситага айланади. Бунда олтин таклифининг кўпайиши баҳонинг ошишига қандай таъсир кўрсатса, банк кредити ҳам баҳога худди шундай таъсир кўрсатади.

Кредит тўловга қобил талабни кенгайтиргач ва субъектларнинг истакларига таъсир кўрсатгач, савдо конъюнктурасини кескин ўзгартириб юборади. Қачонки муайян товарнинг баҳоси ошиши кутилса савдогарлар бундан фойда олишга бўлган ўз мойилликларини намойиш этадилар. Агар бунда баҳонинг ошиши юқори ва узоққа чўзиладиган бўлса, унда у бошқа чайқовчиларни ҳам ўзига тортади. Улар товарлар харидини кучайтирадилар, бу эса бериладиган ссуда миқдорини кўпайтиради, баҳони оширади. Бир оз вақт ўтгандан кейин баҳонинг ўсиши тўхтайди ва товарларни ўз қўлларида ушлаб турганлар фойдани реализация қилиш вақти келганини ҳис қиладилар ва уларни сотишга киришадилар. Баҳо пасая бошлайди, товар эгалари катта зарар кўрмаслик учун бозорга шошиладилар, бундай вазиятдаги бозорда харидорлар унчалик кўп бўлмаганлиги сабабли баҳо олдин ошганига қараганда анча тез пасайиб боради.

Шунга ўхшаган бир оз тебранишлар кредит бўлмаган пайтда ҳам бўлиб туради. Аммо пул миқдори ўзгармаган чоғда бир хил товарларга бўлган ажиотаж талаб бошқа

товарларнинг баҳосини пасайтиради. Лекин кредитдан фойдаланилганда иқтисодий субъектлар қўшимча пул манбаига эга бўладилар. Бундай вазиятда чайқовчилик барча товарларни бирданига қамраб олиши мумкин. Натижада савдо инқирози келиб чиқади.

Савдо инқирози учун "чайқовчиликнинг жонланиши таъсирида олдин ошган баҳоларнинг тез пасайиб бориши типик ҳол ҳисобланади. Баҳолар қайси нуқтадан оша бошлаган бўлса, шу нуқтагача пасайиши мумкиндек ёки истеъмол ва таклиф ўзини оқлайдиган даражагача пасаядигандек туюлади. Аммо уларнинг пасайиши анча чуқур бўлади, негаки ҳар бир киши зарар кўраётган пайтда, кўпчилик эса банкротликка учраган даврда, ҳатто ишончли ва атоқли фирмалар ўзлари ўрганиб қолган кредитни зўрға олишлари мумкин. Бундай вазият шунинг учун содир бўладики, ҳеч кимда қарзга берган маблағини ўз вақтида қайтариб олишга ишонч бўлмайди. Фавқулодда шароитда бунга ваҳимачилик келиб қўшилади. Пул қисқа муддатга деярли ҳар қандай фоиз тўлаш шарти билан қарзга олинади, дарҳол пул тўлаш шарти билан товарларнинг сотилишидан кўриладиган ҳар қандай талафотга эътибор берилмайди. Демак, савдо инқирози даврида баҳоларнинг умумий даражаси шу қадар пасаядики, олдинги инқирозгача бўлган чайқовчилик даври мобайнида оша бошлаган даражадан ҳам паст бўлади". Ўз моҳиятига кўра, бу иқтисодий фикрлар тарихида биринчи марта иқтисодиётнинг пасайиш динамикаси пулли жиҳатларининг ифода этилишидир.

Бу ерда Ж.С. Милл С. Сисмонди таклиф қилган иқтисодий пасайиш (инқироз) тушунчасига қўшилмади. Унинг фикрича, инқироз умумий ортиқча ишлаб чиқариш натижаси ҳисобланади, дейиш — катта хатодир. "Бу фақат ортиқча чайқовчилик харидининг оқибатидир... Унинг бевосита сабаби кредитнинг қисқариши ҳисобланади, бартараф қилиш воситаси эса — таклифни камайтириш эмас, балки ишончни тиклашдир". Бу маънода Ж.С. Милл Ж.М. Кейнснинг ўтмишдошидир.

Ж.С. Миллнинг тасдиқлашича, конвертациялашган қоғоз валюталар шароитида олтиннинг четга чиқиб кетиши юзага келиши сабабли баҳолар узоқ вақт ошиши мумкин эмас. Бироқ қоғоз пуллар конвертациялашмаганда

(уларни олтинга алмаштириш механизми йўқ) баҳоларнинг ошиши чайқовчилик шов-шувининг келиб чиқишига ёрдам бериши мумкин. У 1825 йилда инқирозга олиб келди. Аммо кейинги 1847 йилдаги инқироз эса фоиз ставкасининг кескин ўсиши натижаси ҳисобланади. Савдо инқирозлари даврида "пул талабидан кўра,барча товарларнинг ортиқчалиги юзага келади, яъни пул таклифи етишмаслиги келиб чиқади".

Ж.С. Милл фоиз ставкасининг ўзгариб туришини батафсил кўриб чиқади. Жонланиш даврида кредит кўпаяди, фоиз эса пасаяди. Пасайиш даврида аксинча фоиз ставкаси ошади. Аммо қачонки бир неча йил инқирозсиз ўтса, капитал қўйиш учун эса янги соҳалар пайдо бўлмаса, қўлланилиши керак бўлган шу қадар кўп бўш ётган капитал жамғариладики, бу фоиз нормасини анча пасайтиради. Масъулияти чекланган акционерлик компанияларининг ташкил топиши, масалан, фоизни оширади. Эркин капитал эгалари ссуда бозорини тўлдириб турувчи акцияларни сотиб олгач, "фондлардаги капиталнинг бир қисмини жалб қилади ва ўзлари ўша фондларнинг қолган қисмини олиш учун рақобатчига айланади. Бу табиий равишда фоизнинг ошишига олиб келади".

Иқтисодий тараққиёт

Иқтисодий тараққиёт, Ж.С.Милл таълимотига кўра, фан-техника тараққиёти, шахснинг ва мулкнинг ривожланиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш ва жамғариш кўпаяди, солиқлар анча эркинлашади, кўпчилик кишиларнинг ишбилармонлиги ошади, кооперация такомиллашиб ва ривожланиб боради. Буларнинг барчаси самарадорликнинг ўсишига, яъни ишлаб чиқариш харажатларининг камайишига ва қийматнинг пасайишига олиб келади (озиқ-овқат ва хом ашё қийматидан ташқари).

Ж.С. Миллда капитал эвалюцияси Д. Рикардо назариясига ўхшаб кетади. Фойда нормаси пасайиб боради, астасекин энг паст (минимум) даражага интилади, у ҳали ҳам капитални жамғаришга ва жамғарилган воситалардан унумли фойдаланишга ундайди. Фоиз нормасининг минимум даражасига бўлган интилишини четга капитал чиқариш

ва экспортни кўпайтириш билан секинлаштириш мумкин. Бунда фойда нормасини пасайтирувчи капиталнинг ортиқча қисми четга кетади; бу ерда капитал йўқолмайди, балки у янги бозорларни ташкил этиш ва четдан арзон товарларни олиб келиш учун ишлатилади. Капиталнинг бир қисми четга чиқиб кетиши фойдани ва фоиз нормасини ошириб, жамғармага бўлган янги интилишни келтириб чиқаради. Шунингдек, унинг айтишича, фойда нормасининг пасайиш тенденцияси давлат харажатларини оширишга қарши бўлган далилларни кучсизлантиради.

Кўрилаётган капитал ҳаракатининг охирги натижаси — бу иқтисодий ривожланиш, муваффақият қозониш учун кураш тўхтаган пайтдаги ҳолат, турғунлик ҳолати ҳисобланади. Аммо Ж.С. Милл, агар турғунлик ҳолати ишлаб чиқаришнинг юқори даражасида юзага келган бўлса, унга ижобий муносабатда бўлган. "Фақат дунёдаги қолоқ мамлакатларда ишлаб чиқаришни кўпайтириш энг асосий вазифа ҳисобланади. Анча ривожланган мамлакатларда тақсимотни такомиллаштириш иқтисодий заруратга айланди". Унинг фикрига кўра ҳеч ким камбағал бўлмаган, ҳеч ким бойликка интилмаган ва бировларнинг олдинга чиқиб олишга қилган ҳаракати туфайли бошқаларнинг орқага суриб ташланиши хавфи бўлмаган вазиятдаги жамият одамлар учун энг яхши яшайдиган жамият ҳисобланади. Бундай турғунлик даврида маданиятнинг барча шаклларини ривожлантириш учун, маънавий ва ижтимоий тараққиёт учун имкониятлар ҳеч чекланмаган бўлади.

Одам ўзи яратмаган нарсаларга унинг эгалик қилиш ҳуқуқини адолатсизлик, деб ҳисобловчи хусусий мулк танқидига Ж.С.Милл қарши чиқди. Масалан, ишчилар фабрикада барча маҳсулотни яратади, лекин унинг кўпчилик қисми бошқа бировга тегади. "Бу эътирозга жавоб шундан ибратки, фабрикада меҳнат товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шароитларнинг бири ҳисобланади, холос. Ишни материалларсиз, асбоб-ускуналарсиз ҳамда ишлаб чиқариш пайтида ишчиларни таъминлаш учун олдиндан тайёрланган яшаш воситалари захираларисиз бажариб бўлмайди. Бу нарсалáрнинг ҳаммаси ўтган меҳнат маҳсули ҳисобланади. Агар ишчилар бу нарсаларга эга бўлганда, унда маҳсулотни бошқа биров билан бўлишишга зарурат

бўлмас эди. Аммо ишчиларда бу нарсалар бўлмаганлиги учун улар эквивалентнинг бир қанчасини (маҳсулотларнинг бир қисмини — *муаллиф*) ушбу нарсаларга эгалик қилувчи кишиларга бериши керак". Аммо хусусий мулк доирасидан ер чиқариб ташланиши лозим (чунки у меҳнат маҳсули ҳисобланмайди).

Ж.С. Милл ва ижтимоий масалалар

Кўпчилик классикларнинг концепциясида меҳнатнинг қиймати ишчининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган нарсаларнинг қиймати билан аниқланади. Иш ҳақи талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ ҳолда меҳнат қиймати атрофида тебраниб туради. Бу қонуннинг амал қилиши кишиларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмайди ва шунинг учун ёлланма ишчиларнинг аҳволини яхшилаш учун йўналтирилган ҳар қандай ижтимоий чора-тадбирлар бефойда. Ишчиларнинг аҳволини яхшилаш иқтисодиётда капитал қўйилмасини кенгайтириш (меҳнатга талаб ошади), ёки аҳоли ўсишини камайтириш (меҳнат таклифи қисқаради) билан амалга оширилиши мумкин. Ж.С. Милл дастлаб ушбу принципни ёқлаб чиққан бўлсада, аммо кейинчалик ундан воз кечади.

Социалистлар ғоясининг таъсири ва тақсимот қонунларининг тарихий характерини тан олиши (тарихий бўлганидан уларни ўзгартириш мумкин), инглиз иқтисодчисини классик мактабнинг бир қатор қоидаларидан воз кечишга мажбур этди. У ижтимоий ислоҳотларнинг кенг дастурини илгари сурди ва ўз таклифларини билдирди. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1.Ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш йўли билан ёлланма меҳнатни тугатиш. Ёлланиш, Ж.С. Милл фикрича, меҳнатга бўлган қизиқишни йўқотади. Шунинг учун капиталистик корхоналар ўрнига кооператив бирлашмаларни ташкил этиш зарур, унда ишчилар бир вақтнинг ўзида мулк эгаси ҳам ҳисобланади. У, касаба уюшмаларининг ривожланиши, капиталистик корхоналарнинг фойдасини тақсимлашда ишчиларнинг иштирок этиши тарафдори бўлган.

2.Ер рентасини ер солиғи ёрдамида умумлаштириш. Рента ёлланма меҳнат каби иқтисодий эркинлик принципларига зид. Рента ер эгасига эмас, балки жамоага (қишлоқ кооперативларига) ёки барча жамиятга тегишли бўлиши керак.

3.Ж.С.Милл майда ер эгаларини қўллаб-қувватлайди. Унинг фикрича, ўз ерида ишловчи кўпчилик деҳқонлар рента тўлашдан озод, улар мустақил ва ташаббускор, шунингдек ёлланма ишчилардан фарқли равишда ўз оиласини ҳаддан ташқари кенгайтиришга мойил эмас.

Ж.С.Милл ўзининг ижтимоий ислоҳотлар дастурида "амалдаги индивидуал эркинлик билан ер шаридаги табиий бойликларга эгалик қилишнинг умумийлигини ва меҳнат даромадларида барчанинг баравар иштирок этишини бирлаштириш"га ҳаракат қилди. Бунда у гўёки бирбирига қарши икки йўналишни: иқтисодий эркинлик принципи билан ижтимоий адолат принципини бирлаштирмоқчи бўлгандек туюлади. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тажрибаси бунинг мумкинлигини кўрсатиб берди.

6.2. К. МАРКСНИНГ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТИ

Карл Маркс классик сиёсий иқтисодни якунловчилардан бири сифатида иқтисодий таълимотлар тарихида ёрқин из қолдирди. Унинг ғоялари кўпинча бевосита иқтисодий муаммолар доирасидан чиққан ҳолда, фалсафий, ижтимоий ва сиёсий муаммолар билан қўшилиб кетади.

К. Маркс 1818 йил 5 майда Германиянинг Трир шаҳрида туғилган. Унинг отаси адвокат, яҳудий бўлиб, 1824 йилда протестантликни қабул қилган. Оиласи давлатманд, маданий оила бўлган. К. Маркс Трир шаҳрида гимназияни тамом қилгандан кейин, дастлаб Бонндаги, сўнгра Берлиндаги университетга кирди, юридик фанларини, ҳаммадан кўпроқ тарих ва фалсафани ўрганди. 1841 йилда Эпикур фалсафаси тўғрисида университет диссертациясини топшириб, курсни битирди.

1842 йили К. Маркс Боннга кўчиб келди ва шу йилнинг октябрида "Рейн газетаси"нинг бош муҳаррири бўлди

ва Бонндан Кёльнга кўчиб ўтди. 1843 йили унинг ҳаётида бирданига бир қанча воқеа содир бўлди: у муҳаррирлик қилган газета ёпилди,К. Маркс немис баронининг қизи Женни Фон Вестфаленга уйланиб, Парижга кўчиб ўтди.

Кейинги икки йил (1844-1845) К.Маркс учун иқтисодий назарияни, фалсафани ва социологияни чуқур ўрганишнинг бошланиш даври бўлди. У Г. Гейне, П. Прудон, М.Бакунинлар билан танишди, Ф.Энгельс билан дўстлашди.

К.Маркс 1845-1848 йиллари Брюсселда бўлди. Ўша йиллари Ф.Энгельс билан ҳамкорликни давом эттирган ҳолда, унинг билан бирга "Немис идеологияси" ва "Коммунистик партия Манифести"ни ёзди. У 1848 йили Кёльн шаҳрига келди ва "Янги Рейн Газетаси"га раҳбарлик қилди. У ўзининг газетасида 1849 йили "Ёлланма меҳнат ва капитал" асарини чоп этди. Шундан сўнг Германиядан сургун қилинди ва бу ерга бошқа қайтиб келмади. К.Маркс аввал Парижга келди, у ерда бир оз вақт тургандан кейин Лондонга бориб, умрининг охиригача (1850-1883) шу шаҳарда яшади. Айнан Лондонда яшаган даврларда К. Маркс ўзининг кўп сонли асарларини, жумладан ҳаётининг мазмунини ташкил этган "Капитал"ни ёзди.

6.2.1. Иқтисодий детерминизм

К.Марксниинг иқтисодий назарияси унинг социологик қарашлари билан, айниқса ижтимоий ривожланиш концепцияси билан бевосита боғлиқ. Кейингисининг шаклланиши жараёнида у уч асосий илмий манбага: Смит — Рикардонинг инглиз классик сиёсий иқтисодига, Гегель — Фейербахнинг немис классик фалсафасига ва француз утопик социализмига асосланади. Марксча ижтимоий ривожланиш схемасида марказий ўринда иқтисодий детерминизм ("тарихни материалистик тушунчаси") туради. К.Маркс ижтимоий ривожланишга ва унинг тарихига татбиқ этилган детерминизмнинг асосий қоидаларини "Сиёсий иқтисод танқидига доир" асарида қуйидагича аниқ ва тўлиқ ифодалаб беради:

"Кишилар ўз ҳаётида ижтимоий ишлаб чиқаришда муайян, зарур, ўзларининг иродаларига боғлиқ бўлмаган муносабатлар — ишлаб чиқариш муносабатларида бўладилар, бу муносабатлар уларнинг моддий ишлаб чиқарув-

чи кучлари тараққиётининг муайян босқичига мувофиқ келади. Бу ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндиси жамиятнинг иқтисодий тузилмасини, реал базисни ташкил этади, юридик ва сиёсий устқурма шу реал базис устига қурилади ҳамда ижтимоий онгнинг муайян шакллари шу базисга мувофиқ келади. Моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умуман ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва руҳий жараёнларига сабабчи бўлади. Кишиларнинг онги уларнинг борлиғини белгиламайди, балки, аксинча уларнинг ижтимоий борлиғи уларнинг онгини белгилайди. Жамиятнинг моддий ишлаб чиқарувчи кучлари ўз тараққиётининг маълум босқичида мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларига ёки — бунинг юридик ифодасигина бўлган — мулкчилик муносабатларига зид бўлиб қолади; улар шу пайтгача мазкур муносабатлар бағрида ривожланиб келган эди. Бу муносабатлар ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш шаклларидан уларнинг кишанига айланади. Ана шу вақтда социал инқилоб даври бошланади. Иқтисодий асос ўзгариши билан бутун бир ғоят катта устқурмада ҳам озми-кўпми тезлик билан туб ўзгариш юз беради... Айрим одам ҳақида унинг ўзи тўғрисидаги фикрига қараб хулоса чиқариш мумкин бўлмагани сингари, бундай ўзгариш даври тўғрисида ҳам шу даврнинг онгига қараб ҳукм чиқариш мумкин эмас. Аксинча, бу онгнинг сабабини моддий ҳаёт зиддиятларидан, ижтимоий ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида бўладиган ихтилофлардан топмоқ керак... Буржуа ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги антагонистик шакли ҳисобланади, ... лекин буржуа жамиятининг бағрида ривожланаётган ишлаб чиқарувчи кучлар шу билан бирга бу антагонизмни ечиш учун моддий шароит яратади".

Демак, К.Маркснинг назарий концепциясида ишлаб чиқариш шакли ўзининг махсус хусусиятига, ўзининг ички мантиғига эга. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан янги муносабатлар келиб чиқади. Ишлаб чиқариш муносабатлари йиғиндиси жамиятнинг моддий базисини ташкил этади, унга жамият устқурмаси: ҳуқуқ, идеология, сиёсат, дин ва бошқалар боғлиқ бўлади. Ҳуқуқ, сиёсат, дин базис томонидан бошқариб турилади. Ишлаб чиқа-

риш омиллари йиғиндиси жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ташкил этади. Индустриал тизим ишлаб чиқарувчи кучларининг муҳим элементи деб, К.Маркс ишлаб чиқариш воситаларини, энг аввало, меҳнат қуролларини, машина ва асбоб-ускуналарни ҳисоблаган. Жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиши (яъни ҳозирги замон тушунчасида иқтисодий ўсиш) ишлаб чиқариш муносабатларининг (ёки ижтимоий-иқтисодий тузумнинг) такомиллашувини тақозо этади. У ўз навбатида ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига фаол акс таъсир кўрсатади, иқтисодий ўсишига имкон бериши ёки тўсқинлик қилиши мумкин. Ижтимоий организмнинг икки томони ўртасидаги ўзаро алоқа жуда мураккаб, кўп қиррали ва зиддиятлидир. Иқтисодиёт ягона аниқловчи омил ҳисобланмайди.

Жамиятда амал қилувчи социологик қонунлар ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги ҳамда идеологик ва сиёсий устқурма билан базис ўртасидаги мувофиқлик принципини ифодалаб беради. Бундай мувофиқлик принципининг амал қилиши иқтисодий ўсишга олиб келади, ишлаб чиқариш муносабатларининг иқтисодий ўсишига тўсқинлик қилиши эса бундай принципнинг бузилганлигини билдиради. Шу боисдан, К.Маркс фикрича, улар ижтимоий тараққиёт диалектикасига мувофиқ ўз ўрнини бошқа прогрессив ишлаб чиқариш муносабатларига бўшатиб бериши керак.

Ижтимоий формациялар назарияси

К.Марксниг асосий илмий ютуқларидан бири шундан иборатки, у ижтимоий-иқтисодий формациялар, уларни ташкил этувчи элементлар, формацияларнинг алмашув сабаблари тўғрисида таълимот яратди. У уч йирик ижтимоий тараққиёт босқичини (ижтимоий-иқтисодий формацияни) кўрсатиб берди.

1.Архаик (бирламчи) формация: синфий жамиятгача бўлган жамоа.

2.Иқтисодий (иккиламчи) формация: синфий жамият; хусусий мулкчиликка асосланган антик, феодал ва капиталистик ишлаб чиқариш усули.

3. Коммунистик формация: кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши муаммосини ҳал қилувчи синфсиз жамият. К. Маркс таълимотига кўра, бир формациядан иккинчисига ўтиш социал инқилоб орқали амалга ошади, яъни "капитализм қобиғи портлайди", эски ишлаб чиқариш муносабатлари емирилиб, социал тизимнинг янги иқтисодий базиси шаклланади.

Агар индустриал жамиятнинг дастлабки босқичларида капиталистик муносабатлар иқтисодий ўсишни рағбатлантирса, кейинчалик бу муносабатлар иқтисодий ўсишнинг "кишанига"айланади, замон талабига жавоб бера олмайди. Унинг назариясига кўра капитализм ҳалокатга юз тутади. Чунки у ўзининг ички зиддиятларини ечишга қодир эмас.

Унингча, капитализм ўрнига долзарб муаммоларни еча оладиган, саноат цивилизацияси ютуқларидан унумли фойдаланиш имконини берадиган янги, анча такомиллашган жамият келиши керак. К. Маркс бўйича, ортиқча ишлаб чиқариш, ишсизлик ва камбағаллик стихияли бозор иқтисодиётининг муқаррар ҳамроҳи ҳисобланган бўлса, келажакда бўладиган анча такомиллашган иқтисодиёт эса, ижтимоийлик асосида ташкил этилган бўлиши (хусусий мулкчилик амал қилмайдиган), ягона режа бўйича ишлаши керак. Унинг тасдиқлашича, бундай жамиятда "олдиндан онгли тарзда тузилган режа бўйича ижтимоий ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун имкон туғилади".

Шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, капитализмнинг муқаррар ҳалокати тўғрисидаги К.Маркс далилларида асосий нарса жамиятдаги синфлар ўртасида даромадлар тақсимотининг бозор принципи бузилганлигида эмас, балки бу тизимнинг тўла иш билан бандликни таъминлай олмаслиги, мустамлакадаги эксплуатацияга ва урушларга бўлган мойиллиги ҳисобланади. У, социализм ва коммунизмни ижтимоий жиҳатдан идеал ҳисоблади, уларни ноантагонистик коммунистик жамиятнинг фазалари деб атади. К.Маркс назариясига биноан, коммунизм — ишлаб чиқариш воситалари бир бутун умумхалқ мулки ҳисобланган, жамиятнинг барча аъзолари ижтимоий жиҳатдан батамом тенг бўлган синфсиз тузум.

Аммо К.Марксниг синфсиз жамият идеаллари тантанасига бўлган қатъий ишончи, энг аввало, классик иқтисодий мактабнинг синфлар назариясига асосланади. У ўзини классикларнинг давомчиси ҳисоблаган ҳолда, ҳақиқатан ҳам иқтисодий ўсиш муаммоси билан, хусусан, фаровонликнинг ва даромадларнинг ўсиши ҳамда даромадларнинг меҳнат, капитал ва ер эгалари ўртасида, яъни синфлар ўртасида тақсимланиш муаммоси билан шуғулланди. Лекин унинг синфлар назариясидаги марказий ғоя синфий кураш ҳисобланади. "Ҳозирга қадар ўтган ҳамма жамиятлар тарихи,— деб ёзади К.Маркс, — синфлар кураши тарихидир. Ҳур ва қул, патриций ва плебей, помешчик ва крепостной, уста ва халфа, қисқаси, золим ва мазлум ўртасида доим антагонизм бўлиб келди; улар ҳар доим гоҳ яширин, гоҳ очиқ бир-бирига қарши кураш олиб борди; бу кураш ҳар сафар бутун жамиятни инқилоб асосида бошқатдан қуриш билан ёхуд курашувчи синфларнинг умумий ҳалокати билан тугади". Марксча, ўзининг кучайиб бораётган зиддиятлари билан капиталистик жамият ҳам истисно ҳисобланмайди: турмуш даражаси муттасил пасайиб бораётган саноат ишчилари синфи капитализм "ғўркови"га айланиб боради. К.Марксниг башорати тўғри чиқмаганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Капитализм янги реал ҳаётга мослаша билди ва анча юқори иқтисодий ўсишни таъминлай олди.

6.3. "КАПИТАЛ"

К.Марксниг иқтисодий концепциялари асосан унинг машҳур асари "Капитал"да берилган. Унинг бу асари тўрт томдан иборат бўлиб, биринчи томи 1867 йили нашр этилди, иккинчи ва учинчи томлари К.Маркс ўлимидан кейин Ф.Энгельс томонидан (иккинчи том 1885 йилда, учинчи томи 1894 йилда) чоп этилди. Тўртинчи том тугатилмасдан қолиб кетди. Унда К.Маркс сиёсий иқтисод тарихини кўриб чиқмоқчи бўлган. Капитал ишлаб чиқариш жараёни "Капитал"нинг биринчи томи мазмунини ташкил этади. Иккинчи томда капиталнинг муомала жараёни тадқиқ этилади. Учинчи томида бир бутун олинган капиталистик ишлаб чиқариш жараёнига тавсиф берила-

ди. Тўртинчи том ("Қўшимча қиймат назарияси") иқтисодий таълимотлар тарихига бағишланган.

К.Маркс "Капитал"га ёзган сўз бошида: "Асаримнинг туб мақсади ҳозирги замон жамияти", яъни капиталистик буржуа жамияти "ҳаракатининг иқтисодий қонунини очиб беришдир", — дейди. Ушбу тарихий жиҳатдан муайян жамиятнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ва бу муносабатларнинг пайдо бўлишини, тараққий қилишини ва таназзулга юз тутишини кўрсатиб бериш К.Маркс иқтисодий таълимотининг мазмунидир. Капиталистик жамиятда товар ишлаб чиқариш умумий тус олган, шу сабабли К.Марксниг тадқиқоти ҳам товарни таҳлил этишдан бошланади.

Мазкур асарнинг назарий қисми асосий ғояларини кўриб чиқамиз.

Қиймат назарияси

Маркс таълимотига биноан, ҳар бир товарнинг қиймати уни ишлаб чиқаришга сарфланган ижтимоий зарурий меҳнат билан ўлчанади. Бир турдаги товарни ишлаб чиқариш учун турли миқдорда меҳнат сарфланади. Бунинг натижасида товарлар ҳар хил индивидуал қийматга эга бўлади. Лекин қиймат ўзида ижтимоий меҳнатни мужассамлаштирганлиги сабабли унинг миқдори индивидуал меҳнат сарфлари билан эмас, балки ижтимоий зарур меҳнат билан ўлчанади, ижтимоий зарур иш вақти билан белгиланади. "Истеъмол қийматга эга бўлган қийматнинг миқдори,— деб ёзади К.Маркс, — уни ишлаб чиқариш учун керак бўлган ижтимоий зарур меҳнат миқдори билангина, яъни ижтимоий зарур иш вақти билангина белгиланади. Ҳар бир айрим товар ўз жинсидан бўлган товарларнинг фақат ўртача нусхаси сифатида аҳамиятга эгадир". Ижтимоий зарур иш вақти нормал ишлаб чиқариш шароитида ва муайян жамиятдаги меҳнат малакаси ва интенсивлигининг даражаси ўртача бўлган шароитда бирон-бир товар тайёрлаш учун сарфланадиган вақтдир. Ушбу тушунчалар ёрдамида қиймат қонуни шаклланади: алмашув жараёнида (эквивалент эквивалентга сингари) товарлар ўзининг қиймати бўйича айирбошланади (уларда мужассам-

лашган ижтимоий зарур иш вақти бўйича). К.Марксниинг тасдиқлашича, ҳар қандай жамиятда қиймат қонунига амал қилмаган айирбошлашнинг бўлиши мумкин эмас. Қиймат эса, юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, айни жамиятда ўртача меҳнат сарфлари билан ўлчанади. Бу айирбошланадиган товарларни таққослашнинг ягона ўлчови меҳнат эканлигини билдиради. Товарларнинг фойдалилиги бундай умумий ўлчов бўла олмайди, негаки улар миқдор жиҳатидан таққосланмайди.

К.Марксниинг қиймат назарияси Д.Рикардонинг қиймат назариясидан фарқланишига эътибор бериш зарур. Д. Рикардо товарларнинг нисбий қиймати тўғрисида сўз юритади: А ва Б товарлар бир-бирига айирбошланади, чунки уларни ишлаб чиқариш тахминан бир хил меҳнат сарфларини тақозо этади. К.Марксда эса қиймат товарга хос объектив хусусиятдир.

Қўшимча қиймат назарияси

Қийматни аниқлаб ва қиймат қонунини таърифлаб бергач, К.Маркс қўшимча қийматни таҳлил қилишга ўтди. Бу унинг назариясида марказий тушунча ҳисобланади. Бу ерда асосий савол туғилади: агар "эквивалентли айирбошлаш" принципи бўйича барча маҳсулотлар ўз қийматига олинса ва сотилса, унда қўшимча қиймат қандай ҳосил бўлади? Маркс таълимоти бўйича у қуйидагича ишлаб чиқарилади.

Товар ишлаб чиқариш тараққиётининг маълум босқичида пул капиталга айланади. Товар муомаласининг формуласи Т-П-Т (товар-пул-товар), яъни бошқа бир товарни сотиб олиш учун товар сотишдир. Капиталнинг умумий формуласи П-Т-П′, яъни сотиш учун товарни сотиб олишдир. Т-П-Т мазмуни: одамлар ўртасида ҳар хил фойдалилик айирбош қилинади. П-Т-П доиравий айланишда мақсад фойда олиш ҳисобланади. Демак, П′>П бўлиши керак. Бу ўсиш қаердан келади? (Маркс уни "қўшимча қиймат" деб атайди). Қўшимча қиймат товарлар муомаласида пайдо бўлмайди, чунки товар эквивалентли айирбошланади, қўшимча қиймат баҳонинг устига қўшиб сотишдан ҳам келиб чиқмайди, чунки бундай бўлганда харидор ва сотувчи-

ларнинг ўзаро ютуқ ва ютқизишлари бир-бирини қоплаган бўлар эди, ҳолбуки гап айрим ҳодиса устида эмас, балки оммавий, ўртача, ижтимоий ҳодиса устида боради.

Қўшимча қиймат олиш учун "пул эгаси бозордан шундай бир товар топиш бахтига эришмоғи керакки, бу товар истеъмол қийматининг ўзи қиймат манбаи бўлишдек оригинал бир хусусиятга эга бўлсин", у шундай товар бўлиши керакки, бу товарни истеъмол қилиш жараёни айни пайтда қиймат яратиш жараёни ҳам бўлсин. Бундай товар — ишчи кучидир. Ишчи кучининг истеъмол қилиниши меҳнатдир, меҳнат эса қиймат яратади. Пул эгаси ишчи кучини унинг ўз қиймати бўйича сотиб олади. Ишчи кучи товарининг қиймати ишчининг ва унинг оиласининг яшаши учун зарур бўлган тирикчилик воситалари қиймати билан белгиланади. Ишчи ўз ишчи кучи қийматидан ортиқча қиймат яратиш хусусиятига эга. Фараз қилайлик, ишчи кун бўйи 10 соат ишлайди. Ҳолбуки, ишчи 5 соат мобайнида (Маркс атамаси бўйича "зарур иш вақтида") ўз қийматига тенг қиймат яратади, кейинги 5 соат мобайнида ("қўшимча иш вақтида") эса қўшимча маҳсулот ёки қўшимча қиймат яратилади. Капиталист бу қўшимча қийматни ҳақ тўламасдан ўзлаштириб олади. К.Маркс бўйича, капиталист томонидан қўшимча қийматнинг ўзлаштириб олиниши меҳнатнинг эксплуатация қилинишидир. К.Маркс ўзи ишлаб чиққан "формула" ёрдамида ушбу эксплуатация даражасини, яъни эксплуатация нормасини кўрсатиб берди. Қўшимча қийматнинг ишчи кучи қийматига — ўзгарувчи капиталга бўлган нисбатини (машиналар ва хом ашёда ифодаланган доимий капитал эса ўз қийматини фақат янги маҳсулотга ўтказиши мумкин, лекин қўшимча қиймат яратмайди) у қўшимча қиймат нормаси, деб атади. Унинг ёзишича, "қўшимча қиймат нормаси ишчи кучининг капитал томонидан, ёки ишчининг капиталист томонидан эксплуатация қилиниш даражасининг аниқ ифодасидир". Қўшимча қиймат нормаси янгидан яратилган қийматнинг капиталист билан ёлланма меҳнат ўртасида қандай тақсимланишини, шунингдек иш кунининг қанча қисмида ишчи ўзи учун ва қанча қисмида капиталист учун ишлашини кўрсатиб беради.

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, ишчи "зарур иш вақти"да ўз ишчи кучи қийматига тенг қиймат яратади,

"қўшимча иш вақти"да эса қўшимча қиймат яратади, яъни капиталист учун ишлайди: капиталист қўшимча иш вақтини узайтиришга ҳаракат қилади. Унга эришишнинг икки йўли мавжуд: иш кунини узайтириш ва зарур иш вақтини қисқартириш. Иш кунини мутлақ узайтириш йўли билан олинадиган қўшимча қийматни К. Маркс "абсолют қўшимча қиймат" деб атади. "Абсолют қўшимча қиймат ҳосил қилиш,— деб ёзади у,— иш кунини ишчи фақат ўз ишчи қийматининг эквивалентини ишлаб чиқара оладиган чегарадан нарига узайтиришдан ва бу қўшимча меҳнатни капиталнинг ўзлаштириб олишидан иборат".

Зарур иш вақтини қисқартириш ва шунга мувофиқ қўшимча иш вақтини узайтириш йўли билан олинадиган қўшимча қийматни К. Маркс нисбий қўшимча қиймат деб атади. Бу ерда шу нарсага эътибор бериш керакки, яъни қиймат қонунига хилоф иш қилмаслик учун, эквивалентли айирбошлашнинг бузилмаслиги учун капиталист ишчи кучи қийматига нисбатан иш ҳақини камайтириш ҳисобига зарур иш вақтини қисқартириши мумкин эмас. Аммо ишлаб чиқаришни яхши ташкил этиш ҳамда самарали техника ва технологияни қўллаш туфайли меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан бунга эришиш мумкин.

Капиталист ўз фойдасини кўпайтириш мақсадида фан ва техника ютуқларидан ишлаб чиқаришда кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилади. Айрим капиталистлар томонидан фан-техника тараққиёти натижаларини амалиётда қўллаш ўртача ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга олиб келади, бу эса унга фойдани кўпайтириш имконини беради. Бу ерда "ортиқча қўшимча қиймат" вужудга келади. Аммо рақобат қонуни асосида бошқа капиталистлар томонидан ҳам янгиликларнинг ишлаб чиқаришда қўлланилиши натижасида бозор баҳоси пасаяди ва ортиқча қўшимча қиймат йўқ бўлиб кетади. Демак, қўшимча қиймат ишлаб чиқариш тадбиркорларни янги техника ва технологияларни қўллашга ундайди.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш назарияси

Ф. Кенэнинг "Иқтисодий жадвалига" юқори баҳо берган К. Маркс ўзининг такрор ишлаб чиқариш назарияси-

ни ишлаб чиқди. А. Смит, Ж.Б. Сэй ижтимоий маҳсулотни даромадларга бўлиб (моддий сарфларни мавҳумлаштирган ҳолда) кўрсатган бўлса, К.Марксда эса ижтимоий маҳсулот уч қисмга бўлинади: доимий капиталга (с) — моддий сарфларга (амортизация, хом ашё, ёқилғи ва бошқалар қиймати), ўзгарувчи капиталга (v) — ишчи кучини сотиб олишга бўлган сарфлар ва қўшимча қийматга(m).

Такрор ишлаб чиқариш муаммосини ечиб беришда К. Маркс иқтисодиётни икки бўлинмага бўлади. I бўлинма ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш, II бўлинма истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш. Кейин у оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ўртасидаги фарқни кўрсатиб беради. "Оддий такрор ишлаб чиқариш" ўзгармас бўлиб, унда соф инвестиция нулга тенг. Оддий такрор ишлаб чиқариш бир хил ҳажмда, ўзгармас бўлиб қолиши учун қандай шартлар бўлиши керак? К. Маркс бунинг учун қуйидаги шартларни кўрсатиб беради. Оддий такрор ишлаб чиқаришда I бўлинманинг барча маҳсулоти ҳар иккала бўлинмадаги капитални қоплаш учун сарфланиши керак: I (c+v+m)= Ic+IIc. Шу билан бирга II бўлинма маҳсулоти иш ҳақи фонди плюс мулкдан келадиган даромадга — соф миллий маҳсулотга тенг (эквивалент) бўлиши керак: II (c+v+m)=I (v+m)+II (v+m). Бу иккала тенгламадан натижада I (v+m)=IIc келиб чиқади, яъни I бўлинманинг соф маҳсулоти II бўлинмада йил давомида истеъмол қилинган капитални қоплаш учун зарур бўлган талаб миқдорига тенг бўлиши керак. Агар I (v+m)>IIc бўлса, унда доимий капитални қоплашга бўлган инвестиция сарфлари амортизация ажратмалари миқдоридан ошиб кетади, яъни соф инвестиция ижобий бўлади. Лекин амортизация жамғармаларнинг истеъмол қилинган капитални қоплашга ишлатилмаслиги, албатта, ишлаб чиқаришнинг пасайишини келтириб чиқаради. Келтирилган далиллар анча пухта макроиқтисодий ўзаро боғлиқлик борлигини тасдиқлайди.

Кейин К. Маркс кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таҳлил қилади. Унинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш схемасини фан тарихидаги иқтисодий ўсишнинг биринчи математик модели деб ҳисоблаш мумкин. Лекин унинг камчиликлари йўқ эмас. Хусусан, у "кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш"нинг бир текисда ри-

вожланиб боришининг шартларини аниқ кўрсатиб бермаган. Бундан ташқари, у суръат ўзгармаган иқтисодий ўсишни таҳлил қилади, бундай вазиятда эса, ўсиш Q (маҳсулот миқдори)да ҳеч қандай ўзгариш бўлишини тақозо этмайди. К.Маркс кўрсатиб берган иқтисодий ўсишнинг зарур бўлган шартлари: I бўлинманинг миллий даромади ушбу бўлинмадаги ишчи ва тадбиркорларнинг эҳтиёжларини қондириш учун II бўлинмадан сотиб олинадиган истеъмол буюмларидан кўп бўлиши керак — миллий даромаднинг бир қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кетади, яъни I(v+m)>IIc. Шундай қилиб, I бўлинманинг маҳсулоти йил бошидаги ҳар иккала бўлинманинг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талабидан кўп бўлиши керак, яъни I(c+v+m)>Ic+IIc. Шунга мувофиқ, жамиятнинг барча миллий даромади истеъмолга сарфланмайди, яъни I(v+m)+II(v+m)>II(c+v+m).

Такрор ишлаб чиқаришнинг бундай талқини айрим масалаларга ойдинлик киритишда қўлланиши мумкин. Лекин, умуман олганда, у шу қадар чекланишларга асосланганки, бу ундаги барча далилларни кучсизлантиради. Ёпиқ иқтисодиёт; барча маҳсулотлар "нормал баҳода" сотилади; ҳар иккала бўлинмада капитал айланиш тезлиги бир хил; фақат капиталистлар жамғаради; техника тараққиёти йўқ; реал иш ҳақи доимий; бир ишчига бўлган реал маҳсулот доимий ва бошқалар. Бундан ташқари, икки бўлинмадан иборат бўлган модель ўзгарувчан реал иқтисодиётни таҳлил қилишда ишончли восита ҳисобланмайди. Капитал ҳамда истеъмол буюмларини яратувчи кўпчилик тармоқлар у ёки бу модель категориясига тўла кирмайди. Масалан, тош кўмир қазиб олиш, транспорт, химия. Бунинг устига, бундай тармоқлар ичида капитал ва истеъмол буюмларининг категорияларга бўлиниши вақти-вақти билан талаб таркибидаги ўзгаришга қараб алмашиб туради. Натижада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг марксча шартлари деярли ўз кучини йўқотади. Шундай бўлсада тенглама К.Маркс тизимида алоҳида роль ўйнайди. У иқтисодий ўсиш бир текисда бориши мумкин эмаслиги, ишлаб чиқаришнинг циклли бўлиши тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Иқтисодий циклар

К.Маркс тугалланган, яхлит иқтисодий циклар назариясини яратган эмас. Унингча, инқирозлар — бу «капитализмнинг асосий зиддиятлари»нинг намоён бўлишидир. Хўжаликдаги анархия ишлаб чиқариш структураси билан истеъмол структураси доимо мос келмаслигини келтириб чиқаради. Ривожланишнинг циклли характерда бўлиши, ортиқча ишлаб чиқариш инқирозининг муқаррарлиги капиталистик иқтисодиётга хос хислатдир. Марксча иқтисодий циклар назарияси унинг капитал жамғарилиши таҳлили асосида кўрилган. Циклли жараён, К.Маркс бўйича, юксалишдан бошланади. Юксалиш даврида меҳнатга бўлган талаб (жамғариш сабабли) унинг таклифидан ошиб кетади; ишсизлик тугатилади ва ишчи кучининг нисбатан етишмаслиги иш ҳақининг ошишига олиб келади; натижада фойда камаяди ва жамғариш секинлашади. Капитал жамғарилиши нормасининг пасайиши ялпи талабнинг камайишига ва шунга мувофиқ бозор конъюнктурасининг пасайишига олиб келади.

Бундай инқирозли вазиятда капитал қиммати қадрсизланади, ишсизлик эса қайтадан кўпаяди ва у иш ҳақининг пасайишини келтириб чиқаради. Бу ҳол ишлаб чиқаришнинг фойдалилигини қайта тиклайди, жамғаришни қайтадан бошлаш учун шароит яратиб беради; инқироз бир вақтнинг ўзида ҳам бузади, ҳам тузатади. Инқирозлар "ҳамма вақт мавжуд зиддиятларнинг фақат вақтинча зўрма-зўраки ҳал қилинишидан, зўрма-зўраки портлашлардан иборат бўлиб, улар бузилган мувозанатни бир лаҳзада тиклайди". Инқироз циклни тугаллайди ва янги навбатдаги цикл бошланади. Бу цикл даври мобайнида инновация ва янги иш жойларини ташкил этиш билан бирга иқтисодиёт таркибини қайта қуриш, жамғариш жараёнида фойда нормасининг пасайиш тенденцияси ва капитал қиммати-нинг қадрсизланиши, ишсизлар армиясининг кўпайиши ва иш ҳақининг пасайиши қайтадан келиб чиққунча ва инқирозли вазият юзага келгунча давом этади.

К. Маркс Сэй қонунини танқид қилади. Бу қонунга мувофиқ товарлар таклифи автоматик тарзда ўзига талаб-

ни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, товарларни сотишдан тушган даромад уларни сотиб олиш учун харажатга айланади. К Маркс товарларни сотиш (Т-П) ва сотиб олиш (П-Т) актлари макон ва замонда мос тушмаслигини кўрсатиб берди (товар қиймати пулда сақланади). "Ҳеч ким зудлик билан сотиб олишга мажбур эмас, чунки унинг ўзи ниманидир сотган". Демак, ялпи харажатлар ялпи даромадлардан кам бўлганда ортиқча ишлаб чиқариш инқирози мумкинлиги келиб чиқади, яъни циклли ривожланишга олиб келади.

К.Марксниг кўрсатиб беришича, иқтисодий циклларнинг моддий асоси капиталнинг вақти-вақти билан янгиланиб туриши зарурлиги ҳисобланади (ҳар 5-10 йилда). Бунда техника тараққиёти асосий капиталнинг маънавий эскириши натижасида янгиланиб туриш муддатини қисқартириши мумкин. Техник кашфиётлар ва инновациялар даврийлигининг хўжалик жараёнига бўлган таъсири таҳлили цикллар назариясининг кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Иш ҳақи

К.Маркс иш ҳақини, классик сиёсий иқтисод асосчиларига ўхшаб, меҳнат учун тўланадиган ҳақ деб эмас, балки ишчи кучи учун тўланадиган ҳақ деб талқин қилади. Унинг назариясига мувофиқ, иш ҳақи ишчининг ва унинг оиласининг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган товарлар миқдорига тенг бўлади. Иш ҳақи даражаси меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг механизациялашуви ва технологик жиҳатдан таъминланиши сабабли рўй беради. Бу ҳол пировард натижада иш ҳақининг ўсишига тўсқинлик қилади, негаки техник-иқтисодий тараққиёт ишчи кучининг доимий ортиқчалигини келтириб чиқаради. Ишчи кучининг ортиқчалиги эса, ишчилар билан капиталистлар ўртасидаги муносабатда кейингисига устунлик беради ва ишчи кучи ўз қийматидан паст баҳода сотилади. Иш ҳақи ишчи кучи қийматининг ўзгарган шаклидир.

Демак, К.Маркс бўйича, ишчи меҳнатини эмас, ишчи кучини сотар экан, "ҳақ тўланмаган меҳнат"нинг (аниқ-

лаш ва ўлчаш мумкин бўлган) иш ҳақига алоқаси бўлмайди, "ҳақ тўланмаган ишчи кучи"ни эса аниқлаш мумкин эмас, негаки фойдалиликка бир бутун ишчи кучини айирбошлаш учун "битим" тузилади. Капиталист иш ҳақини "битим" тузилгандан кейин эмас, балки меҳнат жараёни тугагандан кейин тўлайди. Ишчи ўз ишчи кучининг қийматини иш ҳақи шаклида олишдан аввал капиталистга маълум миқдорда меҳнат, шу жумладан қўшимча меҳнат ҳам қилиши керак. Меҳнат сарфи эса, унинг назариясига кўра, иш вақти билан ўлчанади. Бинобарин, ишчи кучининг маълум муддат давомида унумли меҳнат қилиши унинг қийматига ҳақ тўлаш шарти бўлиб қолади.

К.Маркс фикрича, реал иш ҳақи "ҳеч қачон меҳнат унумдорлиги кучининг ошиши билан мутаносиб тарзда ўсмайди" ва ҳатто ишчилар ишонган касаба уюшмалари ҳам эркин рақобатга асосланган иқтисодиётдаги бундай вазиятни кескин ўзгартира олмайдилар. Бунинг устига, "Капитал" муаллифининг тушунтириб беришича, меҳнат унумдорлигининг ошиши туфайли пулда ифодаланган товар ва хизматлар қимматининг пасайиши ишчилар сотиб оладиган товарлар баҳосининг худди шундай пасайишини келтириб чиқаради ва натижада реал иш ҳақи унчалик ошмайди, бундан ишчиларнинг камбағаллиги ва маънавий қашшоқлиги келиб чиқади.

Фойда ва фойда нормаси

К.Марксниинг фойда назариясининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, даромаднинг бу тури, тадбиркорларнинг ҳар қандай даромади сингари, ишчи кучини эксплуатация қилиш натижасида вужудга келадиган қўшимча қийматнинг ташқи, яъни ўзгарган шакли ҳисобланади. Бу ерда, Д.Рикардодан фарқли ўлароқ, гап нафақат фойда нормаси тўғрисида, балки унинг қўшимча қиймат нормасидан фарқли, ўзига хослиги тўғрисида боради. "Авансланган бутун капиталнинг маҳсули бўлиб кўринган қўшимча қиймат фойданинг ўзгарган шаклига киради".

"Капитал" I томининг мазмунига кўра, корхоналарда ёки иқтисодиёт тармоқларида ўзгарувчи капитал ва меҳнатнинг ҳиссаси қанча кўп бўлса, қўшимча қиймат миқ-

дори шунча кўп бўлади, лекин капиталнинг узвий тузилиши қанча юқори бўлса, яъни корхоналарнинг механизациялашуви ёки тармоқларнинг машина ва асбоб-ускуналар билан қуролланиш даражаси юқори бўлса, қўшимча қиймат миқдори шунча кам бўлади. "Капитал" III томида эса, К.Маркс "қўшимча қиймат нормаси" ва "фойда нормаси" тушунчаларининг фарқини билишни тавсия этади. Агар биринчиси, унинг томонидан, қўшимча қийматнинг ўзгарувчи капиталга бўлган нисбати сифатида кўрилса, иккинчиси эса (гап қўшимча қийматнинг "ўзгарган шакли" тўғрисида борар экан) қўшимча қийматнинг жами капиталга, яъни ўзгарувчи ва доимий капиталга бўлган нисбати сифатида қаралади.

К.Маркс таълимотига биноан фойда нормаси пасайиш тенденциясига эга. Бундай тенденция унингча, Рикардо-Милл кўрсатиб берганидек, демографик омиллар ва тупроқ унумдорлигининг пасайиши "қонуни" келтириб чиқарадиган ҳаётий зарурий маҳсулотлар баҳосининг ошиши сабабли эмас, балки капиталнинг узвий тузилишидаги умумий капиталда ўзгарувчи капитал ҳиссасининг пасайиши туфайли келиб чиқади.

Бундан ташқари, "қўшимча қиймат нормаси" ва "фойда нормаси" тушунчаларидан фойдаланган ҳолда, К.Маркс эркин рақобат шароитидаги бозор иқтисодиёти хўжалик механизми "сир-асрорларини" яхши тушунганлигини намойиш этди. Масалан, қўшимча қиймат назарияси "мантиғи" бўйича, иш куни қанча узун бўлса, қўшимча қиймат массаси ва эксплуатация нормаси шунча юқори бўлиши керак. Лекин "қўшимча иш вақтини" узайтириш йўли билан қўшимча қийматни кўпайтириш усулини К.Маркс яхши ва тўғри усул деб ҳисобламайди. "Абсолют қўшимча қиймат" олиб келувчи бундай усул, бошқа барча шароитлар бир хил бўлганда, ортиқча харажатларни келтириб чиқариши, ҳар бир иш соати унумини пасайтириши мумкин, ишчилар норозилигининг муқаррарлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Бунинг устига "Капитал" муаллифи, иш кунининг фақат охирги соатида капиталист учун фойда яратилади, деган Н.Сениорнинг "охирги соат назариясини" қаттиқ танқид қилди. Унинг тасдиқлашича, зарурий иш вақтининг қисқаришига қарамасдан, меҳнат

унумдорлигининг ошиши "нисбий қўшимча қийматни" олиб келгач, бир вақтнинг ўзида қўшимча қиймат нормасининг пасайиш тенденциясини кучайтиради. Шундай бўлсада ҳар бир капиталист интуитив тарзда фойда нормасини кўпайтиришга интилади. "Фойда нормаси, — деб ёзади К.Маркс, — капиталистик ишлаб чиқаришни ҳаракатлантирувчи кучдир; фойда олиб ишлаб чиқариш мумкин бўлган нарсагина ишлаб чиқарилади".

Фойда нормаси ҳамиша қўшимча қиймат нормасидан кам бўлади. Бунинг сабаби шундаки, уни ҳисоблаганда қўшимча қиймат бутун капиталга нисбатан олинади, қўшимча қиймат нормасини ҳисоблаганда эса, қўшимча қийматнинг фақат ўзгарувчи капиталга бўлган нисбати олинади. Чунки қўшимча қиймат, К.Маркс таълимотига кўра, фақат ўзгарувчи капиталнинг функцияси ҳисобланади.

"Юқори узвий тузилишдаги" капитал (яъни доимий капиталнинг ўзгарувчи капиталдан кўплиги ўртача ижтимоий меъёрдан ошиқ бўлса) ўртачадан камроқ фойда нормаси беради. "Паст узвий тузилишдаги" капитал эса ўртачадан ошиқроқ фойда нормасини беради. Капитал ўртасидаги рақобат, капиталнинг эркин суратда бир тармоқдан иккинчи тармоққа (кам фойда берадиган тармоқдан юқори фойда берадиган тармоққа) оқиб ўтиши ҳар икки ҳолда ҳам фойда нормасини ўртача қилиб қўяди. Муайян жамиятдаги барча товарлар қиймати миқдори товарлар баҳосининг миқдорига тўғри келади. Лекин айрим вазиятларда товарлар рақобат таъсири остида ўз қиймати билан сотилмайди, балки ишлаб чиқариш баҳоси билан сотилади.

"Ишлаб чиқариш баҳоси сарф қилинган капитал плюс ўртача фойдани ўз ичига оладиган баҳодир".

Рента назарияси

К.Маркс рента тўғрисида назария яратди. Унингча, рента ерга бўлган мулкчиликни реализация қилиш шаклидир. Ер майдони чекланганлиги, унинг ер эгалари қўлида бўлганлиги сабабли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш баҳоси ўртача ердаги ишлаб чиқариш харажатларига қараб эмас, балки энг ёмон ердаги ишлаб чиқариш харажатларига қараб белгиланади. Бу баҳо билан яхши ердаги

(ёки энг яхши шароитдаги) ишлаб чиқариш баҳоси ўртасидаги фарқ дифференциал рентани билдиради. К.Маркс дифференциал рентани таҳлил қилиб, бу рента айрим ер участкаларининг ҳосилдорлиги бир-биридан фарқ қилганда, ерга сарф қилинган капитал миқдори бир-биридан фарқ қилганда ҳосил бўлишини кўрсатиб берди. Дифференциал рента икки шаклда — дифференциал рента I ва дифференциал рента II шаклида мавжуд бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқариш баҳосини белгиловчи энг ёмон ердаги маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш баҳоси билан энг яхши ва ўртача ердаги маҳсулотларнинг индивидуал ишлаб чиқариш баҳоси ўртасидаги тафовут дифференциал ер рента I нинг негизи ҳисобланади. Ерга қўшимча ишлов бериш эвазига олинадиган рента дифференциал рента II ни ташкил этади.

К.Маркс дифференциал рента билан бирга абсолют рентанинг ҳам амал қилишини кўрсатиб беради. У, абсолют рентанинг пайдо бўлишини қишлоқ хўжалигида капитал узвий тузилишининг анча паст бўлиши билан ва ерга бўлган хусусий мулкчилик билан боғлаб тушунтиради. Биринчи омил туфайли, унинг фикрича, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти қиймати унинг "ишлаб чиқариш баҳосидан" ҳамиша устун бўлади, иккинчи омил таъсир кучига кўра эса, фойда нормасини ўртача даражага келтирувчи "капитал оқими" механизми қишлоқ хўжалигида амал қилиши мумкин эмас. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўз ишлаб чиқариш баҳоларидан (қўшимча қийматнинг ўртача фойдадан) ортиқчаси капиталистлар ўртасида тақсимланмайди (саноатдаги каби), балки деҳқончиликда қолади ва ер эгалари томонидан абсолют рента шаклида ўзлаштирилади. М.Блаугнинг ёзишича, марксча абсолют рента назарияси унинг қўшимча қиймат назарияси доирасидан ташқарида ҳеч қандай кучга эга эмас.

6.4. ХУЛОСА

Ж.С.Милл ва К.Маркс ижоди У.Петтидан бошланган классик иқтисодий мактабнинг якунланганлигини билдиради. Мазкур мактабнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

1. Инсон фақат ўз фойдасига, ўз аҳволини яхшилашга интилувчи киши сифатида кўрилади. Ахлоқ, маданият, урф-одат ва шу кабилар назарда тутилмайди.

2. Иқтисодий битимда иштирок этувчи барча тôмонлар қонун олдида ҳам, шунингдек узоқни кўзлаб иш юритишда ҳам эркин ва баробар.

3. Ҳар бир иқтисодий субъект ҳар қандай бозордаги баҳо, фойда, иш ҳақи ва рента тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга.

4. Бозор ресурсларининг тўла ҳаракатини таъминлайди: меҳнат ва капитал бир зумда керакли жойга оқиб ўтиши мумкин.

5. Иш ҳақи бўйича ишчилар сонининг эластиклиги бирдан кам эмас. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақининг ҳар қандай ошиши ишчи кучининг кўпайишига олиб келади, иш ҳақининг ҳар қандай камайиши эса, ишчи кучининг камайишига олиб келади.

6.Капиталистнинг бирдан-бир мақсади капиталдан келадиган фойдани максималлаштириш ҳисобланади.

7.Меҳнат бозорида пулли иш ҳақи мутлақ мослашувчан бўлади(меҳнат бозорида унинг миқдори фақат талаб ва таклиф нисбати билан аниқланади).

8.Бойликни кўпайтиришнинг асосий омили капитал жамғарилиши ҳисобланади.

9.Рақобат такомиллашган бўлиши, иқтисодиёт эса давлатнинг ҳаддан ташқари аралашувидан эркин бўлмоғи керак. Бундай шароитда "кўринмас қўл" ресурсларнинг оқилона тақсимланишини таъминлайди.

10. Капитализм ўрнига долзарб муаммоларни ечиб беришга, саноат цивилизацияси ютуқларини энг яхши шаклда рўёбга чиқаришга имкон берувчи жамият келади.

Таянч сўз ва иборалар:

— қиймат;
— пул;
— капитал;
— кредит;
— фоиз нормаси;
— "қўшимча қиймат";

— "нисбий қўшимча қиймат";
— "абсолют қўшимча қиймат";
— "зарур иш вақти";
— "қўшимча иш вақти";
— c;
— v;
— m;
— капиталнинг узвий тузилиши;
— иқтисодий цикл;
— фойда нормаси;
— "ишлаб чиқариш баҳоси".

Тавсия этиладиган адабиётлар

Аргон Р. Этапы развития социологической мысли. М.: Прогресс-Политика, 1992.

Бартенев С.А. Экономические теории и школы. М.: "Бек", 1996.

Жид Ш., Рист Ш. История экономических учений. М.: Экономика, 1995.

Иқтисодий таълимотлар тарихи Т.: "Фан", 1997.

Костюк В.Н. История экономических учений. М.: "Центр", 1998.

Леонтьев В.В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика. М.: Политиздат, 1990.

Липсиц И. Экономика без тайн. М.: "ДЕЛО — ВИТА — ПРЕСС", 1994.

Маркс К. Капитал, I, II, III т.т. Т.: 1955-1972.

Милл Дж.С. Основы политической экономии и некоторые аспекты их приложения к социальной философии. 3-х т. М.: Прогресс, 1980-1981.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС", 1997.

Хайек Ф.А. Дорога к рабству. М.: Экономика, 1991.

Ядгаров Я.С. История экономических учений. М.: "ИНФРА-М", 1999.

7-мавзу
МАРЖИНАЛИЗМ ВА ЯНГИ КЛАССИК ВАЗИЯТ

7.1. МАРЖИНАЛИЗМ

XIX асрнинг 70-йилларига келиб классик сиёсий иқтисод ўрнига маржинализм иқтисодий назарияси вужудга келди. Иқтисодий фан тараққиётида катта ўзгариш юз берди. Ўша даврда хўжалик жараёнларини таҳлил қилишга янгича ёндашув асосини солган (бир-биридан мустақил ҳолда) уч иқтисодчининг асарлари бир пайтда яратилди. Улар инглиз Стенли Жевонс (1835—1882), австриялик Карл Менгер (1840-1921), асосан Швейцарияда истиқомат қилган француз Леон Вальрас (1834—1910). Мазкур муаммога сал кейинроқ, лекин ўзига хос, мустақил йўл билан ёндашган америкалик олим Ж.Б.Кларек ҳисобланади. Маржинализм (инглизча — меъёрли) ана шундай вужудга келди. Ф.Визер, Е.Бем-Баверк, А.Маршалл, К.Викселль ва кўплаб бошқа атоқли иқтисодчилар маржинализм методологиясидан фойдаландилар ва уни ривожлантирдилар.

Айни пайтда математика соҳасидаги ихтиролар иқтисодий назариянинг ривожланишига туртки бўлди. Маржиналистлар дифференциал ҳисоблаш методи ва меъёрли назариядан фаол фойдаландилар. Уларнинг тадқиқотидаги асосий дастак — бу меъёрли (marginal) таҳлил бўлиб, мазкур мактабнинг номи ҳам шундан келиб чиққан. Меъёрли таҳлил ҳанузгача иқтисодий фанда кенг қўлланиб келинмоқда.

Маржинализм методологияси

Маржинализм назариясига иқтисодий жараёнларни субъектив — психологик метод асосида таҳлил қилиш хос-

дир. Унда иқтисодий ҳодисаларнинг моҳияти эмас, балки уларнинг ўзгариши бошқа ҳодисаларнинг ўзгаришига боғлиқлигини ифодаловчи, янги ғоя — меъёрли (max ёки min) миқдор ёки ҳолат тушунчаларидан фойдаланиб, иқтисодий жараён ва ҳодисалар тушунтирилади. Масалан, меъёрли фойдалилик назарияси нархнинг ташкил топишини маҳсулотларни истеъмол қилишдаги самаралилик билан боғлаб тадқиқ қилади ва ушбу баҳоланаётган маҳсулот бирлиги кўпайганда эҳтиёжларнинг қондирилиши қанчалик ўзгаришини кўрсатиб беради (харажатлар концепциясидан фарқ қилган ҳолда). Маржинализмнинг асосий категориялари: меъёрли фойдалилик, меъёрли унумдорлик, меъёрли харажатлар ва бошқалар. Бу назария ишлаб чиқариш харажатларини, талаб, таклиф, нарх ва бошқаларни субъектив баҳо бериш асосида тушунтиради.

У ёки бу муаммоларни муқобил тарзда ечиш амал қиладиган иқтисодий ҳаётни маржиналистлар турли бозорлар йиғиндиси кўринишида тасаввур этганлар. Ишлаб чиқарувчи товар ишлаб чиқарганда турли ресурслардан ҳар бирининг меъёрли фойдалилигига баҳо берган ҳолда энг кераклисини танлайди. Истеъмолчи ўзининг чекланган даромадларини эҳтиёжларни кўпроқ қондирадиган қилиб товарлар сотиб олишга тақсимлайди. Демак, маржинализм назарияси марказида ўз фойдасини максималлаштиришга интилувчи фирма (ишлаб чиқарувчи) ва харид қилинган неъматлардан максимал фойдалилик олишга интилувчи алоҳида истеъмолчи туради.

Меъёрли фойдалилик назарияси ва буюмнинг субъектив қиммати

Асосий эътибор ишлаб чиқариш ва таклифни ўрганишга қаратилган классик иқтисодий назариядан фарқли ўлароқ, маржиналистлар, энг аввало, истеъмол ва талабни таҳлил қилдилар. Шу боис улар иқтисодий жараёнларни таҳлил этишни кишиларнинг эҳтиёжини ўрганишдан, буюмнинг фойдалилик мезонини қидиришдан бошладилар. Буюмнинг қимматини аниқлашда маржиналистлар классикларга нисбатан бутунлай бошқача ёндашдилар. Агар классиклар товар қийматини (қимматини) уни ишлаб

чиқаришга кетган харажатлар билан аниқлаган бўлсалар, маржиналистлар товар қиммати асосида икки омил — фойдалилик ва буюмларнинг камёблиги ётади деб ҳисобладилар. Бу билан А.Смитнинг буюмнинг қийматини (қимматини) фойдалилик билан аниқлаш мумкин эмас, негаки ҳаётда энг фойдали бўлган ҳаво ва сувнинг қиймати йўқ, деган "Смитча зиддият"га барҳам берилди. "Ҳеч бир нарса сувдан кўра фойдали эмас,— деб ёзади А.Смит,— лекин унга у-бу нарсани сотиб олиш амри маҳол... Бриллиант эса, аксинча, уни бевосита фойдаланиш нуқтаи назаридан ниҳоятда қиммати кам, аммо унга жуда катта миқдордаги бошқа товарларни олиш мумкин". Маржиналистларнинг айтишича, ҳақиқатан ҳам, ҳаво ёки сувнинг умумий фойдалилиги бриллиантнинг умумий фойдалилигидан тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада кўп. Лекин ҳаво ва сувга қараганда қимматли тошлар анча камёб. Шунинг учун унинг қиммати анча юқори. "Қиммат,— деб ёзади Е.Бем-Баверк,— нарсаларнинг айнан чекланган миқдорда бўлишини тақозо этади, қимматнинг йўқлиги эса, уларнинг мўл-кўллигини тақозо этади". Қиммат эса буюмнинг умумий фойдалилиги билан эмас, балки унинг "охирги бирлик" фойдалилиги билан аниқланади.

Фойдалиликка асосланган бу назариянинг бошланғич нуқтаси — эҳтиёжларнинг тўйиниш қонуни (Госсеннинг биринчи қонуни)ни билдиради: инсон эҳтиёжининг тўйиниш даражаси ошиб бориши билан истеъмолдан бўлган қониқиш пасайиб боради, ёки истеъмол қилинадиган товар миқдори кўпайиб бориши билан унинг фойдалилиги камайиб боради. Шунга мувофиқ истеъмол қилинадиган мазкур буюмнинг охирги қисмининг истеъмол учун бўлган фойдалилиги бошқа қисмларига нисбатан анча паст. Буюмнинг охирги қисмининг фойдалилиги — бу меъёрли фойдалиликдир. Айнан у, маржиналистларнинг фикрига кўра, товар қиймати шаклланишининг асосини ташкил этувчи ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар хатти-ҳаракатини тартибга солиб турувчи куч ҳисобланади. Е.Бем-Баверкнинг ёзишича: "Меъёрли фойдалилик ғояси — бу иқтисодий ҳаётнинг энг мураккаб кўринишларини ечишга калит ва илмнинг энг чигал муаммоларини ҳал этишга имкон берувчи формула — "очил дастурхондир".

Меъёрли фойдалилик назариясига биноан товарлар нархи асосида меҳнат сарфлари билан аниқланадиган қиймат эмас, балки ушбу буюмнинг фойдалилиги ётади. Меъёрли фойдалилик назарияси тарафдорлари товарда мужассамлашган меҳнат натижаси сифатидаги қийматга фойдалилик категориясини, одамнинг нарсага бўлган муносабатини ифодаловчи субъектив баҳолашни қарши қўяди.

Қийматнинг меҳнат назариясида меҳнат сарфларининг бевосита ўлчови иш вақти ҳисобланади. Товар қиймати индувидуал иш вақти билан эмас, балки ижтимоий зарурий аталмиш иш вақти билан ўлчанади. Ижтимоий зарурий иш вақти нормал ишлаб чиқариш шароитида, ўртача маҳорат ва меҳнат интенсивлигида муайян истеъмол қийматни ишлаб чиқаришга кетган вақт билан ифодаланади.

Қийматнинг меҳнат назариясига мувофиқ, фақат бозорда, айирбошлаш жараёнида ижтимоий зарурий меҳнат сарфлари даражаси рўёбга чиқади. Фақат бозорда қиймат алмашув қиймат шаклида намоён бўлади. Оддий қилиб айтганда, қиймат ишлаб чиқаришда яратилади, бозорда эса намоён бўлади. Мана шу ерда меъёрли фойдалилик назариячилари эътироз билдирадилар. Унинг маъноси нимадан иборат? Агар товар бозорда харид қилинган бўлса, бу жараён ўша товарни ишлаб чиқаришга кимдир сарфлаган ижтимоий зарурий меҳнат харажатларини баҳолаш учун амалга оширилмайди, балки бу товар харидор учун муайян фойдали самарага эга бўлганлиги учун, харидор бу товарнинг қадр-қимматини билганлиги учун амалга оширилади. XIX асрнинг охири— XX асрнинг бошларида "қиймат" сўзи немисчадан айнан "қиммат" деб таржима қилиниши ҳам бежиз эмас эди. Қиммат — бу кўп жиҳатдан субъектив категория. Шунга мувофиқ, австрия мактаби таълимотига кўра, қиймат (қиммат) ҳеч қачон буюмга хос бўлган объектив хусусият бўлиши мумкин эмас. Фақат харидор кўз ўнгида қимматли бўлган нарсаларгина қимматга эга. Харидорнинг субъектив баҳоси яратилган буюмга қиймат хоссасини беради. Демак, қиймат фақат бозорда юзага келади, ундан ташқарида амал қилмайди.

Одамлар томонидан турли моддий ва маънавий бойлик ҳамда хизматларнинг қимматига баҳо берилиши, бу уларни ишлаб чиқаришга ижтимоий зарурий меҳнат сарфлангани учун эмас, балки бу буюмларнинг фойдалиликка эга бўлгани сабабидандир. Одамлар фойдалиликка эҳтиёж сезганлиги учун ҳам у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфларини амалга оширадилар. У ёки бу меҳнат сарфларининг ижтимоий зарурийлигини ким ёки нима аниқлаб беради. Оддий қилиб бозор десак — бу тўғри, лекин у жуда умумий тушунча, шунинг учун етарли эмас. Меъёрли фойдалилик назарияси тарафдорлари фикрича, фақат товарнинг фойдалилиги меҳнат сарфларига ижтимоий зарурийлик характерини бериши мумкин. Меъёрли фойдалилик назарияси намояндалари, қимматни фойдалиликдан келтириб чиқарар экан, фойдалиликни икки тургa бўлиб кўрсатишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Биринчиси — товарларнинг (дон, олмос, нефть) ўз хусусиятига кўра умумий фойдалилиги. Иккинчиси — истеъмолчи эҳтиёж сезадиган товарнинг конкрет фойдалилиги. Конкрет фойдалилик доимо бир хил бўлавермайди, у ҳар хил баҳоланади. Бу ердаги фарқ унга бўлган ёндашувда. Агар у ёки бу буюмларни эркин ва хоҳлаганча олиш мумкин бўлса, унда уларнинг фойдалилиги, чекланган миқдордаги бундай буюмларнинг фойдалилигичалик баҳоланмайди ("Смитча зиддият"ни яна бир бор эсланг).

Буюмнинг умумий (ялпи) фойдалилиги билан конкрет (меъёрли) фойдалилиги ўртасидаги фарқ истеъмолчилар хатти-ҳаракатини таҳлил этиш учун зарур.

Меъёрли фойдалилик муаммосини тушуниш учун маржиналистлар кўрсатиб берган ўрмонда яшовчи қария-дарвиш қўлидаги беш қоп донни мисол қилиб оламиз. Қария учун уларнинг аҳамияти қандай? Биринчи қопдаги дон очдан ўлмаслик учун керак, иккинчиси озиқ-овқат сифатини яхшилаш учун ишлатилади, учинчиси — уй паррандаларини боқиш учун, тўртинчиси — пиво тайёрлаш учун, бешинчиси эса вақтхушлик (тўтиларга овқат бериш) учун ишлатилади. Барча қоплар бир хил қимматга эга. Аммо лекин уларни қария учун фойдалилиги пасайиб бориш тартибида жойлаштирсак, унда биринчи қопдаги буғдой энг юқори қимматга эга: у қариянинг ҳаёт кечириши учун

зарур. Қария учун охирги, тўтиларни боқиш учун мўлжалланган қоп энг кам қимматга эга. Агар унга айирбошлаш таклиф қилинса (айтайлик, бир қоп дон — болтага) у айнан шу бешинчи қопнинг фойдалилигига қараб иш тутади.

Шундай қилиб, истеъмол қилинадиган товар (дон) нинг миқдори кўпайиб бориши билан унинг охирги, меъёрли фойдалилиги пасайиб боради (меъёрли фойдалиликнинг пасайиш қонуни). Мазкур товар миқдорининг кўпайиб бориши билан меъёрли фойдалиликнинг (TU) пасайиб боришини қуйидаги график кўринишида акс эттириш мумкин (1-расм).



1-расм

Демак, хулоса қилиш мумкинки, меъёрли фойдалилик миқдори мазкур товар миқдорига ва унга бўлган истеъмол даражасига боғлиқ. Ҳар бир алоҳида буюм (товар)нинг меъёрли фойдалилиги конкрет ва шу билан бирга субъективдир. Масалан, мавжуд ўнта кўзадан, биринчи кўзадаги сувнинг фойдалилиги, агар чанқовни қондириш учун бошқа биронта кўзада сув бўлмаса, жуда юқори. Бешинчи ёки олтинчи кўзадаги сувнинг фойдалилиги анча кам: у гулларга сув қуйиш ёки пол ювиш учун ишлатилади. Ўнинчи кўзага келсак, у умуман ортиқча бўлиши мумкин. Уй жавонида унинг эгасига, мисол учун, етти жуфт этик етарли; қолганлари жавонда фақат жойни банд қилади ва уларни кийиб улгурмасданоқ модадан чиқиб қолиши мумкин.

Фойдалиликнинг пасайиб бориши буюмнинг ҳақиқий қиммати нима билан (унинг энг кўп, ўртача ёки энг кам фойдалилиги билан) аниқланишини тушунишда ёрдам беради. Австрия мактаби вакиллари назариясига кўра, кон-

крет қиммат энг кам, ёки меъёрли фойдалилик билан аниқланади.

Харидор ўзи учун ягона бўлган, бир жуфт этик учун еттинчи этикка қараганда кўп ҳақ тўлашга тайёр. Унга биринчи жуфт этикка қараганда, еттинчисининг фойдаси анча кам. Демак, фойдалиликка субъектив баҳо берилади, товар миқдори кўпайиб борган сари фойдалилик пасайиб боради ва бу миқдорнинг камайиб бориши билан фойдалилик ошиб боради. Бозорнинг товарлар билан тўйиниш даражасини ўрганаётган ишлаб чиқарувчи ҳам ушбу хусусиятни ҳисобга олган ҳолда иш юритади.

Буюмларни тақсимлаш ва айирбошлаш

Ҳар хил эҳтиёжларни қондириш учун буюмлар қандай тақсимланиши керак? Фараз қилайлик, битта Z буюмнинг ўзи учта — А, В ва С эҳтиёжларни қондириши мумкин. Бу ерда А анча муҳим эҳтиёж, С эса унчалик аҳамиятли бўлмаган эҳтиёж. Демак, эҳтиёжларнинг ҳар бирини қондириш учун Z буюми бирлигининг меъёрли фойдалиликлари ҳар хил (мазкур схема "Менгер жадвали" дейилади, 1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

A	B	C
4		
3	3	
2	2	2
1	1	1

Фақат битта Z буюм бирлигига эга бўлгач, одам ундан А эҳтиёжни қондириш учун фойдаланади, негаки бу вазиятда унинг меъёрли фойдалилиги энг юқори — 4 шартли бирликка тенг. Z буюмнинг кейинги икки бирлиги В ва С эҳтиёжларни қондиришга ишлатилади. Агар кишида 6 та

буюм бирлиги бўлса, унда уларнинг учтасини у А эҳтиёжни қондиришга ишлатади, иккитасини — В эҳтиёжга, биттасини эса — С эҳтиёжга ишлатади. Бунда эҳтиёжларнинг умумий қондирилиши 16 шартли бирликка тенг (барча меъёрли фойдалиликларнинг йиғиндиси). Бу ерда шу нарсани билиш қийин эмаски, буюмларнинг бошқача тақсимланиши инсон учун анча кам қимматли бўларди. Шундай қилиб, қандайдир бир буюм бирликлари ҳар хил эҳтиёжлар ўртасида оқилона тақсимланганда меъёрли фойдалиликлар бараварлашади:

$$MUa=MUb=MUc$$

Бозорда товарларни харид қилишда умумий фойдалиликни энг юқори даражага чиқариш учун уларнинг нархини ҳам ҳисобга олиш керак. Бунда харидор қиммат товар ўрнига арзонроқ товарлардан кўпроқ олиши ва бу билан у харид қилинган товарларнинг ҳар бирига сарфланган ҳар бир пул бирлигидан бир хил қониқиш ҳосил қилиши мумкин. Госсеннинг иккинчи қонуни меъёрли фойдалиликларнинг бараварлашувини ифодалайди, яъни бу қонунга мувофиқ бир пул бирлигига олинган ҳар бир товарнинг меъёрли фойдалиликлари тенглиги амал қилиши керак. Бошқача айтганда, гўшт ёки балиқ сотиб олишга сарфланган ҳар бир охирги пул бирлиги, ўз фойдалилиги бўйича, макарон ёки картошка сотиб олишга сарфланган охирги пул бирлигига тенг бўлиши керак.

Истеъмол мувозанатининг бундай шартини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\frac{MU_1}{P_1}=\frac{MU_2}{P_2}=\frac{MU_3}{P_3}=\ldots=\frac{MU_n}{P_n}$$

Бу ерда: MU — айрим товарларнинг меъёрли фойдалилиги;

P — уларнинг нархи.

Шундай қилиб, турли товарларнинг меъёрли фойдалиликлари тенглашади. Агар 1 кг апельсин 100 сўм, 1 кг ананас эса 300 сўм турса, унда ананаснинг фойдалилиги апельсиннинг уч карра кўпайтирилган фойдалилигига тенг.

Шундай таққослашга мувофиқ бозорда алоҳида товарларнинг нархлари ўрнатилади, нисбатлар шаклланади, нисбий нархлар ташкил топади. Натижада пул бирлигига олинадиган ҳар бир товарнинг меъёрли фойдалилиги тенглиги келиб чиқади.

Ижтимоий меъёрли фойдалилик

Бозорда ҳар бир субъект ўзига керагидан ортиқча товарларни (субъект учун меъёрли фойдалилиги нисбатан катта бўлмаган) сотиш ва ўзи эҳтиёж сезган товарни (унинг меъёрли фойдалилиги нисбатан юқори) сотиб олиш юзасидан иш юритади. Кишиларнинг манфаатлари тўқнашади ва истеъмолчилар билан сотувчиларнинг субъектив баҳолаши ягона ижтимоий қийматни келтириб чиқаради. Агар бозорда фақат битта сотувчи (унинг учун сотилаётган товарнинг меъёрли фойдалилиги, масалан, 100 пул бирлигига тенг) ва битта (300 пул бирлигига тенг) харидор бўлса, унда нарх 100 дан 300 гача бўлган чегарада тебраниб туради. Лекин бозор иштирокчилари қанча кўп бўлса, бозор қиймати чегараси имкониятлари шунча кам бўлади (Эджуорт теоремасига мувофиқ).

Е.Бем-Баверк ўнта харидор ва саккизта сотувчи қатнашадиган от бозорини мисол қилиб келтиради. Ҳар бир харидор ўзининг юқори нарх чегарасига эга ("ундан қимматига олмайман"), ҳар бир сотувчи эса — қуйи нарх чегарасига ("ундан камига сотмайман"). 2-жадвалга қаранг. Бир от учун белгиланган нарх 120 пул бирлик бўлганда бозорда 10 та харидор ва 2 тагина сотувчи қолади. Бунда талаб таклифдан ошиб кетади ва нарх албатта кўтарилади (харидорлар ўртасида рақобат натижасида). Агар нарх, масалан, 250 пул бирлиги даражасида ўрнатилса, унда бозорда 7 та сотувчи ва 3 тагина харидор қолади. Таклиф талабдан ошиб кетади. Энди сотувчилар ўртасида рақобат келиб чиқади, улар нархни пасайтира бошлайдилар. Нарх 215 пул бирлигидан сал пастга тушиши биланоқ, бу ерда сотувчилар билан харидорлар сони тенглашади (олтитага олтита).

Шундай қилиб, бундай бозорда бир отнинг нархи 210 ва 215 пул бирлиги ўртасида ўрнатилади. Ана шу нарх,

2-жадвал

Харидорлар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Қиммат бўлмасин (пул бирлигидан)	300	280	260	240	220	210	200	180	170	150
Сотувчилар	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Арзон бўлмасин (пул бирлигидан)	100	110	150	170	200	215	250	260		

фараз қилайлик, 212,5 пул бирлиги, мазкур бозордаги пул бирлигига нисбатан отнинг меъёрли фойдалилигини ифодалаб беради: бу нархдан камига ҳеч ким сотмайди, бу нархдан юқорисига ҳеч ким олмайди. Ана шу ижтимоий меъёрли фойдалиликдир.

Янги классиклар

Иқтисодий таҳлил қилишнинг янги услуби классикларнинг иқтисодий эркинлик принципини асослаб беришга имкон берди. Маржиналистлар давлатнинг иқтисодиётга аралашмаслик қоидаси бош мезон ҳисобланган иқтисодий фанда янги классик йўналишнинг бошланишига асос солдилар. Янги классикларнинг тасдиқлашича, бозор механизми хўжалик жараёнларини ўзи тартиблашга, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида мувозанат ўрнатишга қодир. Эркин бозорнинг ўзаро таъсири асосида шаклланадиган муносабатларга давлатнинг аралашуви эса мувозанатнинг бузилишига, иқтисодий самарадорликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун янги классик йўналиш вакиллари хусусий тадбиркорлик ва бозор имкониятлари учун курашдилар. Янги классиклар А.Смит анъаналарини давом эттирган ҳолда, универсал иқтисодий қонуниятларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилдилар.

Янги классик фан иккинчи жаҳон урушигача асосан уч илмий мактаб: австрия, лозанна (математик) ва кембридж доирасида ривожланди.

Австрия мактаби (биринчи авлоди — К.Менгер, иккинчиси — Ф.Визер ва Е.Бем-Баверк, учинчиси — Л.Мизес ва Ф.Хайек) вакиллари шак-шубҳасиз иқтисодий либериализм тарафдори бўлганлар, уни тарихий мактаб ва социалистлар билан бўлган курашда ҳимоя қилдилар. Улар иқтисодий тадқиқотда математик аппаратлардан кенг фойдаланишга шубҳа билан қарадилар ва ўз концепцияларини оғзаки шаклда ифодалашни афзал кўрдилар.

Лозанна мактаби вакиллари (уларга Л. Вальрасдан ташқари В. Перето, Г. Кассель, В. Леонтьев каби атоқли иқтисодчилар ҳам киради) аксинча математик дастаклардан жуда фаол фойдаландилар. Умумий мувозанат назарияси — "лозанналиклар"нинг асосий ютуғидир.

"Англияликлар" (биринчи авлод — С. Жевонс, Ф.Эджуорт ва А. Маршалл, иккинчисининг энг атоқли вакили — А. Пигу, учинчи авлод — Ж.М. Кейнс ва Ж. Хикс) "лозанналиклар"га ўхшаб таҳлил қилишнинг математик усулларидан, гарчи уларга ўз методологик қурилмасида унча катта ўрин ажратмаган бўлса ҳам фаол фойдаландилар. "Австрияликлар"дан фарқли ўлароқ, улар бозор механизмини идеал ҳисобламадилар ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви жараёнига анча босиқ муносабатда бўлдилар. Агар Англия мактабининг дастлабки вакили С.Жвонс сарфли қиймат назариясини танқид қилган бўлса, А.Маршалл эса классикларнинг (энг аввало, рикардочиларнинг) қиймат назарияси ютуқларидан ўз илмий концепциясида фойдалана олди.

Америка иқтисодчилари ўртасида янги классик йўналиш издошлари кўп бўлган. Ундан ташқари, бу ерда Ж.Б.Кларек ва И.Фишерга ўхшаган фан раҳнамолари иш олиб борган. Шунинг учун илмий адабиётларда "америка мактаби" тушунчасини учратиш мумкин. Методологик жиҳатдан "америкаликлар" "кембриджликларга" яқин туради. Баъзи муаллифларнинг ягона англо-америка янги классик мактаби тўғрисида гапириши ҳам бежиз эмас.

7.2. А.МАРШАЛЛ ВА ЯНГИ КЛАССИК ВАЗИЯТ

Янги классиклар, маржинализм методологиясига суянган ҳолда, иқтисодий фаннинг асосий бўлимларини ўз

ичига олувчи бир бутун назарий система яратдилар. Хусусан, фирма даромадларини тақсимлаш, бозор мувозанати назариялари анча такомиллаштирилди, истеъмол танлови, умумий (барча бозорлар учун) мувозанат назариялари яратилди. Ўша даврдаги янги классикларнинг илмий қарашлари унинг атоқли вакилларидан бири, кембридж мактабининг раҳнамоси Альфред Маршаллнинг (1842-1924) "Экономика принциплари" (1890) китобида анча системалаштирилган кўринишда ифодаланган. Мазкур асар биринчи катта дарслик вазифасини ўтаган. Унда талаб ва таклиф тўғрисидаги концепциялар бирлаштирилган ва айрим бозорларни ўрганиш учун математик дастаклар кенг қўлланилган. А.Маршалл ва унинг ҳамфикрлари хизмати туфайли янги классик назария XX асрнинг 30 - йилларигача иқтисодий фанда етакчи ўринни эгаллаб келди.

А.Маршалл маржинализм ғояларини мустақил (Жевонсга боғлиқ бўлмаган ҳолда) ва ўзига хос услубда ривожлантирди. Классик мактаб (Смит, Рикардо, Милл) ва маржинализм (Менгердан Вальрасгача) ютуқларини бирлаштирувчи бир бутун назарий система яратди.

Қиймат (қиммат) ва нархнинг шаклланиши назарияси

Иқтисодий таълимотлар тарихида энг қийин ва мураккаб муаммолардан бири қиймат муаммоси ҳисобланади. А.Маршаллнинг асари вужудга келгунга қадар товар қиймати муаммосига бўлган икки хил ёндашув мавжуд бўлган: қиймат ё ишлаб чиқариш харажатлари билан, ёки товарнинг фойдалилиги ва ноёблиги билан аниқланган. Биринчи ёндашувга мувофиқ, бойликнинг ўсиши ё ресурслар (меҳнат, капитал ва ер)нинг унумдорлиги натижаси, ёки ишлаб чиқариш омиллари эгаларининг келгусида даромалларни кўпайтириш мақсадида бугунги неъматлардан воз кечиши оқибатидир. Иккинчи ёндашув (меъёрли фойдалилик назарияси)га кўра, қийматнинг асосида бозор қатнашчилари томонидан буюмнинг фойдалилигига берилган субъектив баҳо ётади. Бу борада турли ёндашув вакиллари ўртасидаги баҳслар кўпинча мавҳум, беҳуда, самарасиз ва қуруқ сафсатадан иборат бўлган.

Кўпчилик мутахассисларнинг фикрига кўра, А.Маршалл бу баҳсларга нуқта қўйди ва замонавий микроиқтисодий таҳлил асосини яратди (иқтисодий фикрлар тарихига оид баъзи китобларда эса, ҳатто фандаги "маршалл инқилоби" тўғрисида ҳам гап юритилади). Унинг хизмати шундан иборатки, у қийматнинг биринчи (асосий) сабабини қидиришни таҳлил қилишдан талаб ва таклифнинг шаклланиш ва ўзаро таъсир кўрсатиш қонуниятларини ўрганишни таҳлил этишга ўтишнинг зарурлигини асослаб берди. Бошқача сўз билан айтганда, А.Маршалл қиймат назариясини баҳо назарияси (ёки бозор мувозанати назарияси)га турлантирди.

А.Маршалл маржиналистлар ютуғига юқори баҳо берган ҳолда, уларнинг классик мактабни ва Д.Рикардонинг харажатлар назариясини бир томонлама танқид қилганини кўрсатиб ўтди. Маржиналистлар қийматни ишлаб чиқариш харажатлари билан боғлаб тушунтиришни рад этгач, товар қийматининг (қиммат) асосини унинг фойдалилиги ташкил этади деб, мазкур муаммога бир томонлама ёндашдилар (улар қимматни фақат меъёрли фойдалилик билан тушунтирдилар). А.Маршалл меъёрли фойдалилик назариясини талаб ва таклиф назарияси билан ва ишлаб чиқариш харажатлари назарияси билан бирлаштирди. А.Маршаллнинг тасдиқлашича, ишлаб чиқариш харажатлари принциплари ва меъёрли фойдалилик — талаб ва таклиф қонунининг таркибий қисмларидир. Уларнинг ҳар қайсисини "қайчининг тиғларидан бирига қиёслаш мумкин. Агар бир тиғ қўзғалмас бўлиб ва қирқиш иккинчисининг ҳаракати туфайли амалга оширилаётган бўлса, биз бепарволик билан лўнда қилиб иккинчиси қирқаяпти деб айтишимиз мумкин...". Маржиналистларнинг хатоси талаб ва таклиф симметриясига етарлича баҳо бермасликдан иборат, ютуғи эса уларгача менсилмасдан келинган талаб муаммосига эътиборни қаратганлигидадир.

Ўз моҳиятига кўра, А.Маршалл бўйича, реал қиймат — бу талаб ва таклиф таъсирида шаклланадиган мувозанат баҳо. Бунда талаб ҳам, таклиф ҳам тенг ҳуқуқли омил сифатида амал қилади. А.Маршалл ё таклифни (классик назария), ёки талабни (меъёрли фойдалилик назарияси) ҳал қилувчи омил сифатида кўрсатишга бўлган уринишлар-

нинг ҳар иккаласи нотўғри эканлигини кўрсатиб берди. Шу асосда А.Маршалл олдинги қиймат назарияларидан энг муҳим қоида ва концепцияларни олиб, бир бутун системага бирлаштирди. Масалан, сарфли қиймат назариясидан бозор таклифининг шаклланиш қонуниятларини тушунтириб бериш учун фойдаланилди, меъёрли фойдалилик назарияси эса бозор талабининг шаклланиш қонуниятларини тушунтириб бериш учун ишлатилди. А.Маршалл товар қийматини аниқлашда меъёрли фойдалилик ва ишлаб чиқариш харажатларини синтезлаштирди. Унинг фикрига кўра товар қиммати бир хилда фойдалилик ва ишлаб чиқариш харажатлари билан аниқланади.

Талаб ва таклиф

А. Маршалл талаб ва таклиф қонунини ва шунга мувофиқ баҳони таҳлил қилишга алоҳида эътиборни қаратди. У таҳлилни талабдан бошлади: "Сотилиши кўзда тутилган товар миқдори қанча кўп бўлса, унга қўйиладиган баҳо шунча паст бўлиши керак, негаки у ўз харидорларини топа олсин... Баҳо пасайганда талаб қилинадиган товарлар миқдори кўпаяди, баҳо ошганда эса — камаяди. Бунда баҳонинг пасайиши билан талабнинг ошиши ўртасида қатъий ўрнатилган бир хил нисбат бўлмайди".

Ўз моҳиятига кўра А.Маршалл, қуйидаги кўринишда акс эттирилган меъёрли фойдалиликлар тенглиги қонунига асосланган ҳолда, фойдалилик функциясидан талаб эгри чизиғини келтириб чиқарган биринчи иқтисодчи ҳисобланади.

$$MU_x/P_x=MU_y/P_y=...MU_e$$

Бунда MU_x — x товарнинг меъёрли фойдалилиги, P_x — ўша товарнинг баҳоси, MU_e — пулнинг меъёрли фойдалилиги. Бу қонунни уч хил эквивалентли шаклда ифодалаш мумкин. Истеъмолчи ўз эҳтиёжини қондиришни максималлаштиради, агар у 1) харид қилинган барча товарларнинг меъёрли фойдалиликларини тенглаштирса; 2) истеъмол қилинадиган ҳар бир жуфт товарнинг меъёрли фойдалиликлари нисбатини ва баҳолар нисбатини тенглаштирса;

3) муайян бозор нархида сотиб олинган ҳар бир товар пул қийматининг меъёрий фойдалилигини тенглаштирса.

Истеъмолчи мувозанатга эришди, P_x баҳоси эса пасаяпти, деб фараз қилайлик. Унда $MU_x > P_x MU_e$ ва мувозанатни қайтадан тиклаш учун MU_x миқдорини камайтириш мақсадида x товарни кўпроқ сотиб олиш керак бўлади. Ҳақиқатан ҳам товарнинг баҳоси пасайса, истеъмолчи уни сотиб олишни кўпайтиради, негаки бундай товарнинг баҳоси пасайганда истеъмолчи бир сўмга ҳар қандай бошқа товарга қараганда ушбу x товардан кўпроқ фойдалилик олади. Меъёрли фойдалиликнинг пасайиши x товарнинг хариди кўпайган сари MU_x пасайишини кафолатлайди. Демак, истеъмолчи ўзининг даромадлари ва нарх даражасига қараб эҳтиёжини доимо энг юқори даражада қондиришга интилган шароитда талаб эгри чизиғининг тескари нишаблиги вужудга келади.

Бу далил-исботлар шу нарсани кўзда тутадики, x товарнинг нархи пасайиши натижасида индивиднинг даромади кўпаймайди, бунинг натижасида MU_xнинг миқдори мослашиш жараёни давомида доимийлиги сақланиб қолади. Лекин индивид ўзининг барча харажатларининг меъёрли фойдалилигини яна тенглаштириши биланоқ, унинг реал даромади ошади. Бу сақланаётган пул маблағларининг меъёрли фойдалилигини пасайтиради ва шу билан барча товарларнинг, жумладан x товарнинг ҳам харидини кўпайтиришга олиб келади. Бундай шароитда даромад самараси ижобий ҳисобланади ва биз x га тескари нишабли ва талабнинг даромадга боғлиқ бўлган ижобий нишабли талаб эгри чизиғига эга бўламиз.

Бундан ташқари, бу ерда фойдалилик функцияларининг аддитивлиги[1] тақозо этилади: индивид сотиб олаётган ҳар бир товарнинг фойдалилиги бошқа товарларнинг фойдалилигига боғлиқ бўлмайди. Ҳақиқатда эса уларнинг ўртасида боғлиқлик амал қилиши мумкин бўлиб, бундай боғлиқлик натижасида у — миқдори кўпайганда MU_x ка-

---

[1] Аддитивлик (лат), объектнинг миқдор хоссаси: уни қандай бўлишдан қатъи назар, бир неча бўлакларга бўлганда, шу бўлаклар қийматлари йиғиндисига тенг бўлади. Масалан, А нинг ҳажми унинг бўлаклари ҳажмларининг йиғиндисига тенг.

маяди ёки кўпаяди. Бу таҳлилни яна ҳам мураккаблаштиради.

Агар юқорида айтилганларни график кўринишида ифодаласак, унда координатларда (баҳо, товар миқдори) Маршалл "крести": пастга йўналтирилган *Д* талаб эгри чизиғи билан юқорига йўналтирилган *S* таклиф эгри чизиғининг кесишиши келиб чиқади. *Д* эгри чизиғи истеъмолчи учун мазкур товарнинг меъёрли фойдалилигининг пасайиш қонунини ифодаласа, *S* эгри чизиғи ишлаб чиқарувчи учун меъёрли харажатларнинг ошиб боришини ифодалайди. Уларнинг кесишган нуқтаси мувозанат баҳони билдиради ва ушбу баҳо харидорлар сотиб олишни, сотувчилар эса сотишни хоҳлайдиган товар миқдорини аниқлаб беради. Бу икки миқдор фақат мувозанат баҳо пайтида бир-бирига тўғри келади. Қачонки таклиф баҳоси талаб баҳоси билан тенглашса, мувозанат баҳо вужудга келади. 2-расмдаги P^1 — мувозанат баҳо. Ушбу баҳода сотувчилар бир хил Q_1 миқдордаги товарни сотишни, харидорлар эса сотиб олишни хоҳлайдилар.



2-расм

Агар баҳо мувозанат баҳодан юқори бўлса, сотувчилар кўп миқдорда товар сотишга тайёр, лекин харидорлар шунча миқдорда товар сотиб олмайдилар ва натижада баҳо пасаяди. Агар баҳо мувозанат баҳодан паст бўлса, унда харидорлар сотиб олишни хоҳлайдиган ҳажмдаги товарни сотиш сотувчилар учун фойдаси йўқ ва натижада баҳо пасаяди. Бу жараён қачонки сотиш баҳоси мувозанат ба-

ҳога тенг бўлганда тугалланади. Аввал кўриб чиққанимиздек, бозор қиймати меъёрли фойдалилик ва меъёрли харажатлар билан аниқланади.

Демак, *Д* талаб эгри чизиғи тескари нишабликка эга, негаки баҳо ошиб бориши билан одатда товарга бўлган талаб камаяди. Лекин қандай даражада камаяди? А.Маршалл бу саволга жавоб бериш учун талаб эластикаси тушунчасини киритади. Баҳо бўйича талаб эластикаси (ТЭ) баҳо муайян даражада пасайганда талаб қандай миқдорда ўсишини ёки баҳо муайян даражада ошганда талаб қандай миқдорда пасайишини ифодалайди. ТЭ=1 бўлади, агар баҳо 1 % га пасайганда сотиш 1 % га ошса; ТЭ=2,5 бўлади, агар баҳонинг 1 % га пасайиши сотишни 2,5 % оширса ва ҳоказо.

Агар талаб эгри чизиғининг муайян бир участкасида ТЭ=1 бўлса, унда ушбу участкада баҳонинг ҳар қандай ўзгариши мазкур товарни сотишга таъсир кўрсатмайди. Агар шу участкада ТЭ<1 бўлса, унда сотиш миқдорининг анча камайиб кетишидан қўрқмасдан баҳони пасайтириш мумкин, агар ТЭ>1 бўлса, унда баҳонинг бир оз пасайиши сотиш миқдорини анча кўпайтириши мумкин. Бошқача айтганда; талаб ноэластик бўлганда фойда баҳонинг ўсиши ҳисобига кўпайиши мумкин, талаб эластикаси пайтида эса — баҳони пасайтириш ҳисобига фойдани ошириш мумкин.

Талабнинг эластиклиги истеъмолдаги товарларнинг бир-бирларининг ўрнини осонгина боса олишига боғлиқ. Шунинг учун оммавий истеъмол товарларига бўлган талаб кам эластик бўлади.

Аммо бу билан талаб ва таклиф қонуни таҳлили тугаши мумкин эмас, негаки талаб ва таклифга вақт тушунчаси ҳам ўз таъсирини кўрсатади ва шу боис уни таҳлил қилиш тақозо этилади. Текширилаётган давр қанча қисқа бўлса, талабнинг қийматга бўлган таъсири шунча кучли бўлади, бу давр қанча узоқ бўлса, ишлаб чиқариш харажатларининг қийматга бўлган таъсири шунча кучайиб боради.

Шу сабабли А.Маршалл бир зумли, қисқа муддатли ва узоқ муддатли мувозанат турларини ажратиб кўрсатиб беради. Бир зумли мувозанатда таклиф ўзгармайди. Бундай

шароитда кескин ошган талаб қондирилиши мумкин эмас (банд бўлмаган қувватлардан фойдаланиш ёки янги қувватларни ишга тушириш учун вақт керак бўлади). Бу вақт ичида танқис (дефицит) маҳсулотларни ишлаб чиқараётган тадбиркор баҳони ошириш ҳисобига қўшимча даромад олиши мумкин. Масалан, тирик балиқ бозорида балиққа бўлган талаб ошди дейлик. Баҳо кўтарилди, лекин ўша куни сотувчилар таклифни кўпайтира олмайдилар (янгисини олиб келишга улгурмайдилар). Шунинг учун таклиф эгри чизиғи тўғри чизиқ (S) кўринишида бўлади. Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, баҳо ошади (P_1дан P_2га, 3-расм).



3-расм

Қисқа муддатли мувозанат амал қилиб турган ишлаб чиқариш қувватлари ҳисобига ўсган талабни қондириш учун таклифни кўпайтириш имконини беради. Агар бозорда балиққа бўлган талаб бир неча кун давомида анча юқори бўлса, унда балиқчилар қўшимча ишчи кучи, ортиқча тўр ва бошқа анжомлар ҳисобига балиқ тутишни кўпайтиришга ҳаракат қиладилар. Натижада таклиф Q_1 дан Q_3 га ошади (4-расм). Баҳо қандай бўлади? У пасайишга интилади ($P_3 < P_2$) (3, 4-расмлар).

Узоқ муддатли мувозанатда таклиф талабнинг ошишига мослаша олади, негаки унинг учун вақт етарли бўлади. Бу давр ичида ишлаб чиқариш қувватини, ишлаб чиқариш-



4-расм

ни ташкил қилиш услубини ўзгартириш, янги корхоналарни очиш, янги технологияларни қўллаш мумкин. Сотувчиларга устама фойда келтирувчи юқори талаб ($Д_2$ эгри чизиғи) ва шунга мувофиқ юқори нарх (P_4) узоқ муддат сақланиб турган шароитда балиқчилар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқариш қувватини кучайтиришга киришадилар (янги балиқ тутиш кемалари, омборхоналар ва бошқалар қурилади). Бу тармоққа юқори даромад туфайли янги ишлаб чиқарувчилар кириб келади. Таклиф (Q_3 дан Q_4 га) кўпаяди, баҳо эса (P_3 дан P_4 га) пасаяди (4, 5-расмлар).



5-расм

Бу ерда А.Маршалл шундай хулосага келади: қисқа муддатли даврда баҳони шакллантирувчи асосий куч — талаб (негаки таклиф ўзгарувчан эмас), узоқ муддатли даврда эса таклиф ҳисобланади. Товар қиймати қисқа муддатли даврда ҳақиқатан ҳам, энг аввало, харидорларнинг хатти-ҳаракати билан аниқланади (маржинализм). Лекин узоқ муддатли давр мобайнида баҳо ўртача ишлаб чиқариш харажатлари миқдорига яқинлашади ва тахминан бир хил даражада бўлади (классик мактаб). Классикларнинг бу назарияси фақат узоқ муддатли давр мобайнида тўғри амал қилишини уларнинг ўзлари ҳам яхши англамаганлар ва бу ҳақда ўз тадқиқотларида қайд этиб ўтмаганлар.

Таянч сўз ва иборалар:

—субъектив революция;
—меъёрли фойдалилик;
—қиммат;
—субъектив баҳолаш;
— Госсен қонуни;
—ишлаб чиқариш харажатлари;
—"Маршалл крести";
—эластик талаб;
—эластик таклиф.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Е. Бем-Баверк. Основы теории ценности хозяйственных благ (Австрийская школа в политической экономии). М.: Экономика, 1992.

Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. М.: "Дело-Лтд" , 1994.

Визер Ф. Теория общественного хозяйства (Австрийская школа в политической экономии). М.: Экономика, 1992.

Жид Ш., Рист Ш. История экономических учений. М.: Экономика, 1995.

Иқтисодий таълимотлар тарихи Т.: "Фан", 1997.

Костюк В.Н. История экономических учений. М.: "Центр", 1998.

Леонтьев В.В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика. М.: Политиздат, 1990.

Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М.: "ДЕЛО – ВИТА-ПРЕСС", 1996.

Маршалл А. Принципы экономической науки. В 3-х.т. М.: Прогресс, 1993.

Менгер К. Основания политической экономии (Австрийская школа в политической экономии). М.: Экономика, 1992.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС", 1997.

Юсупов Ю.К. Становление и развитие экономической науки. Т.: АО "Учқун", 1999.

Ядгаров Я.С. История экономических учений. М.: ИНФРА-М, 1999.

8-мавзу
КЕЙНСЧИЛИК

8.1. Ж.М. КЕЙНС ТАЪЛИМОТИ

Жон Мейнард Кейнс (1883-1946) — ҳозирги замоннинг буюк олими-иқтисодчиси. Унинг дунёқараши ўзи олдин билим олган, кейин ўқитувчилик қилган Кембридж университетида шаклланди. У бу ерда иккинчи бир атоқли олим — Кембридж иқтисодий мактабининг асосчиси А.Маршалл қўлида таълим олди. Аммо унинг изидан бормали, ўзига хос йўналишда назария яратди.

Биринчи жаҳон уруши даврида ва урушдан кейинги йилларда у пул муомаласи муаммосига алоҳида эътиборни қаратди ва олтин стандартни тартибланадиган валюта билан алмаштириш ғоясини илгари сурди. Бундай тадбирнинг амалга оширилиши давлатнинг макроиқтисодий жараёнга таъсир кўрсатиш дастагига эга бўлиш имконини беради. Ж.М.Кейнс пул бирлигини мустаҳкамлашнинг ашадлий тарафдори бўлган. У шундай ёзади: "Ульянов Ленин капиталистик тизимни йўқотишнинг энг яхши усули — бу инфляция воситасида унинг валютасини обрўсизлантириш ва кучсизлантириш деб тасдиқлаган эди. Ленин мутлақ ҳақ бўлган. Амал қилиб турган жамиятни тўнтаришнинг бундан нозик ва тўғри усули йўқ".

Инглиз иқтисодчиси инфляциянинг "инфляция солиғи" (пул қадрсизланганда унинг эгаси ўз жамғармаси қийматининг бир қисмини йўқотади) ва жамғарманинг камайиши каби салбий оқибатларини ажратиб кўрсатиб берди. Жамғарма даражасининг пасайиши пировард натижада инвестицияга салбий таъсир кўрсатади. Натижада "капиталнинг кемирилиши" содир бўлади. Сурункали инфляция шароитида ишлаб чиқариш фаолияти билан, айниқса узоқ муддатли инвестиция лойиҳалари билан шуғулланиш, оддий қилиб айтганда, бефойда: пул жуда се-

кин айланади ва ўзининг сотиб олиш қобилиятини йўқотади. Шунинг учун чайқовчилик фаол тадбиркорлик фаолияти соҳасига айланади. У турли бозорларда баҳолар ўртасидаги фарқ ҳисобига фойдани кўпайтиришга имкон беради.

Ж.М. Кейнс ўз тадқиқотлари асосида бир қатор асарларни нашр этди. Улар "Эҳтимоллар тўғрисида трактат" (1921), "Эркин тадбиркорликнинг тугатилиши" (1926), "Пул тўғрисида трактат" (1930) ва бошқалар. Унинг "Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" номли асосий асари 1936 йили чоп этилди.

Ж.М. Кейнс илмий ишлар билан бирга фаол амалий ва сиёсий фаолият билан ҳам шуғулланди. У йирик суғурта компаниясининг раиси, инвестиция компаниясининг бошқарувчиси, "Иқтисодий журнал" муҳаррири, давлат амалдори, молия вазирлигининг иқтисод бўйича маслаҳатчиси лавозимларида ишлади.

Буюк турғунлик даврининг бошидан бошлаб Ж.М. Кейнс иқтисодий инқироз ва иш билан бандлик масалалари билан яқиндан шуғуллана бошлади. 1929 йили у ишсизлик муаммолари бўйича иқтисодий кенгаш раиси этиб тайинланди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари (1940) у Британия хазиначилиги маслаҳатчиси қилиб тайинланди. 1941 йилда у АҚШ ҳукумати билан ленд-лиза келишуви бўйича материалларни ва бошқа молиявий ҳужжатларни тайёрлаш учун инглиз ҳукумати делегацияси таркибига киритилди. 1942 йилда у Англия банки директорларидан бири этиб тайинланди. Ж.М.Кейнс 1944 йилда Халқаро валюта фонди ва Халқаро Тикланиш ва ривожланиш банкини ташкил этиш режасини ишлаб чиққан. Бреттон-Вуд валюта конференциясига ўз мамлакатининг бош вакили қилиб тасдиқланди. Кейин эса ушбу халқаро молиявий ташкилотларнинг бошқарув аъзоларидан бири этиб тайинланди.

Буюк турғунлик ва иқтисодий фаннинг ривожланиши

Саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларни ларзага солган 1929 — 1933 йиллардаги буюк турғун-

лик даври иқтисодий фаннинг ривожланишида катта роль ўйнади. 1929 йилдан 1933 йилгача АҚШда ишсизлик даражаси 3%фоиздан 25% фоизгача ошди. 1941 йилга қадар у 14,3 % фоиздан (1937 йил) пастга тушмади. 1937 — 1938 йилларда янги иқтисодий пасайиш кузатилди ва у иккинчи жаҳон урушига келиб тўхтатилди. Фақат 1942 йили ишсизлик даражаси 5 % фоиздан пастга тушди. Бундай ҳолатни дунё ҳали кўрган эмас.

Европада ҳам инқироз жуда катта салбий оқибатларга олиб келди. Фаол иш фаолиятининг пасайиши тахминан 1929 йил август ойидан бошланди, сентябрдан эса у фонд бозорида ўзининг салбий таъсирини кўрсатди. Октябрда фонд бозори ҳалокатга учради. Бу вазият банк ваҳимасига, ўз активининг асосий қисмини қимматли қоғозларда сақлаб турган банкларнинг оммавий банкротликка учрашига олиб келди ва натижада муомалада пул массасининг кескин камайиши келиб чиқди. Буларнинг ҳаммаси иш фаолиятининг пасайишини анча кучайтирди. Ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми кескин пасайди.

Буюк турғунлик нафақат эркин рақобатга ва давлатнинг пассив ролига асосланган эски иқтисодий тизимни ҳалокатга олиб келди, балки янги классик макроиқтисодий назарияни ҳам инқирозга учратди. Содир бўлаётган воқеалар ўша даврда кўпчилик иқтисодчилар ишонган нарсаларга зид бўлиб чиқди. Бозор иқтисодиёти янги шароитга жиддий ўзгаришлар қилиш ҳисобига мослаша олди. Худди шундай қайта, кескин ўзгаришлар иқтисодий фанда ҳам юз берди. Бундай қайта ўзгариш "кейнсча инқилоб" номи билан аталади. Унинг асосий моҳияти — бозор хўжалигида иқтисодиётни давлат тартиблашидир. Ж.М.Кейнс ва унинг издошлари тавсия этган давлатнинг иқтисодиётга аралашуви чора-тадбирлари иқтисодиётда алоҳида йўналиш сифатида — кейнсчилик деб аталади.

Атоқли инглиз иқтисодчиси Жон Мейнард Кейнснинг 1936 йили чоп этилган "Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" асари иқтисодиётни макро даражада таҳлил қилишда инқилобий тўнтариш ясади. Ж.М.Кейнснинг бу асарини тадқиқотчилар А.Смитнинг "Одамлар бойлиги...", К.Марксниг "Капитал" асарлари

билан бир қаторга қўядилар. У XX асрдаги энг машҳур иқтисодий асарлардан биридир.

"Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" асаридаги бош ғоя

Кўпчилик иқтисодчиларнинг айтишича, Ж.М. Кейнснинг "Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" XX аср иқтисодий фанида бурилиш ясади ва кўп жиҳатдан ҳозирги даврда ҳам мамлакатлар иқтисодий сиёсатини ифодалайди.

Унинг бош ва янги ғояси шундан иборатки, бозор иқтисодий муносабатлари такомиллашган ва ўзини ўзи тартиблаб турувчи тизим ҳисобланмайди ва шунинг учун фақат давлатнинг иқтисодиётга аралашуви иш билан бандликни энг юқори даражада ошириши ва иқтисодий ўсишни таъминлаши мумкин.

Ҳақиқатан ҳам 1929-1933 йиллардаги буюк турғунлик даври классикларнинг бозор иқтисодиёти ўзини ўзи тартибловчи иқтисодиёт, деган ғояси айни шароитда нотўғри эканлигини кўрсатди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашувининг зарурлиги ва унинг ёрдамида иқтисодиётни тартиблаш мумкинлигини илмий жиҳатдан асослаб берган буюк иқтисодчи Ж.М.Кейнс ҳисобланади.

Ўрганиш предмети ва услуби

Ж.М.Кейнсгача бўлган иқтисодий назарияда хўжалик жараёнларини таҳлил этишнинг микроиқтисодий ёндашуви ҳукмронлик қилиб келган. Фирмаларнинг самарали амал қилиши бир бутун иқтисодиётнинг самарали амал қилиши билан деярли бир нарса деб қаралган. Хўжалик фаолиятини миллий иқтисодиёт даражасида таҳлил этиш фақат пул массаси ва баҳонинг умумий даражасининг ўзаро алоқаси муаммосигагина келиб тақалган, холос. Бунинг устига эътибор фақат узоқ муддатли жиҳатларга қаратилган. Ж.М.Кейнс биринчи бўлиб макроиқтисодий услубни қўллади, яъни халқ хўжалиги ялпи миқдорлари (ижтимоий маҳсулот, ялпи жамғарма, ялпи инвестиция, жами истеъмол харажатлари ва б.) ўртасидаги боғлиқлик ва нис-

батларни тадқиқ этди. Макроиқтисодий услуб айрим фирмаларнинг ривожланиш шароитлари бир бутун иқтисодиётнинг ривожланиш шароитлари билан мос тушмаслигини тақозо этади.

Ўрганиш предмети ва услубий жиҳатдан Ж.М.Кейнс иқтисолий таълимотидаги новаторлик, биринчидан, ана шу микроиқтисодий ёндашувдан кўра макроиқтисодий таҳлилга устунлик беришида, иккинчидан, "психологик қонунга" асосланган ҳолда "самарали талаб" аталмиш (талабнинг давлат томонидан рағбатлантирилиши) концепциясини асослаб беришида ўз аксини топади.

Ж.М. Кейнс ўз таҳлилининг бошланғич нуқтаси қилиб иш билан бандлик муаммосини танлади. Чунки ишсизлик ўша пайтда ниҳоятда кўпайган эди. У юқори ривожланган бозор иқтисодиётида ҳаётий зарур муаммолар (шу жумладан, иш билан бандлик муаммоси) ечимини таклифдан эмас, балки талабдан қидириш керак, деган хулосага келди. Айнан истеъмол буюмларига ва ишлаб чиқариш ресурсларига бўлган талабнинг камлиги баҳонинг пасайишини ва таклифнинг қисқаришини келтириб чиқаради, бу эса иш жойларининг камайишига олиб келади. Ялпи талабнинг ялпи таклифдан орқада қолиб кетиши — бу капиталистик жамиятнинг сурункали касаллигидир. Ялпи талаб ҳаракати ва ижтимоий маҳсулот миқдорининг ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик кейнсчилик тадқиқотининг марказий объектини ташкил этади.

Агар ялпи талаб камайса, унда у ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва меҳнатга бўлган талабнинг қисқаришига олиб келади. Бунинг натижасида мажбурий ишсизлик вужудга келади. Нега талаб таклифдан орқада қолиб кетади, жами харажатлар ва жами даромадларнинг доимий мувофиқлигини таъминловчи Сэй қонуни амал қилмайдими?

Ж.М. Кейнс моделида жамғарма ва инвестиция, янги классиклар тасдиқлаганидек, фоиз ставкасининг ўзгариши туфайли эмас, балки, энг аввало, миллий даромаднинг тебраниши туфайли тенглашади. Жамғарма фоиз ставкасига қараганда ижтимоий маҳсулот миқдорига кўпроқ боғлиқ. Инвестиция эса миллий даромаддан автоном тарзда бўлади. Шунинг учун жамғарма ва инвестицияларнинг тенглиги ишлаб чиқариш ресурсларидан тўлиқ фойдала-

нишни ва тўла иш билан бандликни таъминлаши шарт эмас. Ж.М.Кейнс бунинг устига бозор тизимининг энг заиф бўғинини кўрсатиб берди: инвестор иқтисодиётда келажакда бўладиган вазиятни мўлжаллаб қарор қабул қилади, жамғарувчи қўлга киритилган даромад даражасидан келиб чиққан ҳолда, яъни иқтисодиётнинг аввалги ҳолатига қараб иш юритади. Шу боисдан жамғарма ва инвестицияларнинг бир-бирига мос тушмаслиги амал қилади.

Ж.М. Кейнс фикрига кўра, инқироз пайтида давлат ялпи талабни пул-кредит ва бюджет сиёсати воситаси ёрдамида тартиблаб туриши керак. Ж.М. Кейнс, энг аввало, хусусий инвестицияларни рағбатлантиришга асосий эътиборни қаратди. Ялпи талабни рағбатлантириш воситасига у реал иш ҳақининг ўсишини тўхтатишни (бу инвестицияга сарфланадиган фойдани кўпайтиради), ссуда фоизи даражасини пасайтиришни (фоиз қанча паст бўлса, инвестиция шунча кўп бўлади), экспортни кўпайтиришни, давлат харажатларининг ўсишини (шу жумладан ноишлаб чиқариш учун ҳам) киритди. "Эҳромлар қурилиши, ер қимирлаши, ҳатто урушлар бойликни кўпайтиришга хизмат қилиши мумкин", — деб ёзади Ж.М. Кейнс.

Шу билан бирга у одамларнинг истеъмолга бўлган мойиллигига ҳам катта эътибор беради. Ялпи талабни рағбатлантирувчи воситалардан бири камбағаллар (жамғармайдиганлар) учун солиқни камайтириш, бойлар учун эса солиқ ставкасини ошириш (бу жамғармани камайтиради) ҳисобланади. Шу билан бирга у ўзининг ўша даврдаги "инқилобий" методологик тадқиқотига асосланган ҳолда ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ ва ҳукмронлик қилиб турган иқтисодий қарашларга қарши ишсизликни камайтиришнинг асосий шарти сифатида давлат ёрдамида иш ҳақини пасайтиришга йўл қўймасликнинг зарурлигини, шунингдек, инсоннинг жамғармага бўлган мойиллиги туфайли истеъмол даромадлардан кўра секин ўсишини тасдиқлаб берди.

Самарали талаб

Ж.М. Кейнс "Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" асарида ўз тадқиқотларини классиклар

назариясини, жумладан Сэй қонунини танқид қилишдан ва самарали талаб назариясини исботлаб беришдан бошлади. Сэй қонуни классиклар ўртасида тўғри деб эътироф этилган ва унга амал қилиб келинган. Бу қонунга кўра таклиф автоматик тарзда ўз талабини юзага келтиради. Ж.М. Кейнс эса унга қарши ялпи талаб ўз таклифини юзага келтириши ғоясини илгари суради ва ўзининг самарали талаб назариясини ишлаб чиқади.

Самарали талаб назариясига мувофиқ муайян миқдордаги маҳсулот (ёки меҳнат) таклифининг баҳоси шуни билдирадики, у тадбиркорни ушбу маҳсулот (ёки меҳнат) миқдорини таклиф қилишга рағбатлантириш учун етарли ҳисобланади. Ялпи харажат ва ялпи маҳсулот (ёки меҳнат) ҳажми ўртасидаги нисбат ялпи таклифни аниқлаб беради. Кутилаётган даромад ва маҳсулот (ёки меҳнат) ҳажми ўртасидаги нисбат ялпи талабни акс эттиради. Агар муайян миқдорда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун кўзда тутилган даромад ялпи таклиф баҳосидан ошиқ келса, унда тадбиркорлар янада юқори фойда олиш мақсадида маҳсулот миқдорини (ва иш билан бандликни) орттирадилар ва агар кутилаётган даромад таклиф баҳосидан паст бўлса, у ҳолда тадбиркорлар маҳсулот миқдорини (ва иш билан бандликни) камайтирадилар. Фақат кўзда тутилаётган даромад ва таклиф баҳоси ўртасида тенглик бўлган шароитдагина мақбул ҳолат юзага келади. Шунинг учун тадбиркорлар маҳсулот ишлаб чиқаришни ушбу даражада ушлаб туришга интиладилар. Тадбиркорлар учун қулай бўлган ишлаб чиқариш даражаси ялпи талаб билан ялпи таклиф кесишган нуқта билан белгиланади. Кейнс ушбу нуқтани самарали талаб деб атади. Самарали талаб — бу тўловга қобил ялпи талаб.

Ж.М. Кейнс таълимоти бўйича, ишлаб чиқариш ва иш билан бандлик "самарали талаб" ўзгариши (динамикаси) билан аниқланади, у истеъмол харажатлари ва инвестицияларни ўз ичига олади, яъни миллий даромад миқдори ялпи харажатлар миқдори билан ифодаланади:

$$Y = C + I$$

Бу ерда: Y — миллий даромад;

С — истеъмол харажатлари;

I — ялпи инвестициялар.

Бунда Ж.М. Кейнс фойдаланилмаган ресурслар мавжудлиги шароитида баҳолар ўзгарувчан эмас, деб мушоҳада қилади. Хусусан, меҳнат баҳоси ўзгармас деб қаралади — номинал иш ҳақи касаба уюшмалари ва бошқа ижтимоий омиллар сабабли пасайиши мумкин эмас. Шу билан бирга муаллиф бу ерда ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланиш имкониятлари очиб берилганлиги тўғрисида қайд қилиб ўтади.

Инсоннинг психологик мойиллиги

Ж.М. Кейнс очиб берган психологик қонунга кўра, инсон даромадлари ошиб бориши билан истеъмол ва жамғармани кўпайтириб боришга мойил. Шунинг учун, истеъмол ва жамғарманинг миллий даромадга боғлиқлиги, уларнинг нисбати муҳим аҳамият касб этади. Истеъмол функцияси тенглама кўринишида ифодаланади:

$$C=C(Y)$$

Ж.М.Кейнс томонидан кашф қилинган асосий психологик қонун унинг истеъмол функциясини тадқиқ қилишда йўналтирувчи омил бўлади. "Асосий психологик қонун, — деб ёзади Ж.М. Кейнс, — шундан иборатки, кишилар, одатда, даромадлари ортиб бориши билан ўз истеъмолини кўпайтиришга мойилдирлар, лекин бунда истеъмол даромад ортган даражада ошмайди".

Бу ҳол шу нарсани билдирадики, агар даромад ўзгарса, истеъмол ҳам шу йўналишда ўзгаради, лекин истеъмол ўзгариши даромад ўзгариши даражасидан паст бўлади. Ж.М. Кейнс истеъмол ўзгариши билан даромад ўзгариши ўртасидаги нисбатни истеъмолга бўлган меъёрли мойиллик, деб атади ва уни қуйидаги формула билан ифодалади:

$$MPC=\frac{\Delta C}{\Delta Y}$$

Истеъмол ва умумий даромад ўртасидаги нисбатни эса, у истеъмолга бўлган ўртача мойиллик деб атади:

$$APC=\frac{C}{Y}$$

Ж.М.Кейнс очиб берган психологик қонунга кўра истеъмолга бўлган меъёрли мойиллик миқдори 0 дан 1 гача бўлган ораликда ётади:

$$0<\frac{\Delta C}{\Delta Y}<1$$

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, Ж.М. Кейнс ўз назариясида истеъмолга бўлган мойиллик тушунчаси билан бирга жамғармага бўлган мойиллик тушунчасини ҳам илгари сурди. Жамғармага бўлган меъёрли мойиллик —бу жамғарма (S) миқдори ўзгариши билан уни ўзгартирган даромад ўзгариши ўртасидаги нисбатдир:

$$MPS=\frac{\Delta S}{\Delta Y}$$

Жамғармага бўлган ўртача мойиллик эса жамғарманинг умумий даромадга бўлган нисбати билан ифодаланади:

$$APS=\frac{S}{Y}$$

Бу ерда шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, агар умумий даромад ошса, унда кишилар ушбу ошган даромаднинг бир қисмини истеъмолга сарфласалар, иккинчи қисмини жамғарадилар. Шунинг учун жамғарма ва истеъмол ўзгаришлари йиғиндиси даромад ўзгаришига тенг, яъни:

$$\Delta C+\Delta S=\Delta Y$$

Ж.М. Кейнс назариясига мувофиқ, даромаднинг бир қисмини жамғаришга бўлган инсоннинг психологик мойиллиги капитал қўйилмасини камайтириши сабабли даромад ўсишини секинлаштиради. Инсоннинг истеъмолга бўлган меъёрли мойиллигига келсак, Ж.М. Кейнс фикри

бўйича, у доимий ҳисобланади ва шунинг учун инвестицияларнинг кўпайиши ва даромадлар даражаси ўртасида барқарор нисбатни келтириб чиқариши мумкин.

Бу айтилганлар шу нарсадан далолат берадики, Ж.М. Кейнснинг тадқиқот методологиясида ноиқтисодий омиллар — давлат (ишлаб чиқариш воситаларига ва янги инвестицияларга бўлган истеъмол талабни рағбатлантирувчи сифатида) ва одамларнинг психологияси (хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро муносабатларини олдиндан белгилаб берувчи сифатида) ҳам иқтисодий ўсишда муҳим аҳамият касб этади.

Классиклар методологиясидан фарқи

Ж.М. Кейнснинг "Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" асарида ҳаддан ташқари тежамкорлик ва жамғарманинг мақсадга мувофиқ эмаслиги ва, аксинча, воситаларнинг ҳар томонлама сарфланиши (ишлатилиши)нинг фойдаси тўғрисида фикр юритилади, негаки, олимнинг таъкидлашича, биринчи вазиятда воситалар самарасиз ликвидлик (пул) шаклини олади, иккинчисида эса талаб ва иш билан бандликни оширишга йўналтирилиши мумкин. У, шунингдек, Ж.Б. Сэйнинг "Бозор қонуни"нинг догматик қоидалари тарафдорларини кескин ва далиллар асосида танқид қилди.

Бу борада у шундай ёзади: "Сэй ва Рикардо давридан бошлаб иқтисодчи-классиклар шундай ўргатдилар: таклиф ўзи талабни келтириб чиқаради... маҳсулотнинг барча қиймати бевосита ёки билвосита маҳсулот сотиб олишга сарфланган бўлиши керак". Ж.М. Кейнс классикларнинг бу тезисини танқид қилиб, у фақат натурал айирбошлаш (Миллдаги каби) шароитида амал қилиши мумкинлигини ва унда иқтисодий ҳаётда пул ҳеч қандай мустақил роль ўйнамаслигини кўрсатиб берди. Шунинг учун, унинг таъкидлашича, "Сэй қонуни... тўла иш билан бандликка эришишда ҳеч қандай тўсиқ йўқ деган тахмин билан бир нарсадир".

Жамғарма ва инвестициялар муаммоси

Жамғарма ва инвестициялар тўғрисидаги қарорлар турли гуруҳ кишилари томонидан қабул қилинади, унинг устига улар ҳар хил, бир-бирига мос бўлмаган мотивларга асосланади. Инвестицияларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилиш шу нарсани кўрсатдики, улар, энг аввало, кўриладиган фойдага ва ссуда фоизи нормасига боғлиқ бўлади (кутиладиган даромад қанча юқори ва фоиз ставкаси қанча паст бўлса, кредит олиш ва инвестиция ҳажмини кўпайтириш шунча фойдали). Бундан ташқари, инвестициялар ўз табиатига кўра барқарор бўлмайди, негаки тадбиркорлар бўлажак конъюнктурани олдиндан кўра билишга қодир эмас ва қарор қабул қилишда тахминий ахборотларга қараб мўлжал қиладилар. Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасига унинг ўз истеъмол ва жамғарма даражаси мувофиқ келади. Бундан ташқари, миллий даромад миқдори қанча кўп бўлса, унинг жамғариладиган қисми ҳам мутлақ, ҳам нисбий ифодаси жиҳатдан шунча кўп бўлади. Лекин барча маҳсулот сотилиши учун, жамиятнинг жами харажатлари миллий даромадга тенг бўлиши керак, бошқача айтганда — барча жамғарма инвестицияларга айланиши керак. Демак, тўла иш билан бандликни таъминловчи юқори ишлаб чиқариш даражаси жуда катта миқдорда капитал қўйилмасини талаб қилади.

Ж.М. Кейнснинг "инвестициялар ўз жамғармаларини ҳосил қилади", деган машҳур қоидасига мувофиқ, агар инвестициялар ҳажми жамғармалар ҳажмидан ортиқ бўлса, у ҳолда ялпи талаб таклифдан ортиқдир ва миллий даромад ўсиш тамойилига эга бўлади. Агар инвестициялар жамғармалардан кам бўлса, у ҳолда ялпи талаб таклифдан кам ва даромад камая боради. Ва ниҳоят, агар инвестициялар жамғармаларга тенг бўлса, ялпи талаб таклифга тенг ва миллий даромад даражаси ўзгармай қолади (Пезенти А. Очерки политической экономии капитализма. В 2-х т.: Пер. с итальянского. М.: "Прогресс", 1976, 628-629 с.).

Ж.М. Кейнс бўйича, жамғарма ва инвестициялар, янги классиклар ҳисоблаганларидек, молия бозорида автоматик тарзда тенглашмайди. Шундай вазиятлар юзага келадики, жамғармалар кўпайганда инвесторлар инвестицион

харажатларни амалга оширишни хоҳламасликлари мумкин. Бундай шароитда жамғарма ва инвестициялар ўртасида тенглик ўрнатилади, лекин анча паст даражада. Молия бозорида мувозанат нуқтаси тўла иш билан бандликка мувофиқ келадиган нуқтага мос тушмаслиги мумкин. Шундай қилиб, S ва I тенглашуви миллий даромаднинг тебраниши орқали юз беради. Ж.М.Кейнс моделида инвестициялар даромад даражасига мослашмайди, балки даромад ва жамғармалар даражаси инвестиция ҳажмига мослашади.

1-схема. *Жамғарма ва инвестициялар тенглашуви ва макроиқтисодий мувозанат ўрнатилишининг янги классик модели*

2-схема. *Жамғарма ва инвестициялар тенглашуви ва иш билан бандлик даражаси ўрнатилишининг кейнсча модели*



Барча олдинги иқтисодий назариянинг исботлаб беришича, иқтисодий ўсишнинг асоси тежамкорлик, жорий истеъмолдан ўзини тийиш ҳисобланади. Ж.М.Кейнс бу тушунчани инкор этди. У эътиборни "тежамкорлик уддабуронликсиз бўлиши мумкин эмас", "тежамкорлик уддабуронликдан ошиб кетиши биланоқ, у охиргисининг жонланишига халақит беради", деган қоидага қаратди.

Ҳақиқатан ҳам, жамғармаларнинг кўпайиши инвестицияларнинг кўпайишидан устун бўлиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий ривожланиш эртами-кечми тўхтайди: самарали талаб ялпи таклифдан орқада қолади ва ортиқча ишлаб чиқариш вужудга келади. Бунда мантиққа зид хулоса келиб чиқади: жамият қанча бой бўлса, ортиб бораётган жамғарма ҳиссасини қоплаш учун у шунча кўп инвестициялаши керак. Бундай тадқиқот вариантларидан бири П.Самуэльсон ва Э.Хансенлар таклиф қилган "кейнсчилик крести" моделидир.

Кейнсчилик "крести"

Фараз қилайлик, истеъмол харажатлари ва жамғармаларнинг миллий даромад миқдорига бўлган боғлиқлиги — 1-жадвалдаги рақамлар билан аниқланади. Тўла иш билан бандликка эришиш учун 400 бирлик миллий даромад ишлаб чиқариш зарур. Классиклар моделида ишлаб чиқаришнинг ҳар бир даражасида жамғарма ва инвестициялар ҳажми мос тушади, негаки жамғарманинг ортиб бориши билан фоиз ставкаси камаяди ва капитал қўйилмаси кўпаяди. Шунинг учун бозор механизми тўла иш билан бандликка мувофиқ келадиган ишлаб чиқариш миқдорини автоматик тарзда таъминлайди. Лекин кейнсчилик моделида инвестициялар миллий даромад миқдоридан автоном ҳолатда бўлади. Улар 50, 100 ёки 150 пул бирлиги даражасида бўлишлари ҳам мумкин.

1-жадвал

Миллий даромад (Y)	0 100 200 300 400
Истеъмол (C)	50 100 150 200 250
Жамғарма (S)	—50 0 50 100 15

Капитал қўйилмаси миқдори 100 деб фараз қилайлик. Бундай шароитда 400 бирлик миллий даромад ишлаб чиқариш мумкин эмас, негаки 50 бирлик (1/8 қисми) реализация қилинмайди. Натижада макроиқтисодий мувозанат 300 бирлик миллий даромад даражасида ўрнатилади.

Ушбу вазиятни (кейнсчилик "крести") график кўринишида акс эттириш мумкин (1-расм). Ундаги тўғри чизиқ (C+I=Y) самарали талаб ва миллий даромад тенг бўлган вазиятни кўрсатади (барча даромад сарфланади). C+I чизиғи самарали талаб динамикасини кўрсатади. Мувозанат E1 нуқтада юзага келади. Бу нуқта Y1 миллий даромад даражасига мос келади. Тўла иш билан бандликни таъминловчи миллий даромад миқдори эса Y2га тенг. Иқтисодиёт ўзининг ишлаб чиқариш имкониятлари чегарасига эришиши учун C+I эгри чизиғи E2 нуқта даражасига кўтарилиши керак.



1-расм



2-расм

Бу вазиятни жамғарма — инвестициялар графигидан (2-расм) кўриш мумкин. Миллий даромаддан автоном бўлган инвестициялар эгри чизиғи ва миллий даромад даражаси билан аниқланувчи жамғармалар эгри чизиғи E1 нуқтасида кесишади. Ижтимоий маҳсулотнинг кейинчалик яна кўпайиши жамғарманинг ўсишига олиб келади. Бундан ташқари, Ж.М.Кейнснинг асосий психологик қонунига мувофиқ, даромадларнинг ўсиб бориши билан жамғармага бўлган мойиллик ошиб боради, яъни миллий даромаднинг жамғариладиган қисми кўпаяди. Инвестициялар эса ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ эмас. Шунинг учун, иқтисодиёт E2 нуқта билан характерланадиган вазиятга тушиб қолса, унда жамғарма билан инвестициялар ўртасида бўладиган узилиш шунга олиб келадики, барча маҳсулотлар сотилмай қолиши мумкин. Бу ишлаб чиқарувчи-

ларни ишлаб чиқариш даражасини пасайтиришга мажбур қилади.

Мультипликатор

Ж.М. Кейнс инвестицияларнинг кўпайиши билан миллий даромаднинг кўпайиши ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилди. Унинг кўрсатиб беришича, инвестицияларнинг кўпайиши миллий даромаднинг ўсишига олиб келади ва у қуйидаги формула кўринишида ифодаланади:

$$\Delta Y = \Delta I$$

Бу ерда ΔY— миллий даромаднинг ўсиши, ΔI —инвестицияларнинг ўсиши туфайли юзага келган.

Инвестицияларнинг кўпайиши ва унинг натижасида миллий даромад ва аҳолининг иш билан бандлигининг ўсиши мақсадга мувофиқ иқтисодий самара сифатида кўрилади. Ана шу иқтисодий самара иқтисодий адабиётларда мультипликатор самараси деб аталади. Мультипликатор — бу сон коэффициенти бўлиб, даромад ўсиши билан ушбу ўсишни юзага келтирган инвестициялар ўсими ўртасидаги нисбатни ифодалаб беради. Мультипликатор атамасини биринчи марта инглиз иқтисодчиси Р. Кан 1931 йили ишлатган. Р. Канда иш билан бандлик соҳасидаги мультипликатор самараси тўғрисида сўз юритилади. Унинг кўрсатиб беришича, давлат томонидан ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил қилиш иш билан таъминланган кишиларнинг харажатлари кўпайишига олиб келади ва ўз навбатида харажатларнинг ўсиши энди хусусий секторларда иш жойларининг барпо этилишини рағбатлантиради. Шундай қилиб, дастлабки иш жойларига нисбатан кўпроқ иш билан бандлик юзага келади.

Р. Каннинг "иш билан бандлик мультипликатори"дан Ж.М. Кейнснинг "Инвестициялар мультипликатори" фарқ қилган ҳолда, у "қачонки инвестицияларнинг умумий суммаси ўсса, унда даромад суммасининг кўпайиши ва унинг инвестициялар ўсимидан К марта ортиқ бўлишини ифодалаб беради". Ж.М. Кейнснинг таъкидлашича, бундай ҳолатнинг сабаби "психологик қонун"дан келиб чиқади,

унга кўра "реал даромаднинг кўпайиб бориши билан жамият унинг истеъмол қилинадиган қисмини доимо камайтириб боришга мойил".

Ж.М. Кейнс назариясига кўра, мультипликатор жамғаришга бўлган меъёрли мойилликка тескари катталикдир ёки 1 сони билан истеъмолга бўлган меъёрли мойиллик ўртасидаги фарқга тескари катталикдир, яъни:

$$M = \frac{1}{MPS} \text{ ёки } M = \frac{1}{1MPC}$$

Мультипликатор самараси, юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, инвестицияларнинг кўпайиши даромаднинг ортишига олиб келишини кўрсатади ва бу ортган даромад (жамғармани чиқариб ташлагандан кейин) ялпи талабнинг бир қисмига айланади. Даромадларнинг мультипликациялашуви жараёни тўхтамагунча шундай давом этиб бораверади. Мультипликатор назариясига кўра, кишиларнинг жамғармага бўлган мойиллиги қанча кўп (шунга мувофиқ MPC миқдори кам) бўлса, мультипликаторнинг аҳамияти шунча кам бўлади. Тўла иш билан бандлик шароитида мультипликатор амал қилмайди, негаки бўш турган ресурсларнинг бўлмаганлиги сабабли ишлаб чиқаришни ортиқча кенгайтириб бўлмайди. Реал ижтимоий маҳсулот кўпаймаган ҳолда ресурсларни фақат тармоқлараро қайта тақсимлаш юзага келади. Мультипликациялашган истеъмолнинг кенгайиши баҳоларнинг ўсишида ифодаланади.

Айнан мультипликатор самарасининг амал қилиши орқали жамғарма ва инвестицияларнинг тенглашуви юзага келади. Агар инвестициялар жамғармадан кам бўлса, унда самарали талаб миллий даромад ҳажмини камайтиради, бу эса ўз навбатида жамғарма миқдорининг пасайганини билдиради. Аксинча, инвестициялар жамғармадан ортиқча бўлса, миллий даромаднинг ўсишига ва жамғарманинг кўпайишига олиб келади.

Ликвидлик устунлиги назарияси

Ж.М. Кейнс инвестицияга таъсир этувчи асосий омил сифатидаги фоизни таҳлил қилди. Янги классиклардан фарқли равишда, Ж.М. Кейнснинг айтишича, фоиз жамғарма ва инвестициялар бозорида эмас, балки пул бозорида ўрнатилади. У "ликвидлик устунлиги" (одам ўзида нақд пул бўлишини хоҳлаш) тушунчасини киритди. Агар янги классикларда пул захирасини жамғариш норационал ҳисобланса, Ж.М. Кейнс бўйича эса бундай жамғарма бўлажак хўжалик вазиятини прогнозлаштириб бўлмаслиги, хўжалик хатари мавжудлигининг муқаррар натижасидир. Ўз ишларининг юришиб кетишидан хавотирланиш, келажакка ишонмаслик кишиларни нақд пул сақлашга ундайди. Бундан ташқари, юқори ликвидлик молиявий активлар молия бозоридаги "ўйинда" муайян устунлик бериши мумкин: қимматли қоғозларнинг курси пасайганда уларни тезда сотиб олиш учун нақд пуллар асқотади.

Кишиларнинг ўз уйларида нақд пул захираларини ушлаб туриши, Ж.М. Кейнс бўйича, қуйидаги сабаб (мотив)ларга боғлиқ:

—харид қилиш зарурлиги (трансакцион мотив)

—кутилмаган вазият учун (эҳтиёт шартдан)

—олиб сотарлик сабаби.

Биринчи иккита сабабни пулнинг миқдорий назариясининг кембридж варианти тарафдорлари кўрсатиб ўтган. Олиб сотарлик сабаби бозор фоиз нормасининг тебраниб туриши билан боғлиқ.

Бозорда фақат иккита молиявий актив иштирок этади, деб фараз қилайлик. Уларнинг бири нақд пуллар, иккинчиси — облигациялар бўлиб, бу молиявий актив улардан келадиган даромад уларнинг номинал қийматига нисбатан олинган. Бундай облигациялар бўйича олинадиган даромадларни уларнинг бозор қийматига бўлган нисбати фоиз ставкасини белгилайди. Бунинг устига облигациялар курсининг ва фоиз ставкасининг ўзгариши ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд: облигациялар қанча қиммат бўлса, фоиз шунча паст бўлади ва аксинча. Энди фоиз ставкаси нормал даражадан пастга тушди, деб фараз қиламиз. Бундай шароитда одамлар унинг кўтарилишини кутадилар, негаки у

облигациялар курсига салбий таъсир этади (уларнинг қиймати фоиз ставкаси ошганда пасаяди). Шунинг учун бундай вазиятда хўжалик юритувчи субъектлар ўз жамғармаларини пул шаклида сақлашни афзал кўрадилар (маблағларни арзонлашиб борувчи қимматли қоғозларга қўйиш бефойда). Аксинча, фоиз ставкаси юқори бўлганда облигацияларга бўлган талаб ошади, негаки кишилар уларнинг курси ошишига ўйнашни хоҳлайдилар. Натижада нақд облигацияга бўлган талаб пасаяди.

Бундан "ликвидлик устунлиги" тушунчаси ёки, замонавий иқтисодий фан тили билан айтганда, пулга бўлган талаб ўз-ўзидан келиб чиқади. Ликвидликка бўлган талаб билан фоиз ставкаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд: фоиз ставкаси қанча юқори бўлса, одамларда ўз активларини нақд шаклда сақлашга бўлган хоҳиш шунча кам бўлади ва аксинча.

Шундай қилиб, пулга бўлган ялпи талаб икки қисмдан ташкил топади: а) олди-сотди учун талаб (миллий даромад даражасидан келиб чиқадиган функция), б) чайқовчилик учун талаб (фоиз ставкаси функцияси):

$$D = f(Y,R)$$

Эҳтиёткорлик ҳам ликвидлик устунлигини келтириб чиқарувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Қимматли қоғозлар — жамғарма тўплашнинг хатарли шаклидир. Шунинг учун одамларга активлари дахлсиз ҳисобланган нақд кўринишдаги ўзига хос суғурта фонди зарур.

Пул бозори ва фоиз ставкаси

Кейнсча моделда баҳолар ўзгарувчан эмас. Шунинг учун пул массасининг кўпайиши ишлаб чиқариш даражасига ва баҳоларнинг ўсиши орқали эмас, балки фоиз ставкаси орқали таъсир кўрсатади. Агар янги классиклар пул массаси макроиқтисодий жараёнларга фақат "тўғри" таъсир кўрсатиш механизмини, К.Викселль — ҳам "тўғри", ҳам "эгри" механизмларини тадқиқот қилган бўлсалар, Ж.М.Кейнс эса эътиборни фақат "эгри" механизмга қаратди.

Фоиз ставкаси иккита сабабга кўра ўзгариши мумкин: ё кишиларнинг ўз активларининг бир қисмини пул шаклида ушлаб туришга бўлган хоҳишига нисбатан уларнинг психологик кайфиятидаги ўзгаришлар оқибатида (пулга бўлган талаб эгри чизиғининг силжиши), ёки пул массасининг ўзгариши натижасида (пул таклифи эгри чизиғининг силжиши). Агар фоиз ставкаси R1 даражада ўрнатилган бўлса (3-расмга қаранг), унда унинг R2 даражага пасайиши фақат пулга бўлган талаб эгри чизиғи чапга (D2) силжигандагина, ёки пул таклифи эгри чизиғининг ўнгга (S2) силжиши натижасида содир бўлади.



3-расм



4-расм

Юқорида айтилганлардан хулоса қилиб, пул таклифи миқдори фоиз ставкасига ва, демак, инвестициялар ҳажмига ҳам таъсир кўрсатади, дейиш мумкин. Масалан, муомаладаги пул миқдорининг M1 дан M2 га ўсиши фоиз ставкасини R1 дан R2 га пасайтирди ва инвестициялар даражасини I1 дан I2 га оширди (4-расмга қаранг).

Аммо фоиз ставкаси жуда паст бўлганда пулга бўлган талаб мутлақо эластик ҳолатда бўлади, негаки одамлар барча бошқа актив турларига қараганда нақд пулни афзал кўрадилар. Ж.Робинсон бу вазиятни "ликвидлик тузоғи" деб атаган. Бундай вазиятда пул эмиссияси бефойда, негаки фоиз ставкасини пасайтириш мумкин бўлмай қолади. Иқтисодчилар, Ж.М.Кейнснинг ўзи реал ҳаётда ликвидлик тузоғининг амал қилиш мумкинлигига ишонганми ёки бундай вазиятни мушоҳада (ўй-хаёл) деб ҳисоблаганми, ҳанузгача баҳслашиб келмоқдалар.

Ж.М. Кейнс асарида ликвидлик тузоғининг икки тушунчасини топиш мумкин. Биринчидан, фоиз ставкаси паст бўлганда (ва демак, облигация қиймати юқори бўлганда) қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари унинг ошишини кутадилар (облигациялар қийматининг пасайишини). Шунинг учун улар бугунги кунда қиммат облигацияларни сотиб олмайдилар ва ўз активларини ликвидли шаклда сақлайдилар (чайқовчилик сабаби). Иккинчидан, паст фоиз ставкаси пулни қимматли қоғозлар кўринишида сақлаш хатарини қопламайди ва эҳтиёткорлик сабабидан келиб чиққан ҳолда одамлар ўз жамғармаларини хавфсиз бўлган нақд пул кўринишида ушлаб туришни афзал кўрадилар.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг чора-тадбирлари

Ж.М.Кейнс таълимотидаги асосий ютуқлардан бири шундан иборатки, унда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиб туришнинг зарурлиги кўрсатиб берилди. Бу ерда шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, Ж.М.Кейнсдан олдинги иқтисодчилар (Д.Рикардо, А.Пигу, К.Викселль) ҳам бу борада назария яратганлар. Аммо Ж.М.Кейнс назарияси унинг ўтмишдошлари ва замондошлари назарияларидан шу жиҳати билан фарқ қиладики, у ишсизлик ва ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари тасодифий, ўз-ўзидан юзага келадиган ҳодисалар эмас, балки капиталистик бозор механизми ҳаракати туғдирадиган ҳодисалар эканлигини исботлагани ҳолда, биринчи марта иқтисодиётни давлат томонидан мунтазам, узлуксиз равишда тартибга солиб туриш зарурлигини кўрсатиб берди. Ж.М. Кейнс бу билан классиклар томонидан ишлаб чиқилган ва ўша давргача ҳукмрон бўлган тартиблашнинг микроиқтисодий ёндашувини рад этди. Фирманинг (микроиқтисод) ривожланиши шароити бир бутун миллий иқтисодиётнинг (макроиқтисодий) ривожланиш шароитини белгилаб беролмаслигини кўрсатиб берди.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг кейнсча назарияси уч асосий ҳолатни ўз ичига олади: биринчи-

дан, ўз-ўзидан ҳаракатга келадиган бозор механизмига баҳо берилади; иккинчидан, иқтисодиётнинг бошбошдоқлик асосида ривожланиши жараёнида бўладиган қийинчилик ва зиддиятларнинг сабаблари талқин этилади; учинчидан, камчиликларни бартараф қилиш мақсадида иқтисодиётни тартиблаш тадбирлари тизими белгиланади.

Ж.М. Кейнс классикларнинг иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартиблаш механизмини танқид қилиб, бозор иқтисодиётида бундай механизм амал қилмаслигини, иқтисодиётни давлат ёрдамида тартиблаш мумкинлигини кўрсатиб, "давлат истеъмолга бўлган мойилликка ўзининг раҳбарлик таъсирини қисман мувофиқ равишдаги солиқ тизими, қисман фоиз нормасини белгилаш йўли билан ва эҳтимол, бошқа усуллар билан ўтказиши лозим бўлади", деб ёзади.

Ж.М. Кейнс фикрига кўра, иқтисодий жараёнларнинг давлат томонидан тартибланишининг самарадорлиги давлат инвестициялари ёрдамида воситаларни қидиришга, аҳолининг тўла иш билан бандлигига эришишга, фоиз нормасини пасайтириш ва белгилашга боғлиқ. Унинг таъкидлашича, давлат инвестициялари улар етишмай қолган шароитда қўшимча пул чиқариш билан кафолатланиши (бюджет камомадидан қўрқмаган ҳолда) керак, камомад эса иш билан бандликнинг ўсиши ва фоиз нормасининг пасайиши билан бартараф этилади. Бошқача айтганда, Ж.М.Кейнс концепцияси бўйича, ссуда фоизи қанча паст бўлса, инвестицияларга бўлган қизиқиш шунча юқори бўлади, бу ўз навбатида иш билан бандликни оширади, ишсизликни тугатишга олиб келади.

8.2. ЯНГИ КЕЙНСЧИЛИК

XX асрнинг 50-йиллари иккинчи ярмида Ж.М. Кейнс назарияси асосида янги кейнсчилик шаклланди. Унинг анча кўзга кўринган вакиллари америкалик Э. Хансен (1887—1975), П. Самуэльсон (1915), Е. Домар (1914), С.Харрис (1897—1974), Р. Солоу (1924), инглиз Р. Харрод (1900—1978) лар ҳисобланади.

Янги кейнсчиликнинг асосий тадқиқот объекти макроиқтисодий миқдорларнинг (ялпи талаб, ялпи таклиф,

жамғарма) ўзаро таъсири ҳисобланади. Масалага бундай ёндашув циклли ишсизлик, инфляция, иқтисодий ўсиш муаммосини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Янги кейнсчилар (Е. Домар, Р. Харрод) иқтисодий ўсиш назариясини ишлаб чиқдилар. Ундаги асосий муаммо — реализация муаммоси ҳисобланади. Бу назарияга мувофиқ, агар талаб ишлаб чиқариш ресурсларидан тўла фойдаланиш имконини берса, иқтисодиёт динамик мувозанат ҳолатида бўлади. Талаб боғлиқ бўлган миллий даромаднинг кўпайиши, уларнинг фикрига кўра, фақат капитал жамғарилиши функцияси ҳисобланади, капиталга бўлган талаб эса, фақат миллий даромаднинг ўсиш суръати билан аниқланади.

Иқтисодий ўсишнинг янги кейнсчилик моделида истеъмол ва жамғарма ўртасидаги ўзаро миқдорий боғлиқлик, "мультипликатор-акселератор" тизими асосий ўринда туради. Иқтисодий ўсишнинг асосий омиллари инвестиция (капитал жамғармаси нормаси) ва ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими (капиталнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбати) ҳисобланади.

Янги кейнсчилар индустриаллаштириш пайтида капитал сиғимининг ўсиш мойиллигини ва "етук иқтисодиёт" даврида пасайишини пайқадилар. Жамғарманинг инвестициялардан ортиб кетиши иқтисодиётда корхоналарнинг тўла қувват билан ишламаслигига ва ишсизликка олиб келади. Инвестицияларнинг жамғармадан ортиб кетиши баҳоларнинг ўсишини келтириб чиқаради.

Янги кейнсчилар иқтисодиётни билвосита ва бевосита тартиблаш чора-тадбирларини ишлаб чиқдилар. Билвосита таъсир кўрсатиш усулига солиқ сиёсати, бюджет орқали молиялаштириш, кредит сиёсати, тезлаштирилган амортизациялар киради.

Ж.М. Кейнс томонидан таклиф қилинган ссуда фоизини тартиблаш кенг қўлланилди. Фоиз нормасини ўзгартириш биринчи навбатда асосий капиталга капитал қўйилмасини рағбатлантириш учун узоқ муддатли кредитлашга нисбатан олиб борилади. Давлат кредити ишлаб чиқаришнинг тармоқ тузилишини ўзгартиришда, экспорт тармоқларини рағбатлантиришда, иқтисодиётнинг қолоқ бўғинларини қўллаб-қувватлашда, инфратузилмани ривожлан-

тиришда, техника тараққиётини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнай бошлади.

Янги кейнсчилар мультипликатор принципини акселератор принципи билан тўлдирдилар. Мультипликатор принципи бўйича инвестиция иш билан бандликни таъминлаб, даромадни оширади. Акселератор принципига кўра даромадларнинг ўсиши конкрет шароитда инвестициянинг кўпайишига олиб келиши ҳам мумкин. Бунинг маъноси шундан иборатки, даромадларнинг кўпайиши ялпи талабнинг ошишига олиб келади, ялпи талабнинг ошиши эса, ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилишини тақозо этади ва демак, янги инвестицияларга бўлган талаб келиб чиқади. Акселератор даромад ўсиши билан келгуси инвестициялар ўсиши ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди.

Таянч сўз ва иборалар:

—"психологик қонун";
—"самарали талаб";
—иқтисодиётни тартибловчи — давлат;
—истеъмолга бўлган мойиллик;
—жамғармага бўлган мойиллик;
—фоизни тартиблаш;
—жамғарма;
—инвестиция;
—мультипликатор;
—акселератор.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.

Бартенев С.А. Экономические теории и школы. М.: "Бек", 1996.

Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. М.: "Дело Лтд", 1994.

Брагинский С.В., Певзнер Я.А. Политическая экономия: дискуссионные проблемы, пути обновления. М.: Мысль, 1991.

Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: "Фан", 1997.

Костюк В.Н. История экономических учений. М.: "Центр", 1998.

Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег (Антология экономической классики). М.: Эконовов, 1993.

Классики кейнсианства (Р.Харрод, Э.Хансен). В 2-х. т. М.: Экономика, 1997.

Носова С.С. Пути выхода из экономического кризиса: модели мультипликатора-акселератора. М.: Издателство Рос. экон. акад., 1993.

Стиглиц Дж Ю. Альтернативные подходы к макроэкономике: методологические проблемы и неокейнсианство (Мировая экономика и международные отношения). 1997., №5,6,7.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС", 1997.

Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Меҳнат", 1995.

Ховард К., Журавлева Г. Принципы экономики свободной рыночной системы (Экономикс). М.: Златоуст, 1995.

Ядгаров Я.С. История экономических учений. М.: ИНФРА-М, 1999.

9-мавзу
МОНЕТАРИЗМ

9.1. МОНЕТАРИЗМ КОНЦЕПЦИЯСИ

Монетаризм иқтисодий таълимотлар тарихида кенг тарқалган машҳур ва нуфузли оқимдир. Бу оқимнинг атоқли намояндаси Чикаго университетининг профессори, иқтисод соҳасида Нобель мукофоти соҳиби Милтон Фридмен (1912) ҳисобланади. Ҳозирги замон монетаризмига асос солган, бир гуруҳ иқтисодчилар қаламига мансуб бўлган "Пулнинг миқдорий назариясига оид тадқиқотлар" номли асар 1956 йили М.Фридмен муҳаррирлиги остида чоп этилди. Монетаризм (monetary — пул) — бу иқтисодиётдаги тебранма ҳаракатда пул ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб тасдиқловчи иқтисодий фандаги оқим. Монетаризм — нафақат пул тўғрисидаги таълимот. Бу мактаб вакилларининг диққат марказида пул категорияси, пул-кредит дастаклари туради; аммо уларни пул механизми, банк тизими, пул-кредит сиёсати, валюта муносабатлари шунчаки қизиқтирмади. Монетаристлар ушбу жараёнларни пул массаси билан ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун тадқиқ қилдилар. Монетаризм кейнсчиликка муқобил тарзда келиб чиққан бозор иқтисодиётида пулни олқишловчи назариядир.

Бозор механизми устунлигига асосланган М. Фридменнинг фикрича, эркинлик ва хусусий тадбиркорлик ўртасида ички боғлиқлик мавжуд. Фақат хўжалик эркинлиги шароитида сиёсий эркинликка, иқтисодий самарадорликка ва тенгликка эришиш мумкин. Иқтисодиётда нима қилиш кераклигини миллионлаб кишилардан кўра давлат амалдорларининг яхши билиши даргумон, дейди М.Фридмен. Давлатнинг хўжалик жараёнларига аралашуви иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартиблаш тизимини бузишга олиб ке-

лади. Шунинг учун давлат пул ва ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаган ҳолда, пул муомаласини назорат қилиш билан чекланмоғи лозим.

Пулга бўлган талаб ва таклиф

Киши бозор иқтсодиёти шароитида ўз бойликларини ҳар хил шаклларда (пул, қимматли қоғозлар, ер участкаси, кўчмас мулк ва бошқа кўринишларда) сақлаши мумкин. Ҳар ким ўз бойлигини кўпайтиришга ва айнан қайси шаклда сақлаш мақсадга мувофиқ келишига интилади.

Бойликнинг бир қисмини пул шаклида ушлаб туриш мақсадга мувофиқ. Негаки пул ликвидли, унга ҳар қандай товар сотиб олиш мумкин. М.Фридменнинг реал касса қолдиқларига бўлган талаб формуласи қуйидаги кўринишга эга:

$$Dm=M/P=F(Rb,\ Re,\ Pe,\ K,\ Y/P,\ u)$$

Бу ерда: M/P — реал касса қолдиқлари суммаси, Rb ва Re — облигациялардан ва саноат акцияларидан олиниши кутиладиган номинал даромад нормаси, Pe — баҳолар ўзгариши суръатлари, K — моддий ашёвий шаклда жамғарилган бойликлар улуши, Y/P — реал даромад, u — ҳисобга олинмаган омиллар. Бундан ташқари, реал даромад ҳажми пулга бўлган талабнинг бош омили ҳисобланади. Бошқача айтганда, бунда биз пулнинг миқдорий назарияси кембридж вариантига мувофиқ келадиган (реал касса қолдиқларига бўлган талаб миллий даромад миқдори билан аниқланади) моделни кўрамиз.

Лекин М.Фридмен бўйича, пулга бўлган талаб жорий даромад функцияси эмас, балки "доимий" даромад функциясидир. Доимий даромад бу жорий ва келажакда кутиладиган даромадларнинг ўртача йиғиндиси. Доимий даромад жорий даромадга қараганда анча барқарор. Мабодо жорий даромад пасайган тақдирда ҳам, индивид келажакда кўп пул тушумига эга бўлишга умид қилади ва, шу боисдан, пулга бўлган талабни унчалик камайтирмайди. Шундай қилиб, пулга бўлган талаб ва демак, унинг айланиш тезлиги анча мустаҳкам, барқарор ҳисобланади.

Шундай бўлса ҳам кучли инфляция шароитида "пулдан қочиш" каби ҳолат кузатилади. Филлип Кейган (1927) юқорида эслатиб ўтилган "Пулнинг миқдорий назариясига оид тадқиқотлар" китобига киритилган мақоласида, инфляциянинг кутилиши қандай қилиб иқтисодий субъектларни реал касса қолдиқлари миқдорини кескин камайтиришга мажбур қилишини кўрсатиб беради, бу пул массасининг айланиш тезлигини оширади. Масалан, Германияда 20-йиллари гиперинфляция даврида реал касса қолдиқлари миқдори инфляциягача бўлган даражадан 1/20 гача пасайган.

Пулнинг эски миқдорий назариясига мувофиқ, баҳолар даражасининг ўзгариш суръати пул массаси таклифининг ўзгариш суръатига тенглашади. Ф.Кейган, ишонч ҳосил қилганимиздек, пул қолдиқларига бўлган талабга нафақат баҳо даражаси, балки инфляция суръати ҳам таъсир этишини кўрсатиб берди. Бундан ташқари, гиперинфляция шароитида реал пул қолдиқларига бўлган талаб фақат кутиладиган баҳолар ўзгаришининг (инфляциянинг кутилиши) функцияси ҳисобланади ва М.Фридмен таклиф қилган формула қуйидаги кўринишни олади:

$$Dm=f(Pe\cdot)$$

Гап шундаки, баҳонинг ўзгариши шу қадар кучли бўладики, шунинг учун унинг таъсири бошқа омиллар таъсирини бутунлай "ниқоблаб" қўяди. Шундай қилиб, назарий нуқтаи назардан номинал пул массасини кўпайтирмасдан унинг айланиш тезлиги ҳисобига инфляциянинг кучайиши мумкин деб қаралади. Гарчи, монетаристларнинг айтишича, амалиётда гиперинфляция ўзининг ривожланиши учун пул массасининг мутаносиб тарзда кўпайишини тақозо этса ҳам.

М. Фридмен қизиқарли эмпирик фактнинг мавжудлигини кўрсатиб берди: АҚШда 1870 йилдан 1954 йилгача ижтимоий маҳсулот кўпайган бўлишига қарамасдан, пулнинг айланиш тезлиги умуман олганда пасайган. Ўша пайтгача (А. Маршалл бўйича), кредит институтларининг ишлари такомиллашганлиги сабабли, пулнинг айланиш тезлиги ошиши узоқ муддатли мойилликка эга деб, ҳисоблаб келинган. М. Фридмен эса, ликвидли активларга бўлган

талабни "зеб-зийнат буюмларига" бўлган ҳар хил талаб кўринишида таҳлил қилади. Даромадларнинг ошиши зеб-зийнат буюмларига бўлган талабни ва демак, нақд пулга бўлган талабни ҳам рағбатлантиради. Олимнинг кўрсатиб беришича, қисқа муддатли вақт мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг кўпайиши пулнинг айланиш тезлиги ошишига олиб келади, негаки иқтисодий шов-шувлар пайтида пулнинг ҳаракати тезлашади.

Пулнинг муомаладаги миқдори унинг таклифини билдиради. Пул таклифи анча ўзгарувчан бўлади, у иқтисодий омиллар билан аниқланмайди, балки ташқи таъсирдан юзага келади. Пул таклифи марказий банк томонидан, тижорат банклари берадиган кредитлар миқдори, қимматли қоғозлар олди-сотдиси билан тартибга солиниб турилади. Пулга бўлган талаб ва пул таклифи монетар мувозанатни юзага келтирувчи асосий воситалар ҳисобланади. Бунда мувозанат ажралган ҳолда шаклланмайди. Пул секторидаги мувозанат товар секторида бўладиган жараёнлар билан узвий боғланган.

Монетар назарияга кўра, пул миқдорининг ва пул айланиши тезлигининг ўзгариши жами талабга таъсир кўрсатади. Пул массаси кўп бўлса товар ва хизматларга бўлган талаб юқори бўлади. Пул массасининг кўпайиши билан баҳоларнинг ўсиши келиб чиқади, бу эса тадбиркорларни ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга рағбатлантиради.

Монетаризмнинг асосий қоидалари

М. Фридмен концепциясини тасаввур қилиш учун, унинг тарафдорлари у ёки бу даражада қўллаб-қувватлаган асосий қоидаларни кўриб чиқамиз.

Биринчи қоида — бозор хўжалигининг барқарорлигини тан олиш. Монетаристлар фикрича, бозор иқтисодиёти ўзининг ички хусусиятига кўра барқарорликка, ўзини ўзи тартиблашга интилади. Бозор рақобати тизими мустаҳкам барқарорликни таъминлайди. Мабодо мувозанат бузилса, баҳолар уни тузатишнинг бош воситаси бўлиб хизмат қилади. Номутаносибликларнинг вужудга келиши, одатда, ички сабаблар натижасида эмас, балки ташқари-

дан бўладиган аралашувлар, давлат тартиблашидаги хатолар натижаси ҳисобланади.

Бозор хўжалигининг барқарорлиги тўғрисидаги ушбу қоида Ж.М.Кейнснинг иқтисодиётга давлат аралашувининг зарурлиги тўғрисидаги тасдиғига қарши қаратилгандир.

Иккинчи қоида — пул омилининг муҳимлиги. Иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи турли дастаклар ичида пул дастаклари устун қўйилади. Айнан улар (маъмурий, баҳо услублари, солиқ тизими эмас) иқтисодиётни аъло даражада барқарорлаштиришга қодир.

Агар Ж.М.Кейнс бюджет сиёсатини анча аниқ, тезкор ва натижасини олдиндан билиш мумкин бўлган дастаклар сифатида баҳолаган бўлса, М.Фридмен ундан фарқли равишда, пул-кредит сиёсатини ана шундай тавсифлайди. Унингча, (Кейнсга қараганда), пул-кредит сиёсати иқтисодий фаолликни анча кучайтиради. У пулни ишлаб чиқариш, иш билан бандлик ва баҳоларни аниқлашда ягона бош омил сифатида қарайди.

Пул — бу махсус товар; пулнинг асосий хусусияти унинг ликвидлигида. Пулни хоҳлаган пайтда алмаштириш, унга ҳар қандай товарни сотиб олиш мумкин. Пул махсус функцияни амалга оширади, тартиблаш, барқарорлаштириш ролини бажаришга қодир. У иқтисодиётга пулни ишлаб чиқарувчи ва молия сиёсатини шакллантирувчи банк тизими, институционал тузилмалар орқали таъсир кўрсатади. Пул баҳога, истеъмолга бўлган талабга, харажатлар даражасига, ишлаб чиқариш ҳажмига ва тузилишига таъсир кўрсатади. М. Фридмен пул ҳаракати (пул массасининг ўсиш суръати) ва ялпи ички маҳсулот ўртасида ўзаро чамбарчас боғлиқлик амал қилишига асосланади. Пул массасининг ўсиш суръати тезлашуви ёки секинлашуви фаол иш юритишда, ишлаб чиқаришнинг цикли тебранишида акс этади.

Учинчи қоида — тартиблаш жорий вазифаларга эмас, балки узоқ муддатли вазифаларга мўлжалланган бўлиши керак. Гап шундаки, пул массасидаги ўзгаришлар натижаси асосий иқтисодий параметрларда бирдан акс эттирилмайди, балки бироз вақтдан кейин таъсири билинади. Одатда лаг (вақтинча узилиш) бир неча ойни ташкил этади.

У шу нарсани билдирадики, пул массасидаги ўзгаришлар ялпи ички маҳсулотга бирдан эмас, балки бир оз вақтдан (ойдан) кейин таъсир кўрсатади. Шунинг учун пул сиёсати жорий тартибдаги самарага ва қисқа муддатли ўзгаришларга мўлжалланган бўлмай, балки узоқ муддатли характерга эга.

Айирбошлаш тенгламаси

М. Фридмен концепцияси гарчи ўзига хослиги билан ажралиб турса ҳам, у пулнинг миқдорий назариясига асосланади. Пулнинг миқдорий назариясига кўра, пул миқдори билан баҳолар даражаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд, баҳолар муомаладаги пул миқдори билан аниқланади, пулнинг харид қуввати эса баҳо даражасига боғлиқ. Пул массаси кўпайса баҳолар ўсади, ва аксинча, пул массаси камайса баҳолар пасаяди, яъни бошқа барча шароитлар бир хил бўлганда товарларнинг баҳолари пул миқдорига мутаносиб тарзда ўзгаради.

Бир қанча ўртача ҳисоб-китобларга мувофиқ, товар айланишини таъминловчи нақд пул тахминан бир йиллик даромаднинг ўндан бир қисмини ташкил этади. Бошқача айтганда, пул йилига ўн марта айланади. Пул бир йилда 10 марта айланса, унда мисол учун 10 млн сўмлик бир йиллик даромадни (маҳсулотни) сотиш учун муомалада 1 млн сўм бўлиши керак. Агар муомаладаги пул миқдори 1 млн сўмдан 2 млн сўмга ортса, унда (бошқа шартлар ўзгармаган ҳолда) баҳолар ҳам икки баробар ошади.

Айирбошлаш тенгламаси (уни И. Фишер тенгламаси деб аташади) монетаризмнинг асосий тенгламаси ҳисобланади:

$$M \cdot V = P \cdot Q$$

бу ерда M — пул миқдори; V — муомаладаги пулнинг айланиш тезлиги; P — баҳолар даражаси; Q — ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг миқдори.

Тенгламанинг чап томонидаги MV жами ишлаб чиқарилган бойликларни сотиб олишга кетган харидорларнинг умумий сарфларини билдирса, ўнг томонидаги PQ эса ушбу бойликларни сотишдан тушган сотувчиларнинг уму-

мий даромадини билдиради. Агар MV бир йилда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларга сарфланган умумий харажатлар бўлса, унда у номинал соф миллий маҳсулотга (СММ) тенг бўлиши керак, яъни СММ = P · Q.

Айирбошлаш тенгламаси функционал боғлиқликларни анча аниқ тасаввур этишга имкон беради. Агар пул массаси ортса ёки (P) баҳолар, ёки (Q) ишлаб чиқариш миқдори ўзгаради.

Классиклар муомаладаги пулнинг айланиш тезлиги (V) ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдори (Q) пул массаси (M) ўзгаришига боғлиқ бўлмайди, деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрига кўра, ишлаб чиқаришнинг реал миқдори давлатнинг меҳнат ресурслари ҳолати билан, ишлаб чиқариш қувватлари билан аниқланади, пулнинг айланиш тезлиги эса ишчиларга ҳар йили тўланадиган иш ҳақи миқдорига ўхшаш омиллар билан ифодаланади.

Монетаристлар жуда кўп амалий материалларга асосланган ҳолда (бу ҳақда юқорида айтиб ўтилди) пул таклифи номинал СММ ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи омил ҳисобланади, деб хулоса қиладилар. Пул массаси ва соф миллий маҳсулот ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқлик, уларнинг қайд қилиб ўтишича, M дан номинал СММ йўналиши томон боради.

Пул массаси ва иқтисодий циклар

М. Фридмен Анна Шварц билан бирга ёзган "Қўшма Штатларнинг монетар тарихи (1867-1960 йил)" асарида катта ҳажмдаги материаллар ёрдамида пул массасининг кучайиши билан иқтисодий цикл фазалари ўртасида боғлиқлик борлигини кўрсатиб берди. У пул массаси ўсишининг тезлашуви ёки секинлашувини кузатиб, деярли 100 йил мобайнида АҚШ нинг барча хўжалик динамикаси пул массаси ўзгариши билан боғлиқ бўлган, деган хулосага келган. Пул массасининг ўсиш суръати ўзгариши ижтимоий маҳсулот ўсишида ўзгариш келтириб чиқаради. Пул массасининг юқори ўсиш чўққиси ишлаб чиқаришнинг ўсишини, пул массасининг қуйи нуқтаси ишлаб чиқаришнинг пасайишини келтириб чиқаради. Шундай қилиб, пул массаси (муомаладаги пул миқдори) иқтисодий ҳаётга ис-

теъмолчилар ва фирмалар сарф-харажатлари орқали бевосита таъсир кўрсатади.

Пул таклифи ўсиши унинг "арзонлашувига" олиб келади (фоиз ставкаси пасаяди) . Кредит олиш фойдали ҳисобланади, инвестиция товарларига бўлган талаб кенгаяди. Капитал қўйилмасининг ортиши билан ялпи ички маҳсулот кўпайиб боради, иш билан бандлик ҳам ошади.

Пул таклифининг кўпайиши билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар фақат миқдор кўрсаткичларида ўз ифодасини топмайди. Маҳсулотларнинг баҳоси ошиб боради, лекин уларнинг ошиб бориши бир хил тарзда бўлмайди. Турли товарлар гуруҳлари ўртасидаги нисбатлар ўзгаради. Талаб ишга тушади: у олдин арзон товарларга, ундан сўнг янги товарларга, кейинчалик хизмат кўрсатишга ўтади. Баҳоларнинг ўзгариши таркибий ўзгаришларга олиб келади, натижада эса узоқ муддатли барқарор ривожланиш учун шарт-шароитлар яратади.

Баҳоларнинг ўзини ўзи тартиблаб туриши ва пулнинг харид қуввати тенглашуви натижасида пул сектори билан товар сектори ўртасида зарурий алоқа ўрнатилади.

Демак, монетаристлар пулнинг бош функцияси — иқтисодий ривожланишнинг молиявий асоси ва муҳим ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади, деган қоидага асосланади. Пул массасининг кўпайиши банклар тизими орқали ресурсларнинг тармоқлар ўртасида тақсимланишига таъсир кўрсатади, техника тараққиётига "ёрдам беради", иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлашга имкон беради.

Пул дастакларидан ниҳоятда эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак. Пул массаси билан иқтисодий ўсиш ўртасида мувозанат бўлиши зарур. Шу боис М. Фридмен монетар қоидаларни қонун йўли билан белгилаш таклифи билан чиқди. Унга кўра реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши бир йилда 3 фоизни ташкил этганда (АҚШ учун), пул массасининг ўртача ўсиш суръати 4-5 фоиз миқдорида белгиланиши лозим. Агар пул массасининг ўсиш суръати ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатидан паст бўлса, унда қисқа муддатли даврда ишлаб чиқариш пасаяди, лекин узоқ вақт ўтиши билан иқтисодий ўсиш ўзининг "табиий" ҳолатига келади.

М. Фридмен фикри бўйича, Буюк турғунлик даври қийинчиликлари, энг аввало, федерал резерв тизимининг (ФРТ) иқтисодиётда пул миқдорининг камайиб кетишини бартараф этишга қурби етмаганлиги билан боғлиқ (фонд бозорининг синиши ва банкларнинг хонавайрон бўлиши сабабли). Пул массасининг етишмаслиги эса талабга салбий таъсир кўрсатди, реал ишлаб чиқариш ҳажми эса пасайиб борди. Бу ерда шу нарсани айтиш керакки, монетаристларнинг танқиди беҳуда бўлгани йўқ, у кейинчалик ўз фойдасини кўрсатади. 1987 йил 19 октябрда жаҳон миқёсида фонд бозори синиши кузатилди. Аммо ФРТ ва бошқа марказий банкларнинг қатъий хатти-ҳаракати тезда ўз самарасини берди, рағбатлантирувчи пул сиёсати амалга оширилди. Фоиз ставкаси пасайди, бу банк ишидаги саросимани тўхтатди.

Монетар концепциясининг кейнсчиликдан фарқи

Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, пул сиёсати пул талаби ва унинг таклифи ўртасида нисбат ўрнатишга йўналтирилган бўлиши керак. Пул таклифининг ўсиши (пулнинг ўсиш фоизи), баҳолар барқарорликни таъминлайдиган даражада бўлиши лозим. М. Фридмен фикрига кўра бундай даражани аниқлаш жуда мураккаб. Марказий банк прогнозларида хатолар тез-тез учраб туради. Иқтисодий ривожланишга айнан қайси омиллар таъсир кўрсатаётганлигини аниқлаш қийин ва ҳатто мумкин эмас. Қабул қилинаётган қарорлар кечиккан бўлиши ва баъзида қарама-қарши натижаларни келтириб чиқариши ҳам мумкин: масалан, баъзан ишлаб чиқаришнинг ўсишини рағбатлантириш кўзда тутилганда, пасайиш келиб чиқади, яъни қабул қилинган қарор ўсишга тўсқинлик қилади.

"Агар молия-кредит соҳасини кўриб чиқадиган бўлсак,— деб ёзади М. Фридмен, — кўпчилик ҳолларда тўғри қарорлардан кўра нотўғри қарорлар қабул қилинади, негаки қарор қабул қилувчилар фақат чекланган соҳаларни муҳокама қиладилар ва умуман барча сиёсат оқибатлари йиғиндисини эътиборга олмайдилар". Марказий банк қисқа муддатли тартиблашнинг конъюнктурали сиёсатидан воз кечиши ва иқтисодиётга узоқ муддатли

таъсир кўрсатиш, пул массасини аста-секин кўпайтириб бориш сиёсатига ўтиши керак. Пул массаси номинал ЯИМ га таъсир кўрсатади.

Монетар концепция ва монетар тавсиялар кейнсчиликдан фарқ қилади, баъзан эса унга қарама-қаршидир. Шу билан бирга иқтисодиётни тартиблаш муаммосидаги бу икки ёндашув ўртасига катта чегара қўйиш ҳам нотўғри. Ҳар иккала назария, энг аввало, бозор иқтисодиёти шароитида қўлланишга қурилган. Маълум маънода ҳар иккала назария бир-бирини ўзаро тўлдириб туради (умумий даромадни аниқлаш назариясини ташкил этади). Ж.М. Кейнс даромадларнинг харажатларга миқдорий боғлиқлигини асослаб берди, М. Фридмен эса даромадларнинг пулга боғлиқлигини кўрсатиб берди. Шу билан бирга Ж.М. Кейнс ва М. Фридмен ёндашувлари ўртасида бир қатор фарқлар мавжуд. Уларнинг баъзиларини умумий схемали кўринишда акс эттириш мумкин:

Кейнс	**Фридмен**
Давлатнинг бозор хўжалигига аралашуви зарур	Бозор ўзини ўзи тартиблашга қодир
Иш билан бандлик ялпи талабга боғлиқ	Иқтисодиёт ўзи ишлаб чиқариш ва иш билан бандлик даражасини ўрнатади
Пул массаси ишлаб чиқаришга нисбатан холис (ёмон ҳам, яхши ҳам таъсир этмайди)	Пул массаси — баҳоларнинг ўсиши ва конъюнктуранинг ўзгариши сабабчисидир
Асосий муаммо — ишсизлик	Асосий муаммо — инфляция
Ўзгарувчан пул сиёсати лозим	Барқарор пул сиёсати зарур
Бюджет камомади — талабни рағбатлантириш воситаси	Бюджет камомади — инфляция сабабчиси
Кейнсчилик — иқтисодий ўсиш назарияси	Монетаризм — иқтисодий мувозанат назарияси

Монетаризм ҳам, Кейнсчилик ҳам иқтисодиётни тартиблаш зарурлигидан келиб чиқади. Уларнинг назарий тав-

сиялари муайян бир даврда қўл келса, бошқа даврда иш бермайди. Шу боис иқтисодий вазият ва шароитларга қараб улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таянч сўз ва иборалар:

—пулга бўлган талаб;
—пул таклифи;
—"айирбошлаш тенгламаси";
—ликвидли активлар;
—асосий муаммо — инфляция;
—барқарор пул сиёсати.

Тавсия этиладиган адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998.

Бартенев С.А. Экономические теории и школы. М.: "Бек", 1996.

Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. М.: "Дело Лтд", 1994.

Иқтисодий таълимотлар тарихи Т.: "Фан", 1997.

Костюк В.Н. История экономических учений. М.: "Центр", 1998.

Носова С.С. Пути выхода из экономического кризиса: модели мультипликатора-акселератора. М.: Издателство Рос. экон. акад., 1993.

Самуэльсон П. Экономика. В 2-х. т. М.: Алгон, 1992.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС", 1997.

Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Меҳнат", 1995.

Фридмен М. Количественная теория денег. М.: Эльф — Пресс, 1996.

Фридмен М. Методология позитивной экономической науки THESIS. 1994. 1 т.

Юсупов Ю.К. Становление и развитие экономической науки. Т.: АО "Учқун", 1999.

Ядгаров Я.С. История экономических учений. М.: ИНФРА-М, 1999.

10-мавзу
ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМ

10.1. ИҚТИСОДИЙ ФАНДА СОЦИАЛ-ИНСТИТУЦИОНАЛ ЙЎНАЛИШ

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошида юзага келган конкрет тарихий шароит таъсирида АҚШ ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан дунёда энг ривожланган мамлакатга айланди. Айнан Америкада биринчи бўлиб эркин рақобатга асосланган иқтисодиётнинг монополистик иқтисодиётга ўтиши билан боғлиқ бўлган муаммолар анча кескин шаклда намоён бўла бошлади. Бу АҚШда илк бор антимонопол чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишига, уларнинг XIX асрнинг охирида мамлакатда қўлланилишига асосий сабаблардан бири бўлди. Кейинчалик дунёдаги барча ривожланган мамлакатларда бундай чора-тадбирлар кенг қўлланила бошлади.

XX асрнинг бошида АҚШ иқтисодчи олимлари иқтисодиётда кучайиб бораётган монополистик тенденцияларни таҳлил қилгач ва ўз мамлакатининг "антитрест" сиёсатига таъсир кўрсатгач, иқтисодиёт устидан ижтимоий назорат қилиш концепциясига асос солди. Уларнинг назарияси ҳозирги кунда иқтисодий фанда социал институционал ёки оддий қилиб айтганда, институционализм деб аталувчи янги йўналишни бошлаб берди.

"Институционализм" атамаси асосида "институт" тушунчаси ётади, у институционалистлар томонидан иқтисодиётда ва ундан ташқаридаги ривожланишда асосий куч сифатида кўрилади. Институционализм тарафдорлари "институт"ларга ҳар хил категория ва тушунчаларни (масалан, давлат, оила, тадбиркорлик, монополиялар, хусусий мулкчилик, касаба уюшмалари, дин, ахлоқ ва шу кабилар), мамлакатдаги анъана, урф-одат, этика, ҳуқуқий қоидалар, ижтимоий психология ва асосийси — иқтисодиёт эволюциясини киритадилар.

Институционализм — бу маълум маънода иқтисодий назариядаги янги классик йўналишга муқобилдир. Агар янги классиклар А. Смитнинг бозор хўжалиги механизмининг такомиллашганлиги ва иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартиблаши тўғрисидаги тезисига ва "соф иқтисодий фан" га амал қилсалар, институционалистлар эса моддий омиллар билан бирга руҳий, маънавий, ҳуқуқий ва бошқа омилларни иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи деб ҳисоблайдилар. Бошқача айтганда, институционализм ўзи таҳлил қиладиган предмет сифатида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳам иқтисодий, ҳам ноиқтисодий муаммоларини илгари сурди. Бунда тадқиқот объекти институтлар бирламчи ёки иккиламчи турларга ажратилмайди ва бир-бирларига қарши қўйилмайди.

Т. Веблен — институционализм асосчиси

Институционализмнинг ватани АҚШ, унинг асосчиси Торстейн Веблен (1857—1929) ҳисобланади. Замонавий институционализм йўналишининг дастлабки кўринишлари Т.Вебленнинг "Бекорчилар синфи назарияси" асарида изоҳлаб берилган.

Мазкур китоб муаллифининг фикрига кўра, иқтисодий назария билан иқтисодий реаллик ўртасида жуда катта узилиш мавжуд. Биринчиси, гармонияга (мувозанатга) асосланади, иккинчисида узлуксиз эволюция содир бўлади, яшаш учун кескин кураш кетади. Буюмнинг фойдалилиги ва унга эришишнинг қийин ва мушкуллигини доимо таққослаб борувчи "иқтисодий одам" модели шак-шубҳасиз эскирди. Ҳақиқатда эса инсоннинг хатти-ҳаракати жуда кўп омилларга, кўпинча ички қарама-қаршиликларга боғлиқ. Тақлид қилишга ва рақибликка бўлган туғма мойиллик билан бирга, унинг хатти-ҳаракатига анъана, ахлоқ, урф-одат, шунингдек обрўга бўлган интилиш жуда кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун иқтисодий таҳлил қилишда ҳар хил "институтларни" (улар юқорида кўриб чиқилди) ҳисобга олиш зарур.

Т. Вебленнинг фикрига кўра, алоҳида субъектларнинг хатти-ҳаракатини эмас, балки касаба уюшмаларининг, сиёсий партияларнинг иш ҳаракатини ўрганиш керак. Иқтисодий назария билан иқтисодий субъектларнинг асо-

сий унсурлари (ер эгалари, ишчилар, капиталистлар ва инженер-техник ишчилар) ўртасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётда уларнинг роли ҳар хилдир.

Бозор хўжалиги амал қилишининг дастлабки босқичида ҳокимият ва мулк тадбиркорлар қўлида бўлади. Олдин ягона бўлган бу синф кейинчалик капитал эгаларига ва ишлаб чиқаришни ташкил этувчиларга бўлинади. Капитал эгаларини фақат ўз капиталларига келадиган фойда қизиқтиради, улар ўз капиталларини ишлаб чиқаришга қўймайдилар, балки фақатгина кредитга берадилар. Уларнинг даромад манбаи реал сектор эмас, балки молия соҳасида айланиб турувчи қимматли қоғозлар ҳисобланади. Бу маънода капитал эгалари бекорчилар синфини ташкил этади. Ишчилар, шунингдек ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар ва техник мутахассислар унумли синф ҳисобланадилар, улар ўз капиталларига эга эмас ва бекорчилар синфи кредитга қўйган воситалардан фойдаланиб иш юритадилар.

Бекорчилар синфининг ҳукмронлик мавқеи барча иқтисодиётда кредитнинг ролини ҳаддан ташқари ошириб юборади. Капиталнинг анчагина қисмидан чайқовчилик мақсадларида фойдаланилади ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилмайди. Кредит инфляцияси вужудга келади, унинг оқибатида ссудани зудлик билан қоплаш талаби зарурлиги келиб чиқади. Натижада оммавий банкротлик ва турғунлик юзага чиқади, улар ўзининг давом этиши муддати бўйича иқтисодий юксалиш давридан анча ортиб кетади.

Бекорчилар синфи билан унумли синф ўртасидаги антагонизмнинг ечилиши ҳокимиятнинг технократлар қўлига ўтишига олиб келади. Капиталга бўлган мулкчилик акционерлик шаклини олади ва шу билан хусусий мулк бўлишдан тўхтайди.

Институционализмдаги раҳнамолар

Институционализм йўналишига янги ҳаёт бағишлаган Америка иқтисодчилари Жон Коммонс (1862-1945) ва Уэсли Митчелл (1874-1948) ҳисобланади.

Ж. Коммонс ўзининг "институционал иқтисодиёт" китобида хўжалик жараёнларига таъсир этувчи ҳар хил ноиқтисодий (аввало, ҳуқуқий) омилларни тадқиқ қилди. У Америка ишчилар ҳаракати, касаба уюшмалари ва тадбиркорлар иттифоқининг ташкил топиши тарихини ўрганди, меҳнат ҳуқуқини таҳлил қилди. Ж.Коммонс фикрига кўра, жамиятнинг ҳуқуқий тизими хўжалик ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унингча, битим (яъни ҳуқуқий акт) иқтисодий тизимнинг бош бўғини ҳисобланади. Битим иштирокчилари сифатида кўпроқ индивидлар эмас, балки касаба уюшмалари ва тадбиркорлар иттифоқлари қатнашадилар. Битим ўз табиатига кўра унинг иштирокчилари манфаатлари ихтилофли бўлишини тақозо этади. Бунда ҳакамлик вазифасини давлат ўз зиммасига олади. У вужудга келадиган қарама-қаршиликларни ечиб бериш учун ҳуқуқий механизм ишлаб чиқиши лозим. Масалан, ёлланма ишчилар билан тадбиркорлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган қарама-қаршиликлар касаба уюшмалари ва тадбиркорларнинг мақсадга мувофиқ ўзаро таъсири, самарали меҳнат ҳуқуқи ва махсус ҳукумат ҳайъати фаолияти туфайли ечилиши мумкин.

Ж.Коммонс ўзининг ижтимоий ҳаётга бўлган қарашларини тажрибада реализация қилиш мақсадида Америка меҳнат федерацияси билан фаол ҳамкорликда иш юритди. 1935 йили унинг таъсирида АҚШда пенсия таъминотига асос солган "Социал ҳимоя тўғрисида акт" қабул қилинди.

У.Митчелл фикрига кўра кишилар фаолиятида асосий ҳаракатлантирувчи куч пул ҳисобланади. Айнан молиявий институтлар инсон хатти-ҳаракатининг характерини аниқлаб беради. У.Митчелл ўз асарларида ахборотларни ишлашда статистик таҳлил воситалари ва математик услубларни кенг қўллади. Мазкур услуб бозор конъюнктураси динамикасини эмпирик (тажрибага асосланган) тадқиқ қилишга, капиталистик хўжаликнинг бир қатор циклли тебраниш қонуниятларини очиб беришга имкон берди. Унингча, ҳар бир цикл ўзига хослиги билан ажралиб туради, уларнинг асосида жуда кўп сабаблар ётади, улар бетакрордир. Шунинг учун битта универсал цикллар назарияси бўлиши мумкин эмас.

У. Митчелл ўз тадқиқотларига асосланган ҳолда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ёрдамида инқирозсиз цикл концепциясини асослаб беришга ҳаракат қилди. Махсус давлат режалаштирувчи органларини тузиш, унинг фикрига кўра, циклли тебранишни юмшатиш ва қулай иқтисодий конъюнктурага эришиш воситаси бўлиши керак. Бунда режалаштириш мажбурий характерда эмас, балки тавсияли характерда бўлиб, у реал, эришиш мумкин бўлган пировард мақсадлар кўзда тутилган илмий прогнозлаштиришга асосланган.

У. Митчеллнинг АҚШда иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси асосчиси ва иқтисодиётдаги циклли ҳодисаларни биринчилардан бўлиб тадқиқ қилган иқтисодчи деб тан олиниши унга катта шуҳрат келтирди. У психологик таҳлилни ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий-маданий муаммолар билан биргаликда пул, молия ва кредит омиллари соҳасидаги иқтисодиётга давлатнинг таъсир кўрсатиши мумкин ва зарур деб ҳисоблади.

10.2. УРУШДАН КЕЙИНГИ ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМ (40-70 Й.)

Институционалистлар аста-секин бошқа иқтисодий мактаблар талқин қила бошлаган иқтисодий муаммоларни таҳлил эта бошладилар. Лекин бунда улар ўз таҳлилини ҳар хил сиёсий ва ижтимоий маданий институтларни ҳисобга олган ҳолда олиб бордилар. Асосий эътибор ижтимоий самарадорлик ва ижтимоий харажатлар тушунчасига қаратила бошлади.

Ж.К. Гелбрейт: "Янги индустриал жамият концепцияси"

Иккинчи жаҳон урушидан кейин соф институционализм бир оз сусайди, аммо Жон Кеннет Гелбрейт (1909 йилда туғилган) асарларида бирмунча ўзгарган шаклда қайтадан тикланди. Унинг "Янги индустриал жамият" номли асосий асари иқтисодиётда "техноструктура"нинг таҳлили ва ролига бағишланган. Техноструктура деганда, Ж.К. Гелбрейт фикрига кўра, технологиялар, бўйича олимларни, конструкторларни, мутахассисларни ўз ичига олув-

чи жамият қатламлари, бошқарув, молия ва умуман олганда, йирик корпорацияларнинг нормал ишлашини таъминлаш учун керак бўлган барча нарсалар тушунилади.

Ж.К. Гелбрейт фикрига кўра, ҳозирги замон бозор иқтисодиёти хатти-ҳаракати мураккаб техникаларни ишлаб чиқарувчи йирик корпорациялар билан аниқланади. Замонавий корпорацияларда реал иқтисодий ҳокимият капитал эгаларига эмас ва ҳатто менежерларга ҳам эмас, балки технологик билим эгалари — техноструктурага тегишли бўлади. Техноструктура вакиллари ишлаб чиқариш тўғрисида ўзига хос профессионал билимга ва қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларга эга. Албатта, расмий жиҳатдан муҳим қарорлар, қоидага кўра, компаниянинг етакчи менежерлари — директор ва унинг ўринбосарларининг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланади. Лекин барча қарорларни қабул қилиш деярли юз фоиз ахборотларга боғлиқ. Ахборотлар эса техноструктура "назорати" остида бўлади.

Техноструктуранинг ҳукмронлик қилиш сабабини Ж.К. Гелбрейт тарихий ўхшашлик нуқтаи назаридан асослаб беришга ҳаракат қилади. Индустриал жамиятгача бўлган даврда асосий ишлаб чиқариш омили ер ҳисобланган, негаки у анча ноёб ресурс сифатида бўлган. Шунинг учун реал ҳокимият ер эгаларига қарашли бўлган. Буюк географик кашфиётлар ва саноат тўнтариши натижасида ер ресурслари ўзининг ноёблик хусусиятини йўқотади ва ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи омили сифатида капитал келиб чиқади. Ҳокимият капитал эгалари қўлига ўтади. Замонавий жамиятда энг ноёб ресурс — ахборот, фан-техника ҳисобланади. Шунинг учун реал ҳокимият техноструктура қўлида.

Т.Веблен ўз назариясида, технократия жамиятда олдинги қаторларда бўлиш керак, деб айтган бўлса, Ж.К. Гелбрейт эса, у амалга оширилди, деб тасдиқлайди.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиётининг барча энг муҳим ҳодисаларини Ж.К. Гелбрейт замонавий техника тараққиётининг тўғридан-тўғри ва бевосита натижаси деб тушунтиради. Техника ва технология, унинг фикрига кўра, ҳозирги замон капитализми учун характерли бўлган янги иқтисодий белгиларни вужудга келтиради. Улардан энг

муҳими режалаштиришдир. Корпорацияларни бошқарувчи техноструктура уларнинг иш фаолиятини бир неча йил олдини мўлжаллаб режалаштиради. Режалаштириш ва битимлар тизими (хом ашё, асбоб-ускуналар, илмий ва конструкторлик ишланмаларини етказиб бериш бўйича) барқарорликни келтириб чиқаради, рақобатни эса бартараф этади. Чунки режа рақобат билан унчалик "чиқиша олмайди". Шунинг учун ҳозирги замон иқтисодиётида муттасил ва ҳар томонлама корпорацияларо шартномалар тузиладики, улар бозорнинг бошқарилиб турилишини, барқарор бўлишини таъминлайди. Стихияли бозор ва эркин рақобат фақат дарсликларда қолиб кетади, замонавий ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти эса узоқ муддатли режалаштириш асосида техноструктура билан бошқариб турилади.

Ж.К. Гелбрейт ўзининг кейинги асарларида техноструктурага нисбатан танқидий фикрларни айтган. У техноструктурани "бозор тизимини" эксплуатация қилишда (майда ва ўрта бизнесни), давлат амалдорлари билан қўшилиб кетишда, қуролланиш кетидан қувишда, табиий ресурслардан фойдаланишдаги исрофгарчиликда, бозорга таъсир кўрсатишнинг монополистик услубларини қўллашда айблади. Йирик корпорациялар давлат машинаси билан узвий боғланган ва ундан наф кўради: қулай буюртмаларни ва солиқ имтиёзларини олади, рақобат курашида сиёсий механизмдан фойдаланади. Ж.К. Гелбрейт давлат ва жамият томонидан техноструктура фаолияти тартибга солиниб турилишини қайд қилиб ўтади.

У шунингдек майда ва ўрта тадбиркорликни ва социал техноструктурани (уй-жой қурилиши, ижтимоий транспорт, тиббий хизмат, қишлоқ хўжалиги, санъат) давлатнинг қўллаб-қувватлашини талаб қилиб чиқди. "Бозор тизимида" баҳони ва иш ҳақини бевосита тартибга солиш, унинг фикрича, тадбиркорларда ва ишчиларда келгусидаги баҳо ва даромадларга бўлган ишончни уйғотади. Бу ишлаб чиқариш ва хусусий инвестицияларнинг барқарорлашувига олиб келади. Давлатнинг аралашуви, энг аввало, "бозор тизими" зарар кўрадиган инфляцияни тўхтатиш учун ҳам зарур. Ҳукумат корпорациялар билан нуфузли касаба уюшмаларининг ўзаро таъсир кўрсатиш жараё-

нига аралашиши ва йирик бизнесдаги баҳо ва меҳнат ҳақи даражасини бевосита назорат қилиб туриши керак.

Конвергенция концепцияси

Нобель мукофоти соҳиби, голландиялик олим Ян Тинберген 60-йиллари илгари сурган конвергенция концепцияси кўпчилик иқтисодчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Ушбу концепцияга кўра капитализм билан социализм ривожлана борган сари ҳар иккаласида ўхшаш белгилар юзага келади (капитализмда режали иш роли ошиб боради, социализмда бозор муносабатлари ривожланади), тафовутлар аста-секин йўқолиб боради. Ишлаб чиқариш шароитлари, маданият ва фан-техниканинг ривожланиши умумий тараққиёт натижасида ҳар иккаласида тобора бир хиллашиб боради. Капитализм ҳам, социализм ҳам айни бир хил муаммоларни ҳал қилишга, уларни ҳал этишнинг бир хил услубларини қўллашга интилади.

Конвергенция техникада, иқтисодиётда, сиёсатда, социал соҳада кузатилади. Я.Тинберган ҳозирги пайтда ҳеч қаерда "соф капитализм" йўқ деб ҳисоблайди. Бу борада фикр юритган Ж.К.Гелбрейт техника тараққиётини капитализм ва социализмнинг яқинлашуви негизи сифатида илгари суради. У конвергенция мойиллигини йирик ишлаб чиқаришнинг ўсишида, жами талабнинг давлат томонидан тартибга солиниб туриши ва ҳоказоларда кўради. "Биз, — деб хулоса қилади Гелбрейт, — гўё турлича бўлган иккита индустриал тизимнинг конвергенцияси ҳамма энг муҳим соҳаларда содир бўлаётганлигини кўриб турибмиз".

Иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиб туришни биринчи ўринга қўйган А.Бергсон "ҳар иккала тизим унчалик хилма-хил эмас ва кейинчалик улар ўртасидаги тафовут янада кўпроқ камайиб бориши мумкин", деб ёзади.

Америка социологи П.Сорокин барча асосий йўналишлар бўйича табиатшунослик ва техника, ижтимоий фанлар, маориф, санъат, дин, никоҳ ва оила, иқтисодий тизим, ижтимоий муносабатлар, сиёсий тизим соҳаларида капитализм билан социализмнинг яқинлашувини тарғиб қилди. Унинг фикрича, капитализм ва социализмнинг ўза-

ро конвергенцияси оқибатида улардан фарқ қиладиган қандайдир оралиқ жамият юзага келади.

"Халқ капитализми"

Урушдан кейинги йилларда институционалистлар ўзлари олдин таклиф қилган "бошқарувчилар инқилоби" ва "жамоа капитализми" концепцияларини давом эттирдилар. Мазкур концепцияга биноан ҳозирги замон ғарб мамлакатларида ҳокимият айрим шахслар қўлида эмас, балки жамоалар, энг аввало, технократлар ва менежерлар қўлида бўлади. Бу мулкнинг жуда кўп майда акционерлар ўртасида бўлиниб кетиши ва ишлаб чиқариш жараёнининг қийинлашиши билан боғлиқ. Институционалистлар томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий фандаги бошқа йўналиш — иқтисодий ривожланиш назариясидир. Бунда асосий эътибор иқтисодий ўсишнинг техникавий-хўжалик омилларига (техниканинг ривожланиш даражаси, ижтимоий маҳсулотдаги инвестициялар улуши ва б.) қаратилган.

XX асрнинг 40-йилларида "халқ капитализми" концепцияси шаклланди, унда XIX аср охиридан бошлаб капиталистик тизимда юз берган ўзгаришлар қайд этилади. Йирик корпорациялар ва давлат томонидан бозорнинг тартибга солиниб турилиши бозордаги беқарорликни ва ортиқча ишлаб чиқариш инқирозини бартараф этишга имкон беради. Акцияларнинг кенг кўламда тарқалиши ёлланма ишчиларни капитал эгаларига айлантиради, бу ҳол аста-секин капиталистлар билан ёлланма ишчилар ўртасидаги қарама-қаршиликка барҳам беради. Давлатнинг фаол қайта тақсимлаш сиёсати, кенг аҳоли қатламининг мулкчиликда ва кичик бизнесда қатнашиши, юқори иқтисодий ўсиш суръатлари туфайли умумий фаровонлик даражасининг ошиши — буларнинг ҳаммаси ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги тафовутни йўқотади, синфий ихтилоф асосини бартараф этади.

Мазкур ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий-психологик ҳолатига ижобий таъсир кўрсатди ва иқтисодий ривожланишга имконият яратиб берди. Бу хусусда Р.Хейлбронер таъкидлаганидек, "капитализм янги тизим туфайли анча вақтга сазовор ва ҳеч қачон бошидан кечирмаган

узоқ муддатли иқтисодий ўсиш йўлига ўтди... Ушбу тизим туфайли саноати ривожланган мамлакатларда аҳолининг кенг қатламини ўз ичига олган мислсиз ривожланишга эришилди".

"Индустриал жамиятдан кейинги жамият"

60-йилларнинг охирига келиб аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг ва иқтисодиётда ахборот секторининг роли кучайиб бориши билан жаҳон иқтисодий адабиётларида "Индустриал жамиятдан кейинги жамият" концепцияси кенг тарқала бошлади.

Америка социологи Дэниель Белл (1919) ҳозирги замон ижтимоий тизимини асосий ҳаракатлантирувчи ва қайта ташкил этувчи куч — фан-техника инқилоби, деб ҳисоблайди. Фан-техника инқилоби таъсирида иқтисодий жараёнларда, мулкчилик муносабатларида, ҳокимият тузилишида, маданият, маънавият ва мафкура соҳасида жуда катта ўзгаришлар амалга оширилади. "Индустриал жамиятдан кейинги жамият" тизимининг ўзига хослиги шундан иборатки, у, энг аввало, хизмат кўрсатиш жамияти бўлиб, аҳолининг кўпчилиги шу соҳада иш билан банд бўлади. Бу жамият яна шу билан ифодаланадики, иқтисодиёт "уйғунлашган характер" касб этади, унинг ривожланиш суръати ошади, умумий фаровонлик, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг юксак даражаси таъминланади, ахборот ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Ахборот умумхалқ бойлиги ҳисобланади, уни монополлаштириш жуда қийин. Шунинг учун хусусий мулк ва бозор механизмлари роли пасайиб бормоқда: "Ҳозир мулкчилик юридик ясама вазиятдан бўлак нарса эмас; корпорациялар хусусий мулкчилик институти белгиларини йўқотди ва фақат ташкил қилиш шакли ҳисобланади". Инсоннинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ва нуфузи энди унинг мулкий бойлигидан кўра малакаси ва билим даражасига кўпроқ боғлиқ бўлади.

Ҳақиқатан ҳам жамиятда хизмат кўрсатиш ва ахборот соҳасининг юксак даражада ривожланиши бундай жамиятда сифат ўзгаришлари юз берганлигидан далолатдир.

Иқтисодий ўсиш босқичлари

Америка олими Уолтер Ростоу (1916) ўзининг "Иқтисодий ўсиш босқичлари" (1960) китобида жамиятнинг хўжалик ривожланиши босқичларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилди. Ростоу жамият тараққиётини босқичларга ажратишда техникавий-хўжалик кўрсаткичларини — техника тараққиёти даражаси, жамғариш нормаси, истеъмол даражасини асос қилиб олади. Унда ижтимоий омиллар иккинчи ўринга сурилади ва улар технологик шароитларни таъминлаш учун қанча зарур бўлса, фақат шунча даражада таҳлил этилади.

Иқтисодий ўсиш қонуниятлари иқтисодий тизим хусусиятларига боғлиқ эмас, улар бозор ва шунингдек буйруқбозликка асосланган иқтисодиётда бир хил ҳисобланади.

У. Ростоу иқтисодий тараққиётнинг бешта босқичини кўрсатиб беради:

1. Анъанавий жамият: Ньютонгача бўлган фан ва техника ҳамда қишлоқ хўжалигининг устунлиги билан ифодаланади.

2. Ўткинчи жамият: унда иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратилган бўлади; фан ютуқлари ишлаб чиқаришга татбиқ этилади, банклар пайдо бўлади, ишлаб чиқаришни инвестициялаш кучаяди.

3. Юксалиш даври (саноат инқилоби): эски анъанавий уклад асосан тугатилади, иқтисодий ўсиш нормал ҳолат ҳисобланади, ишлаб чиқарувчи саноатнинг асосий тармоқлари жадал ривожлантирилади, давлат экспортни рағбатлантиради.

4. Етуклик босқичи: аҳолининг ўсишига қараганда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг доимо ортиқ бўлиши таъминланади, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кучаяди, анъанавий жамият батамом тугатилади.

5. Оммавий истеъмол босқичи: узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари ва хизмат кўрсатиш асосий аҳамият касб этади.

У. Ростоу АҚШ иқтисодий тизимини ижтимоий эволюциянинг юқори босқичи, оммавий истеъмолнинг

юқори даражаси, барча бошқа мамлакатларнинг келажакдаги ривожи учун модель деб тасвирлайди. Унингча, коммунизм — бу индустрлаштиришни жадаллаштириш зарурати туғилган ҳолларда "ўткинчи даврнинг касали", "ягона индустриал жамият"га ўтишнинг мумкин бўлган йўлларидан биридир. Социализм юксалиш босқичига яқинлашганда ва юксалиш босқичининг ўзида жамиятни жадаллаштиришга қодир. "Аммо коммунизм ўз моҳиятига кўра юқори оммавий истеъмол даврида барҳам топиши керак". Ҳозир ҳаммага аёнки, бу башорат амалга ошди.

Таянч сўз ва иборалар:

—давлат;
—касаба уюшмаси;
—йирик корпорациялар;
—урф-одат, анъана;
—"бекорчи синф";
—"техноструктура";
—"конвергенция";
—"янги индустриал жамият".

Тавсия этиладиган адабиётлар

Бартенев С.А. Экономические теории и школы. М.: "Бек", 1996.

Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. М.: "Дело Лтд", 1994.

Веблен Т. Теория праздного класса. М.: Прогресс, 1984.

Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т.: "Фан", 1997.

Костюк В.Н. История экономических учений. М.: "Центр", 1998.

Майбурд Е.М. Введение в историю экономической мысли. От пророков до профессоров. М.: "ДЕЛО — ВИТА-ПРЕСС", 1996.

Митчелл У. Экономические циклы. Проблема и ее постановка. М-Л.: Госиздат, 1990.

Леонтьев В.В. Экономические эссе. Теории, исследования, факты и политика. М.: Политиздат, 1980.

Самуэльсон П. Экономика. В 2-х. т. М.: "Алгон", 1992 г.

Титова Н.Е. История экономических учений. М.: "Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС", Ґ997.

Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Меҳнат", 1995.

Хайек Ф.А. Дорога к рабству. М.: Экономика, 1992.

Хейлбронер Р.Л. Экономическая теория как универсальная наука (THESIS). Зима, 1993. т.1. Вып. 1.

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ БЎЙИЧА ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Қадимги дунё иқтисодий фикрларида идеаллаштирилади:
А) бозор иқтисодиёти муносабатлари;
Б) натурал хўжалик муносабатлари;
В) пул муносабатлари;
Г) йирик савдо ва судхўрлик.

2. "Авесто" китоби яратилди:
А) Қадимги Ҳиндистонда;
Б) Қадимги Хитойда;
В) Қадимги Грецияда;
Г) Қадимги Ўрта Осиёда.

3."Халқ отаси" тушунчасини дастлаб муомалага киритган мутафаккир:
А) Аристотель;
Б) Конфуций;
В) Платон;
Г) Катон.

4.Аристотель хрематистика соҳасига киритади:
А) деҳқончилик ва ҳунармандчиликни;
Б) судхўрлик ва савдо воситаси операцияларини;
В) майда савдони;
Г) юқоридагиларнинг барчасини.

5."Oikonomia" атамасини дастлаб муомалага киритган — бу:
А) Катон;
Б) Аристотель;
В) Ксенофонт;
Г) Платон.

6."Артхашастра" асари яратилди:
А) Қадимги Хитойда;
Б) Қадимги Ҳиндистонда;

В) Қадимги Грецияда;
Г) Қадимги Римда.

7. Жамият тараққиётида эҳтиёжларнинг аҳамияти тўғрисидаги ғояни илгари сурган Ўрта Осиё мутафаккири — бу:
А) Ибн Сино;
Б) Юсуф Хос Ҳожиб;
В) А.Форобий;
Г) А.Навоий.

8. "Енглар, ичинглар, ҳадя қилинглар, аммо исроф қилманглар" деб кўрсатма беради:
А) Ибн Холдун;
Б) Қуръони карим;
В) Амир Темур;
Г) М.Улуғбек.

9. Ф. Аквинскийнинг "одил нарх" концепциясига биноан товар қиймати асосини ташкил этади:
А) сарфли принцип;
Б) ахлоқий-этик принцип;
В) сарфли ва ахлоқий-этик принцип биргаликда;
Г) фойдалилик принципи.

10. "Сиёсий иқтисод" атамасининг муаллифи:
А) Аристотель;
Б) А.Монкретьен;
В) А.Смит;
Г) К.Маркс.

11. Меркантилизм концепциясига биноан пул бойлиги манбаи:
А) хорижий инвестицияларни кўпайтириш;
Б) экспортнинг импортдан кўп бўлиши;
В) импортнинг экспортдан кўп бўлиши;
Г) ишлаб чиқариш соҳаси.

12. Меркантилизмнинг ўрганиш предмети:
А) муомала соҳаси;
Б) ишлаб чиқариш соҳаси;
В) муомала ва ишлаб чиқариш соҳалари;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

13. Дастлабки меркантилизмнинг асосий ғояси — бу:
А) пул баланси;

Б) савдо баланси;
В) товар баланси;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

14. Кейинги ривожланган меркантилизмнинг асосий ғояси — бу:
А) товар баланси;
Б) савдо баланси;
В) пул баланси;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

15. Классик сиёсий иқтисоднинг ўрганиш предмети:
А) муомала соҳаси;
Б) ишлаб чиқариш соҳаси;
В) муомала соҳаси ва ишлаб чиқариш соҳаси биргаликда;
Г) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши.

16. Классик сиёсий иқтисоднинг устувор иқтисодий таҳлил методи:
А) эмпирик метод;
Б) сабабли алоқа (каузальний) методи;
В) функционал метод;
Г) диалектик метод.

17. Классик сиёсий иқтисодга мувофиқ ишчининг даромади сифатидаги иш ҳақи даражаси интилади:
А) физиологик минимумга;
Б) яшаш минимумига;
В) максимал имконият даражасига;
Г) ўртача имконият даражасига.

18. Классик сиёсий иқтисодга мувофиқ пул — бу:
А) одамларнинг сунъий ихтироси;
Б) иқтисодий ўсишнинг муҳим омили;
В) айирбошлашни осонлаштирувчи техник қурол, ашё;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

19. У. Петти "пул" категориясига қайси нуқтаи назардан қаради?
А) номиналистик пул назарияси;
Б) металлистик пул назарияси;
В) пулнинг миқдорий назарияси;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

20. У. Петти ва П. Буагильбер асос солган қиймат назарияси аниқланади:

А) меҳнат сарфлари билан;
Б) ишлаб чиқариш харажатлари билан;
В) меъёрли фойдалилик билан;
Г) ахлоқий-этик принцип билан.

21. Ф. Кенэ таклиф қилган таснif бўйича фермерлар — бу:

А) унумли синф;
Б) ер эгалари синфи;
В) унумсиз синф;
Г) тадбиркорлар синфи.

22. Ф. Кенэнинг таълимоти бўйича "соф маҳсулот" яратилади:

А) савдода;
Б) қишлоқ хўжалигида;
В) саноатда;
Г) қурилишда.

23. Жамиятнинг макроиқтисодий таҳлилини илк бор амалга оширган — бу:

А) А.Смит;
Б) Д.Рикардо;
В) Ф.Кенэ;
Г) Ж.Кейнс.

24. Биринчи бўлиб капитални асосий ва айланма капиталга, меҳнатни эса унумли ва унумсиз меҳнат турларига ажратган —бу:

А) У.Петти;
Б) Ф.Кенэ;
В) А.Смит;
Г) К.Маркс;

25. А. Тюргонинг кўрсатиб беришича, ҳар қандай бойликнинг ягона манбаи:

А) савдодаги меҳнат;
Б) деҳқончиликдаги меҳнат;
В) ҳунармандчиликдаги меҳнат;
Г) судхўрликдаги меҳнат.

26. А. Смит фикрига кўра, қаерга қўйилган капитал ҳақиқий бойликка ва даромадга кўпроқ қиймат қўшади?

А) савдога;
Б) деҳқончиликка;

В) саноатга;
Г) қурилишга.

27. А. Смитнинг методологик нуқтаи назарига мувофиқ, шахсий манфаат:

А) умумий манфаатдан ажралмаган бўлади;
Б) жамият манфаатидан устун туради;
В) жамият манфаатига нисбатан иккиламчи;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

28. А.Смитнинг "кўринмас қўли" — бу:

А) жамият манфаатлари йўлида давлатнинг иқтисодиётни бошқарув механизми;
Б) тадбиркорлар рақобати эркинлиги шароитида кишиларнинг иродасига ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган иқтисодий қонунларнинг амал қилиши;
В) ўзбошимчаликка асосланган хўжалик юритиш механизми;
Г) режага асосланган хўжалик юритиш механизми.

29. Савдо тузилмасида А.Смит томонидан биринчи ўринга қўйилади:

А) ички савдо;
Б) ташқи савдо;
В) транзитли савдо;
Г) давлат савдоси.

30. А. Смит назариясига мувофиқ ҳар бир ривожланган жамиятда товарлар қиймати ташкил топади:

А) меҳнат сарфларидан;
Б) меҳнат ва капитал сарфларидан;
В) даромадлар суммасидан;
Г) пул сарфларидан.

31. А. Смит меҳнатни унумли ҳисоблайди, агар у сарфлаган бўлса:

А) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида;
Б) моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай тармоғида;
В) моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқларида;
Г) ички ва ташқи савдода.

32. А.Смит капитал тузилишини қуйидаги қисмлардан қайси бирига ажратади?

А) дастлабки ва ҳар йили қилинадиган авансларга;

Б) асосий ва айланма капитал;
В) доимий ва ўзгарувчи капитал;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

33. А.Смит таълимотида асосий ғоя:
А) иқтисодий либерализм ғояси;
Б) иқтисодиётга давлатнинг аралашуви ғояси;
В) иқтисодиётни монополлаштириш ғояси;
Г) иқтисодиётни давлат режалаштириши ғояси.

34. Қийматни аниқлашда Д. Рикардо қуйидагилардан қайси бирига асосланди?
А) меҳнат назариясига;
Б) харажатлар назариясига;
В) фойдалилик назариясига;
Г) пул назариясига.

35. Д. Рикардо "рента" категориясини қайси вариантда талқин қилди?
А) ердан олинадиган даромад сифатида;
Б) саноат соҳасидаги фойда сифатида;
В) ўртача фойда даражасидан ортиқча фермернинг қўшимча даромади сифатида;
Г) "ер инъоми" сифатида.

36. Д. Рикардо фикри бўйича, иш ҳақи пасайиш тенденциясига эга, негаки:
А) тадбиркорлар ишчиларнинг меҳнат баҳосини пасайтиради;
Б) туғилишнинг юқори суръати ортиқча меҳнат таклифини келтириб чиқаради;
В) машина ва механизмлар ишчи кучини сиқиб чиқаради;
Г) фойда нормаси пасайиб боради.

37. Фойда нормасининг пасайишга мойиллигини, Д.Рикардо бўйича, қайси сабаблар келтириб чиқаради?
А) капиталнинг бир иш туридан бошқасига оқиб ўтиши;
Б) "меҳнатни бозор баҳосининг" нисбатан ошиши;
В) ер унумдорлигининг пасайиши сабабли ундан олинадиган маҳсулотлар баҳосининг ошиши;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

38. "Қиёсли устунлик" назариясининг асосчиси — бу:
А) А.Смит;

Б) Д.Рикардо;
В) Ж.Б.Сэй;
Г) Ж.М.Кейнс.

39. Ж.Б. Сэйнинг "бозор қонуни" асосий қоидалари:

А) таклиф ўзига мос даражада талабни келтириб чиқаради;

Б) баҳо, иш ҳақи ва фоиз ставкаси мутлақо мослашувчан, ҳаракатчан;

В) иқтисодий инқирозлар бўлмайди, негаки уларнинг вужудга келиши вақтинча ва ўткинчи характерга эга;

Г) юқоридагиларнинг барчаси.

40. Кимнинг иқтисодий таълимоти вужудга келиши билан "Сэй қонуни" ўз кучини йўқотди?

А) К.Менгернинг;
Б) А.Маршаллнинг;
В) Ж.М.Кейнснинг;
Г) М.Фридменнинг.

41. Т. Мальтуснинг нуфус назариясига биноан камбағалликнинг бош сабаби:

А) аҳоли сони ўсишининг доимий юқори суръати;

Б) иш ҳақининг ўзгармас паст даражаси;

В) "тупроқ унумдорлигининг пасайиши қонуни";

Г) юқоридагиларнинг барчаси.

42. Т. Мальтуснинг нуфус назариясини қуйидагилардан ким қатъий инкор этди?

А) Д.Рикардо;
Б) Ж.С.Милл;
В) К.Маркс;
Г) А.Маршалл.

43. Т. Мальтус фикри бўйича такрор ишлаб чиқаришдаги "учинчи шахс"— бу:

А) жамиятнинг унумсиз қисми;

Б) ижтимоий маҳсулотни яратишга ва реализация қилишга ёрдам берувчи омиллар;

В) умумий ортиқча ишлаб чиқаришни бартараф қилувчи омиллар;

Г) юқоридагиларнинг барчаси.

44. Социализмнинг назарий-методологик муаммоларини кўриб чиқишга жазм қилган классик сиёсий иқтисоднинг биринчи муаллифи:

А) А.Смит;
Б) Ж.С.Милл;
В) К.Маркс;
Г) Т.Мальтус.

45. Ж.С. Миллнинг ислоҳот концепциясида тавсия этилади:

А) тақсимот қонунларини ўзгартириш;
Б) кооператив ассоциация ёрдамида ёлланма меҳнатни тугатиш;
В) ер солиғи ёрдамида ер рентасини умумийлаштириш;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

46. "Капитал" категориясини эксплуатация воситаси ва ўзўзидан ўсувчи қиймат сифатида тавсифлаган ягона классик сиёсий иқтисод вакили:

А) А.Смит;
Б) Ж.Б.Сэй;
В) К.Маркс;
Г) Ф.Кенэ.

47. К. Маркс фикрига кўра, фойда нормасининг пасайиш тенденциясини қуйидаги қайси сабаблар келтириб чиқаради?

А) капиталнинг бир иш туридан бошқасига оқиб ўтиши;
Б) капитал тузилишида ўзгарувчи капитал ҳиссасининг камайиши;
В) капитал тузилишида доимий капитал ҳиссасининг ошиб бориши билан бирга кузатиладиган капитал жамғарилиши;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

48. К. Марксниг такрор ишлаб чиқариш назариясида асослаб берилган қоидалар — бу:

А) "йиллик маҳсулот" қиммати билан бир йилда яратиладиган даромадларнинг айнан ўхшашлиги;
Б) оддий ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш турларининг фарқи;
В) тўйиб истеъмол қилмаслик иқтисодий инқирозлар доктринасининг асоссизлиги;
Г) капитализмда иқтисодий инқирозларнинг тасодифийлиги.

49. Маржинализм тадқиқоти асосланади:

А) умумий иқтисодий миқдорларга;
Б) ўртача иқтисодий миқдорларга;

В) меъёрли иқтисодий миқдорларга;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

50. Маржиналистлар бўйича товар қийматини ифодалаш асосланади:
А) меҳнат назариясига;
Б) харажатлар назариясига;
В) меъёрли фойдалилик назариясига;
Г) пул назариясига.

51. А. Маршалл фикрига кўра товар қийматини ифодалаш асосланади:
А) меҳнат назариясига;
Б) харажатлар назариясига;
В) меъёрли фойдалилик назариясига;
Г) меъёрли фойдалилик ва меъёрли харажатлар назарияларига.

52. Ж.М. Кейнс фикрига кўра, инвестицияга бўлган талабни рағбатлантириш учун давлат таъсир кўрсатиши керак ссуда фоизи нормасини:
А) оширишга;
Б) камайтиришга;
В) бир даражада ушлаб туришга;
Г) тўғри жавоб йўқ.

53.Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви зарурлиги назариясини илгари сурди:
А) Монстаристлар;
Б) Кейнсчилар;
В) Классиклар;
Г) Янги классиклар.

54. Ж.М.Кейнс назариясига мувофиқ жамғармалар инвестициялардан ошиши мумкин, агар:
А) фоиз ставкаси даражаси ошса;
Б) узоқ вақт иқтисодиётда ортиқча ишлаб чиқариш ва ишсизлик мавжуд бўлса;
В) "Сэй қонуни" амал қилмаса;
Г) иқтисодиётда ортиқча ишлаб чиқариш ва ишсизлик бўлмаса.

55. Ж.М.Кейнс фикрича, мамлакатдаги истеъмол харажатлари ҳажми энг аввало, боғлиқ бўлади:
А) истеъмолчининг яшаш жойига;

Б) пул таклифининг ўсиш суръатига;
В) миллий даромад даражасига;
Г) эгалик қиладиган даромадлар даражасига.

56. Д.Ж.Кейнс таълимотига мувофиқ даромадларнинг ошиб борини билан жамғармага бўлган мойиллик:
А) ошиб боради;
Б) пасайиб боради;
В) ўзгаришсиз қолади;
Г) тўғри жавоб йўқ.

57. Иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул, деган ғоя — бу:
А) Кейнсчилик ғояси;
Б) Монетаризм ғояси;
В) Институционализм ғояси;
Г) Маржинализм ғояси.

58. Беқарорлик, инфляция ва ишсизлик капиталистик иқтисодиёт учун характерли, шунинг учун давлат иқтисодиётни тартибга солиб турини керак, деган ғояни илгари суради:
А) Монетаризм;
Б) Классиклар;
В) Кейнсчилик;
Г) Янги классиклар.

59. Иқтисодиётни барқарор ривожлантиришда пул асосий роль ўйнайди — бу:
А) Монетаризм концепцияси;
Б) Классиклар концепцияси;
В) Кейнс концепцияси;
Г) Янги классиклар концепцияси.

60. Ж.М.Кейнс таълимотига мувофиқ, даромадлар ўзгаришининг инвестициялар ўзгаришига боғлиқлиги акс эттирилади:
А) инфляцияда;
Б) мультипликаторда;
В) акселераторда;
Г) юқоридагиларнинг барчаси.

61."Бекорчилар синфи назарияси" муаллифи ҳисобланади:
А) Т.Веблен;
Б) Ж.Коммонс;
В) У.Митчелл;

Г) Ж.К.Гелбрейт.

62. Конвергенция назарияси — бу:

А) капитализм ва социализм афзалликлари синтезига асосланади;

Б) социализмни инкор этиш ва капитализм трансформациясини тан олиш;

В) капитализмни инкор этиш ва социализмни такомиллаштиришга асосланади;

Г) иқтисодий ўсишнинг учинчи йўлини қидириб топиш.

МУНДАРИЖА

Кириш 3
1-мавзу. ҚАДИМГИ ДУНЁДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР 5
1.1. Қадимги Шарқдаги иқтисодий фикрлар. 5
Кўҳна Вавилония иқтисодий фикрлари 5
"Авесто"даги иқтисодий фикрлар 9
"Артхашастра" таълимоти 11
Қадимги Хитой иқтисодий ғоялари 13
1.2. Антик дунёдаги иқтисодий фикрлар 14
Қадимги Греция: Ксенофонт ва Платон иқтисодий қарашлари 14
Аристотелнинг иқтисодий қарашлари 17
Қадимги Римдаги иқтисодий қарашлар 19

2-мавзу. ЎРТА АСР ДАВРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР 23
2.1. Араб мамлакатларидаги иқтисодий ғоялар 23
Қуръони каримдаги иқтисодий кўрсатмалар 23
Ибн Холдуннинг иқтисодий қарашлари 24
2.2. Ўрта Осиёдаги иқтисодий ғоялар 26
А.Форобийнинг иқтисодий фикрлари 26
Ибн Синонинг иқтисодий қарашлари 28
Юсуф Хос Ҳожибнинг иқтисодий фикрлари 29
Амир Темурнинг иқтисодий қарашлари 30
А.Навоийнинг иқтисодий ғоялари 33
2.3. Ғарбий Европадаги иқтисодий ғоялар 36
Ф.Аквинскийнинг иқтисодий қарашлари 36

3-мавзу. МЕРКАНТИЛИЗМ 40
3.1. Меркантилизи биринчи иқтисодий тафаккурлар мактаби эканлиги 40
Меркантилизмнинг предмети ва услуби 40
Дастлабки ва кейинги меркантилизмнинг ўзига хослиги 42
Меркантилизмнинг тарихий аҳамияти 45

4-мавзу. КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ 48
4.1.У.Петтининг иқтисодий таълимоти 49

Бойлик ва пул назариялари 50
Қиймат назарияси 51
Даромадлар назарияси 51
4.2. П.Буагильберниинг иқтисодий таълимоти 54
Назарий қоидаларнинг ўзига хослиги 55
4.3. Физиократлар 56
Ф.Кенэ — физиократлар таълимотларининг асосчиси 56
Ўрганиш методи 57
Соф маҳсулот тўғрисидаги таълимот 58
Синфлар назарияси 59
Капитал назарияси 59
Такрор ишлаб чиқариш назарияси 60
4.4.А.Тюргонинг иқтисодий таълимоти 62
Иш ҳақи назарияси 63
Синфлар назарияси 64
Қиймат, пул ва фоиз назариялари 64
4.5. Физиократизмнинг аҳамияти ва унинг тарихий тақдири 65

5-мавзу: КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ РИВОЖЛАНИШИ 69
5.1. А.Смит ва унинг "Одамлар бойлиги..." асари 69
Бойликни кўпайтириш омиллари 70
Иқтисодий либерализм концепцияси 73
"Кўринмас қўл" 76
Қиймат назарияси ва баҳонинг шаклланиши 77
Меҳнат бозори ва пул 80
Тақсимот назарияси 81
А. Смит бўйича бойликни кўпайтиришга таъсир этувчи омиллар 82
5.2. Д.Рикардонинг иқтисодий таълимоти 82
Қиймат назарияси 83
Рента ва иш ҳақи назариялари 85
"Аср стагнацияси" 86
Қиёсли устунлик назарияси 87
5.3. Ж.Б.Сэйнинг иқтисодий таълимоти 88
"Бозор қонуни" 90
Қиймат ва ишлаб чиқариш омиллари назариялари 91
5.4. Т.Мальтуснинг иқтисодий таълимоти 94
"Нуфус қонуни" 94
Ижтимоий сиёсатга муносабат 96
Мальтус ва ҳозирги замон 97

6-мавзу. КЛАССИК ИҚТИСОДИЙ МАКТАБНИНГ ЯКУНЛАНИШИ 101
6.1. Ж.С.Миллнинг иқтисодий таълимоти 101
Ж.С.Милл методологияси 101
Қиймат, баҳо ва пул 102
Капитал ва фойда 103
Пул, кредит ва савдо инқирози назариялари 105
Иқтисодий тараққиёт 108

Ж.С. Милл ва ижтимоий масалалар 110
6.2.К. Марксинг иқтисодий таълимоти 111
Иқтисодий детерминизм 112
Ижтимоий формациялар назарияси 114
6.3."Капитал" 116
Қиймат назарияси 117
Қўшимча қиймат назарияси 118
Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш назарияси 120
Иқтисодий циклар 123
Иш ҳақи 124
Фойда ва фойда нормаси 125
Рента назарияси 127
6.4. Хулоса 128

7-мавзу. МАРЖИНАЛИЗМ ВА ЯНГИ КЛАССИК ВАЗИЯТ 131
7.1. Маржинализм 131
Маржинализм методологияси 131
Меъёрли фойдалилик назарияси ва буюмнинг субъектив қиммати. 132
Буюмларни тақсимлаш ва айирбошлаш 137
Ижтимоий меъёрли фойдалилик 139
Янги классиклар 140
7.2. А.Маршалл ва янги классик вазият 141
Қиймат (қиймат) ва нархнинг шаклланиши назарияси 142
Талаб ва таклиф 144

8-мавзу. КЕЙНСЧИЛИК 152
8.1. Ж.М.Кейнс таълимоти 152
Буюк турғунлик ва иқтисодий фаннинг ривожланиши 153
"Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" асаридаги бош ғоя 155
Ўрганиш предмети ва услуби 155
Самарали талаб 157
Инсоннинг психологик мойиллиги 159
Классиклар методологиясидан фарқи 161
Жамғарма ва инвестициялар муаммоси 162
Кейнсчилик "крести" 164
Мультипликатор 166
Ликвидлик устунлиги назарияси 168
Пул бозори ва фоиз ставкаси 169
Иқтисодиётни давлат томонидан тартиблашнинг чора-тадбирлари 171
8.2. Янги кейнсчилик 172

9-мавзу. МОНЕТАРИЗМ 176
9.1. Монетаризм концепцияси 176
Пулга бўлган талаб ва таклиф 177
Монетаризмнинг асосий қоидалари 179
Айирбошлаш тенгламаси 181
Пул массаси ва иқтисодий циклар 182

Монетар концепциясининг кейнсчиликдан фарқи 184
10-мавзу. ИНСТИТУЦИОНАЛИЗМ 187
10.1. Иқтисодий фанда социал-институционал йўналиш 187
Т.Веблен — институционализм асосчиси 188
Институционализмдаги раҳнамолар 189
10.2. Урушдан кейинги институционализм (40-70 й.) 191
Ж.К.Гелбрейт: "Янги индустриал жамият концепцияси" 191
Конвергенция концепцияси 194
"Халқ капитализми" 195
"Индустриал жамиятдан кейинги жамият" 196
Иқтисодий ўсиш босқичлари 197

Иқтисодий таълимотлар тарихи бўйича тест саволлари 200

Исломов Абдулла Абдуллаевич
Эгамов Эсон Эгамович

ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

Бадиий муҳаррир *У. Солиҳов*
Техник муҳаррир *Т. Харитонова*
Мусаҳҳиҳ *М. Раҳимбекова*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*

Теришга берилди 27.11.02. Босишга рухсат этилди19.05.03.
Қоғоз бичими 84x1081/32. Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма т. 11,34. Нашр т. 10,55. Нусхаси 2000.
Буюртма № 65. Баҳоси шартнома асосида.

«Ўзбекистон» нашриёти. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 135-2002.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди.
700194, Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1.

Исломов А., Эгамов Э.

И 37 Иқтисодий таълимотлар тарихи: олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма.— Т.: «Ўзбекистон», 2003.—216 б.

ISBN 5-640-08108-9

Иқтисод фанлари номзодлари, профессорлар А. Исломов, Э. Эгамовлар томонидан ёзилган ушбу ўқув қўлланмадан кўзда тутилган асосий мақсад турли даврларда яшаб ижод қилган олим ва мутафаккирларнинг иқтисодий фикрлар соҳасидаги тарихий мероси ва ғоявий бойликларини ўрганишда талабаларга кўмаклашишдан иборат. Иқтисодий фанда олдин амал қилиб келган ва ҳозир амал қилаётган алоҳида мактаб ва йўналишларнинг концепция ва назарияларини ўрганиш иқтисодиёт назариясидан олган билимларни мустаҳкамлашга ва чуқурлаштиришга, мамлакатимизда содир бўлаётган иқтисодий ҳодисаларни мустақил таҳлил қилишга ва тўғри хулоса чиқаришга ёрдам беради.

Қўлланма иқтисодий таълимотлар тарихини ўрганувчи талабаларга мўлжалланган.

ББК 65.02

И $\frac{0605010404 - 61}{М351(04)2002}$ 2003

"ЎЗБЕКИСТОН"